




Internews
Local voices. Global change.



**Диний эркинлик ва динларнинг
хилма-хиллиги билан боғлиқ
мавзуларни оммавий ахборот
воситаларида ёритиш
бўйича қўлланма**



**ДИНИЙ ЭРКИНЛИК ВА ДИНЛАРНИНГ
ХИЛМА-ХИЛЛИГИ БИЛАН БОҒЛИҚ
МАВЗУЛАРНИ ОММАВИЙ АХБОРОТ
ВОСИТАЛАРИДА ЁРИТИШ
БЎЙИЧА ҚўЛЛАНМА**



Ушбу услубий қўлланма Интерньюснинг “Этиқод эркинликни ёритишни қўллаб-қувватлаш ва тарғиб қилиш” (SCARF) лойиҳаси доирасида ишлаб чиқилган. Муаллифлар унинг мазмуни учун жавобгар ҳисобланади ва уларнинг фикри Интерньюс позициясини акс эттирмайди.

Муаллифлар:

- Машарипов Нажотбек Жуманиёзович - migojaat24.uz бош муҳаррири, блогер, медиатренер
- Саидова Муҳайё Октамовна - ЎзДЖТУ Медиа ва коммуникация факультетининг катта ўқитувчиси, журналист, медиатренер.
- Баҳриев Карим Ҳақимович - медиаюрис, Ўзбекистон журналистлар уюшмаси Жамоатчилик кенгашининг раиси, Ўзбекистон Республикаси Журналистика ва оммавий коммуникациялар университети медиа ҳуқуқи ва этикаси ўқитувчиси
- Абдуллаева Моҳира Захиджановна - тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)



МУНДАРИЖА

Кириш	4
1-қисм. Дин эркинлиги ва динлар хилма-хиллигига оид назарий масалалар	7
§ 1.1. Толерантлик (бағрикенглик) тушунчасининг талқини	8
§ 1.2. Ўзбекистонда диний бағрикенглик тарихи	9
§ 1.3. Маданий хилма-хиллик ва миллатлараро тотувликни ривожлантириш	14
§ 1.4. Ўзбекистонда фаолият юритаётган ноисломий диний конфессиялар	16
2-қисм. Диний эркинлик ва диний хилма-хилликни оммавий ахборот воситаларида ёритишга таъсир этувчи ҳуқуқий масалалар	21
§ 2.1. Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган ва мажбурий кучга эга бўлган диний соҳани тартибга солувчи халқаро норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг таҳлили	22
§ 2.2. Ўзбекистон Республикасининг диний соҳани тартибга солувчи қонун ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари таҳлили	33
§ 2.3. Қандай қилиб оммавий ахборот воситалари дин эркинлиги ва диний хилма-хиллик билан боғлиқ зиддиятли масалаларни қонунлар ва ахлоқий меъёрларни бузмасдан ёритиши мумкин?	47
§2.4. ОАВ ходимлари, журналистлар ва блогерлар учун таъсирлар	49
3-қисм. Диний эркинлик ва динлар хилма-хиллиги масаласини ёритишга оид амалий ёндашувлар	54
§ 3.1. Оммавий ахборот воситаларида диний эркинлик ва динларнинг хилма-хиллигини ёритишда низоларга сезгир ёндашув	57
§ 3.2. Ахборот манбалари: мавзуни ёритишда оддий одамлар ва манфаатдор томонларнинг овозлари	65
§ 3.3. Қизиқарли ҳикоя (стори): асослар, мавзуни шакллантириш, муаммони аниқлаш, яхши ҳикоя топиш ва ана шу ҳикоя ҳақида сўзлаб бериш	77
§ 3.4. Диний эркинлик бўйича юқори сифатли контент яратиш (чек-листдан фойдаланган ҳолда контент устида ишлаш)	87
4-қисм. Дин эркинлиги ва хилма-хиллик мавзусини ўқитиш методикаси	91
§ 4.1. Диний эркинлик ва хилма-хиллик бўйича тренинг фалсафаси ва методологияси	93
§4.2. Офлайн режимдан онлайн режимга ўтиш	103
§ 4.3. Машғулот усуллари: гуруҳларда ишлаш, интерфаол, амалий ишлар ва бошқалар ..	115
§ 4.4. Продакшн ва менторинг (ёзишдан олдинги ишлар, ғоялар, материал учун мавзу излаш, материални тайёрлаш жараёни, мураббийлик)	125
Иловалар	
1 - Илова. ХҲ машқи	132
2 - Илова. “Кема ҳалокати” машқи	135
3 - Илова. Жалб этилган экспертлар учун техник топшириқ	136
4 - Илова. “Низо тарихи ва журналистик материалда унинг пайдо бўлиши” чек-листи	137
5 - Илова. Дунёвий/дунёвий бўлмаган нашрнинг асосий хабари бўйича баҳолаш чек-листи	138
6 - Илова. “Истайманки, менинг аудиториям”	139
7 - Илова. “Эътиқод эркинлиги ва диний хилма-хиллик” мавзусидаги контентни баҳолаш мезонлари	140
8 - Илова. “Эътиқод эркинлиги ва диний хилма-хиллик” мавзусига бағишланган “Мазмунни баҳолаш кўрсаткичлари” асосидаги назорат варақаси	142



КИРИШ

Internews томонидан Ўзбекистон ва Тожикистонда амалга оширилаётган “Диний эркинликларни ёритиш ва тарғиб қилиш” лойиҳаси доирасида “Оммавий ахборот воситаларида диний эркинлик ва хилма-хилликни ёритиш бўйича қўлланма” тайёрланди ва чоп этилди.

Лойиҳанинг мақсади: демократик ва бағрикенг жамиятларни янада ривожлантириш учун диний эркинлик масалалари бўйича журналистик материалларнинг сифати, миқдори ва тарқатилишини яхшилашдан иборатдир.

Бунинг учун Internews маҳаллий журналистларга мувозанатни сақлаш йўллари ўргатиш, диний жамоалар ҳаёти, воқелигимизда диний эркинликлар мавжудлигининг турли жиҳатларини оммавий ахборот воситаларида ёритиш орқали уларнинг касбий салоҳиятини оширади.

Дастлаб Ўзбекистон ва Тожикистонда медиа-тренерлар тайёрланиб, улар дин

эркинлиги ва динларнинг хилма-хиллиги мавзуларида тренинг дастурларини ишлаб чиқиш ва ўтказишни ўргандилар. Кейин ушбу мамлакатларда журналистлар ва блогерлар учун дин ҳамда диний мавзулар одамлар ҳаёти ва шахсий ҳикояларининг муҳим кундалик жиҳатлари бўлган репортаж ва мақолалар тайёрлаш бўйича тренинглар ташкил этилди.

Ушбу қўлланма мавзу доирасидаги барча тажрибаларни жамлади ва одамлар ҳамда уларнинг динлари ҳақида сифатли журналистик материаллар яратмоқчи ёки бошқаларга буни ўргатмоқчи бўлган ҳар бир киши учун фойдали бўлиши мумкин. Журналистлар, блогерлар ва бошқа контент ишлаб чиқарувчилар учун мўлжалланган ушбу амалий қўлланма, шунингдек, медиа-тренерлар, журналистика кафедралари ўқитувчилари ва мудирлари ҳамда таълим лойиҳалари ходимлари учун услубий қўлланма ҳисобланади.

Қўлланма 4 та алоҳида қисмдан иборат:

1. Диний ёндашувлар ҳамда эътиқод эркинлиги ва диний хилма-хиллик масалаларини илгари суриш жараёнлари ва хусусиятларини тушунтириш;
2. Диний эътиқод эркинлигини таъминлаш соҳасидаги мавжуд қонунчиликнинг халқаро ва миллий амалиётини ўз ичига олган ҳуқуқий шарҳлар;
3. Диний эркинлиги ва динлар хилма-хиллиги масалаларини ёритиш бўйича журналистик ёндашувлар;
4. Журналист ва блогерларга диний эркинлик ва динлар хилма-хиллиги масалалари билан боғлиқ мавзуларида контент ишлаб чиқаришни ўргатиш методикаси.

Нима сабабдан бу қўлланма фойдали?

- Қўлланмада экспертлар томонидан диққат билан танланган ва тўпланган диний тадқиқот материаллари мавжуд бўлиб, бу ҳатто ҳали мавзуга тайёр бўлмаган ўқувчига ҳам дин эркинлиги нима эканлигини ва у турли тарихий даврларда ҳамда ҳар хил мамлакатларда кишилик жамоаларида қандай амалга оширилаётганини тушунишга ёрдам беради;
- Қўлланмада журналист ва блогерларни ушбу мавзу бўйича контент тайёрлашда тушунмовчиликлар, ахлоқий меъёрларнинг бузилиши ва ҳуқуқий ҳаттолардан огоҳлантириш ва ҳимоя қилиш мақсадида диний эътиқод эркинлиги

ва диний эътиқодларнинг хилма-хиллигига оид қонун ҳужжатларини батафсил таҳлил қилишга алоҳида ўрин берилган;

- Қўлланма эътиқод эркинлиги ва диний эътиқодлар хилма-хиллиги билан боғлиқ мавзуларда тизимли равишда юқори сифатли контент яратишга ёрдам берадиган, ушбу ғояларни ижодий, зиддиятли тарзда тарғиб қилишга ҳисса қўшадиган методологияга асосланади;
- Қўлланмада фойдаланувчини контент ишлаб чиқиш ва контент яратишнинг барча босқичлари бўйича йўналтирувчи кўплаб амалий воситалар, назорат варақалари ва ўқув машқлари мавжуд.

Қўлланма кимларга ёрдам беради?

Журналистлар ва блогерларга

агар улар диний эркинлик ва динлар хилма-хиллиги масалаларига оид мақола ва маърузалар учун янги форматлар, ғоялар ва мавзулар, шунингдек уларни яратиш бўйича тавсиялар топишни истасалар.

Таҳририятларга

агар улар диний эркинлик ва динлар хилма-хиллиги масалаларига оид юқори сифатли контентни мунтазам яратишни истаса, ўз журналистларининг диний-ҳуқуқий жиҳатлари ва йўналишларидаги салоҳиятини оширишга ҳаракат қилса.

Медиа тренерлари ва журналистика кафедралари ўқитувчиларига

агар улар ўз машғулотлари учун диний эркинлик ва динларнинг хилма-хиллиги масалалари бўйича янги услублар, ёндашувлар, шакллар ва машқларни топишни хоҳласалар.

Мазкур қўлланманинг яна бир хусусияти уни яратиш устида ишлаган муаллифларнинг таркиби билан боғлиқ: улар Ўзбекистон ва Тожикистондаги дин соҳаси мутахассислари, медиа ҳуқуқшунослар, шунингдек, ана шу мамлакатларнинг медиа-тренерлар жамоаси бўлиб, уларнинг тажрибалари қўлланма бўлимларини тайёрлашда бирлаштирилган. Бундай бирлашган муаллифлик ёндашуви қўлланма материалларини турли соҳа мутахассисларининг фикрлари, билимлари ва тажрибасини бевосита тақдим этадиган кўп қиррали платформага айлантириш имконини берди.

Тожикистонда қўлланма лойиҳанинг Тожикистон Республикаси ҳукумати ҳузуридаги Дин, анъаналар, байрам ва маросимларни тартибга солиш бўйича қўмитаси билан ҳамкорликда тайёрланди.

Қўлланмани тайёрлаш ишига лойиҳанинг халқаро эксперти, медиа-тренер, журналист, Сол Плате номидаги ОАВ етакчилиги институти (Родос университети) тадқиқотчиси – Питер ду Туа катта ҳисса қўшди.

Ушбу қўлланма диний эркинлик ва динлар хилма-хиллиги ғоялари ва амалиётларини кенг тарғиб қилишга қизиққан ҳар бир киши учун қизиқарли бўлади.



ДИНИЙ ЭРКИНЛИК ДИНЛАРНИНГ

ХИЛМА-ХИЛЛИГИ

Багрикенглик ва тинч-
тотув яшаш МАДАНИЯТИНИ
ШАКЛЛАНТИРИШДА ДИНИЙ
ОМИЛНИ ҲИСОБГА ОЛИШ
ЗАРУР

ТИНЧЛИКНИ
ҚУРИШ



Виждон эркинлиги

ҳар бир шахснинг динга
муносабатини ихтиёрий ва
мустақил равишда белгилаш ва
унга эътиқод қилиш ёки
қилмаслик, диний қарашларини
ўзгартириш ва эътиқодини ифода
этиш ҳуқуқи

Дин эркинлиги

ҳар бир шахснинг исталган
динни эркин ва мустақил
танлаш ва эътиқод қилиш
ҳуқуқи

ЎЗАРО МУНОСАБАТЛАРДА
ИШОНЧСИЗЛИК ВА
МУРОСАСИЗЛИК ИЖТИМОЙ
БЕҚАРОРЛИК ВА
НИЗОЛАРГА ОЛИБ КЕЛАДИ

ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИНИНГ РОЛИ:

- ДИНЛАРНИНГ ҚОНУН ОЛДИДА ТЕНГЛИГИ ҚАНДАЙ ТАЪМИНЛАНГАНЛИГИ
- ДИНЛАРНИНГ ҲЕЧ БИРИ БОШҚАЛАРДАН УСТУН ТУРМАСЛИГИ КЕРАКЛИГИ
- ТУРЛИ ДИНЛАРГА ЭЪТИҚОД ҚИЛУВЧИ ОДАМЛАРНИНГ УРФ-ОДАТЛАРИ ВА ҲАЁТИ ҲАҚИДА
- ДИНИЙ МАСАЛАЛАРГА ОИД ҚОНУНЛАР ВА УЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ МУАММОЛАРИ ҲАҚИДА ГАПИРИБ БЕРИШ

ЎЗАРО ЁРДАМ,
БОШҚА ОДАМЛАРНИНГ
ҚАРАШЛАРИ ВА
ҚАДРИЯТЛАРИНИ
ҲУРМАТ ҚИЛИШ
ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИГА
ЙЎЛ ОЧАДИ

ИШОНЧ

Маънавий
муҳит ва
барқарорлик



Ушбу қисмнинг афзаллиги шундаки, у диний эркинлик ва конфессиялараро муносабатлар мавзусининг асосларини тарихий мисоллар орқали ижобий томонларга эътиборга қаратган ҳолда: танқидсиз, ташвиқотсиз, бир диннинг бошқа диндан устунлигини таъкидламасдан тадқиқ қилиш имкониятини беради. Ахборот маконида диний хилма-хиллик, конфессиялараро муносабатлар, виждон эркинлиги ҳақидаги материалларни мамлакат қонунчилигини бузмаган ҳолда тўғри, тўғри ёритиш, тақдим этиш борасидаги тажрибамиз билан ўртоқлашмоқчимиз.

Бизнинг мақсадли аудиториямиз, энг аввало, журналистлар, блогерлар, экспертлар, диний ташкилотлар вакиллари, давлат органлари матбуот котиблари, Дин ишлари бўйича вакиллар ҳамда диний эркинлик, виждон эркинлиги, конфессиялараро муносабатлар, диний бағрикенглик ва толерантлик масалалари билан қизиқувчи ва ёритувчи барчадир.

Ушбу қисмни ўқиб чиққандан сўнг, биринчи навбатда, мавзу луғатидан қандай фойдаланишни тушунасиз; иккинчидан, диний эркинлик масалалари бўйича билим қутисини тўлдириш; учинчидан, диний ташкилотлар, уларнинг раҳбарлари, давлат органлари, дин ишлари бўйича вакиллар ўртасидаги тарихий алоқалар ҳақида тушунчангизни яхшилаш; тўртинчидан, материалларингиз сифатини яхшилашга эришасиз.

Сиз муҳим саволларга жавоб olasiz. Масалан, кичик диний ташкилот билан қандай алоқа ўрнатиш керак? Албатта, биринчи навбатда, сиз диний ташкилотнинг ўзини, уларнинг эътиқодининг ўзига хос хусусиятларини,

нимага рухсат берилганини, нима таъқиқланганини, ташкилот раҳбарига, диндорларнинг ўзига қандай мурожаат қилишини, уларнинг рамзлари ва хусусиятларини ўрганишингиз керак. Иккинчидан, бошқа динларга нисбатан улар билан ҳеч қачон бир-бирига солиштирган ҳолда, яъни уларда фалон урф-одатлар бор, лекин нега сизда бошқача, дея баҳслашманг. Ахир бундай ёндашув муносабатларни мустаҳкамлашга ёрдам бермайди.

Бу ерда сиз танишадиган ҳолатлар, маълумотномалар, ёндашувлар ўз мулоҳазаларингиз учун асос бўлиб, зиддиятли вазиятлар ва тушунмовчиликлардан қочиш имконини беради.

Боб материалларидан нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари, экспертлар, дин уламолари, диний ташкилотлар билан тренинглар ва учрашувларга тайёргарлик кўришда фойдаланишлари мумкин.

Улар мустақил ўрганиш учун мўлжалланган ва агар саволлар ёки тушунмовчиликлар юзага келса, сиз эксперт дин олими ёки диний ташкилот вакили, шунингдек, диний ишлар бўйича ваколатли давлат органининг мутахассиси билан боғланишингиз мумкин. Лекин биз материалларни ўқувчининг ўзи ўзлаштириб олиши ва хулоса чиқариши учун тайёрладик.

Ушбу мавзунинг ўрганишининг энг яхши усули бу бобни ўқиб чиқиш, бирор нарса аниқ бўлмаган ёки тажрибангизга тўғри келмайдиган жойни четига ёзиб қўйинг ва уни яна диққат билан ўқинг. Агар такрорий ўқиш пайтида тушунмовчилик сақланиб қолса, у ва сизнинг фикрингиз мутахассисларга савол бериш учун яхши асос бўлади.



§ 1.1. ТОЛЕРАНТЛИК (БАҒРИКЕНГЛИК) ТУШУНЧАСИНИНГ ТАЛҚИНИ

Кишилик жамияти ҳамма вақт турли ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, миллий, маданий, диний ва шунга ўхшаш мезонлар асосида фарқланувчи турли қатламлар ва гуруҳлар мажмуини ташкил этиб келган. Улар ўртасидаги муносабатларнинг мазмуни жамиятнинг ҳақиқий ҳолатини кўрсатувчи омил сифатида намоён бўлган. Агар бундай муносабатлар ўзаро тушуниш, ўзгача қарашлар ва қадриятларга ҳурмат билан ёндашиш, содда қилиб айтганда, бағрикенглик асосига қурилган бўлса, жамият тараққиёти учун йўл очган. Ўзаро муносабатлардаги ишончсизлик, тоқатсизлик эса ҳаммиша ижтимоий беқарорлик, турли кўринишдаги низоларга сабаб бўлган.

Жамият турли дин ва эътиқод вакиллари билан иборат бўлган бир пайтда ижтимоий алоқалар тизимида конфессиялараро муносабатлар ҳам муҳим аҳамият касб этади. Уларнинг бағрикенглик асосларига қурилиши жамиятдаги умумий маънавий муҳит ва барқарорликни белгилаб берувчи омил сифатида намоён бўлишига замин яратади.

Ўзбекистондаги диний бағрикенгликнинг қачон шаклланганлигини билиш учун тарихга назар соламиз. Бу юртга ислом дини келмасдан олдин ҳам зардуштийлик, яҳудийлик, насронийлик, буддавийлик каби бир неча динлар мавжуд бўлган ва улар ўзаро ҳамжиҳатликда ҳаёт кечирганлар.

Ўзбекистон ҳудуди қадим даврлардан турли маданият, тил, урф-одат, турмуш тарзига эга бўлган, хилма-хил динларга эътиқод қилувчи аҳоли яшаган ўлка эканига гувоҳ бўламиз. Минг йиллар мобайнида Марказий Осиё хилма-хил динлар, маданиятлар ва турмуш тарзлари туташган ва тинч-тотув яшаган марказ бўлиб келган. Этник сабр-тоқат,

бағрикенглик ҳаёт бўронларидан омон қолиш ва ривожланиш учун зарур табиий меъёрларга айланган.

Ўзбекистоннинг географик нуқтаи назардан муҳим савдо йўллари чорраҳасида жойлашгани, кўплаб давлатлар билан иқтисодий, маданий алоқалар қилгани маҳаллий халқнинг диний ва маданий ҳаётига катта таъсир кўрсатган ва ўзига хос турмуш тарзини шакллантиришда муҳим омиллардан бири бўлиб хизмат қилган. Миллати ва диний қарашларидан қатъи назар, инсонни ардоқлаш ва ўзгаларни қадрлаш, катталарга ҳурмат ва бошқаларни иззат қилиш каби туйғулар халқимизнинг юксак сифатларига айланган. Айнан шу омиллар Ўзбекистон халқларининг нафақат маънавий-маърифий, балки диний бағрикенг (толерант)лигининг маънавий асосини ташкил қилади.

Диний бағрикенглик маданияти – шахсининг диний қадриятларни ҳурмат қилиши, бошқа динлар, урф-одатлар, диний урф-одатлар, ўзга диний қадриятлар, эътиқодлар ва турмуш тарзига нисбатан сабр-бардошли бўлиш, чидамлик, виждон уйғоқлиги ҳамда руҳий покланишдир.

“Бағрикенглик” тушунчаси илмий фалсафалар ва ижтимоий ҳаётнинг турли соҳалари, жумладан, сиёсат ва сиёсатшунослик, социология, фалсафа, илоҳиёт, ижтимоий ахлоқ, диншунослик каби соҳаларда кенг истифода этиладиган тушунчалардан бири ҳисобланади. Лотинча “tolerare”, яъни “чидамоқ”, “сабр қилмоқ” маъносини англатган бу сўз, асосан бир инсоннинг бошқа инсон дунёқарашига тоқат қилишини билдирса-да, этимологик таҳлил унинг том маъносини доим ҳам очиб беравермайди.

Бағрикенглик – бизнинг дунёимиздаги турли бой маданиятларни, ўзини ифо-

далашнинг ва инсоннинг алоҳидалигини намоён қилишнинг хилма-хил усулларини ҳурмат қилиш, қабул қилиш ва тўғри тушунишни англатади. Уни билим, самимият, очиқ мулоқот ҳамда ҳур фикр, виждон ва эътиқод вужудга келтиради. Бағрикенглик – турли-туманликдаги бирликдир. Бу фақат маънавий бурчгина эмас, балки, сиёсий ва ҳуқуқий эҳтиёж ҳамдир. Бағрикенглик – тинчликка эришишни мушарраф қилувчи ва уруш маданиятсизлигидан тинчлик маданиятига элтувчидир.

1995 йил 16 ноябрь куни ЮНЕСКО томонидан қабул қилинган “Бағрикенглик тамойиллари Декларацияси”даги “толерантлик” сўзи “бизнинг дунёдаги маданиятларнинг бой хилма-хиллигини ҳурмат қилиш, қабул қилиш ва тўғри тушуниш, ўзимизни ифодалаш шаклларимиз ва инсон индивидуаллигини намоён қилиш усулларини англатади. У билим, очиқлик, мулоқот ва фикр,

виждон ва эътиқод эркинлиги билан таъминланади” деган тушунчаларни ифодалайди. Мазкур ибора ўзбек тилида “бағрикенглик” сифатида ўрнашиб қолди. Рус тилида “терпимость” сўзи, бошқачасига айтганда, “снисходительность”, яъни бағрикенглик, кенгфеъллик маъноларини англатар экан, диний соҳа ҳақида гап кетганда руслар “веротерпимость” сўзини ишлатишди. Ўзбек тилида “диний бағрикенглик” ибораси айнан шунга адекват бўла олади.

Диний бағрикенглик турли дин вакиллари эътиқодидаги мавжуд ақидавий фарқлардан қатъи назар, уларнинг ёнма-ён, ўзаро тинч-тотув яшашини англатади. Ҳар ким ўз эътиқодига амал қилишда эркин бўлгани ҳолда бу ҳуқуққа бошқалар ҳам эга эканини эътироф этмоғи лозим.

§ 1.2. ЎЗБЕКИСТОНДА ДИНИЙ БАҒРИКЕНГЛИК ТАРИХИ

Илмий манбалар Ўзбекистон илк диний қараш ва тасаввурлар юзага келган энг қадимий ўлкалардан бири эканини кўрсатади. Қадим замонлардан оқ ўлкада зардуштийлик, буддавийлик, яҳудийлик, насронийлик каби мураккаб мафкуравий тизимга айланган динлар мавжуд бўлган.

VIII асрда Моврауннаҳрга (замонавий Ўзбекистон ва Ўрта Осиёнинг алоҳида қисмлари)¹ кириб келган ислом ва маҳаллий динларнинг, уларга хос қадрият ва одатларнинг қоришиши юз берди. Мовароуннаҳр халқлари ислом динига маҳаллий диний ахлоқ ғоялари, ҳуқуқий меъёрлари ва урф-одатларини олиб кирдилар. Мовароуннаҳрда бу ҳолат исломнинг ўзига хос хусуси-

ятлар касб этишига сабаб бўлди. Ўша вақтга келиб минтақада шаклланиб улгурган қулай бағрикенглик муҳитида бу тасодифий ҳодиса эмас эди.

Азалдан Ўзбекистонда мажуд диний бағрикенглик бу даврда янада кенг тарғиб этилган. Ислом асосий эътиқод шаклларида бири бўлишига қарамасдан, асрлар давомида масжид, черков ва синагогаларнинг ўз диний амалларини эркин адо этиб келаётгани бунинг тасдиғидир. Тарихнинг энг мураккаб даврларида ҳам улар ўрта-сида диний асосда можаролар бўлмагани Ўзбекистонда диний бағрикенглик борасида катта тажриба тўплаганидан далолат беради.

¹ Hozirgi zamon tarixiy-geografik ilmiy adabiyotda Movarounnahr deganda, asosan, Turkmanistondan tashqari bo'lgan O'rta Osiyo hududlari, ya'ni, O'zbekiston, Tojikiston, Qirg'iziston va Qozog'istonning janubiy qismi tushuniladi. – Википедия (uz.wikipedia.org) [музоахат санаси – 25.04.2022]



Бунга мисол тариқасида, яҳудий жамияти вакилларида бири – Р.Бенеман Бухорода биринчи синагога VIII асрда қурилгани ва бу дин (иудаизм) вакиллари ўша даврда мавжуд шароитда ўз динини эркин эътиқод қилганликларини таъкидлайди. У шундай деб ёзади: “Ўрта асрларда Европада ва Ўрта Осиёда Византияда таъқибга учраган яҳудийлик бошқа динлар билан бир хил ҳуқуқларга эга эди”. Кейинроқ, XIX асрда Россиянинг марказий минтақаларидан мажбурлаб кўчирилган деҳқонлар ночор аҳволга тушиб қолганда мусулмон аҳоли уларга ҳар томонлама ёрдам кўрсатган. Ўша давр воқеаларини кўрган иеромонах Харитон “маҳаллий аҳоли ночор кўчманчиларга раҳмдиллик билан муносабатда бўлдилар, бусиз уларнинг кўпчилиги очлик ва муҳтожликдан ўлиб кетган бўлар эдилар”, - деб гувоҳлик берган. Ўзбекистонда конфессиялараро тотувлик ва бағрикенглик ҳукм сурганидан далолат берувчи бошқа маълумотлар ҳам бор. Тарихий манбаларда ўтмишда Ўзбекистонда диний муносабатлар асосида бирор марта ҳам низо чиқмагани қайд қилинади.

Ўзаро ҳамкорлик, бағрикенглик муҳитини ҳозирги Ўзбекистондаги ислом, христиан, иудаизм ва бошқа конфессияларнинг ўзаро муносабатлари мисолида ҳам кўриш мумкин.

Турли тил ва маданиятларни билиш, этник ва лисоний бағрикенглик, ўзгалар борлиғи ва дунёқарашининг ижобий жиҳатларини ўзига қабул қила олиш хусусияти жамиятга янги ғоялар ва янги ижтимоий-иқтисодий ресурсларнинг кириб келишига имконият яратади. Буни Ўзбекистон мисолида, этник хилма-хиллик турли йўналишларда “чегараларини очаётгани” ҳамда этнослараро бағрикенглик туфайли жаҳон ҳамжамиятининг мамлакатга нисбатан ҳурмати ва ишончининг ортиб бораётганида ҳам кўришимиз мумкин.

Аслини олганда, ўзбек давлатчилиги тарихи кўплаб халқлар, оддий инсоний, лисоний, маданий даражалардаги ўзаро таъсир натижасида бойиб борган. Бундай таъсир, шунингдек, этнослараро, маданий, лисоний бағрикенглиги унинг узоқ тарихи, миллий ўзига хослигининг сақланиши ва ривожланишининг ҳам муҳим омили бўлди.

Бугунги кунда ҳам биз ушбу фикрнинг тасдиғини кўриб турибмиз. Ўзаро ҳамжиҳатлик ва бағрикенглик туфайли ўзбек жамияти ўтиш даврига хос бўлган ички этнослараро зиддиятлардан холи яшамокда. Ваҳоланки, бундай зиддиятлар бир қатор мамлакат ва минтақаларда содир бўлгани, уларнинг тадрижий тараққиётини издан чиқариб юборгани ҳаммага маълум. Мустақил Ўзбекистон эса, аксинча, бутун дунёга этнослараро тотувлик ва бағрикенглик жамиятни ислоҳ этишнинг муҳим ресурси эканини исботлаш борасида намуна бўлмоқда. Тарих мамлакатда ҳамisha ижтимоий ҳамкорлик руҳи ва бағрикенгликни тарғиб этувчи қадриятлар устувор бўлиб келганидан далолат беради.

Шунингдек, бағрикенглик этник гуруҳларнинг янги мазмундаги иқтисодий ҳаёт, хўжалик юритиш шакллари ҳамда ижтимоий демократияни қарор топтиришда муҳим роль ўйнаётганини ҳам таъкидлаш жоиз. Ночор ва ёрдамга муҳтож кишиларни қўллаб-қувватлаш, уларга кўмак бериш, сахийлик улуғ инсоний фазилат сифатида эътироф этилганида, унинг соҳибларига эса юксак иззату икром кўрсатилганида ҳам шундай қадриятларни кўриш мумкин.

Ўзбек халқининг асрлар оша шакланган тажрибасини ўзида мужассам этган “Сахийнинг қўли очик, қўли очикнинг йўли очик”, “Ўнг қўлинг берсин, чап қўлинг билмасин” мазмунидаги мақоллари, аз-Замахшарийнинг “Хайру эзгуликдан бошқа инсонга кўркамлик берадиган ҳеч нарса йўқдир”, Аҳмад Югнакийнинг “сахийлик шараф, мартаба ва камолотингни орттиради”,

- деган сўзлари ҳам фикримизнинг исботи бўла олади.

Шу билан бирга, Ўзбекистонда азалдан бойлик туфайли кибру ҳавога берилиш ҳамда ёмонлик ва ёвузликнинг ҳар қандай кўриниши қатъий қораланиб келинган. Халқнинг пурмаъно ҳикматларини ўзида мужассам этган “Девону луғотит турк”да “Молю мул-кинг кўпайса, мағрурланиб қутурма”, “Ҳибат-ул-ҳақойиқ”да эса “Зинҳор зўравонлик ва зулм қилма, агар киши қийинчиликка тушса, сен унга кўмак бер”, - деб таъкидлангани бундай миллий қадриятларнинг илдизлари узоқ мозийга бориб тақалишидан далолат беради.

Абу Наср Форобий ўзининг “Фозил одамлар шаҳри” асарида ўзаро то-тувлиқ ва ҳамжиҳатлик руҳи устуворлигини фозил шаҳарларнинг муҳим белгиси ҳамда уларнинг гуллаб яшнаши, фаровонлиги ва бахт-саодати тантанасининг замини, ўзаро кўмак, меҳр-мурувватнинг йўқлиги эса жоҳил шаҳарларнинг асосий хусусияти ҳамда фитна, фисқу фужур ҳукмрончилигининг сабаби сифатида қайд этади.

“Одамларга нисбатан уларни бирлаштирувчи асос инсонийликдир, шунинг учун ҳам, одамлар инсоният туркумига бирлашганликлари туфайли ўзаро тинчликда яшамоқлари лозим”, - деган фикрлари ҳам буюк файласуфнинг ижтимоий ҳамкорликни жамият тараққиётини таъминловчи омиллардан бири, деб ҳисоблаганини англаш имконини беради.

Амир Темур фаолиятида эса ижтимоий бағрикенглик ғоя ва амалиёт бирлиги сифатида намоён бўлганини кўриш мумкин. Зеро, Соҳибқирон ҳаёти давомида, биринчидан, сармояси қўлидан кетиб қолган савдогарга уни қайтадан тиклаб олиши учун хазинадан етарли миқдорда олтин, ўз иши билан шуғулланишга қурби етмай қолган деҳқонларга экин-тикин учун зарур уруғ ва

асбоб, уй-иморати бузилиб, тузата олмаётган фуқароларга керакли ускуналарни етказиб бериш зарурлигини ҳамда бундай ҳаракатларнинг ижтимоий фаровонлик ва тараққиётни таъминлашдаги аҳамиятини чуқур англаган ҳолда фаолият олиб боради.

У турли мамлакатлар аҳолиси билан бўлган муомалада холислик билан иш тутиб, жамиятда ўзаро бир-бирини тушуниш, ҳурмат ва ҳамкорлик руҳи устувор бўлишига интилиб яшади. Бундан ташқари, фақиру мискин, бирон касб қилишга ожиз кишиларга нафақа тайинлашни йўлга қўйиб, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишнинг ўзига хос тизимини яратди.

Ўз мустақиллигини қўлга киритган Ўзбекистон ана шу тарихий анъаналарга содиқ қолган ҳолда жамиятда ижтимоий бағрикенглик ва ҳамжиҳатлик руҳи устувор бўлишига қаратилган сиёсат олиб бормоқда. Мазкур сиёсат туфайли халқ жипслашиб, ўзининг бирлиги, бир бутунлигини англади, бир-бирига меҳрли, оқибатли бўла бошлади. “Сен коммунист”, “Сен диндор”, “Сен кофир” деган каби ўртага раҳна солувчи маломатлар бўлмади... ва шу тариқа халқимизни пароканда бўлиш балосидан, давлатни эса низолардан асраб қолди.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида жамиятда ижтимоий бағрикенглик муҳитини қарор топтиришга қаратилган сиёсий-ҳуқуқий таъминларни мустаҳкамлади, бу эса, ўз навбатида, Ўзбекистоннинг ташқи сиёсатида ўз аксини топди. Қуйида Ўзбекистон фаол иштирок этган эътиборга молик баъзи халқаро ҳодисалар келтирилган:

- Юнесконинг динлараро ва маданиятлараро мулоқоти бўйича халқаро конгресслар:
- A. 1995 йилда ЮНЕСКОнинг “Динлараро ва маданиятлараро мулоқот” Дастури қабул қилинди. У диний



урф-одатлар ва ўзига хос маданий қадриятлар, уларнинг дунё маданиятида тутган ўрнини ёритишга хизмат қилади. Дастур доирасида Работ (1995, 1998), Мальта (1997), Тошкент (2000) шаҳарларида динлараро мулоқот мавзусида халқаро анжуманлар ўтказилди;

- Б.** 2000 йил 13-15 сентябрь кунлари Тошкентда ЮНЕСКОнинг динлараро мулоқот Конгресси Марказий Осиёдаги маданий, диний ва этник хилма-хилликни муҳокама қилди. Унда қирққа яқин давлатдан саксондан зиёд турли дин ва конфессиялар вакиллари, йирик мутахассислар иштирок этдилар. Конгрессдан сўнг 18 сентябрь куни Бухоро шаҳрида “Тасаввуф ва динлараро мулоқот” мавзусида халқаро симпозиум бўлиб ўтди. Унда “тасаввуф”га бағрикенгликни тарғиб этувчи, тинчликка чақирувчи ислом динининг ноёб, ўзига хос кўриниши, деган таъриф берилди;
- В.** 2001 йил сентябрь ойида Тошкентда ўтган Осиё-Тинч океани минтақаси ЮНЕСКО “Бағрикенглик тармоғи”нинг иккинчи йиғилишида бағрикенглик тамойиллари ўзбек халқининг урф-одатлари билан чамбарчас боғликлиги таъкидланди;
- Г.** 2004 йил 15 мартда Париждаги ЮНЕСКО қароргоҳида Ўзбекистон ва Францияда диний бағрикенглик мавзусида халқаро анжуман ташкил этилди;
- Д.** 2006 йил 29-31 март кунлари Париж шаҳрида жаҳондаги маданиятлараро ва динлараро мулоқот йўналишда фаолият кўрсатаётган 15 та ЮНЕСКО кафедралари мудирларининг ЮНЕСКО Бош директори Коичиро Мацуура билан учрашуви бўлиб ўтди ҳамда бу йўналишдаги фаолиятни янада такомиллаштириш бўйича битим имзоланди.

- 1995 йилнинг октябрида минтақамизда илк бор Тошкент шаҳрида “Бир само остида” шиори остида ўтказилган биринчи халқаро муслмон-насроний конференцияси фикримиз далилидир;
- 1996 йилнинг ноябрида шу ерда Рус православ черковининг Тошкент ва Ўрта Осиё епархиясининг 125 йиллиги тантаналари ўтказилди.

Мустақиллик туфайли ўзлигимизни англаш, маънавий қадриятларни тиклаш жараёни кечаётган ҳозирги пайтда умуман динга ва айниқса, ота-боболар дини бўлиб келган исломга муносабат тубдан ўзгарди. Бу соҳадаги ютуқларни санаб ўтиришга ҳожат йўқ.

Ўзбекистон ҳукумати оқилона, диний бағрикенглик сиёсатини олиб бормоқда. Республикада 16та диний конфессияга мансуб ташкилотлар эмин-эркин фаолият кўрсатмоқда. Фуқароларнинг миллати, ирқи, динидан қатъи назар, барча учун тенг ҳуқуқлар қонун орқали кафолатланган. Буни диёримизга очиқ қалб билан келаётган ҳар бир меҳмон ўз кўзи билан кўрмоқда ва эътироф этмоқда.

Ўзбекистонда турли динларга мансуб қадриятларни асраб-авайлашга, барча фуқароларга ўз эътиқодини амалга ошириш учун зарур шароитларни яратиб беришга, динлар ва миллатлараро ҳамжиҳатликни янада мустаҳкамлашга, улар ўртасида қадимий муштарак анъаналарни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Конституциямизда “Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар”, - деган қонуннинг мустаҳкамлаб қўйилгани бундай ютуқларга сиёсий-ҳуқуқий замин яратди. Янги таҳрирдаги “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги” қонун

талабларини амалга ошириш жараёнида юзага келган айрим жиддий муаммолар ҳам одилона ҳал этилди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 12-моддасида ижтимоий ҳаёт сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрларнинг хилма-хиллиги асосида ривожланади, ҳеч қайси мафкура давлат мафкураси сифатида ўрнатилиши мумкин эмас, дейилган. Шунга биноан, ҳар бир диний конфессия ўз мафкурасига эга бўлиши мумкин. Лекин бу мафкурани халққа тазйиқ билан сингдиришга йўл қўйилмайди. Жамиятимизда диний ташкилотлар фаолияти халқимизда миллий ғурур ва ифтихор, ватанпарварлик ва фидокорлик, комил инсонни шакллантиришга қаратилган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 31-моддасида, жумладан, шундай дейилади: “Ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланади. Ҳар бир инсон хоҳлаган динига эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди”.

Давлат ва дин муносабатларидаги асосий жиҳат – бу диннинг сиёсатга аралашмаслигидир. Зеро, ҳар қандай дин, биринчи ўринда маънавий-ахлоқий жиҳатни ўз ичига олади.

Мустақилликдан сўнг Ўзбекистонда, шунингдек, эътиқод эркинлиги ва диний бағрикенгликни мустаҳкамлашда қонунчилик ҳам такомиллашиб борди.

“Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги қонун 1991 йилда қабул қилинган бўлиб, 1993 йилда киритилган баъзи қўшимча ва ўзгартиришлар билан 1998 йилда янги таҳрирдагиси амалда бўлди. Сўнгги йиллар давомида эса мазкур қонунни давр талаблари асосида тубдан ўзгартириш зарурати билан 2021 йилнинг 5 июлида қонуннинг янги таҳририга Ўзбекистон Президенти имзо чекди.

Виждон эркинлиги ҳақидаги қонун динга эътиқод қилиш ёки ўзга эътиқодлар эркинлиги миллий хавфсизликни ва жамоат тартибини, бошқа фуқароларнинг ҳаёти, саломатлиги, ахлоқи, ҳуқуқи ва эркинликларини таъминлаш учун зарур бўлган даражадагина чекланиш мумкинлигини таъминлайди. Мазкур меъёр 1966 йил 16 декабрь куни БМТ Бош Ассамблеяси томонидан қабул қилинган Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро пактнинг 18-моддасига мувофиқдир (хусусан, 3-бандда: “Динга эътиқод қилиш ёки эътиқод қилиш эркинлиги фақат қонун билан белгиланган ва жамоат хавфсизлиги, тартиб, соғлиқ ва маънавиятни, шунингдек, бошқа шахсларнинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш учун зарур бўлган чекловларга боғлиқ”).

Ўзбекистон Президенти ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан эътиқод соҳасидаги фаолиятни такомиллаштиришга қаратилган бир қатор фармон ва қарорлар қабул қилинди. Жумладан: 2003 йил 22 август куни қабул қилинган “Дин соҳасидаги маънавий-маърифий, таълим ишларини ва фаолиятини янада такомиллаштиришда ижтимоий кўмак ва имтиёзлар бериш тўғрисида”-ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 364-сонли қарори.

Халқаро ҳамжиҳатлик йўлида ҳар бир инсон, жамоа ва миллатлар башариятнинг турли-туман маданиятлардан иборат эканини англаши ва ҳурмат қилиши жуда муҳимдир. Бағрикенгликсиз демократия асослари ва инсон ҳуқуқларини мустаҳкамлаб бўлмайди. Тинчликсиз тараққиёт ва демократия бўлмагани каби, бағрикенгликсиз тинчлик ҳам бўлмайди.

Ўзбекистонда ислом динидан ташқари, қайд этиганидек, бир нечта диний конфессиялар мавжуд бўлиб, улар қадим замонлардан бери биргаликда, бақамти ривожланиб келган. Шу са-



бабли мустақилликка эришилгандан сўнг ўтган қисқа давр ичида азалдан ҳукм сурган диний бағрикенлик анъаналарини тикланди ва динларнинг сиёсатга аралашмаслик тамойилини қатъий белгилаб қўйилди.

Ўзбекистонда дин мамлакатдаги маданий-маънавий анъаналарнинг ажралмас қисми ва аҳоли маънавий камолотининг асоси сифатида қаралади. Дин ўз олдига ҳеч қандай сиёсий

мақсад қўйиши мумкин эмас. Бу меъёр давлатнинг дунёвий бўлиши ва мамлакатдаги барча динларга нисбатан тенгҳуқуқлилиқ ва ўзаро тотувлик таъминланишининг гаровидир.

Айни пайтда, маданий ранг-баранглик ҳар бир инсоннинг танлов имкониятини кенгайтиришга, ҳаётининг интеллектуал, эмоционал, ахлоқий ва маънавий жиҳатдан тўлақонли бўлишига хизмат қилади.

§ 1.3. МАДАНИЙ ТУРФА ХИЛЛИК ВА МИЛЛАТЛАРАРО ТОТУВЛИК ТАРАҚҚИЁТИ

Шу ўринда Ўзбекистон ўз мустақиллигининг илк кунлариданоқ асрлар давомида қарор топган маданий турфа хилликни сақлаб қолиш ва ривожланишини таъминлаш йўлини танлаб олганини эълон қилиб, бу йўлда тизимли ва тадрижий сиёсат олиб бораётганини алоҳида қайд этиш лозим.

Мамлакат Конституциясида Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг урф-одатлари ва анъаналари ҳурмат қилинишини таъминлайди, уларнинг ривожланиши учун шароит яратади ҳамда давлат жамиятнинг маданий ва илмий тараққиётига ғамхўрлик қилади, деган қоидаларнинг мустаҳкамлаб қўйилгани бундай сиёсатнинг ҳуқуқий заминларидан ҳисобланади.

Республикада қарор топган маданий бағрикенглик муҳитига хос хусусиятлар ҳақида гап кетар экан, энг аввало, яқин ўтмишдагидан фарқли ўлароқ, этномаданий эҳтиёжларни қондириш, кадриятларни асраб-авайлаш ва ривожлантириш билан боғлиқ жараёнларга миллатчиликнинг ўсиши, деб эмас, балки табиий-тарихий жараён сифатида қаралаётганини таъкиддаш зарур.

Башариятнинг кўп маданиятлилиқ хусусиятига эга эканини тушуниш ва унга ҳурмат билан муносабатда бў-

лиш билан бир қаторда, этномаданий эҳтиёжларни қондириш, маданий ранг-барангликни сақлаб қолиш ва ривожлантиришда тегишли ташкилий асосларнинг яратилиши ҳам муҳим аҳамиятга эгадир. Республикамизда айни масаланинг ана шу жиҳатига алоҳида эътибор берилмоқда. Бу борада амалга оширилаётган ишлар “Миллати, элати, дини ёки тили нуқтаи назаридан кам сонли бўлган гуруҳга мансуб шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисидаги Декларация”да мустаҳкамлаб қўйилган озчиликка мансуб кишилар ўз уюшмаларини тузиш ва уларнинг фаолият кўрсатишини таъминлаш ҳуқуқига эга, деган қоидага тўла ҳамоҳанг эканини қайд этиш лозим.

Миллий кадриятларни сақлаб қолиш ва ривожлантириш борасидаги ишларни тизимли ва изчил олиб бориш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 13 январдаги қарори асосида Республика байналмилал маданият маркази фаолият юрита бошлади. 2017 Президентнинг фармони билан Республика байналмилал маркази ҳамда Хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари кенгаши базасида Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси

ташқил этилди. Натижада миллий-маданий марказлар сони 1991 йилда бор-йўғи 10 тани ташқил этган бўлса, бугунга келиб 138 тага етди.

Ушбу марказлар миллий мансублик бўйича олинганда, республика бўйича – араб, белорус, болгар, бошқирд, грек, грузин, дунган, литва, хитой, қрим татарлари ва қорақалпоқ, бухоро яҳудийлари ва уйғур, 4 тадан арман, немис ва поляк, 5 тадан турк ва озарбайжон, 6 тадан туркман, украин, яҳудий ва қирғиз, 7 та тожик, 9 тадан татар ва қозоқ, 21 та рус, 31 та корейс миллий-маданий марказлари фаолият олиб бормоқда.

Бугунги кунда мамлакатимиз таълим муассасаларида ўқиш 7 та тилда олиб борилмоқда. Телерадио кўрсатув ва эшиттиришлар 12 та тилда эфирга узатилиб, газета ва журналлар 10 дан ортиқ тилда чоп этилмоқда. Миллий марказлар давлат тадбирлари ва умумхалқ байрамларида доимий равишда фаол иштирок этиб келади.

Уларнинг ҳуқуқ ва эркинлиги, манфатларини ҳимоя қилиш, таълим олиш, касб-ҳунар эгаллаш, миллий анъана ҳамда қадриятларини ривожлантириш учун барча зарур шароитлар яратиб берилган. Турли миллат ва дин вакилларининг ҳар қандай тажовуздан беҳавотир ўз ибодатларини эмин-эркин адо этишлари жамият барқарорлигидаги устувор жиҳат деб қаралади.

Бунинг аҳамиятини Президентимиз 2020 йил 29 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида миллатлараро муносабатлар масаласига алоҳида эътибор қаратганидан ҳам англаш мумкин. Давлатимиз раҳбари жамиятда миллатлараро тотувлик ва бағрикенглик муҳитини мустаҳкамлаш ишларини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш заруратини қайд этиб, БМТ Бош Ассамблеяси резолюцияси билан ҳар йили 30 июль Халқаро дўстлик куни сифатида кенг ни-

шонланиши, шу боис, мазкур санани Ўзбекистонда Халқлар дўстлиги куни деб белгилашни таклиф этди.

Ана шундай алоқалар эркин ўрнатилиши учун барча шарт-шароитлар яратилгани “Миллати, элати, дини ёки тили нуқгаи назаридан кам сонли бўлган гуруҳга мансуб шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисидаги Декларация”да мустаҳкамлаб кўйилган озчиликка мансуб кишилар ҳеч қандай чеклашларсиз бошқа давлатларда яшовчи, миллий, этник, диний ёки тил жиҳатидан боғлиқ шахслар билан эркин алоқалар ўрнатиш ҳуқуқига эга экани ҳақидаги қонуннинг ҳаётий-амалий ифодаси ҳисобланади. Сўнги йилларда юртимизда диний-маърифий, таълим-тарбия соҳасида амалга оширилган ислохотлар ва унинг натижалари халқаро ҳамжамият томонидан юқори баҳоланмоқда. Турли миллат ва конфессиялар ўртасида ўзаро ҳурмат, бирдамлик ва ҳамкорлик муҳитини мустаҳкамлаш, маданиятлараро мулоқотни таъминлашга қаратилган изчил ва пухта ўйланган сиёсат халқаро ҳамжамият томонидан тўлиқ қўллаб-қувватланмоқда.

Эътиборлиси, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан 2017 йил 19 сентябрь куни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида бағрикенглик ва ўзаро ҳурматни қарор топтириш, диний эркинликни таъминлаш, эътиқод қилувчиларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилиш, уларнинг камситилишига йўл қўймасликка кўмаклашишга қаратилган “Маърифат ва диний бағрикенглик” деб номланган махсус резолюцияни қабул қилиш таклиф этилиши ва ушбу ҳужжатнинг 2018 йил 12 декабрдан бошлаб кучга кириши бунга яққол мисол бўла олади.

Мазкур резолюциянинг асосий мақсади барча учун таълим олиш имкониятини тақдим этиш, саводсизлик ва билимсизликни бартараф қилиш-



дан иборат. Хужжатда бағрикенглик ва ўзаро ҳурматни ўрнатиш, диний эркинликни таъминлаш, диндорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва уларнинг камситилишига йўл қўймасликка катта эътибор қаратилган. Хусусан, шундай дейилади: “Аъзо давлатларни дин ёки эътиқодга асосланган мурасасизлик ва камситишнинг барча шакллариغا барҳам бериш тўғрисидаги декларация тамойилларини қўллаш ва мақсадларини амалга оширишга кўмаклашишда ягона позицияни сақлашга чақиради”.²

Мазкур резолюция жаҳонда экстремизм, терроризм муаммоси авж олиб,

турли дин ва эътиқод вакилларига нисбатан тоқатсиз, мурасасиз муносабатлар кузатилаётган бир вақтда глобал таҳдидларга қарши курашишнинг самарали воситаси сифатида маърифат, таълим-тарбия масаласини илгари сургани билан, айниқса, аҳамиятлидир.

Турли ижтимоий қатламлар ўртасида ҳамкорликни таъминлаш ва яхшилаш жамиятдаги барқарорлик ва тараққиёт учун йўл очади. Аксинча, ана шу ҳамкорликнинг издан чиқиши ижтимоий-сиёсий беқарорлик ва бошбошдоқлик, миллий парокандалик ва таназзулни келтириб чиқаради.

§ 1.4. ЎЗБЕКИСТОНДА ФАОЛИЯТ ЮРИТАЁТГАН ДИНИЙ КОНФЕССИЯЛАР

Ҳозирги вақтда мамлакатимизда 130 дан зиёд миллат ва элат, 16 та диний конфессия вакиллари тенг ҳуқуқли ҳамда ўзаро ҳамжиҳатлик шароитида яшамоқда. 2276 та диний ташкилот фаолият юритмоқда. Хусусан, 2017-2018 йилларда мамлакатимизда 2093 та мусулмон ташкилоти қаторида 174 та ноисломий диний ташкилотлар расмий фаолият кўрсатган. Тегишли тартибда давлат рўйхатидан ўтган ноисломий диний ташкилотларнинг 157 таси христианлик ташкилоти, 8 таси яҳудийлик жамоаси, 6 та баҳойлик, 1 та кришначилик жамияти ва 1 та буддавийлик ибодатхонаси, шунингдек, Ўзбекистон конфессиялараро Библия жамияти ҳисобланади. Ушбу кўрсаткичлар аҳоли таркибидан келиб чиқиб 2019 йилда христиан ташкилотлари сони 158 тага ҳамда 2020 йилда 166 тага ўсиб, ноисломий ташкилотларнинг умумий сони 183 тага етгани ҳам Ўзбекистонда бағрикенглик ва диний эркинлик тамойилларига нечоғлик устувор аҳамият қаратилаётганидан дарак беради.

Ўзбекистонда аҳолининг кўпчилиги эътиқод қиладиган асосий дин ислом ҳисобланади. Асосан Бухоро ва Самарқандда истиқомат қилувчи 1% шиа мусулмонлари бундан мустасно, мамлакат аҳолисининг деярли 93% ни ўз ичига олувчи суннийлик (ҳанафий мазҳаби) устунлик қилади. Мусулмонлар фаолиятини муфтий бошчилигидаги Ўзбекистон мусулмонлари идораси уламолар кенгаши мувофиқлаштириб боради. Мусулмон руҳонийлари, асосан, Тошкент ва Бухорода жойлашган қатор ихтисослаштирилган ўқув юртларида тайёрланади. Ислом дини Ўзбекистонга 8-асрда, яъни араблар Ўрта Осиё ҳудудига кириб келганида асос топган. Ўзбекистонда ислом дини пайдо бўлиши билан илм-фан, маданият ва ўзликни англаш ривожиди қайд этилди. Ислом цивилизацияси ривожиди даврида Муҳаммад Ал-Бухорий, Ат-Термизий, Исмоил Сомоний, Беруний, Ибн Сино, Амир Темур, Улуғбек, Бобур каби ҳозирги Ўзбекистон ҳудудига камол топган уламолар ўз

² Резолюция, принятая Генеральной Ассамблеей 12 декабря 2018 года. Источник: <https://undocs.org/pdf?symbol=ru/A/RES/73/128>

асарлари, ижтимоий-сиёсий ютуқлари билан ислом оламида машҳур бўлди.

Мавжуд ноисломий конфессиялар ичида православлик эътиқод қилувчиларининг кўплиги бўйича ажралиб туради. Бугунги кунда унинг “Рус Православ Черкови Ўрта Осиё Митрополик округи Тошкент ва Ўзбекистон Епархияси”, “Рус Православ Черковининг Тошкент Православ маънавий семинарияси”, монастирлари ва черковлари фаолият юритади.

Туркистон ўлкасида дастлабки католиклар XIX аср охирларида пайдо бўлганлар. Уларнинг сони католикликка эътиқод қиладиганларнинг кўчиб келиши, Биринчи жаҳон уруши давомида асир тушган немис, поляк ва австрияликларнинг Туркистон ўлкасига сургун қилиниши билан боғлиқ ҳолда ўсиб борган. Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришганидан сўнг Тошкентдаги тарихий рим-католик ибодатхонаси (костел) қайта тикланди ва у 2000 йилнинг 22 октябрида расман иш бошлаган.

Лютеранлар жамоаси Ўзбекистонда илк марта Тошкент шаҳрида 1885 йилдан фаолият кўрсата бошлаган. 1896-99 йилларда лютеранлар ибодатхонаси (кирха) қурилган. 1992 йил 8 сентябрда Немис евангель-лютеранлар черкови расмий рўйхатдан ўтган. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 3 майдаги қарори билан кирха лютеранларга қайтариб берилган.

Ўрта Осиёда дастлабки адвентистлар XIX асрнинг бошларида пайдо бўлган. Уларнинг пайдо бўлиши Россия адвентистлари фаолияти билан боғлиқ. 1910 йилда Тошкентда илк адвентистлар жамоаси тузилади. Бугунги кунда “Еттинчи кун адвентистлари”нинг ташкилотлари фаолият юритади.

“Пятидесятниклар” ёки “Тўлиқ инжил христианлари” протестантликдаги энг йирик йўналишлардан бири ҳисобланади.

“Тўлиқ инжил христианлари”нинг юртимиздаги илк жамоалари ўтган асрнинг 20-йилларида пайдо бўлгани қайд этилган. Уларнинг “Тошкент христиан семинарияси”, “Ўзбекистон Тўлиқ Евангел-Христианлар Маркази” ва черковлари фаолият юритади.

Протестантликнинг яна бир йўналиши баптистлар. Туркистон ўлкасига баптистлик XIX аср охирларида кириб келган. 1902 йилда Тошкентда уларнинг биринчи черкови ташкил этилган, 1926 йилда эса биринчи ибодат уйи қурилган. 2021 йил ҳолатига кўра уларнинг “Ўзбекистон Евангел христиан Баптистлар черковлари Уюшмаси” маркази ҳамда черковлари фаолият юритади.

“Новоапостол черкови” XIX асрнинг ўрталарида Англияда вужудга келган протестантлик йўналишларидан бири ҳисобланади. Унинг Ўзбекистондаги фаолияти 1992 йилдан бошланган.

Арман григориан (апостоллик) черкови. Самарқанд шаҳридаги Арман-григориан черкови 1903 йилдан фаолият кўрсата бошлаган.

Юқорида қайд этилганидек, юртимизда қарор топган диний бағрикенглик муҳитини янада мустаҳкамлаш йўлида қатор тадбирлар амалга оширилиб келинмоқда. Рус православ черкови Тошкент ва Ўрта Осиё епархиясининг 125 ва 130 йиллиги, Евангель-Лютеран жамоасининг 100 йиллиги, Рим-католик черковининг 100 йиллиги нишонлангани ҳам буни тасдиқлайди.

Умуман олганда, кишилар ўртасида ўзаро мурасасизлик, тоқатсизлик кўринишларини бартараф қилиш, жамиятда миллатлараро ва диний бағрикенглик маданиятини қарор топтириш том маънода глобал бўлиб, инсоният истиқболига дахлдор масалага айланган. Шундай экан, мазкур тушунчани глобал миқёсда ҳар томонлама ўрганиш, тадқиқ этиш долзарб масалалардан бири бўлиб қолаверади.



Бугунги кунда Ўзбекистонда:



16 та

диний конфессияга мансуб



2 313 та

диний ташкилот фаолият юритмоқда

Шундан:

2 122 таси

исломий диний ташкилот бўлиб



2 094 таси

масжидларни ташкил этади.

Шунингдек,



174 та

христиан диний ташкилоти



1 та

Кришнани англаш жамияти



8 та

яхудий



1 та

буддавийлар ибодатхонаси



6 та

Баҳоий жамоалари



17 та

янги ноисломий диний ташкилот очилди

Инфографика манбаси: https://t.me/dinquimita_press/147

Мавзу юзасидан саволлар:

1. Бағрикенглик тушунчасига таъриф беринг;
2. Ўзбекистон ҳудудидаги бағрикенгликнинг тарихий илдизлари ҳақида нималарни биласиз? Марказий Осиё давлатларида ўрта асрларда мавжуд бўлган бағрикенглик муносабатларига мисоллар келтиринг;
3. Ўзбекистонда мустақилликка эришилгандан сўнг бағрикенглик тамойилларини таъминлаш борасида олиб борилган ишлари ҳақида маълумот беринг;
4. Бугунги кунда Ўзбекистонда расмий рўйхатдан ўтган конфессиялар ҳақида нималарни биласиз?

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси;
2. Бағрикенглик тамойиллари Декларацияси. – Т.: 2002;
3. ЮНЕСКОнинг Маданий турли-туманлик тўғрисидаги Умумжаҳон Декларацияси;
4. ЮНЕСКОнинг бағрикенглик тамойиллари Декларацияси;
5. Бартольд В.В. Сочинения. 6-т. – М. 1996;
6. Муҳаммедов Н. Диний бағрикенглик маданиятини белгиловчи фазилатлар. Диншуносликнинг долзарб масалалари. Т., 2020. Б. 7-10;
7. Очилдиев А. Миллий ғоя ва миллатлараро муносабатлар. –Т.: Ўзбекистон, 2004;
8. Очилдиев А. Бағрикенглик – барқарорлик ва тараққиёт омили. –Т.: “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2007;
9. Очилдиев А. Нажмиддинов Ж. Юз саволга – юз жавоб. Т, 2017;
10. Хусниддинов З. Ўзбекистонда диний бағрикенглик. – Т.: “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2006;
11. Инфографика. https://t.me/dinqumita_press/147;
12. Миллатлар ва конфессиялараро муносабатлар – мамлакат барқарорлиги гарови. Манба: <http://dkm.gov.uz/uz/millatlar-va-konfessialararo-munosabatlar-mamlakat-barkarorligi-garovi>.

Мазкур қисмда сиз бағрикенглик, диний бағрикенглик, эътиқод эркинлиги тушунчаларининг талқини билан танишиб, маданий турфа хиллик, миллатлараро тотувлик тараққиёти ҳақидаги тарихий манба ва маълумотлар билан танишдингиз. Шунингдек, Ўзбекистонда фаолият юритаётган ноисломий диний конфессиялар ҳақидаги маълумотларга эга бўлдингиз. Ўқув қўлланманинг кейинги қисмида сиз ОАВда диний бағрикенглик, эътиқод эркинлиги ва турфа фикрлилик мавзуларини ёритишга таъсир кўрсатувчи ҳуқуқий масалалар билан танишасиз. Жумладан, диний соҳани тартибга солувчи Ўзбекистон Республикаси ратифика-

ция қилган ҳамда мажбуриятларга эга бўлган халқаро меъёрий-ҳуқуқий актлар таҳлилида эътиқод эркинлиги ва хавфсизлик масалалари, эътиқодлар эркинлигининг универсал ҳуқуқлари, дин ва таълим, ОАВнинг диний маърифат жараёнида тутган ўрни, Ўзбекистонда диний соҳани тартибга солувчи қонунлар ва меъёрий-ҳуқуқий актлар таҳлили, ОАВда эътиқод эркинлиги ва диний ранг-баранглик масалалари билан боғлиқ зиддиятли вазиятлар мавзуларини мавжуд қонунлар ҳамда ахлоқ меъёрларини бузмасдан қандай ёритиш мумкинлиги ҳақидаги маълумотларга эга бўласиз.



ҲУҚУҚИЙ МАСАЛАЛАР

ДИНИЙ ЭРКИНЛИК ВА ХИЛМА-ХИЛЛИКНИ ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИДА ЁРИТИШГА ТАЪСИР ҚИЛУВЧИ ҲУҚУҚИЙ МУАММОЛАР




ҲАР БИР ИНСОН ФИКР, ВИЖДОН ВА ДИН ЭРКИНЛИГИ ҲУҚУҚИГА ЭГА




СЎЗ ЭРКИНЛИГИ, ЙИФИЛИШЛАР ЎТКАЗИШ ВА БИРЛАШМАЛАР ТАШКИЛ ЭТИШ ЭРКИНЛИГИ, КАМСИТИЛМАСЛИК ҲУҚУҚИ

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ УМУМЖАҲОН ДЕКЛАРАЦИЯСИ ФУҚАРОЛИК ВА СИЁСИЙ ҲУҚУҚЛАР ТЎҒРИСИДАГИ ХАЛҚАРО ПАКТ



ЧЕКЛАНИШИ ЁЗ ДИНИГА ЭЪТИҚОД ҚИЛИШ ҲУҚУҚИ МУМКИН ЭМАС: ЁЗ ДИНИ ВА ЭЪТИҚОДИНИ ЎЗГАРТИРИШ ҲУҚУҚИ



Журналистларга ўз фаолиятида ҚОНУН УСТУВОРЛИГИГА риоя қилиш, ҳар бир инсоннинг ФИКР, ВИЖДОН ВА ЭЪТИҚОД ЭРКИНЛИГИ ҳуқуқларини ҳурмат қилиш тавсия этилади

ЖУРНАЛИСТ ХАТОЛАРИНИНГ САБАБЛАРИ

- эътиборсизлик
- бепарволик
- атамалардан нотўри фойдаланиш
- сарлавҳаниннг ўринсизлиги
- ҳуқуқий саводсизлик
- муаммоларни аралаштириб юбориш



ЮРИДИК МАНБАЛАР:

- Мамлакат Конституцияси
- мамлакат қонунлари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар
- Тан олинган халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар



Қўлланманинг иккинчи қисмида диний эркинлик ва хилма-хиллик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ҳамда ушбу масалаларнинг оммавий ахборот воситаларида ёритилиши ҳақида маълумотлар берилган. Ушбу бўлим ушбу мавзунини миллий ва халқаро даражада тартибга солишнинг ҳуқуқий жиҳатларига қизиққан ҳар бир киши учун фойдали бўлади.

Бизнинг фикримизча, ушбу бўлимни ўқиб чиқиш ва саволларга жавоб бериш сизга фойдали бўлган фикр юритишга оид бир нечта муҳим жиҳатлар мавжуд:

- зиддиятли журналистиканинг мамлакатда ўрнатилган қонунчилик базаси билан қандай боғлиқлиги;
- диний эркинлик соҳасидаги халқаро ҳуқуқий стандартлар ва амалдаги миллий қонунчилик дин соҳасини қандай тартибга солаётгани ва мавжуд нормалар ушбу мавзунини ёри-

тувчи ОАВ вакилларининг масъулият доирасига қандай боғлиқлиги;

- ҳуқуқшуносларнинг диний эркинлик ва динларнинг хилма-хиллиги ҳақида ёзаётган журналистларга қандай амалий маслаҳатлари қонун нуқтаи назаридан уларнинг касбий маҳоратини мустаҳкамлашга ёрдам беради ва низоли вазиятлар ва юзага келиши мумкин бўлган юридик жавобгарлик хавфидан огоҳлантиради;
- миллий тармоқ қонунчилигининг виждон эркинлиги ва динларнинг хилма-хиллиги соҳасидаги қоидалари асосий тушунчаларни қандай изоҳлайди ва виждон эркинлиги, виждон ва эътиқод эркинлиги нима эканлигини қонун тилида қандай тушунтиради, диний бирлашмаларнинг фаолияти қандай тартибга солиниши ва мамлакат қонунчилигининг диний маросимларни бажариш билан боғлиқлиги ва бошқалар.

Қўлланманинг иккинчи қисмининг материали икки параграфда тузилган:

§ 1. МАМЛАКАТ ТОМОНИДАН РАТИФИКАЦИЯ ҚИЛИНГАН ДИН ЭРКИНЛИГИ СОҲАСИДАГИ ХАЛҚАРО ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАР

§ 2. ВИЖДОН ВА ДИН ЭРКИНЛИГИ СОҲАСИДАГИ МИЛЛИЙ ҚОНУНЧИЛИК.

Биринчи хатбошини ўқиб чиққандан сўнг, сиз ҳам декларатив, ҳам императив характерга эга бўлган халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар билан танишасиз, шунингдек, халқаро стандартлар ҳақида маълумот оласиз. Иккинчи бандда дин соҳасидаги миллий сиёсат ва уни янада ривожлантириш йўналишлари тўғрисида маълумотлар берилган ҳамда нафақат диний эътиқод ва эътиқод эркинлигини, балки ушбу ҳуқуқни яқка тартибда ёки биргаликда амалга ошириш тартибини ҳам тартибга со-

лувчи ҳуқуқий ҳужжатлар кўриб чиқилади.

Сизга қулай бўлиши учун ҳар бир бобда сиз ушбу масалани батафсил ўрганишга ёрдам берадиган ҳавола-лар рўйхати ва ҳужжатларга ҳавола-ларни топасиз.

2-боб журналистлар учун қонунга мувофиқ, халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ, сўз, фикр эркинлиги, журналист касбий этикаси, ўрнатилган чекловларга риоя қилган ҳолда диний эркинлик ва хилма-хилликка оид



контентни қандай қилиб хавфсиз ва профессионал тарзда тайёрлаш мумкинлиги ҳақида фойдали кўрсатмалар билан яқунланади.

2-бобни ўқиб бўлгач, сиз:

- дин ва дин эркинлиги нима эканлигини халқаро ва миллий ҳуқуқ нуқтаи назаридан ўрганиш;
- диний эътиқод эркинлиги соҳасидаги халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар ва улардан қайси бири ратификация қилинган ҳуқуқий мақоми билан боғлиқ ҳолда мамлакат ичида қўлланилиши мумкинлиги билан танишиш (Конституцияга кўра, давлат томонидан ратификация қилинган халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар миллий қонунчиликка нисбатан устувор ҳисобланади);
- миллий ҳуқуқни қўллаш амалиёти ни амалдаги халқаро ва минтақавий нормалар билан солиштириганда кўриб чиқиш;

- мавжуд халқаро ва миллий стандартлар қоидаларини мамлакатнинг ўзига хос шароитларида қандай қўллаш мумкинлигини тушуниш.

Агар сиз журналистика фани ўқитувчиси ёки медиатренер бўлсангиз, сиз талабалар ва оммавий ахборот воситалари ходимларини виждон ва диний эътиқод эркинлиги соҳасида ўқитиш учун ҳуқуқий асос ва воситаларга эга бўласиз, шу билан бирга касбий ахлоқий меъёрлар ва қонун ҳужжатларини, шу жумладан халқаро стандартларни таъминлашга эришасиз.

Агар сиз профессионал журналист ёки оммавий ахборот воситалари соҳасидаги бошқа мутахассис бўлсангиз, унда бу ерда диний эркинлик ва дин хилма-хиллиги соҳасида контент яратишдан олдин билишингиз ва риоя қилишингиз керак бўлган халқаро ва миллий ҳуқуқий ҳужжатларнинг зарурий жамаланмасини топасиз.

§ 2.1. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТОМОНИДАН РАТИФИКАЦИЯ ҚИЛИНГАН ВА МАЖБУРИЙ КУЧГА ЭГА БЎЛГАН ДИНИЙ СОҲАНИ ТАРТИБГА СОЛУВЧИ ХАЛҚАРО НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРНИНГ ТАҲЛИЛИ

Ўзбекистон Республикаси Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг аъзо давлатидир ва унинг, энг аввало, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси ҳамда қатор халқаро пактлар доирасида мажбуриятлари бор.

Диний соҳадаги асосий халқаро мажбуриятлар БМТнинг Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактида³, хусусан унинг 18- (фикр, виждон ва дин эркинлиги) ва 22- (уюшиш эркинлиги) моддаларида ва ушбу икки ҳуқуқ билан боғлиқ ҳолда, 2-моддада (ҳар қандай ажратишларга йўл қўймаган ҳолда ҳуқуқларни ҳурмат қилиш ва таъминлаш мажбурияти) келтирилган. Инсон ҳуқуқлари универсалдир ва уларнинг бири иккинчисини тўлдиради

ва биргаликда амалга оширилади. Масалан, дин ва эътиқод эркинлиги уни ошкор эътироф этишсиз, яъни сўз эркинлигисиз амалга оширила олинмайди ва ҳоказо.

ФСҲҲПнинг бошқа қоидалари – 19-модда (сўз эркинлиги), 2- (камситиш, душманлик ёки зўравонликни қўзғатадиган миллий, ирқий ёки диний адоватни тарғиб қилишни тақиқлаш), 17- (шахсий ҳаётга дахлсизлик ҳуқуқи), 3- (эркаклар ва аёллар ўртасида тенглик ҳуқуқи), 27- (этник, диний ёки лингвистик озчиликлар), 26- (қонун олдида тенглик) ва 21-моддалари (тинч йиғилишлар эркинлиги) диний эътиқод эркинлиги билан бевосита боғлиқдир.

Бундан ташқари, БМТнинг Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциясининг⁴ 14-моддасида боланинг фикрлаш, виждон ва дин эркинлиги ҳуқуқи кафолатланган, 30-моддада эса диний

озчиликка мансуб боланинг “ўз гуруҳининг бошқа аъзолари билан [...] ўз динига эътиқод қилиш ва амал қилиш ҳуқуқи рад этилмаслиги” аниқ-равшан ҳолда назарда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси Европа Кенгашига аъзо бўлмаса-да, Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Европа конвенцияси (ИХЕК)⁵, Европа Кенгашининг бошқа ҳужжатлари ва Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа суди амалиётига (ИХЕС) ҳам таянади, чунки улар ФСХХПдаги қоидаларга ўхшаш қоидаларни ўз ичига олади ҳамда изоҳлаш воситалари ва эътиқод эркинлиги масаласи бўйича ҳам фойдали ва ишончли маълумотнома сифатида хизмат қилади.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси дин ёки эътиқод эркинлиги ҳуқуқи билан боғлиқ ЕХХТнинг бир қатор ҳужжатларида, хусусан 1989 йилда қабул қилинган Вена ҳужжатида турли хил мажбуриятларни ўз зиммасига олган бўлиб, унда бошқалар қаторида диндорлар жамоаларининг юридик шахслари тан олинмиши ҳуқуқлари, эркин фойдаланиш мумкин бўлган ибодат жойларини таъминлаш ҳуқуқи ва диний таълим олиш ва ўқитиш ҳуқуқи (16-банди) каби асосий ҳуқуқлар белгиланган⁶.

Бундан ташқари, 1990 йилги Копенгаген Ҳужжати ҳар бир давлатнинг ўз динини ёки эътиқодини ҳам яқка тартибда, ҳам бошқалар билан бирга оммавий ёки хусусий тарзда ибодат қилиш, ўқиш, амал қилиш ва риоя қилиш орқали намоён этиш ҳуқуқини ҳурмат қилиш мажбуриятини англатади ва иштирокчи давлатларни ушбу ҳуқуқларнинг амалга оширилишида фақат қонун ҳужжатларида белгиланган ва халқаро стан-

дартларга мос келадиган чекловлар қўлланилишини таъминлашни мажбур қилади (9.4-банди).

Шунингдек, 2003 йил Маастрихт ҳужжатида дин ёки эътиқод соҳасида камситмаслик принципини ва мажбуриятларни амалга оширишнинг самарали миллий чоралари орқали давлатнинг дин ёки эътиқод эркинлигини енгиллаштириш мажбуриятини таъминлаш мажбурияти таъкидланган (9-банд). Кейинчалик бу мажбуриятлар ЕХХТ Вазирлар Кенгашининг 2013 йил қарорида такроран ўз тасдиғини топди⁷.

Эътиқод ҳуқуқи ва эркинликлари соҳасида муҳим ҳужжатларга шунингдек 1981 йилги БМТнинг Диний ва эътиқодга асосланган ҳар қандай муросасизлик ва камситишни йўқ қилиш тўғрисидаги декларацияси⁸, 1992 йилги Миллий ёки этник, диний ва лингвистик озчиликларга мансуб шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисидаги декларацияси⁹, БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмита-

³ Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт (бундан буён матнда – ФСХХП), БМТ Бош Ассамблеясининг 1966 йил 16 декабрдаги 2200А (XXI) қарори билан қабул қилинган. Ўзбекистон Республикаси ФСХХПга 1995 йил 28 сентябрда қўшилган.

⁴ БМТ 1989 йил 20 ноябрдаги 44/25 қарори билан қабул қилинган БМТнинг Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияси. Ўзбекистон Республикаси ушбу Конвенцияга 1994 йил 29 июнда қўшилган.

⁵ Европа Кенгашининг 1950 йил 4 ноябрда имзоланган Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги конвенцияси (бундан буён матнда – “ЕКИХ”), 1953 йил 3 сентябрда кучга кирди.

⁶ <http://www.osce.org/mc/40881><http://www.osce.org/mc/40881>

⁷ ЕХХТ Вазирлар Кенгашининг фикр, виждон, дин ва эътиқод эркинлиги тўғрисидаги 3/13-сонли қарори (Киев, 2013 й.).

⁸ БМТнинг Дин ва эътиқодга нисбатан муросасизлик ва камситишнинг барча шакллари тугатиш тўғрисидаги декларацияси, БМТ Бош Ассамблеяси, 1981 йил 25 ноябр, UN Doc. A/RES/36/55

⁹ БМТ Бош Ассамблеясининг 1992 йил 18 декабрдаги 47/135 қарори билан қабул қилинган Миллий ёки этник, диний ва лингвистик озчиликларга мансуб шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисидаги декларацияси.



сининг умумий шарҳлари¹⁰, БМТнинг Дин ва эътиқод эркинлиги бўйича махсус маърузачисининг ҳисоботлари¹¹ ва БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг тегишли қарорлари¹² киради.

Шунингдек халқаро ҳуқуқнинг мазкур соҳадаги асосий ҳужжатларига 2004 йилги ЕХХТ/ДИИХБ-Венеция Комиссиясининг Қўшма асосий принциплари¹³, 2014 йилги ЕХХТ/ДИИХБ-Венеция комиссиясининг Диний жамоаларнинг ва муайян эътиқодларга амал қилувчи жамоаларнинг субъект сифатидаги ҳуқуқларига доир асосий принциплари,¹⁴ 2015 йилги ЕХХТ/ДИИХБнинг Уюшиш эркинлиги бўйича қўшма асосий принциплар¹⁵ ва ЕХХТ/ДИИХБнинг Дин ёки эътиқод эркинлиги ва хавфсизлик сиёсати бўйича йўриқномаси¹⁶ (2019 й.) каби бошқа ҳужжатлар киради.

Маълумки, халқаро ҳамжамият билан интеграциялашган, БМТга аъзо бўлган ёки бўлишни истаган ҳар бир давлат халқаро ҳуқуқ устуворлигини тан олади ва ўзининг миллий қонунчилигига жорий этади, миллий қонунчиликнинг халқаро ҳуқуққа монандлигини таъминлашга ҳаракат қилади.

Ҳозирги даврда шаклланган инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуққа кўра давлатлар инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳурмат қилишга ҳамда уларнинг ҳамма учун бирдек, бирон-бир камситишларсиз, амал қилишини таъминлашга масъул ҳисобланади. Халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларда акс этган нормалар давлатларнинг инсон ҳуқуқлари соҳасида ўз миллий қонунчилигини ишлаб чиқиши ва қабул қилишида намуна вазифасини ўтайди.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 18-моддасида “Ҳар бир инсон фикр, виждон ва дин эркинлиги ҳуқуқига эга”, деб қайд этилган. Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг 18-моддасида таъкидланганидек, “Ушбу ҳуқуқ ўз ихтиёри билан ўзига маъқул динни қабул қилиш ва эътиқод қилиш эркини, яқка ҳолда, шунингдек бошқалар билан биргаликда, ошкора ёки хусусий тартибда сиғинишга бориш, диний ва бошқа урф-одатларни ва маросимни бажариш эркини ҳам ўз ичига олади”.

БМТнинг асосий халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларида инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ирқий, жинсий, лисоний, миллий, диний мансублиги ёхуд соғлиги ҳолатидан қатъи назар барча учун ривожлантириш, инсон қадр-қиммати ва ҳурматини таъминлаш ҳамда бу йўлдаги муросасизлик кўринишларига қарши курашишга доир вазифа ва мажбуриятлар баён этилган. Ин-

сон ҳуқуқлари бўйича халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар жаҳон ҳамжамиятининг ҳар бир аъзосини инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини қарор топтириш, демократия ва ҳуқуқ тантанаси учун бағрикенглик билан саъй-ҳаракат қилишга даъват этади.

ЮНЕСКО томонидан 1995 йил 16 ноябрда эълон қилинган Бағрикенглик

¹⁰ Хусусан, БМТнинг Инсон ҳуқуқлари қўмитаси, 22-сонли Умумий шарҳ: Фикрлаш, виждон ва дин эркинлиги ҳуқуқи (ФСХПнинг 18-моддаси), 1993 йил 27 сентябр, CCPR/C/21/Rev.1/Add.4; ва 19-модда бўйича 34-сонли Умумий шарҳ, Фикр билдириш ва ифодалаш эркинликлари 12 сентябр 2011 йил, CCPR/C/GC/34.

¹¹ <http://www.ohchr.org/EN/Issues/FreedomReligion/Pages/Annual.aspx>

¹² http://ap.ohchr.org/documents/dpage_e.aspx?m=86http://ap.ohchr.org/documents/dpage_e.aspx?m=86

¹³ ЕХХТ/ДИИХБ ва Венеция комиссияси, Дин ёки эътиқодга оид қонунчиликни қайта кўриб чиқиш бўйича қўлланма (2004 й.), CDL (2004)061 (бундан буён матнда – “2004 йилги Дин ёки эътиқод эркинлиги бўйича асосий принциплар”).

¹⁴ ЕХХТ/ДИИХБ-Венеция комиссиясининг Диний жамоаларнинг ва муайян эътиқодларга амал қилувчи жамоаларнинг субъект сифатидаги ҳуқуқларига доир асосий принциплари (2014 й.), CDL(2014)029-е (бундан буён матнда – “2014 йилги Жамоаларнинг субъект сифатидаги ҳуқуқларига доир асосий принциплар”).

¹⁵ ЕХХТ/ДИИХБнинг Уюшиш эркинлиги бўйича қўшма асосий принциплари (2015 й.) (бундан буён матнда – 2015 йилги Уюшиш эркинлиги бўйича қўшма асосий принциплар).

¹⁶ ЕХХТ/ДИИХБнинг Дин ва эътиқод эркинлиги ва хавфсизлик сиёсати бўйича қўлланмаси (2019 й.).

тамойиллари декларациясида баён этилганидек, “Бағрикенгликни намоён қилиш инсон ҳуқуқларига эҳтиром билан ҳамоҳанг, у ижтимоий адолатсизликка нисбатан сабр-тоқатли муносабатда бўлишни, ўз иймон-эътиқодидан

воз кечиш ёхуд бошқаларнинг эътиқодига ён беришни англамайди. У шуни англадики, ҳар ким ўз эътиқодига амал қилишда эркиндир ва ҳар ким бу ҳуқуққа бошқалар ҳам эга эканлигини тан олмоғи лозим”.

§ 2.1.1. ДИН ЁКИ ЭЪТИҚОД ЭРКИНЛИГИ ВА ЧЕКЛОВЛАР

Халқаро стандартларга мувофиқ, хусусан, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 19-моддаси ҳамда Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг 18-, 4- (2) моддаларига биноан ҳар бир инсон фикр, виждон ва дин эркинлиги ҳуқуқига эга. Бу ҳуқуқ ўз дини ёки эътиқодини ўзгар-

тириш эркинлигини ва таълимот, тоат-ибодат қилиш ва диний расм-русум ҳамда маросимларни оммавий ёки хусусий тартибда адо этиш, ўз дини ёки эътиқодига яқка ўзи, шунингдек, бошқалар билан бирга амал қилиш эркинлигини ўз ичига олади.

Дин ёки эътиқод эркинлиги теистик, нотеистик ва атеистик эътиқодни, шунингдек, ҳеч қандай дин ёки эътиқодга риоя этмаслик ҳуқуқларини ҳимоя қилади.

Дин ёки эътиқод эркинлиги инсоннинг бошқа ҳуқуқлари ва асосий эркинликлари – айниқса, фикрни ифода этиш эркинлиги, йиғинлар ўтказиш ва уюшмалар тузиш эркинлиги ҳамда камситишларнинг бўлмаслиги ҳуқуқи билан чамбарчас боғлиқдир.

Дин ёки эътиқодга эга бўлиш ё уларни шахсий танлов асосида қабул қилиш ҳуқуқи, шу билан бирга, ўз дини ёки эътиқодини ўзгартириш ҳуқуқи ҳам, ҳеч қандай тарзда чекланиши мумкин эмас.

Дин ёки эътиқодга риоя қилиш эркинлигини фақат қуйидаги мезонлар мавжуд бўлган ҳоллардагина чеклашга йўл қўйилиши мумкин:

- чеклов қонун билан ўрнатилган бўлса;
- чекловдан мақсад жамоат хавфсизлигини, (жамоатчилик) тартибини, соғлиқ ё маънавиятни ёки бошқа шахсларнинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза этиш бўлса;
- чеклов ана шу мақсадлардан бирига эришиш учун зарур ва унга мутаносиб бўлса;
- чеклов камситиш мақсадларида ўрнатилмаган ва камситадиган йўсинда қўлланилмаётган бўлса.

Чекловлар дин ёки эътиқод эркинлигини бузадиган йўсинда қўлланилмаслиги лозим. Йўл қўйиладиган чекловларга тааллуқли қоидаларнинг амал қилиш соҳаларини талқин қилиш асносида, давлатлар халқаро воситалар билан кафолатланган ҳуқуқларни

ҳимоя қилиш заруратидан келиб чиқшлари керак.

Муайян чеклов “қонунда қайд этилиши” учун қонуннинг ушбу чекловни ўрнатадиган қоидаси етарли даражада очиқ ва аён бўлиши шарт.



Асосий ҳуқуқларга тааллуқли масалаларни ҳокимиятнинг ижро этувчи органлари тасарруфига қолдириш, бунда уларнинг ваколатларини чекламаслик ҳуқуқ устуворлиги тамойилига хилофдир. Бундан ташқари, чекловлар қонун кучига эга бўлиши талаб этиладиган, аммо ўта ноаниқ мазмундаги нормалар асосида жорий этилиши мумкин эмас, негаки бундай ҳолда қонун талабини англаш қийинлашади ёхуд ҳуқуқни ўзбошимчалик билан қўллашга йўл очилади.

Давлат томонидан рухсат берилиши дин ёки эътиқод эркинлигига бўлган ҳуқуқни амалга оширишнинг шарти, деб ҳисобланмаслиги лозим. Оммавий ёки хусусий тартибда адо этиладиган, якка ҳолда, шунингдек, бошқалар билан биргаликда риоя қилинадиган дин ёки эътиқод эркинлигини рўёбга чиқариш ҳуқуқига нисбатан олдиндан рўйхатдан ўтказиш ёхуд шу каби бошқа рамиятчиликлар ўрнатилиши мумкин эмас, чунки бу ҳуқуқ ҳуқуқдорлар ҳисобланувчи шахслар ва жамоатларга олдиндан тегишли ҳамда бунинг учун расмий рухсат олиниши тақозо этилмайди.

Дин ёки эътиқоднинг адо этилиши ва дин таълими эркинлигига, бошқа масалалар қатори, жумладан,

- ўз иерархияси ва ташкилий тузилмасига таянган ҳолда ташкил топиш ҳуқуқи, шунингдек, тегишли талаб ва андозаларга, шу билан бирга, диний гуруҳлар ва давлат билан эркин асосда тузилган ҳар қандай ўзаро шартномаларга мувофиқ ўз ходимларини сайлаш, тайинлаш ёки алмаштириш ҳуқуқи;
- семинариялар ёки диний мактаблар ташкил этиш эркинлиги;
- руҳонийларнинг тегишли муассасаларда таълим олиши эркинлиги;
- муайян дин ёки эътиқоднинг маросимлари ва урф-одатлари билан боғлиқ зарур нарса ва буюмларни тегишли миқдорда ишлаб чиқариш, харид қилиш ва ишлатиш ҳуқуқи;
- диний жамоатлар, муассаса ва ташкилотларнинг диний нашрлар ва босма маҳсулотларни чоп этиш, четдан келтириш ва тарқатиш ҳуқуқи;
- ҳар бир шахснинг ўзи танлаган тилда (якка ҳолда ёки бошқалар билан

бирга ушбу мақсадлар учун мос келадиган жойларда) диний таълим бериш ва таълим олиш, шу жумладан, ота-оналарнинг ўз болалари ўзларининг эътиқодига мувофиқ диний ва маънавий тарбия олишини таъминлаш ҳуқуқи;

- шахслар ва муассасалардан ихтиёрий равишда молиявий ёки бошқа турдаги хайр-эҳсонлар сўраш ва олиш ҳуқуқи;
- шунингдек, дин ва эътиқод масалалари бўйича алоҳида шахслар ва жамоатлар билан миллий ва халқаро даражаларда алоқалар ўрнатиш ва бу алоқаларни сафарлар, зиёратлар ва йиғилишлар ҳамда бошқа диний тадбирларда иштирок этиш орқали изчил давом эттириш эркинлиги каби диний гуруҳлар асосий фаолиятининг бир қанча узвий жиҳатлари киради.

Халқаро ҳуқуқнинг диққат марказида турадиган соҳалар мавжуддир.

1989 йилги Вена ҳужжатида (16.3-банд) ЕХҲТ аъзо-давлатлари “ўз давлатларининг конституциялари доирасида ўз динларига риоя этадиган ёки риоя этишга шай бўлган диндорлар уюшмаларига уларнинг илтимослари бўйича тегишли мамлакатларда улар учун кўзда тутилган мақомни эътироф этиш”га ваъда беришган. Гап диний жамоатлар ёки муайян эътиқодга амал қиладиган жамоатларни рўйхатга олиш ҳақида бормоқда.

Албатта, аксарият давлатларда кўпчиликка нисбатан ушбу мажбурият бажарилмоқда. Шу билан бирга, қатор давлатларда унинг бажарилишига ҳам қонунчиик даражасида, ҳам амалиёт даражасида мавжуд бўлган тўсиқлар халал бермоқда. Хусусан, мажбурий

рўйхатдан ўтказиш тизимидан фойдаланилиши натижасида, шунингдек, юридик шахс мақомини олишда амалий ва ҳуқуқий мазмундаги жиддий қийинчиликларга дуч келиниши оқибатида кўплаб диний жамоатлар ёки муайян эътиқодга амал қиладиган жамоатларнинг ҳуқуқлари камситилмоқда.

Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ муайян эътиқодга риоя этадиган диний жамоатлар ёки муайян эътиқодга амал қиладиган жамоатларни, уларнинг юридик шахс мақоми мавжудлигидан қатъи назар, ҳимоя қилади. Шу билан бирга, диний жамоатлар ёки муайян эътиқодга амал қиладиган жамоатлар, ҳуқуқий соҳада фаолият юритиш имкониятига эга бўлиш мақсадида, ўзларининг диний ташкилотларини таъсис этишни мақбул деб топишлари мумкин.

Юридик шахс мақомига доир ҳуқуқ дин ва эътиқод эркинлигига бўлган

ҳуқуқларни тўла рўёбга чиқариш учун жуда муҳимдир. Ҳуқуқ субъектиликка эришишнинг имкони бўлмаганда, жамоат ҳаётининг ушбу соҳага доир бир қатор муҳим жиҳатларини ташкиллаштириш мумкин бўлмай ёки ўта қийинлашиб қолади. Бу жиҳатлар қаторига банк ҳисоб-варақларидан фойдаланиш ва жамоатни, унинг аъзоларини ва мол-мулкни суд орқали ҳимоя қилишни таъминлаш; диний иншоотларга доир мулк ҳуқуқининг ворисийлигини сақлаш; янги диний иншоотлар қуриш; конфессия мактаблари ва олий ўқув юртларини ташкил этиш ва уларнинг фаолиятини таъминлаш; диний урф-одат ва маросимларда фойдаланиладиган нарса ва буюмларни кенг кўламда ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш; ходимларни ишга қабул қилиш; оммавий ахборот воситаларини таъсис этиш ва улар ишини бошқариш масалалари киради.

§ 2.1.2. ДИН ЁКИ ЭЪТИҚОД ЭРКИНЛИГИ ВА ХАВФСИЗЛИК

Бирор-бир диний жамоат ва муайян эътиқодларга амал қиладиган жамоат хавфсизлиги таъминланмаган шароитда фаолият юрита олмаслиги ва ривожлана олмаслиги сабабли, барча шу каби жамоатлар умуман жамиятда хавфсизликни мустаҳкамлашдан манфаатдордирлар. Инсонларнинг биргаликда ва умумий фаровонликда яшаш неъматини ижобий англашларини шакллантирар экан, улар бутун жамиятнинг ижтимоий жипслик ва барқарор комплекс хавфсизликни мустаҳкамлаш бўйича доимий саъи-ҳаракатларига ёрдам беришлари мумкин.

Халқаро ҳуқуқда хавфсизликка комплекс ходиса сифатида қаралади. У ҳамкорликка асосланган ва ҳамма учун тенг, ажралмас ва инсон ҳуқуқлари билан чамбарчас боғлиқ ҳисобланади. Хавфсизликка комплекс ёндашувнинг бир-бирини тўлдирадиган учта (ҳарбий-сиёсий, иқтисодий-экологик ва

инсоний) ўлчамларининг ҳар бири бошқаларига аҳамияти жиҳатидан тенг ҳисобланади.

Дин ёки эътиқод эркинлиги, хусусан, давлатлар ўртасидаги ўзаро муносабатларни белгиловчи асосий принциплардан бири ва халқаро ҳамжамият қабул қилган хавфсизлик концепциясининг ажралмас қисми сифатида эътироф этилади. Бу ҳақда “Европа хавфсизлик ва ҳамкорлик” конференциясининг якуний актида (Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти, 1975 й.) кўриш мумкин¹⁷.

Шуни таъкидлаш лозимки, дин ва эътиқод эркинлиги (шунингдек инсоннинг барча бошқа ҳуқуқлари) таъминланишига кўмаклашадиган тинчлик ва хавфсизлик инсонларда мавжуд бўлган энг турли-туман эътиқодларнинг тегишли тарзда тан олиниши ва ҳар бир шахс учун муайян “шахсан ўзи ёки

¹⁷ <https://www.osce.org/ru/ministerial-councils/39505?download=true>



бошқалар билан биргаликда дини ёки эътиқодини ўз виждони амрига кўра ибодат қилишига” имконият мавжудлиги асосида барпо этилади. Дин ёки эътиқод эркинлиги нафақат ҳар бир инсоннинг асосий эҳтиёжларидан бирини – ўз дунёқарашига эга бўлиш ҳуқуқини ҳимоя қилишни таъминлашга ёрдам беради, балки жамиятга ҳам турли қарашларни баён этиш билан боғлиқ бўлган фойдани келтиради.

Шундай қилиб, инсон ҳуқуқлари ва хавфсизлик соҳасидаги чоралар айнан битта мақсадга эришишга қаратилгандир. Дин ёки эътиқодлар эркинлиги турли дин ва эътиқодларга эга инсонлар орасида ўзаро ҳурмат, ишонч, бир-бирини англашга ҳамда тенгликка кўмаклашади. Шу тариқа у жамиятни унинг хавфсизлигига таҳдид солаётган таҳликаларга янада барқарор қилишга ёрдам бериши мумкин.

Дин ёки эътиқодлар эркинлигини (якка ўзи ёки бошқалар билан биргаликда, ошкора ёки хусусий тарзда) амалга ошириш инсоннинг ажралмас ҳуқуқи ҳисобланади. Шу сабабли бунинг учун давлатнинг руҳсати талаб этилиши мумкин эмас.

Дин ва эътиқод эркинлигининг меъёрий мақоми шу факт билан таъкидланадики, Фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида Халқаро пактнинг (ФСХҲП) 4(2)- моддасига мувофиқ, мазкур эркинлик мутлоқ, чекинишларга имкон бермайдиган ҳуқуқ ҳисобланади. Бу шуни англатадики, ҳатто давлатнинг мавжудлигига хавф бўлган пайтда эълон қилинган фавқулодда вазият ҳам давлат томонидан ФСХҲПнинг 18-моддаси бўйича мажбуриятларидан чекиниши учун имкон бермайди.

Инсон ҳуқуқларига оид халқаро ҳуқуққа биноан, давлатлар ўз юрисдикциялари доирасида барча шахслар ва диний жамоатлар ёки муайян эътиқодларга амал қиладиган жамоатларга нисбатан дин ва эътиқодлар эркинлигининг холис кафолатлари сифатида ҳаракат қилишга мажбурдирлар. Бу мажбурият нафақат фуқаролар ва резидентларга нисбатан, балки бошпана излаётганлар, мигрантлар, қочқинлар ва фуқаролиги бўлмаган шахслар учун ҳам тенг даражада бажарилиши лозим.

Дин ёки эътиқодларнинг улкан турли-туманлиги мавжуддир, “дин” ва “эътиқод” атамалари ҳам кенг маъноларга эга. Дин ёки эътиқодлар эркинлиги фақат анъанавий ва катта динларга

ёки эътиқодларгагина қўлланилмайди; бу ҳуқуқ, шунингдек, ўзининг институционал тавсифларига кўра анъанавий динларга ўхшаш бўлган динлар ва эътиқодлар тизими билан чегараланиб қолмайди. Дин ёки эътиқодлар эркинлигига бўлган ҳуқуқ теистик, нотеистик ва атеистик эътиқодлар тарафдорларини ҳимоя қилади, шунингдек у ҳеч қандай динга ёки эътиқодга ибодат қилмаслик ҳуқуқини ҳам қамраб олади.

Дин ёки эътиқодга риоя қилиш эркинлигини инсон ҳуқуқларининг халқаро ҳуқуқига мувофиқ тарзда чеклашга фақат қуйидаги мезонлар мавжуд бўлган ҳоллардагина чеклашга йўл қўйилиши мумкин:

Дин ёки эътиқодлар эркинлиги инсоннинг ажралмас ҳуқуқи эканлигини ҳисобга олган ҳолда, эҳтимолий чекловларнинг мезонлари ўта назокат ва аниқлик билан қўлланилиши лозим.

Давлат томонидан ўрнатиладиган чекловлар мазкур эркинликни амалга оширишга имкон қадар кам аралашишни кўзда тутиши ва энг охириги чора сифатида қўлланилиши шарт.

Алоҳида шахслар ва диний жамоатлар ёки муайян эътиқодларга амал қила-

диган жамоатлар фаолияти устидан хавфсизликни таъминлаш манфаат-

лари учун қатъий назорат (улар хориждан келаётган адабиётларни текширади, жамият томонидан нашр этилган адабиётларни экспертизадан ўтказди, диний мавзудаги ОАВ материалларини цензура қилади.) ўрнатишни асослар экан, давлатлар кўпинча бунга далил сифатида “экстремизм” хавфидан хавотирларини келтирадilar. Айни пайтда “экстремизм” атамаси ноаниқлиги ва умум эътироф этилган тавсифи йўқлиги билан ажралиб туради, бу эса уни жуда кенг ва мужмал талқин этиш учун имкон беради ҳамда қонунни ўзбошимчалик билан қўллаш имконини яратади.

“Экстремизм”ни кўпинча зўравонлик билан аралаштириб юборишади – гарчанд бу икки ҳодиса ўртасида сабабий-оқибатий боғлиқлик борлигини ёки “экстремистик” фикрлашдан зўравонлик ҳаракатларига ўтилганлигини ёхуд “экстремистик” тафаккур зўра-

вонлик ҳаракатларини тақозо этишини кўрсатадиган, давлатнинг аралашшига асос бўлиши мумкин бўлган фактик далиллар йўқдир. Шундай қилиб, “зўравон экстремизм” ҳодисаси билан “экстремизм” атамаси орасидаги фарқ аниқ чегараланган бўлиши шарт. Бу “радикализм”, “фундаментализм”, “диний фанатизм” каби бошқа атамаларга ҳам алоқадор.

“Экстремистик” нуқтаи назарга эгалликнинг ўзигина хавфсизликка хавфни ташкил қила олмайди. Бундан ташқари, агар “экстремизм”нинг олдини олиш ва унга қарши курашишга оид чоралар куч ишлатмайдиган фаолиятга қарши қаратилган бўлса, инсон ҳуқуқлари бузилиши хавфи мавжуд бўлади. Қандайдир фикрга эга бўлиш ҳуқуқи ва ўз танловига кўра бирор дин ёки эътиқодга эга бўлиш ёки уни қабул қилиш эркинлиги ҳеч қандай чекловларга дучор қилинмаслиги керак.

Халқаро стандартларда шундай яққол огоҳлантириш борки, “экстремизм” сингари атамалардан дин ёки эътиқодларга қонуний амал қилиш кўринишларига босим ўтказиш учун фойдаланилмаслиги ёки улар, диний эътиқодлари кўниқилган динлардан фарқ қилгани ёки “ноодатий” ҳисоблангани учун, бошқа шахслар, диний жамоатлар ёки муайян эътиқодларга амал қиладиган жамоатларга қарши йўналтирилмаслиги шарт. Чоралар, муайян жинсий қилмишларга эмас, эътиқодлар ва ғояларга йўналтирилганлиги фикр эркинлигини ва дин ёки эътиқодлар эркинлигини зарба остига қўяди.

Шундай қилиб, давлатлар шуни таъминлашлари лозимки, хавфсизлик билан боғлиқ чора-тадбирлар фикрлар ва эътиқодларга эмас, хатти-ҳаракатларга дохил бўлиши шарт ва зўравон экстремизм ҳамда “экстремизм” орасида аниқ чегара ўрнатилиши керак.

Диний жамоатлар ёки муайян эътиқодларга амал қиладиган жамоатларнинг алоҳида вакиллари ёки ҳатто раҳнамоси зўравон экстремистлик фаолиятида (яъни, зўравонлик хатти-ҳаракатини амалга оширганликда ёки зўравонликка ундовчи фитнага алоқадорликда) иштирок этаётганлиги борасидаги фактлар билан тасдиқланмаган хавотирлар жамоатларга ҳуқуқ субъекти мақомини олишда рад этиш ва шундай жамоатнинг рўйхатга олинганлигини бекор қилиш учун етарли асос бўла олмайди. Диний жамоатлар ёки муайян эътиқод-

ларга амал қиладиган жамоатларнинг айрим шахслари шундай ҳаракатларни содир этганлиги бутун диний жамоат ёки муайян эътиқодларга амал қиладиган жамоат бу қарашларга шериклигини ёки бундай ҳаракатларни оқлашини аниқлатмайди.

Бундай вазиятларда муайян шахс/шахсларнинг ҳаракатлари ва масъулияти ҳамда бутун гуруҳнинг ҳаракатлари алоҳида кўриб чиқилиши керак. Шу муносабат билан, жамоатнинг алоҳида аъзоси томонидан содир этилган ҳар қандай ғайриҳуқуқий хатти-ҳаракатлар



масаласи тегишли шахсга нисбатан жиноий, маъмурий ёки фуқаролик жараёни воситасида ҳал этилиши керак, бутун диний жамоатга ёки муайян эътиқодларга амал қиладиган жамоатга қаратилмаслиги керак¹⁸.

Диний жамоатлар ёки муайян эътиқодларга амал қиладиган жамоатларга ҳуқуқ субъекти мақомини олишда рад этилган ёки шундай жамоатнинг юридик шахс сифатида рўйхатга олинганлигини бекор қилиш қарори қабул қилинганда, бундай қарор устидан шикоят қилиш ва/ёки судда кўриб чиқишнинг самарали тартиботи таъминланиши керак. Шикоят қилиш жараёни тезкор, шаффоф ва камситишдан холи бўлиши лозим. Диний жамоатлар ёки муайян эътиқодларга амал қиладиган жамоатларга ҳуқуқ субъекти мақомини беришни рад этиш ёки шундай жамо-

атни юридик шахс сифатида рўйхатга олинганлигини бекор қилишни тегишли қарорнинг устидан шикоят қилишнинг барча имкониятларидан фойдаланилмай туриб жорий этиш мумкин эмас.

Халқаро ҳуқуқ давлатларга ўз ҳудудларида яшайдиган барча шахсларнинг, гуруҳларнинг ва жамоатларнинг ҳамда ўз юрисдикциялари остида бўлган барча шахсларнинг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мажбуриятини юклаган¹⁹. Ҳар бир инсон шахсий дахлсизлик ҳуқуқига, шунингдек дин ёки эътиқод эркинлиги ҳуқуқига эгадир. Давлатлар мазкур ҳуқуқларни таъминлашга оид асосий масъулиятни зиммаларига оладилар ва уларни ўз юрисдикциясида бўлган барча шахслар учун тенг асосларга кўра амалга оширишни кафолатлашлари шарт.

Дин ва эътиқод эркинлиги инсоннинг яққа, жамоавий, институционал, таълимий ва ўзаро алоқавий ўлчамларга эга бўлган кўп қиррали ҳуқуқи ҳисобланади.

Халқаро ҳуқуқда ва минтақавий мезонларда²⁰ очиқ-ошкора тарзда эътироф этилган дин ёки эътиқодлар эркинлигига оид қатор асосий принциплар мавжуд:

- мазкур эркинликнинг барча инсонлар, эркаклар ва аёллар, тақводорлар ва даҳрийлар эга бўлган ҳуқуқ сифатидаги мақоми²¹;
- ҳар бир инсоннинг ўзи ёлғиз ҳам, бошқалар билан биргаликда ҳам, ошкора ёки хусусий тарзда, диний таълимотини, ибодатини ёки амалларини бажариш воситасида ўз динига ёки эътиқодига монанд тарзда ибодат этиш ва уларга мос тарзда ҳаракат қилиш, диний расм-русумларни ва амалиётни бажариш эркинлиги²² баён қилинган.

Бу мажбурият нафақат фуқаролар ва резидентларга нисбатан, балки бошпана излаётганлар, мигрантлар,

қочқинлар ва фуқаролиги бўлмаган шахслар учун ҳам тенг даражада бажарилиши лозим.

¹⁸ Терроризмнинг олдини олиш ва зўравон экстремизм ва терроризмга олиб борувчи радикаллашувга қарши кураш: полициянинг аҳоли билан ўзаро ҳаракатланишига асосланган ёндашув (ЕХХТ демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича Бюроси), Варшава, ЕХХТ ДИИХБ, 2014, 17-бет.

¹⁹ БМТ Бош Ассамблеяси, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, 10 декабр, 1948 й., 217 А (III) (бундан сўнг – ИХУД), 3-модда, https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/declarations/declhr.shtml.

²⁰ БМТ Бош Ассамблеяси, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт, 16 декабр, 1966 й., Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Шартномалар тўплами, 999- т., 171-бет (бундан буён – ФСХХП), 18-модда, https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/conventions/pactpol.shtml; Европа Кенгаши, Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳимоя қилиш тўғрисида Европа конвенцияси, № 11 ва № 14 – Протоколлар билан киритилган ўзгаришлар билан, 4 ноябр, 1950 й. (Бундан буён – ИХЕК), 9-модда, https://www.echr.coe.int/Documents/Convention_RUS.pdf; Америка давлатлари Ташкилоти (АДТ), Инсон ҳуқуқлари тўғрисида Америка конвенцияси (Сан-Хосе Пакти (Коста-Рика)), 22 ноябр, 1969 й. (бундан буён – ИХАК), 12-модда, http://www.oas.org/dil/treaties_B-32_American_Convention_on_Human_Rights.htm; Европа Иттифоқи, Асосий ҳуқуқлар тўғрисида Европа Иттифоқи Хартияси, 26 октябр, 2012 й., 2012/C 326/02, 10-мақола, <https://eulaw.ru/treaties/charter/>.

²¹ Қаранг: Умумий тартибдаги эътироз № 22 (БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Қўмитаси, UN Doc. CCPR/C21/Rev.1/Add.4), унда тушунтириладики, дин ёки эътиқодлар эркинлиги теистик, нотеистик ва атеистик эътиқодларни, шунингдек ҳеч қандай дин ёки эътиқодга амал қилмаслик эркинлигини қамраб олади, 2-банд (бундан буён – Умумий тартибдаги эътироз № 22).

²² ФСХХП, 18(1) модда; ИХЕК, 9(1) модда; ИХОК, 12(1)- модда; Вена ҳужжати 1989 й., кўрс. асар., 16-ҳавола; Копенгаген ҳужжати 1990 й., кўрс. асар., 16 ҳавола, 9.4-банд.

§ 2.1.3. ДИН ЁКИ ЭЪТИҚОДЛАР ЭРКИНЛИГИНИНГ УНИВЕРСАЛ ХУҚУҚЛАРГА БОҒЛИҚЛИГИ

Дин ёки эътиқодлар эркинлиги инсон ҳуқуқларига оид кенг тизимнинг бир қисми ҳисобланади ва инсоннинг бошқа – фикрини ифода этиш эркинлиги²³, йиғилишлар ва бирлашмалар эркинлиги²⁴, камситилишдан холи бўлиш эркинлиги сингари универсал ҳуқуқлари ҳамда асосий эркинликлари билан чамбарчас боғлангандир. Шу муносабат билан, ЕХХТ Вазирлар Кенгаши Киевдаги учрашувда қабул қилган Қарорида “фикр, дин, виждон ва эътиқод эркинлиги ва инсоннинг бошқа ҳуқуқлари ҳамда эркинликларининг ўзаро боғлиқлик, ўзаро яққашлик ва ўзаро бир-бирини мустаҳкамловчи характерга эга” эканлиги таъкидланган²⁵. Халқаро тамойилларга кўра, конфессиялараро ва динлараро мулоқот ва шериклик алоқалари зарурдир, улар

барча инсонлар учун тоқатсизликка ва дин ёки эътиқодига кўра камситишга қарши туради, одамлар ва турли дин ёки эътиқодларга амал қиладиган жамоатлар ўртасидаги ўзаро бир-бирини англаш ва ҳурматга кўмаклашади ҳамда дин ёки эътиқод эркинлигини мустаҳкамлайди. Бундай мулоқот ва шериклик диний жамоатлар ва муайян эътиқодларга амал қиладиган жамоатларнинг мустақиллигини, мулоқотда иштирок этиши ихтиёрийлигини ҳурмат қилиши шарт.

Ўзаро алоқалар барча турли-туман диний жамоатлар ва муайян эътиқодларга амал қиладиган жамоатларнинг (шу жумладан, яқинда барпо этилган ва унчалик катта бўлмаган жамоатларнинг) манфаатларини ҳисобга олиши керак.

§ 2.1.4. ДИНИЙ МАҚОЛАЛАР, НАШРЛАР ВА МАТЕРИАЛЛАР

Диний адабиётлар билан юзага келадиган иккита муаммо шундан иборатки, бундай адабиётда зўравонлик ҳақида ҳикоялар бўлиши ёки зўравонлик тасвирлари, шунингдек унда диний мутлоқлик ва диний устуворлик таъкидланган бўлиши мумкин ва бундан огоҳ бўлмоқ шарт.

Ҳақиқатни билишга даъвогарлик кўплаб динлар ва ғайридиний эътиқод тизимларига хосдир; улар шундай ғояни англатишлари мумкинки, унга кўра фақат шу динда ёки эътиқод тизимида

қабул қилинган талабларга мувофиқ ҳақиқатни англаш ва ҳаққоний ҳаётни яшаш мумкин.

Бу шундай фақат битта дин ёки эътиқод тизими, жумладан унинг ахлоқий-маънавий меъёрлари бошқаларникидан юксакроқдир деган тасаввурнинг шаклланишига олиб келиши мумкин. Бундай тасаввурлар, ўз навбатида, низолар манбаи бўлиши ва жамиятнинг беқарорлигига олиб келиши эҳтимолдир. Шу билан бирга сўз ва фикр эркинлигини ҳам унутмаслик лозим²⁶.

²³ Дин ёки эътиқодлар эркинлиги ҳуқуқи ва фикр ҳамда уни эркин ифодалаш эркинлиги ҳуқуқи ўртасидаги ўзаро алоқадорликнинг батафсил таҳлили куйидаги ҳужжатдадир: «25 Дин ёки эътиқодлар эркинлиги тўғрисидаги масалалар буйича Махсус маърузачининг Маърузаси», БМТ Бош Ассамблеяси, UN Doc. A/HRC/31/18, 23 декабр, 2015 й., <https://undocs.org/A/HRC/31/18>.

²⁴ Тинч намойишлар эркинлигига доир Раҳбарий тамойиллар, ЕХХТ ДИИХБ ва Венеция комиссияси, Варшава, ЕХХТ ДИИХБ, 2011, 2-чи нашр, <https://www.osce.org/odihr/73405>; Бирлашмалар эркинлигига доир раҳбарий тамойиллар, ЕХХТ ДИИХБ ва Венеция комиссияси, Варшава, ЕХХТ ДИИХБ, 2016, <https://www.osce.org/odihr/132371>.

²⁵ ЕХХТ Вазирлар Кенгашининг фикр, виждон, дин ва эътиқодлар эркинлиги тўғрисидаги № 3/13- Қарори (Киев, 2013), <https://www.osce.org/ru/mc/109797?download=true>.

²⁶ БМТнинг дин ёки эътиқодлар эркинлиги масалалари буйича Махсус маърузачиси, БМТ Бош Ассамблеяси, 66-68-бандлар, UN Doc. A/HRC/31/18, 23 декабр, 2015 й. <https://undocs.org/A/HRC/31/18>.



Айрим давлатлар муайян диний матнларни “экстремистик” деб ҳисоблаш мумкинми ёки йўқлигини аниқлашда экспертларни тайинлайдилар ва уларнинг хулосаларига таянадилар. Мазкур атамадан фойдаланиш борасида хавотирлар мавжудлигини ва диний матнларни шарҳлаш учун мезонларни ифодалашга ёндашувлар тўғрисида экспертлар ҳамжамиятида консенсус йўқлигини билган ҳолда, бундай экспертларнинг хулосалари цензурага йўналтирилган чораларни кўриш ёки муқаддас матнларни ёхуд уламоларнинг асарларини таъқиқлаш учун ишончли асос бўла олмайди.

Дин ёки эътиқодлар эркинлиги диний жамоатлар ва муайян эътиқодларга амал қиладиган жамоатларнинг тегишли муқаддас матнларнинг ёки уламоларнинг асарларига ўзларининг қўллаб-қувватланган шарҳларини ҳавола этиш ҳуқуқларини қамраб олади. Диний

адабиётларни баҳолашга масъул давлат идоралари мазкур шарҳларга жиддий қарашлари ва автоматик тарзда шу матнлар ҳақида давлат тайинлаган экспертларнинг хулосаларига устунлик бериб юбормасликлари лозим.

§ 2.1.5. ДИН ВА ТАЪЛИМ

Таълим, айниқса инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълим дин ёки эътиқод замирида юзага келадиган камситиш ва тоқатсизликлар билан курашда муҳим ўрин тутди. Оммавий ахборот воситалари эса мамлакатда диний хилма-хилликни ривожлантириш учун шароитларни сақлашда муҳим рол ўйнайди.

ОАВнинг диний маърифат жараёнидаги муҳим ўрни халқаро ҳужжатларнинг қўллаб мажбуриятларида белгилаб қўйилган²⁷, бу мажбуриятлар шунингдек “журналистлар томонидан яна юксакроқ малакани, аниқликни ва журналистларнинг ахлоқ меҳёрларига риоя қилишларини таъминлаш учун ихти-

ёрий касб мезонлари қабул қилинишини, ОАВ ўз-ўзини тартибга солишининг бошқа мақбул механизмлари яратилишини” қўллаб қувватлайди²⁸.

Охирги йилларда рақамли майдон тоқатсизликни ифодалаш ва дин ёки эътиқодлар замирида камситишга, адвокатга ёки зўравонликка даъват қилиш учун майдонга айланди. Мазкур ходисалар билан курашиш учун таълим соҳасида ижтимоий тармоқларда барфрикенгликни, бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳурмат қилишни тарбиялашга йўналтирилган тезкор чоралар кўрилиши керак.

ОАВ ва диний мавзуни ёритиш масаласида Кемден тамойилларининг аҳамияти ва долзарблигини таъкиллаш лозим. Кемден тамойиллари фикрни ифодалаш, шу жумладан матбуот эркинлигидан жамиятдаги тенглик ва камситмасликни дастаклашда фойдаланишни қўллаб-қувватлайди²⁹. Унга кўра, “барча ОАВ, ахлоқий ва ижтимоий масъулиятдан келиб чиққан ҳолда, шундай қадамлар қўйишлари керакки, токи:

- уларнинг ходимлар жадвали ранг-баранг бўлиши ва жамиятни намоён этиши кераклигига ишониш мумкин бўлсин;
- жамиятдаги барча гуруҳлар масалаларини имкон қадар тадқиқ этиш лозим;
- турли жамоатлар ичида манбалар ва овозлар турли-таманлигига интилиш шарт, жамоатларни яхлит бир монолит бирлашма деб ҳисобламаслик керак;
- ахборот беришнинг тан олинган малака ва ахлоқ тамойилларига мос бўлган юксак мезонларига риоя қилиш лозим”.

²⁷ ЕХҲТнинг қатор ҳужжатларига қаранг: Истанбул ҳужжати 1999 й., Порту ҳужжати 2002 й., Любляна ҳужжати 2005 й., София ҳужжати 2004 й., Брюсел ҳужжати 2006 й. ва Мадрид ҳужжати 2007 й.

²⁸ Брюсел ҳужжати 2006 й., 9-банд, ва Мадрид ҳужжати 2007 й., 4-банд.

²⁹ Фикрни ифода этиш ва тенглик эркинлигига доир Кемден тамойиллари, Article 19 ташкилоти, <https://www.article19.org/wp-content/uploads/2009/04/Camden-Principles-RUSSIAN-web.pdf>.

§ 2.2. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ДИНИЙ СОҲАНИ ТАРТИБГА СОЛУВЧИ ҚОНУН ВА МЕЪЁРИЙ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРИ ТАҲЛИЛИ

Дин ва эътиқод эркинлигига оид халқаро-ҳуқуқий андозалар 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва унинг асосида кейинги йилларда ишлаб чиқилган миллий қонунларга бир қадар имплементация қилинган.

Мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб Ўзбекистон ўзини дунёвий давлат дея эълон қилди ва Конститу-

ция орқали буни мустаҳкамлади. Дунёвийлик тушунчаси замирида диний ташкилотларни сиёсий ташкилотлардан ажратиш ва динийликни барча учун асос қилиб олмаслик тамойили мужассамдир. Шу билан бирга, давлат диндорларнинг ҳақ-ҳуқуқларини кафолатлаш мажбуриятини ҳам ўз зиммасига олади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 31-моддасига кўра, “Ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланади... Ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга... Диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди”.

Мамлакатда мазкур конституциявий меъёр негизида “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги Қонун қабул қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича кўмитанинг Конфессиялар ишлари бўйича кенгаши аъзолари сони 9 дан 17 нафарга кенгайтирилиб, мамлакатда рўйхатдан ўтган барча конфессия вакилларини қамраб олди. Хусусан, Конфессиялар ишлари бўйича кенгашининг янги аъзолари сифатида, кам сонли бўлишига қарамай, “Ўзбекистон Инжил жамияти”, “Еттинчи кун насроний адвентистлар”, “Кришнани англаш”, “Иегова гувоҳлари” каби ташкилот вакиллари қайд этилди.

2017 йил 8 ноябрда Самарқанд вилоятида Калом илми мактаби, 10 ноябрь куни Қашқадарё вилоятида Ақида илми мактаби ва Бухородаги Мир Араб олий мадрасаси ҳузурида Баҳоуддин Нақшбанд Тасаввуф илми мактаби ҳамда 13 ноябрь куни Фарғона вилоятида Ислом ҳуқуқи мактаби, 2018 йил 16 апрелда Самарқанд вилоятида Ҳадис илми мактаби иш бошлади.

2018 йил 16 апрелда Ўзбекистон Президентининг “Диний-маърифий соҳа

фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони қабул қилинди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 31 майдаги қарори билан “Ўзбекистон Республикасида диний ташкилотларни давлат рўйхатидан ўтказиш, қайта рўйхатдан ўтказиш ва тугатиш тартиби тўғрисидаги низом” тасдиқланди. Низомда диний ташкилотларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун олинадиган давлат божининг миқдори 5 бараварга қисқартирилган, диний ташкилотларнинг рўйхатга олувчи органларга фақатгина бир йилда бир мартаба ҳисобот бериши тартиби белгиланган.

Бундан ташқари, Ҳукуматнинг юқоридаги қарори билан рўйхатга олувчи органнинг диний ташкилотни тугатиш бўйича ваколоти бекор қилинди. “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги қонуннинг янги таҳрирдаги лойиҳаси тайёрланди ва қабул қилинди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 20 январдаги “Диний мазмундаги материалларни тайёрлаш, олиб кириш ва тарқатиш соҳасидаги фаолиятни амалга ошириш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига 2019 йил 19 апрелда ўзгарти-



риш ва қўшимчалар киритилди. Хусусан, Ўзбекистон ҳудудида муомалада бўлиши тақиқланган диний мазмундаги материалларнинг рўйхати бундан буён Дин ишлари бўйича қўмита томонидан ҳар йили, камида икки марта тузилади. Шу билан бирга, диний мазмундаги материалларни тайёрлаш, олиб кириш

ёки тарқатиш учун Дин ишлари бўйича қўмитага тақдим этиладиган ҳужжатларнинг рўйхати қайта кўриб чиқилди. Энди бундай материалларни тайёрлаш учун ҳам, уларни олиб кириш ёки тарқатиш учун ҳам рўйхатдан ўтганлик ҳақидаги гувоҳнома нусхаси талаб этилмайди.

§ 2.2.1. “ВИЖДОН ЭРКИНЛИГИ ВА ДИНИЙ ТАШКИЛОТЛАР ТЎҒРИСИДА”ГИ ҚОНУН

Ўзбекистон Республикасининг “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги Қонуни янги таҳрири лойиҳаси эълон қилинганда ЕХХТ/ДИИХБ ва Венеция Комиссияси Ўзбекистон Республикасининг дин ва эътиқод эркинлиги тўғрисидаги қонунчилик базасига уни дин ва эътиқод эркинлиги бўйича халқаро стандартларга мувофиқлаштириш мақсадида ўзгартириш киритишга қаратилган саъй-ҳаракатларини мамнуният билан қабул қилади ва ўз таклифларини беради.

Экспертлар Қонун лойиҳасидаги бир қадар ижобий ўзгаришларни ҳам таъкидлагандилар. Масалан, диний ташкилот тузиш учун диндорларнинг талаб қилинадиган энг кам сонини қисқартириш, жамоат жойларида диний кийим кийишни тақиқлашни олиб ташлаш ва диний ташкилотнинг тугатилиши маъмурий орган ўрнига суд томонидан эълон қилиниши бўйича талаблар шулар жумласидандир.

Бундан ташқари комиссия хулосасига кўра, “қонун лойиҳасида инсон ҳуқуқла-

ри бўйича халқаро стандартларга мос келмайдиган йирик чекловлар ва камчиликлар сақланиб қолмоқда”, - дея таъкидланган эди. Хусусан, рўйхатдан ўтмаган диний ёки конфессиявий фаолият ва жамоаларни тақиқлаш, рўйхатдан ўтишда қатъий ва оғир талаблар қўйилганлиги, шунингдек диний эътиқод эркинлиги, диний таълим, рухсат берилган ибодат жойлари каби ҳуқуқларни амалга оширишда турли хил тақиқлар ёки қаттиқ чекловлар кўзда тутилган ҳамда диний материалларни ишлаб чиқариш, олиб кириш ва тарқатиш чекловлари “динлараро тотувлик ва диний бағрикенгликнинг бузилиши” деб қаралганди.

Қонуннинг янги таҳрири қабул қилинди. Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев 2021 йил 5 июлда “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги янги қонунни имзолади. Қонун лойиҳаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан шу йил 4 майда ва Сенат томонидан эса 26 июнда қабул қилинган.

§ 2.2.2. ЎЗГАРИШЛАР ВА ЭСКИ ШАКЛ

Қонунда жамоатчиликка 2014 йилда ваъда қилинган энг муҳим ўзгариш – жамоат жойларида ибодат либосида юришга қўйилган тақиқ ҳақидаги жумланинг тўлиқ олиб ташланганидир.

Янги қонунда диний ташкилотларга сиёсий партиялар фаолиятида иштирок этиш ҳамда уларни моддий ёки бошқа тарзда қўллаш тақиқланган.

Аммо, қолган тақиқлар, жумладан, бошланғич диний таълим ва хусусий диний таълимни чеклаш, давлат рухсат берган муассасалардан ташқарида ибодат қилиш, диний материалларни давлат рухсатисиз чоп этишга оид чекловлар сақлаб қолинди.

Ўзгаришлар қуйидагилардан иборат:

- жамоат жойида “ибодат либоси”да юришга тақиқ бекор қилинди ва умуман бу тушунча қонунчиликдан олиб ташланди;
- диний ташкилот тузиш учун камида 100 эмас, 50 нафар ташаббусчи талаб қилинади;
- янги диний ташкилот тузиш учун аризани кўриб чиқиш муддати 3 ойдан 1 ойга туширилди;
- ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларга ўз фарзандига диний амалиёт асослари ва одоб-ахлоқ қоидаларини (уй шароитида) ўргатиш ҳуқуқи берилди;
- қонундан “хусусий тартибда диний таълим бериш ман этилади” деган алоҳида жумла олиб ташланди, аммо бу ҳаракат ноқонуний диний фаолият сирасига киритилди.

Бундан ташқари, диний ташкилотларга сиёсий партиялар фаолиятида қатнашиш ва уларни молиявий ёки бошқа турда қўллаш тақиқланди.

Янги таҳрирдаги қонунда шу кунга қадар рўмол, ҳижоб, дўппи, соқол каби муаммоларга ечим бўладиган аниқла-малар киритилмаган, хусусий диний таълим ва мустақил диний фаолият бўйича чекловлар бекор қилинмаган.

§ 2.2.3. ХАЛҚАРО ТАШКИЛОТЛАР ВА ЭКСПЕРТЛАР ФИКРИ

Қонунда шу вақтгача халқаро ҳуқуқ экспертлари ва халқаро ташкилотлар ҳамда диний жамоатчилик танқид қилиб келган тақиқларнинг асосий қисми сақлаб қолинган Диний эркинликларнинг аҳволини кузатувчи халқаро нодавлат ташкилоти экспертлари Forum 18 янги қонунни “чекловчи қонун” дея баҳолади. Унда қуйидаги ҳуқуқлар чекланган:

- давлат рухсатисиз дин ва эътиқод эркинлигидан фойдаланиш;
- давлат рухсатисиз диний таълим бериш;
- диний эътиқодга оид фикрларни улашиш;
- давлат цензурасидан ўтказмасдан туриб, диний мазмундаги материалларни чоп этиш, электрон ва матн шаклида тарқатиш.

Бу тақиқлар Ўзбекистоннинг халқаро инсон ҳуқуқлари нормалари доирасида зиммасига олган мажбуриятларига зиддир. Аввал БМТнинг Дин ва эътиқод эркинлиги бўйича махсус маърузачиси, БМТ Универсал даврий ҳисоботи (UPR) ҳамда Инсон ҳуқуқлари қўмитаси томонидан бу тақиқларни олиб ташлаш тавсия қилинган. Бу қонуннинг лойиҳасига оид Ўзбекистонга киритилган сўнги тавсиялар 48 бетли “Қонун орқали демократия” Европа комиссияси (Венеция комиссияси) ва ЕХҚТнинг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюросининг Ўзбекистон Республикаси “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги Қонуни лойиҳаси бўйича қўшма хулосаси эди³⁰. У Венеция комиссияси томонидан 124-сонли онлайн Ялпи мажлисида қабул қилинган (8-9 октябр, 2020-й.).

§ 2.2.4. “ИБОДАТ ЛИБОСИ” ВА ҚОНУНЧИЛИКДАГИ КОЛЛИЗИЯЛАР

Янги қонунда “ибодат либоси” деган жумланинг ўзи йўқ ва ҳатто “диний либос” ёки умуман “кийим”, деган сўз киритилмаган. 1998 йилда қабул қилинган “Виждон эркинлиги ва диний

ташкилотлар тўғрисида”ги қонуннинг аввалги таҳририда ибодат либоси ҳақида гап борган 14-моддаси: “Ўзбекистон Республикаси фуқароларнинг (диний ташкилотларнинг хизматидагилар

³⁰ <https://www.osce.org/files/f/documents/f/6/467691.pdf>



бундан мустасно) жамоат жойларида ибодат либосларида юришларига йўл қўйилмайди), фуқароларнинг (диний ташкилот ходимлари мустасно) жамоат жойида ибодат либосида юришига йўл қўйилмайди”, - диний жамоатчилик эътирозига сабаб бўлиб келган эди.

Айни модда асосида Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 184-1-моддаси билан бу ҳуқуқбузарлик учун инсонлар базавий ҳисоблаш миқдорининг 5 бараваридан 10 бараваригача жарима солинади ёки 15 суткагача қамалади. Янги Қонундан бу қонунбузарлик олиб ташлангани билан унинг учун жазо бекор қилинмаган. Эндиликда жамоат жойларида ибодат либосида юрганлик учун жазолаш амалиёти қонун билан бекор қилинди. Аммо бу тушунчани бутунлай қонунчиликдан чиқариб ташлаш билан, шу вақтгача рўмол ёки ҳижоб, оқ дўппига нисбатан “ибодат либоси” ёхуд “диний кийим” дейилган қараш ўзгарадими, жумладан бу кийимларда ўқув муассасаларида

ўқиш мумкинми-йўқми – бундай саволларга қонунчиликда аниқ жавоб йўқ.

Қонун расмий шарҳида айтилишича: “Шу билан бирга, амалдаги бошқа қонунчилик ҳужжатларига асосан, давлат ташкилотлари ва муассасаларида ходимларнинг кийинишига оид талаблар уларнинг ички ҳужжатлари билан тартибга солинади”. Демак, ибодат либосида ишлашни таъқиқлашга оид ички ҳужжатлар ўз кучида қолаяпти. Ўзбекистонда рўмолли ва ҳижобли ўқувчи, ОТМ талабалари, дўппи ёки соқолдаги талабаларни таълим муассасаси биносига киритмаслик ҳоллари кузатилади. Бу ҳақда матннинг тепасига қаранг, 5 июлдан “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг янги таҳрири ишлай бошлади, унда “ибодат либоси” атамаси олиб ташланди, айни пайтда вазирлик Халқ таълими вазирлиги ва Олий таълим вазирлигининг таъкидлашича, кийиниш қоидалари ҳукумат ёки кўпчилик таълим муассасалари томонидан белгиланади.

§ 2.2.5. ҚОНУН ВА ДИНИЙ ТАЪЛИМ МУАММОЛАРИ

Янги қонунда таълим тизими ва талабаларнинг диний эътиқодидан келиб чиқадиган муносабатлар 8-моддада (Таълим тизими ва дин) белгиланган. Бу моддада таълим тизимининг диндан ажратилгани белгиланган. Диний таълимни фақат давлат рухсат берган диний таълим муассасаларида олиш мумкин.

Янги қонунда ҳам хусусий тартибда диний таълим бериш тақиқланган. Аввалги қонуннинг 9-моддасидаги “Хусусий тартибда диний таълим бериш ман этилади”, деган жумла олиб ташланган, бироқ янги таҳрирдаги қонуннинг “Асосий тушунчалар” ҳақидаги 3-моддасига эса “хусусий тартибда диний таълим фаолияти билан шуғулланиш” қонунга хилоф фаолият сифатида қўшилган: “қонунга хилоф диний фаолият – диний ташкилот сифатида рўйхатдан ўт-

масдан фаолият кўрсатиш, диний ташкилот томонидан фаолиятни ўзи турган жойдан, шу жумладан ибодат қилинадиган бинолардан ва диний ташкилотга тегишли ҳудудлардан ташқарида амалга ошириш, шунингдек диний таълим муассасаларидан ташқарида хусусий тартибда диний таълим фаолияти билан шуғулланиш”.

Айтиш лозимки, 2020 йил августда аҳоли муҳокамасига қўйилган лойиҳада: “Ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар ўз фарзандига диний амалиёт ва одоб-ахлоқ қоидаларини (уй шароитида) ўргатиш ҳуқуқи берилиши” қайд этилганди. Ш.Мирзиёев имзолаган қонун матнида бу жумла ҳам олиб ташланган.

Шунингдек, янги қонунда ҳам, фуқаролар мажбурий умумий-ўрта ёки ўрта махсус таълим олганларидан сўнг ди-

ний таълим муассасаларига ўқишга қабул қилинади. Яъни 16 ёшгача бўлган болаларга диний таълим берилиши эса янги ва эски қонунда ҳам таъқиқланган.

Қонун лойиҳаси муҳокамаси жараёнида Венеция комиссияси таъкидлаган эдики, лойиҳанинг 3-моддаси 5-бандидаги ва 11-моддасидаги “хусусий тартибда диний таълим фаолияти билан шуғулланиш” таъқиқланиши белгиланганлиги халқаро ҳуқуққа зиддир.

Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар бўйича Халқаро пактнинг 18-моддасида, Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа конвенцияси (Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Европа конвенцияси)нинг 9-моддасида ўз динига ёки эътиқодига жамоавий ёки хусусий равишда – яқка тартибда ёки бошқалар билан биргаликда – “ўқитиш” орқали амал қилиш ҳуқуқи назарда тутилган.

Ўзбекистон томонидан ратификация қилинган 1981 йилги Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Декларациясининг 5-моддасида барча болаларга “ота-оналарининг хоҳишларига биноан дин ёки эътиқод масалаларида таълим олиш ҳуқуқи” алоҳида кафолатланган, 6-моддасида эса “дин ёки эътиқодни шу мақсадга мувофиқ жойларда ўргатиш” ҳуқуқи кафолатланган³¹.

Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро пактнинг (ИИМҲХП) 13-моддаси 3-бандига мувофиқ, Иштирок этувчи давлатлар “ота-оналарнинг ва тегишли ҳолларда қонуний вакилларининг фарзандлари учун ҳукумат томонидан ташкил этилган мактаблардан бошқа ўрнатилиши ёки тасдиқланиши мумкин бўлган минимал таълим стандартларига жавоб берадиган ва фарзандларига ўз эътиқодларига мувофиқ диний-ахлоқий таълим берадиган давлат органлари томонидан ташкил этилган мактабларни танлаш эркинлиги ҳуқуқи ҳурмат қилиниши керак”.

Ота-оналарнинг ўз эътиқодига мувофиқ ва боланинг қобилиятларини ривожлантиришни ҳисобга олган ҳолда ўз фарзандларининг ахлоқий ва диний таълимини таъминлаш ҳуқуқи – ФСҲХПнинг 18-моддаси 4-бандида

назарда тутилган дин ёки эътиқод эркинлигининг асосий элементларидан биридир. Бу давлат мактабларида ихтиёрий диний таълим олиш ёки расмий диний таълим олиш учун бошқа имкониятларни назарда тутати.

§ 2.2.6. ДИН ВА СИЁСАТ

Янги қонундаги яна бир жиддий ўзгариш унинг 7-моддасига қўшилган. Қонуннинг аввалги таҳриридаги 5-моддада: “Ўзбекистон Республикасида диний моҳиятдаги сиёсий партия ва жамоат ҳаракати, шунингдек республикадан ташқарида тузилган диний партияларнинг филиаллари ва бўлимларини тузишга ва уларнинг фаолият юритишига йўл қўйилмайди”, дейилганди.

Янги таҳрирдаги қонунда эса, бу жумла ўзгартирилган ва сайловлар олдидан қабул этилган қонунда кенгайтирилган:

“Ўзбекистон Республикасида диний руҳдаги сиёсий партия ва бошқа жамоат бирлашмасининг, республикадан ташқарида тузиладиган диний партиялар ваколатхоналари ва филиалларининг ташкил этилишига ҳамда фаолиятига, сиёсий партиялар ва сиёсий мақсадларни кўзловчи бошқа жамоат бирлашмалари фаолиятида диний ташкилотларнинг иштирок этишига, шунингдек уларга молиявий ёки бошқа ёрдам кўрсатишига йўл қўйилмайди”.

³¹ https://azon.uz/content/views/vijdon-erkinligi-va-diniy-tashkilot#_ftn3



§ 2.2.7. ҚОНУН ВА ХАЛҚАРО ҲАМЖАМИЯТ (ХУСУСАН, ВЕНЕЦИЯ КОМИССИЯСИ)

АҚШ Давлат департаменти 2020 йил декабрида Ўзбекистонни диний эркинлик бўйича махсус кузатувдаги давлатлар рўйхатидан чиқарган. Аммо АҚШнинг Халқаро диний эркинликлар бўйича комиссияси (USCIRF) 2021 йил апрель ойида Ўзбекистонни махсус кузатувдаги давлатлар рўйхатига

қайтаришни тавсия қилганди³². Комиссиянинг бундай хулосага келишига асосан қонунчиликдаги муаммолар, хусусан “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги қонуннинг янги таҳрирдаги лойиҳаси халқаро стандартларга мос келмаслиги сабаб бўлгани билдирилган.

“Қонун лойиҳаси инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро стандартларга ва ЕХХТ олдида инсон ҳуқуқлари борасида олинган мажбуриятларга тўла мос келиши учун жиддий қайта кўриб чиқилиши керак”, – дея таъкидланган ЕХХТ ва Венеция комиссиясининг қўшма хулосасида.

Қонун ва Венеция комиссиясининг талабларини қиёслаймиз. Яъни асосан мана бу ҳолатлар бартараф этилиши керак эди:

- диний фаолият ва диний ташкилотлар мажбурий тартибда рўйхатдан ўтказилиши (ўзгартирилмади);
- давлат рўйхатидан ўтказиш учун ортиқча талаблар борлиги (ўзгартирилмади);
- диний материалларга цензура (ўзгартирилмади);
- давлат амалдорларининг диний соҳада ҳаддан зиёд эркинлиги ва диний ташкилотнинг автономия ҳуқуқига аралашув борлиги (ўзгартирилмади);
- давлат рухсатисиз дин эркинлигини амалга ошириш тақиқланади (ўзгартирилмади);
- давлат рухсатисиз диний таълим бериш ман этилади (ўзгартирилмади);
- ҳукумат дин ҳақидаги барча материалларни цензура қилади ва динига бошқаларни даъват этиш тақиқланади (ўзгартирилмади);

- экстремизм тушунчасига қонунчиликда берилган таъриф жуда кенглиги, у зўравонликсиз диний эътиқод ва зўравонликни дастаклайдиган мафқуралар ўртасидаги тафовутни аниқлашга имкон бермайди (ўзгартирилмади).

Янги таҳрирдаги қонун лойиҳасининг амалдаги қонундан деярли фарқи йўқ. “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги қонун: Халқаро экспертларнинг Қўшма Хулосаси деярли инобатга олинмаган.

Шунга қарамай, Қонуннинг янги таҳрири қабул қилинди ва кучга кирди. Мамлакатдаги барча шахслар, фуқаролар, жумладан, журналистлар ва блогерлар энди шундан келиб чиққан ҳолда фаолият юритишлари лозим.

Албатта, миллий қонунчиликнинг тепасида Конституция туради ва унда динга оид меъёрлар мавжуд. Шу билан бирга, “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги Қонун бу соҳадаги асосий қонунчилик актидир.

³² <https://www.state.gov/reports/2020-report-on-international-religious-freedom/uzbekistan/>

§ 2.2.8. “ВИЖДОН ЭРКИНЛИГИ ВА ДИНИЙ ТАШКИЛОТЛАР ТЎҒРИСИДА”ГИ ҚОНУН МЕЪЁРЛАРИ

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш. Мирзиёев имзолаган қонун³³ 2021 йил 5 июлдан кучга кирди.

Қонуннинг мақсади виждон эркинлигини таъминлаш соҳасидаги муносабатларни, шунингдек диний ташкилотлар фаолиятини тартибга солишдан иборатдир.

Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонунчилик Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси³⁴, мазкур Қонун ва бошқа қонунчилик ҳужжатларини қамраб олади. Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонунчилигида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

Журналистлар ва блогерлар, диний мавзуда ижод қилувчилар қонунда қўлланилган асосий тушунчаларни билишлари лозим:

диний таълим муассасаси – муайян конфессияга мансуб бўлган, диний ташкилотларнинг профессионал хизматчиларини ва улар учун зарур бўлган диний ходимларни тайёрлаш учун диний ташкилотларнинг Ўзбекистон Республикаси бўйича марказий бошқарув органи томонидан ташкил этилган муассаса;

диний ташкилот – фуқароларнинг белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган, биргаликда динга эътиқод қилиш, ибодат қилиш, диний расм-рўсуллар ва маросимларни бажариш мақсадида ташкил этилган, даромад (фойда) олишни ўз фаолиятининг асосий мақсади қилиб олмаган ҳамда олинган даромадларни (фойдани) ўз иштирокчилари (аъзолари) ўртасида

тақсимламайдиган кўнгилли бирлашмаси (маҳаллий диний ташкилот, диний таълим муассасаси ва диний ташкилотларнинг Ўзбекистон Республикаси бўйича марказий бошқарув органи);

диний ташкилотларнинг Ўзбекистон Республикаси бўйича марказий бошқарув органи – бир конфессиянинг маҳаллий диний ташкилотлари, шунингдек диний таълим муассасалари фаолиятини мувофиқлаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг камида саккизта маъмурий-худудий бирлигида (Қорақалпоғистон Республикасида, вилоятда, Тошкент шаҳрида) рўйхатдан ўтиб фаолият кўрсатаётган маҳаллий диний ташкилотлар томонидан ташкил этилган диний ташкилот;

маҳаллий диний ташкилот – Ўзбекистон Республикасининг тегишли тумани (шаҳари) ҳудудида доимий яшаётган, ўн саккиз ёшга тўлган, эллик нафардан кам бўлмаган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ташаббуси билан ташкил этилган, фаолиятини Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, ва Тошкент шаҳри, туман ёки шаҳар ҳудудида амалга оширувчи диний ташкилот (масжидлар, черковлар, синагогалар, ибодатхоналар ва бошқалар);

миссионерлик – аниқ мақсадга қаратилган мафкуравий таъсир ўтказиш орқали шахсни (бир гуруҳ шахсларни) ўз динига киритиш мақсадида унга (уларга) диний қарашларни мажбуран сингдиришга ва диний таълимотни тарқатишга доир фаолият;

қонунга хилоф диний фаолият – диний ташкилот сифатида рўйхатдан ўтмасдан фаолият кўрсатиш, диний ташкилот томонидан фаолиятни ўзи турган жойдан, шу жумладан ибодат қилинадиган бинолардан ва диний ташкилот-

³³ Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 06.07.2021 й., 03/21/699/0635-сон

³⁴ <https://lex.uz/docs/20596>



га тегишли ҳудудлардан ташқарида амалга ошириш, шунингдек диний таълим муассасаларидан ташқарида хусусий тартибда диний таълим фаолияти билан шуғулланиш;

диний профессионал таълим – диний таълим муассасаларида ўқувчи-

ларга маълум бир конфессияга оид диний билимлар беришга қаратилган жараён;

прозелитизм – миссионерлик фаолиятининг бир конфессияга эътиқод қилувчиларни бошқа конфессияларга ўтказишга қаратилган шакли.

§ 2.2.9. ВИЖДОН ЭРКИНЛИГИ НИМА?

Виждон эркинлиги – бу фуқароларнинг хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик бўйича кафолатланган конституциявий ҳуқуқидир.

Фуқаро динга, динга эътиқод қилишга ёки эътиқод қилмасликка, ибодатларда, диний расм-русумлар ва маросимларда иштирок этишга ёки иштирок этмасликка, диний таълим олишга нисбатан ўз муносабатини белгилаётганда уни у ёки бу тарзда мажбурлашга йўл қўйилмайди.

Вояга етмаганларни уларнинг хоҳиш-иродасига, ота-онасининг ёки қонуний вакилларининг хоҳиш-иродасига зид тарзда диний ташкилотларга жалб этишга йўл қўйилмайди.

Ўз динига эътиқод қилиш ёки ишонини эркинлигига нисбатан фақат қонунда назарда тутилган чекловлар татбиқ этилади.

Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумини зўрлик билан ўзгартириш, унинг суверенитети ва ҳудудий яхлитлигига путур етказиш, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини камситиш, урушни, миллий, ирқий, этник ёки диний адоватни тарғиб қилиш, фуқароларнинг соғлиғи ва ахлоқига тажовуз қилиш, фуқаролар тотувлигини бузиш, вазиятни беқарорлаштирувчи тухматдан иборат уйдирмаларни тарқатиш, аҳоли ўртасида саросима уйғотиш ҳамда шахс, жамият ва давлатга қарши қаратилган бошқа ҳаракатлар содир этиш мақсадида диндан фойдаланишга йўл қўйилмайди.

§ 2.2.10. ВИЖДОН ЭРКИНЛИГИ ҲУҚУҚИ ҚАНДАЙ ТАЪМИНЛАНАДИ?

Виждон эркинлигини таъминлаш фуқароларнинг динга муносабатидан қатъи назар, диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўймаган ҳолда, уларнинг виждон эркинлигига бўлган ўз ҳуқуқларини амалга ошириши учун тенг шарт-шароитлар яратиш; конфессиялар ўртасидаги тинчлик ва тотувликни мустаҳкамлаш, жамиятда диний бағрикенгликни таъминлаш; виждон эркинлигини таъминлашда дунёвий давлат қурилишини сақлаб қолиш; виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонунчиликка фуқаролар ҳамда диний ташкилотлар томонидан риоя этилишини таъминлаш; жамоат тартибига, Ўзбекистон Республикаси

фуқароларининг соғлиғи ва ахлоқига, ҳуқуқ ва эркинликларига таҳдид солувчи диний ғоялар ҳамда қарашларнинг сингдирилиши ва тарқатилишига қарши курашиш орқали таъминланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита виждон эркинлигини, шунингдек виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонунчиликнинг амалда изчил ҳамда бир хил тарзда қўлланилишини таъминлашга доир чораларнинг амалга оширилиши учун масъул бўлган ваколатли давлат органидир.

Диннинг давлатдан ажратилганлиги таъминлиги эътибор қаратиш лозим. Ўзбе-

кистон Республикасида дин давлатдан ажратилган. Ўзбекистон Республикасида диний ташкилотлар ва давлат органларининг фаолияти ўзаро аралашмаслик асосида амалга оширилади.

Давлат турли динларга эътиқод қиладиган ва уларга эътиқод қилмайдиган фуқаролар, турли динларга мансуб диний ташкилотлар ўртасида ўзаро мурося ва ҳурмат ўрнатилишига кўмаклашади, диний ақидапарастлик ҳамда экстремизмга, муносабатларни қарама-қарши қўйиш ва кескинлаштиришга, турли конфессиялар ўртасида адоватни авж олдиришга қаратилган хатти-ҳаракатларга йўл қўймайди.

Давлат конфессияларнинг тинч-тотув яшашига кафил бўлади. Миссионерлик ва прозелитизмнинг олдини олади.

Давлат диний ташкилотлар зиммасига давлатнинг бирор-бир вазифаларини

бажаришни юкламайди, уларнинг қонунчиликка зид бўлмаган фаолиятига аралашмайди. Диний ташкилотлар давлат вазифаларини бажармайди. Давлат диний ташкилотларнинг фаолиятини молиялаштирмайди ва динга эътиқод қилувчиларнинг дин билан боғлиқ ҳис-туйғуларини ҳақоратлайдиган фаолиятга йўл қўймайди.

Ўзбекистон Республикасида диний руҳдаги сиёсий партия ва бошқа жамоат бирлашмасининг, республикадан ташқарида тузиладиган диний партиялар ваколатхоналари ва филиалларининг ташкил этилишига ҳамда фаолиятига, сиёсий партиялар ва сиёсий мақсадларни кўзловчи бошқа жамоат бирлашмалари фаолиятида диний ташкилотларнинг иштирок этишига, шунингдек уларга молиявий ёки бошқа ёрдам кўрсатишига йўл қўйилмайди.

§ 2.2.11. ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ВА ДИН

Ўзбекистон Республикасида таълим тизими диндан ажратилгандир.

Таълим тизимининг ўқув дастурларига диний фанлар киритилишига (бундан диний таълим муассасалари мустасно) йўл қўйилмайди.

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг дунёвий таълим олиш ҳуқуқи, уларнинг динга бўлган муносабатидан қатъи назар, таъминланади.

Ҳар ким диний таълим муассасаларида профессионал диний таълим олиш ҳуқуқига эга.

Диний таълим муассасаларида ўқишга фуқаролар қонунчиликка мувофиқ умумий ўрта, ўрта махсус таълим ёки профессионал таълим олганидан кейин қабул қилинади.

Диний профессионал таълим олган шахслар диний таълим муассасаларида диний фанларни ўқитиш фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқига эгадир.

§ 2.2.12. ДИНИЙ РАСМ-РУСУМЛАР ВА МАРОСИМЛАР

Диний расм-русумлар ва маросимлар диний ташкилотлар жойлашган жойда, шу жумладан ибодат қилинадиган биноларда ҳамда уларга тегишли ҳудудларда, дафн этиш жойларида, зиёратгоҳларда, диний зарурият бўлган тақдирда фуқароларнинг хоҳишига кўра уларнинг уйларида ўтказилади.

Касалхоналарда, госпиталларда, интернат муассасаларида, дастлабки қамоқ ва жазони ўташ жойларида, ички ишлар органларининг реабилитация марказларида диний расм-русумлар ва маросимлар қонунчиликда белгиланган тартибда, шу жойлардаги фуқароларнинг илтимосларига кўра ўтказилиши мумкин.



Ибодат қилинадиган бинолардан ташқаридаги оммавий диний расм-русумлар ва маросимлар қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширилади.

Диний ташкилотлар динга эътиқод қилувчилардан мажбурий пул йиғимлари ва тўловлар ундиришга, шунингдек уларга нисбатан шахснинг шаъни ва қадр-қимматини камситувчи чораларни қўллашга ҳақли эмас.

§ 2.2.13. ДИНИЙ МАЗМУНДАГИ МАТЕРИАЛЛАР, УЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ, ОЛИБ КИРИШ ВА ТАРҚАТИШ

Диний мазмундаги материаллар диний таълимотнинг ақидавий асосларини, тарихини, диний таълимот мафкура-сини ва шарҳларни, турли диний таълимотларнинг маросимлар ўтказиш амалиётини, шунингдек алоҳида шахсларнинг, тарихий фактлар ва ҳодисаларнинг диний нуқтаи назардан баҳосини акс эттирувчи китоблар, рисо-лар, журналлар, газеталар, варақалар, бошқа босма нашрлар, белгилар, предметлар, рамзлар, аудиовизуал асарлар (теле-, кино- ва видеофильмлар, клип-лар, концерт дастурларининг ёзувлари, мультфильмлар ва бошқалар), электрон ахборот ташувчилардан (дискетлар, CD, DVD дисклари, ўрнатилган ва ечиб олинadиган хотира карталари, Интернет жаҳон ахборот тармоғида жойлаштирилган материаллар ва бошқалар) иборатдир.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида диний мазмундаги материалларни тайёрлаш, олиб кириш ва тарқатиш жамиятда конфессиялараро тотувлик ҳамда диний бағрикенглик бузилишига олиб келадиган, диний зўравонлик ва бошбошдоқликка чорлайдиган ғоялар ҳамда қарашлар тарқалишининг олдини олиш мақсадида диншунослик экспертизасининг ижобий хулосаси олинганидан кейин амалга оширилади.

Диний мазмундаги материалларни тайёрлаш, олиб кириш ва тарқатиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Маълумки, қонунчиликда диний мазмундаги материалларни Дин ишлари бўйича қўмита экспертизасидан сўнг ошкор

этиш мажбурияти бор. ОАВларга қўйилган асосий “айб”лардан бири ана шу “рухсатсиз чоп этиш”дир. Қатор оммавий ахборот воситалари, масалан, “kun.uz” ва “azon.uz” сайтлари масъуллари айнан шу айб билан судланди ва жаримага тортилди. Исроилдаги заводда портлаш бўлгани, Туркия ва Россия муносабатлари совуқлашгани, Башар Асад яна Сурия президентлигига номзодини қўйгани каби янгиликлар Дин ишлари бўйича қўмита томонидан диний материал деб топилган; натижада ОАВ бу материалларни экспертизадан ўтказмай тарқатгани учун жаримага тортилган эди.

Жаримага сабаб бўлган материаллар орасида, хусусан, қуйидагилар ҳам бор: “Янги Зеландия полицияси ҳижоб услубидаги формани таништирди” сарлавҳали хабар (kun.uz); “Исроил ракета технологиялари заводида портлаш содир бўлди” сарлавҳали хабар (azon.uz); “Туркия ва Россиянинг муносабатлари ёмонлашди” сарлавҳали хабар (azon.uz); “Сурия ҳукумати кимёвий қуроллар қўллагани боис чекловга учради” сарлавҳали хабар (Azon.uz); “Чад: ўлдирилган президентнинг ўрнини ўғли эгаллади” сарлавҳали хабар (azon.uz); “Башар Асад яна президент бўлмоқчи” сарлавҳали хабар (azon.uz).

“Бу диншунослик экспертизаси томонидан диний мазмундаги материал сифатида тан олинган... Бу цензура эмас. Цензура – аслида умуман чеклаб қўйиш. Экспертиза ўтказишдан мақсад – ихтилофлар келиб чиқилишининг олдини олиш. Агар муайян бир масалалар бўлса, муносабат билдирилади; агар

хулосадан норозилик бўладиган бўлса, ҳамма бу бўйича ўз эътирозини билдириш ҳуқуқига эга”, – дея жавоб берди Диний қўмита раиси ўринбосари Дилшод Эшнаев 2021 йил 10 июл кунги матбуот анжуманида³⁵.

Маълумот учун, ҳукумат тасдиқлаган низомга кўра, диний мазмундаги материалларни тайёрлаш, олиб кириш ва тарқатишга диншунослик экспертизасининг ижобий хулосаси асосидагина рухсат этилади.

Низомда “диний мазмундаги материал” тушунчасига қуйидагича таъриф берилган:

Диний мазмундаги материал – дунёдаги турли динларнинг асослари, тарихи, мафкураси, таълимоти ва шарҳлари ҳамда маросимларини ўтказиш амалиётини акс эттирувчи китоблар, рисолалар, журналлар, газеталар, варақалар ва бошқа босма нашрлар, аудиовизуал асарлар (теле-, кино- ва видеофильмлар, клиплар, концерт дастурларининг ёзмалари, мультфильмлар, аниме, хэнтай ва шу кабилар), ахборот ташувчи электрон жисмлар (дискетлар, CD, DVD дисклари, интернет тармоғида жойлаштирилган материаллар ва шу кабилар).

Маълум бўлишича, Ички ишлар вазирлиги терроризм ва экстремизмга қарши курашиш бош бошқармаси томонидан ўтказилган интернет-мониторинг кузатув тадбирлари давомида kun.uz сайти томонидан диний мазмундаги мақолалар жойлаштириб келингани аниқланган.

Мониторингда аниқланган, ИИБ ходимларининг гумонига сабаб бўлган ва Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитага экспертиза ўтказиш учун юборилган материаллар орасида 2021 йилнинг 17 апрель куни нашр қилинган “Инсон қаерда яшаётган бўлса, ўша жойнинг вақти бўйича рўза тутуди. Рамазонга доир савол-жа-

воблар” ҳам, 2021 йил 16 апрель куни нашр қилинган “Ўзбекистонда энг катта бўлиши кутилаётган “Исломобод” жоме масжиди қурилишига ҳисса қўшинг” сарлавҳали масжид хайрияси ҳам, 2021 йил 12 апрель куни нашр қилинган “Ойлар султони – Моҳи Рамазон муборак!” сарлавҳали таҳририятнинг Рамазон ойи кириб келиши муносабати билан муслмонларга йўллаган табриги ҳам бор.

Экспертиза тақдим қилган хулосада юқоридаги материалларда Ўзбекистоннинг амалдаги давлат тузумини Конституцияга хилоф тарзда ўзгартиришга, ҳокимиятни босиб олишга даъватлар мавжуд эмаслиги, Ислом давлати қуриш ва халифалик бошқарувини жорий этишга қаратилган даъватлар мавжуд эмаслиги, экстремизм, сепаратизм ва ақидапарастлик ёки мутаассиблик ғоялари билан йўғрилмаганлиги, фуқаролар ўртасидаги тотувликни бузиш, тўхматона, вазиятни беқарорлаштирувчи уйдирмалар, миллий, ирқий, этник ва диний адоватни тарғиб қилувчи маълумотлар мавжуд эмаслиги кўрсатилган.

Лекин, экспертнинг фикрига кўра, “Янги Зеландия полицияси ҳижоб услувидаги формани таништирди” сарлавҳали хабарда “Мен муслима аёллар ҳам полицияда кўпроқ ишлаши кераклигини ҳис қиламан. Янги Зеландияда ҳижоб полиция формасининг бир қисми сифатида намоиш қилиниши жуда яхши. Ўйлайманки, буни кўрган муслималар полиция соҳасига кўпроқ қизиқиши мумкин” – дейди Зина Али” дея келтирилган иқтибос “ҳижоб формасидаги полициячилар ҳатто муслмон бўлмаган ўлкаларда ҳам борлигини мақсадли кўрсатиш аҳоли орасида бу мавзулардаги бўлаётган ихтилофли масалаларни зимдан қўзғатишга олиб келиши мумкинлиги сабабли уни тарқатиш таъқиқланиши” таъкидланган, яъни юз бериши эҳтимолий бир ҳолат сабабли журналистлар жазоланган.

³⁵ <https://kun.uz/96323320>



Шунингдек, юқорида кўрсатилган барча материаллар Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 20 январдаги “Диний мазмундаги материалларни тайёрлаш, олиб кириш ва тарқатиш соҳасидаги фаолиятни амалга ошириш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 10-сонли қарори талабларига зид равишда тайёрланганлиги сабабли Ўзбекистон ҳудудига олиб кириш, тайёрлаш ва тарқатиш тақиқланиши қайд этилган.

Юқоридаги эксперт хулосалари асосида бўлиб ўтган маъмурий судда kuz.uz раҳбари Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 184-2-моддасида (Диний мазмундаги материалларни қонунга хи-

лоф равишда тайёрлаш, сақлаш, олиб кириш ёки тарқатиш) назарда тутилган ҳуқуқбузарликни содир этган деб топилди ва у базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик баробари (12 млн. 250 минг сўм) миқдорида жаримага тортилди.

Худди шу тариқа шундай айбловлар билан azon.uz сайти³⁶ масъуллари ҳам судланди ва жаримага тортилди.

Қонунда, шунингдек, диний ташкилот ташкил этиш, унинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, диний ташкилотлар фаолиятининг қўшимча кафолатлари, диний ташкилотни рўйхатдан ва қайта рўйхатдан ўтказиш тартиби, диний ташкилотнинг фаолиятини тўхтатиб туриш ва тугатиш тартиби белгиланган.

§ 2.2.14. ВИЖДОН ЭРКИНЛИГИ ВА ДИНИЙ ТАШКИЛОТЛАР ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУНЧИЛИКНИ БУЗГАНЛИК УЧУН ҚАНДАЙ ЖАВОБГАРЛИК МАВЖУД?

Қонунда айтилишича, “виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонунчиликни бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади”.

Хўш, бу жавобгарлик қайси кодекслар ва қонунларда назарда тутилган?

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекснинг 240-моддаси “Диний ташкилотлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш” деб аталади. Унга кўра, нолегал диний фаолият билан шуғулланиш, диний ташкилотлар раҳбарларининг мазкур ташкилотлар уставини рўйхатдан ўтказишдан бош тортиши, диндорлар ва диний ташкилотлар аъзолари томонидан болалар ва ўсмирларнинг махсус йиғилишлари, шунингдек диний маросимга алоқаси бўлмаган меҳнат, адабиёт ва бошқа хилдаги тўгараклар ҳамда гуруҳларни ташкил этиш ва ўтказиш – базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик бараваридан юз бараваригача бўлган миқдорда

жарима солишга ёки ўн беш суткагача муддатга маъмурий қамоққа олишга сабаб бўлади.

Бир конфессияга мансуб диндорларни бошқасига киритишга қаратилган хатти-ҳаракатлар (прозелитизм) ва бошқа миссионерлик фаолияти – базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима солишга ёки ўн беш суткагача муддатга маъмурий қамоққа олишга сабаб бўлади.

Мазкур кодекснинг 241-моддасига кўра, махсус диний маълумоти бўлмайд туриб ва диний ташкилот бошқаруви марказий органининг рухсатисиз диний таълимотдан сабоқ бериш, худди шунингдек хусусий тартибда диний таълимотдан сабоқ бериш – базавий ҳисоблаш миқдорининг беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга ёки ўн беш суткагача муддатга маъмурий қамоққа олишга сабаб бўлади.

³⁶ azon.uz

Шу билан бирга мазкур соҳадаги қонунбузарликлар учун жиноий жавобгарлик ҳам мавжуддир.

ЎзР Жиноят кодексининг 145-моддасига кўра, диний ташкилотнинг қонуний фаолиятига ёки диний маросимларни ўтказишга тўсқинлик қилиш – базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик бараваригача миқдорда жарима ёки беш йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш, ёхуд уч юз соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Вояга етмаган болаларни диний ташкилотларга жалб этиш, худди шунингдек уларнинг ихтиёрига, ота-оналари ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар ихтиёрига зид тарзда динга ўқитиш – базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик бараваридан етмиш беш бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз соатдан уч юз олтмиш соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Фуқароларнинг ўз фуқаролик ҳуқуқларини амалга оширишларига ёки фуқаролик бурчларини бажаришларига тўсқинлик қилиш билан, диндорлардан мажбурий йиғим ундириш ва солиқ олиш билан ёхуд шахснинг шаъни ва обрўсини камситувчи чора-тадбирлар қўллаш билан ёки диний таълим олишда ҳамда фуқаро динга нисбатан, динга эътиқод қилиш ёки эътиқод қилмасликка нисбатан, ибодат қилишда, диний расм-русумлар ва маросимларда қатнашиш ёки қатнашмасликка нисбатан ўз муносабатини белгилаётган пайтда мажбурлаш билан боғлиқ диний фаолият юритиш, шунингдек диний маросимлар ўтказишни ташкил этиш шахс баданига енгил ёки ўртача оғир шикаст етказилишига сабаб бўлса, – базавий ҳисоблаш миқдорининг етмиш беш бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз олт-

миш соатдан тўрт юз саксон соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

ЖКнинг 216-2-моддаси “Диний ташкилотлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш” деб аталади. Унга кўра, нолегал диний фаолият билан шуғулланиш, диний ташкилотлар раҳбарларининг мазкур ташкилотлар уставини рўйхатдан ўтказишдан бош тортиши, руҳонийлар ва диний ташкилотлар аъзолари томонидан болалар ва ўсмирларнинг махсус йиғилишлари, шунингдек диний маросимга алоқаси бўлмаган меҳнат, адабиёт ва бошқа хилдаги тўғараклар ҳамда гуруҳларни ташкил этиш ва ўтказиш, шундай қилмишлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, – базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз олтмиш соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Бир конфессияга мансуб диндорларни бошқасига киритишга қаратилган хатти-ҳаракатлар (прозелитизм) ва бошқа миссионерлик фаолияти, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, – базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз олтмиш соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

ЎзР ЖК 217-моддаси “Йиғилишлар, митинглар, кўча юришлари ёки намойишлар уюштириш, ўтказиш тартибини бузиш” деб аталади. Мазкур модданинг иккинчи қисмига кўра, “диний йиғилишлар, кўча юришлари ва бошқа диний маросимлар ўтказиш қоидаларини бузиш, шундай ҳаракатлар



учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, – базавий ҳисоблаш миқдорининг икки юз бараваридан уч юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз олтмиш соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Журналистлар ва блогерлар ЎзР ЖК-нинг 141-моддасини билишлари лозим. Унга кўра, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ёки ижтимоий мавқидан қатъи назар, фуқароларнинг ҳуқуқларини бевосита ёки билвосита бузиш ёки чеклаш ёхуд фуқароларга бевосита ёки билвосита афзалликлар бериш – базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёхуд уч юз соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар зўрлик ишлатиб содир этилган бўлса, – уч юз соатдан уч юз олтмиш соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

ЖКнинг 156-моддаси “Миллий, ирқий, этник ёки диний адоват қўзғатиш” деб аталади: “Миллий, ирқий, этник ёки диний адоватни тарғиб қилувчи материалларни тарқатиш мақсадида тайёрлаш, сақлаш ёки тарқатиш, шундай қилмишлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, – базавий ҳисоблаш миқдорининг олти юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Миллий, ирқий, этник ёки диний мансублигига қараб, аҳоли гуруҳларига нисбатан адоват, муросасизлик ёки нифоқ келтириб чиқариш мақсадида миллий шаън-шараф ва қадр-қимматни камситишга, диний эътиқодига ёки дахрийлигига қараб, фуқароларнинг ҳис-туйғуларини ҳақоратлашга қаратилган қасддан қилинган ҳаракатлар, шунингдек, миллий, ирқий, этник мансублиги ёки динга муносабатига қараб, фуқароларнинг ҳуқуқларини бевосита ёки билвосита чеклаш ёхуд уларга бевосита ёки билвосита афзалликлар бериш, –икки йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ушбу модданинг биринчи ёки иккинчи қисмида назарда тутилган ҳаракатлар:

- бошқа шахсларнинг ҳаёти учун хавфли усулда;
- баданга оғир шикаст етказган ҳолда;
- фуқароларни доимий яшаш жойидан зўрлик ишлатиб кўчирган ҳолда;
- мансабдор шахс томонидан;
- бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган бўлса, – беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Шунингдек, журналистлар ва блогерлар, диний мавзунини ёритувчи ОАВ ходимлари “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита тўғрисида НИЗОМ”, “Ўзбекистон Республикасида диний ташкилотларни давлат рўйхатидан ўтказиш, қайта рўйхатдан ўтказиш ва тугатиш тартиби тўғрисида НИЗОМ”, “Диний таълим муассасаларининг фаолиятини лицензиялаш тўғрисида НИЗОМ”, “Оммавий тадбирларни ўтказиш ҚОИДАЛАРИ” меъёрларини билишлари фойдадан холи бўлмайди.

§ 2.3. ҚАНДАЙ ҚИЛИБ ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ДИН ЭРКИНЛИГИ ВА ДИНИЙ ХИЛМА-ХИЛЛИК БИЛАН БОҒЛИҚ ЗИДДИЯТЛИ МАСАЛАЛАРНИ ҚОНУНЛАР ВА АХЛОҚИЙ МЕЪЁРЛАРНИ БУЗМАСДАН ЁРИТИШИ МУМКИН?

§ 2.3.1. КЎП УЧРАЙДИГАН ЖУРНАЛИСТИК ХАТО ВА КАМЧИЛИКЛАР

Биламизки, диний мавзунини ёритадиган материалларда кўп учрайдиган бир қатор хатолар мавжуд. Агар тайёр бўлган, лекин ҳали чоп этилмаган материални диққат-эътибор билан яна бир қайта ўқиб чиқсак ёки мазунини билади-

ган ҳамкасбимиз ёхуд мутахассисга, айрим ҳолларда ҳуқуқшуносга ўқитиб олсак, кўплаб хатоликларнинг олдини олган, ҳуқуқий муаммолардан холос бўлган бўлар эдик.

Журналистларнинг диний мавзудаги материалларида кўп учрайдиган хатолар қуйидаги сабабларга кўра юз беради:

- эътиборсизлик ёки лоқайдлик туфайли хатолар;
- диний атамаларни ноўрин қўллаш туфайли хатолар;
- сарлавҳа ёки анонсинг ноҳўялиги;
- юридик саводсизлик;
- ижтимоий-иқтисодий ва криминал муаммоларни диний-этник муаммоларга қориштириб юбориш.

Лоқайдлик ва эътиборсизлик

Билиб-билмасдан қилинган хатолар жиддий оқибатларга олиб келиши мумкин. Масалан, бирор-бир жиноий хроникани ёритишда рефлекс туфайли ёки эътиборсизлик билан қўлланган сўз салбий стереотипларни ярата олади. Масалан, “ўғай отасини ўлдирган йигит” воқеасини ёритаётган журналист “маст ўғай ота тақводор ўғли томонидан ўлдирилди”, дея йигитнинг диндорлигини ҳам илова қилиб кетса, бу барча тақводорларга ва улар эътиқод қиладиган динга нисбатан салбий тассурот уйғотади ва кучайтиради. Гарчанд қотилликка қотилнинг диний эътиқоди ҳеч қандай ўрин тутган бўлмаса ҳам, ўқувчи унинг тажовузкорлигини дини билан боғлай бошлайди.

Айрим вазиятларни истисно қилган ҳолда, жиноий ишларда айбдорларнинг диний, этник белгилари содир этилган жиноятга умуман алоқасиз бўлади.

Албатта, мутаассиб эътиқод туфайли содир қилинаётган жиноятлар ҳам

мавжуд. Лекин ҳар бир ҳолатда вазият чуқур ўрганилиши керак ва шахснинг жинояти унинг динига нисбат берилмаслиги шарт. Террорчи қилган жиноятни “мусулмон қилди” деб ёзмаслик лозим.

Диний таассублилик релевант бўлган ҳолларда хроника иштирокчисининг динга тегишлилигини кўрсатиш шарт эмас. Агар мақолада “жиноятчи буддавий-католик ёки мусулмон эди” дейилса, бу жиноий ишни зарур бўлмаган, асосий йўлдан чалғитадиган тафсилотлар томон буриб юборади.

Эътиборсизлик баъзан техник хатолар туфайли ҳам салбий оқибатларга олиб келиши мумкин. Масалан, диний характерга эга бўлмаган иқтисодий, ижтимоий ёки криминал характерга эга мақолаларга диний либосдаги кишиларнинг суратларини, ёки ибодат жойи манзараларини соф безак учун қўйиб юбориш ҳам ўқувчи томонидан матнни сурат билан чоғиштиришга олиб келиши мумкин.



Диний атамаларни ноўрин қўллаш

Журналист айна пайтда кенг тарқалган ва салбий тарзда қўлланилаётган атамаларни ишлатиб юбориши мумкин (масалан, “сектант”, “ваҳобий”, “шаҳид”, “жиҳод” каби). Гарчанд мутахассислар бу сўзларни билмасдан қўллаш мумкин эмаслигини таъкидласалар-да, журналистлар мақолаларда ва гоҳида сарлавҳаларда ҳам уларни ишлатадилар. “Жиззах вилоятида жиҳодчилар гуруҳи ушланди” ёки “Шаҳидлар шаҳидлик камарини тақиб, пойтахтга йўл олганлар” каби сарлавҳалар учрайди. Биринчидан, гап гумонланиб ушланганлар ҳақида боради, ҳали уларнинг айби судда исботланмаган. Иккинчидан, “шаҳид” ўлганга нисбатан ишлатилади, тирикка нисбатан эмас ва ҳоказо.

“Шаҳид” сўзи “шоҳид”дан келади, яъни “гувоҳ”. Диндорлар уни “эътиқоди учун ҳалок бўлганлар” маъносида қўлласалар, бошқалар “Ватан учун шаҳид бўлди”, дея жангда ўлган аскарларга қўллаганлар. Бола туғишда қон кетиб ўлган ҳомиладор аёллар ҳам “шаҳид бўлган” ҳисобланган.

Ўз жонига қасд қилган террорчини “шаҳид” деб аташ ноўриндир, атаманинг асл маъносидан йироқдир.

Масалан, россиялик мутахассислар ҳатто журналистларга бошқа атамани – “ассасин” сўзини қўллашни маслаҳат беришди³⁷, бироқ янги сўзга ҳеч ким кўникмади ва эскичасини ишлатишмоқда.

Шу билан бирга, айрим маълумотларга қараганда, Кремлдан катта аудиторияли ОАВларга 2005 йил ноябрдан бошлаб, диний низоларни, экстремал вазиятларни ёритишда бошқа атамалардан фойдаланиш тавсия қилинган. Дейлик “ислом терроризми” эмас – “халқаро терроризм”, “муқаддас жиҳод” эмас – “қўпрорувчилик фаолияти”, “шаҳид камари эмас” – “портловчи қурилма камари” ва ҳоказо.

Ноўрин сарлавҳа ва анонс

Сарлавҳа ҳам, анонс ҳам – нафақат хабар, балким ўзига хос рекламадир, чунки уларнинг мақсади ва вазифалари ўқувчи ёки томошабиннинг диққатини материалга қаратишдир. Шу билан бирга ўқувчи ёки томошабини жалб қилиш учун ножўя атамаларни ишлатиш мумкин эмас.

Масалан, шундай ҳолатлар кузатиладики, динни ниқоб қилиб олган битта террорчининг ҳаракати бутун динга юкланади. Дейлик, “Ислом дунёвий давлатга қарши терактлар ҳозирлади”, деган сарлавҳани ўқиган ўқувчи “барча террористлар – мусулмонлар” ёки “барча мусулмонлар – террорчи” деган фикрга боради.

Мана бу “Московский комсомолец” газетаси 2007 йил 7 апрел сонигаги материалга қўйган сарлавҳага эътибор беринг: “Русская рана Корана: Они сменили имена, родину и взяли веру врага” (Қуръоннинг русча жароҳати: Улар исмларини, ватанларини алмаштирдилар ва душманнинг динини қабул қилдилар). Маълумки, Россияда ҳам миллионлаб мусулмонлар истиқомат қилади ва ислом – душманнинг дини эмас, мусулмон фуқаролар – Россиянинг душманлари эмас. Алал-оқибат, Россия Федерацияси муфтийлиги баёнот берди ва ОАВ бош муҳаррири кечирим сўрашга мажбур бўлди.

Ҳуқуқий саводсизлик

Кўпинча тоқатсизлик тасаввурлари қонунчиликни билмасликдан ёки уни чуқур тафаккур қилмасликдан келиб чиқади. Айримларнинг тасаввурига кўра, қонунчилик гўё “анъанавий” динларни тан олади. Улар учун бошқа ҳар қандай эътиқод ёки секта “ноанъанавий” ва шунинг учун унга муносабат салбий бўлиши лозим.

³⁷ А.В. Кореньков Не «шахиды», а «ассасины» // Известия. 12.02.04 г

Халқаро ҳуқуққа кўра рўйхатга олинмаган-олинганлигига қараб диний жамоатларни “қонуний” ва “ноқонуний”га ажратиш ноўриндир. Рўйхатга олинмаган жамоанинг юридик шахс мақоми (муҳри, банкда ҳисоб рақами) бўлмайди, холос. Акс ҳолда, атеистлар ҳам рўйхатдан ўтишига тўғри келарди.

Бу соҳада матн ёзаётганда ёки кўрсатув тайёрлаётганда ноанъанавий диний эътиқодларга нисбатан тоқатсизлик уйғотишдан эҳтиёт бўлиш керак, чунки бу зўравонликка ва вайронакорлик актларига олиб бориши мумкин.

Ижтимоий-иқтисодий ва криминал муаммоларни диний-этниқ муаммоларга қориштириб юбориш

Кўпинча шуни кузатамизки, иқтисодий, ижтимоий, жинсий ва бошқа муаммо-

лар этниқ ва конфессионал атамалар доирасида муҳокама қилинади.

Масалан, миграция муаммоларини олайлик. Глобаллашув даврида бутун дунё аҳолиси аслида миграция жараёнига киришиб кетган. Бу ҳаммага маълум. Жамиятдаги иқтисодий ва ижтимоий муаммолар – аҳоли бир қисмининг ҳаддан зиёд бойлиги ва бошқа қисмининг жуда ҳам қашшоқлиги, натижада маргинал қисмининг таълим ва тарбия воситаларидан фойдалана олмаслиги, бошқа омиллар келтириб чиқарган низолар очиқ ёки яширин тарзда “маданиятли оқ насронийлар” ва “қора мусулмон-иммигрантлар” ўртасидаги низо сифатида талқин этилишини кузатамиз. Ҳолбуки, бу низолар аслида ижтимоий исендир.

§ 2.4. ОАВ ХОДИМЛАРИ, ЖУРНАЛИСТЛАР ВА БЛОГЕРЛАРГА ТАВСИЯЛАР

Давлатнинг ҳам, диний ташкилотларнинг ҳам, ОАВ ва журналистларнинг ҳам хулқ-атвори қонунчилик доирасида бўлмоғи керак.

Журналистлар, айниқса, диний мавзу билан шуғулланувчи ижодкорлар диний соҳадаги амалдаги қонунчиликни, атамаларни яхши билишлари зарур.

Шуни ҳисобга олиш керакки, руҳоний, диний ҳаёт дунёсида ҳар бир дин вакилининг, ҳар бир инсоннинг ўз қарашлари, ўз англами бор. Қолаверса, дунёда турли дин вакилларининг маданияти, анъаналари, урф-одатлари, менталитетлари турличадир. Бу турличалик таъқиқлар ва чекловлар тизимида ҳам, аёлларга муносабатда ҳам, ҳокимиятга, раҳбарларга, демократияга муносабатда ҳам фарқланиши мумкин.

Дунёнинг бир четида жиноятчини тош билан уриб жазолаш – ёввойилик, бо-

шқа ерида – ҳуқуқий меъёрдир. Бир мамлакатда кўпхотинлилик ман этилган, бошқа ерда – бу экзотика, учинчи бир халқда – бу ҳам меъёр ҳисобланади. Бу мавзуларни ёритишда халқнинг анъаналари ва урф-одатларини ҳам ҳисобга олиш керак. Аслида мавжуд муаммони четлаб ўтиш керак эмас, уни ёритишда ҳамма жиҳатларни эҳтиборга олиш, инсон, жумладан тақводор инсон шаъни, қадр-қимматини ҳисобга олган ҳолда ёзиш тавсия этилади.

Шунинг учун бизнинг дин ҳақидаги теледастурларимиз ва нашрларимиздаги материалларимизда диннинг инсонпарварлик ва яхлитлик моҳиятини унинг номидан бир тўда амалга оширган ва ошираётган экстремизм ва террорчилик кўринишларига қарама-қарши қўйишимиз лозим.

ОАВ, журналистлар ва блогерлар у ёки бу диннинг афзаллиги ёхуд у ёки бу диннинг ноқислиги борасидаги баҳслардан тийилишлари керак.



Динлар ва эътиқодларнинг ҳар бири ўз издошлари учун афзал, ўз анъана ва тамойилларига эга ҳисобланади.

Журналистлар диний мавзудаги кўрсатувларида ёки материалларида муайян шахс салоҳиятини очиш, ҳар

бир инсоннинг руҳоний-маънавий дунёсини кашф этиш даражасигача юксалишлари керак ҳамда ижтимоий қурилишда муайян диннинг аҳамиятини ўта бўрттириб юборишдан тийилишлари лозим.

Ҳозирги асрга келиб, умуминсоний қадриятларни – эркинлик, демократия, инсон ҳуқуқлари, инсоннинг турар-жойи ва мулки дахлсизлиги, виждон эркинлиги бутун инсоният учун юксак қадрият деб эътироф этиш қабул қилинган.

ОАВ ва журналистлар шундан келиб чиқишлари керакки, насронийлик – фақат ўрисларнинг миллий ҳодисаси эмас, ислом дини – арабий ёки туркийларники эмас, буддизм – хитойликларнинггина эътиқоди эмас. Диннинг асосида миллат ўзлиги ётмайди.

Шунинг учун оммавий ахборот воситалари материалларида нафақат диннинг халқ тарихи ва ҳаётидаги ўрнини,

балким унинг умуминсоний асосларини ва қадриятларини - “одам ўлдирма”, “инсон қалбини вайрон қилма” каби тамойилларини очиб бериш керак.

Диний мавзуни ёритишда журналистик касбининг маънавий-ахлоқий жиҳатлари муҳим ўринга эгадир. Шунинг ёдда тутиш керакки, журналистикани сиёсийлаштириш хавфли йўлдир.

ОАВ ва алоҳида журналистлар кофессиялараро низолар томонларига айланмасликлари керак. Журналистик матнларда ва бошқа тимсолларда бирор-бир диний ёки ўзга эътиқодга нисбатан нафратга ўрин бўлиши мумкин эмас.

Диний бирлашмалар ва муайян диндорларнинг ҳаёти ва фаолиятини танқидий ёритганда, диққат-эътиборни масаланинг фуқоровий жиҳатларига

қаратиш лозим ва уни диннинг фундаментал асосларидан очиқ ажратиб бериш шарт.

Диний материаллар тайёрлайдиган журналист муайян диннинг ва диний ташкилотларнинг урф-одатларини, анъаналарини ва ички қоидаларини билиши ҳамда ҳурмат қилиши керак.

Диний мавзудаги материалларда, умуман ОАВ материалларида тақводорларнинг диний туйғулари ҳурмат қилиниши лозим ва журналистлар жамиятда виждон эркинлигини таъминлашга кўмаклашишлари зарур.

Дин мавзуси ОАВнинг бошқа мавзуларига тенглаштирилмайди, чунки ушбу мавзу инсон ва жамиятнинг маънавий ҳаётига дахлдор ҳисобланади. Журналистлар диндорлар сингари ўқувчиларининг диний туйғуларини ҳурмат қилишлари керак, акс ҳолда бу жамиятдаги низоларни ва тарангликларни келтириб чиқариши мумкин.

Диний мавзуни ёритишда провакация,

стеб, троллинг сингари хавфли коммуникатив стратегияларни қўллаш диний туйғуларни камситишга олиб бориши ва сиёсий манфаатлар домига тортиши мумкин.

- Диний низолар ва терактларни ёритишда журналист учун ҳиссиётларни жиловлаш муҳимдир;
- Низонинг барча томонларига сўз беринг ва барча томонларнинг далилларини келтиринг;
- Ўз фикрингизни тингловчи, кўрувчи ёки ўқувчига тиқиштирманг. Нима ходиса юз берганини бориша сўзланг ва томонларга фикр айтиш имконини беринг. Ўқувчининг ўзи хуло-

- са чиқарсин. Ўзгаларнинг фикрини ҳурмат қилинг;
- Малакали фаолият юритинг, но-аниқликларга йўл қўйманг;
 - Инсонларнинг ҳаёти ва тақдири сизга ҳам боғлиқ эканини унутманг. Шуни ёдда тутингки, сизнинг сўзингиз сиз тилга олган инсонлар учун салбий оқибатларга олиб келиши мумкин, шунинг учун ўзингизни уларнинг ўрнига қўйиб кўринг;
 - Диний низолар ва терактларни ёритишда ОАВ аудиториясининг хулқ-атвори ва эҳтиёжларини ҳисобга олинг;
 - Ёдда тутинг: токи тергов суриштирувлари олиб борилиб, инсонни суд айбдор деб топмагунча, ҳеч кимни “террорчи”, “экстремист”, “жиҳодчи” деб аташга ҳаққингиз йўқ;
 - Мақола ва шарҳлар низоинг янада авж олишига сабаб бўлиши ёки даъват қилиши мумкин эмас;
 - Журналист ўз мавзусининг ичига имкон қадар чуқур кира олиши керак, мувозанатни билиши, фактларни фикрлардан ажрата олиши – малакали журналист-мутахассис бўлиши шарт;
 - Ёдда тутинг: миллат дин билан боғлиқ эмас;
 - Умумлаштиришдан тийилинг. Билингки, “буларнинг ҳаммаси бир гўр” деган фикр аксарият ҳолларда тўғри бўлмайди;
 - Ҳамма йўналишлар соҳиблари билан гаплашинг ва ҳамма нуқтаи назарларни тингланг;
 - Айниқса танқид қиладиганларга ҳамиша сўз беринг. Аввал танқид қилувчиларга сўз беринг, кейин қарама-қарши томоннинг фикрини ҳам, албатта, беринг, токи уларда ҳам ўз далилларини келтириш имкони бўлсин. Бу имконият ўша мақоланинг ўзидаёқ бўлиши керак;
 - Низоларни ёритар экансиз, ўзингизни четда тутинг, низоинг бирор-бир томонига айланманг;
 - Бирор динга ва эътиқодий оқимга, бирор инсонга баҳо берадиган, ҳиссий сўз ва иборалардан тийилинг, кимнидир камситиш, кесатиш ёки ҳақорат қилиб қўйиш журналистнинг иши эмас;
 - Ёдда тутинг: озчиликнинг фикри ҳам кўпчиликнинг фикридан кам аҳамиятга эга эмас!

§ 2.4.1. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ДИНИЙ МАВЗУНИ ЁРИТИШГА ОИД МУҲИМ ФИКРЛАРИ

2021 йил 7 сентябрда Адлия вазирлиги диний мавзунини ёритиш борасида ўз фикрини билдирди. Маълум бўлишича, диний мавзуда чиқишлар қиладиган айрим шахслар томонидан аёлларнинг ҳуқуқларини чеклаш, ҳеч қайси динга эътиқод қилмайдиганларга нисбатан нафрат уйғотиш, дунёвий-

лик принципидаги қонунларни шубҳа остига олиш ҳолатлари аниқланган. “Инсонлар хулқ-атворида алоҳида шахсларнинг ахлоқий-диний қарашлари билан эмас, балки амалдаги қонунчилик нуқтаи назаридан баҳо берилиши лозим”, - дея таъкидлади вазирлик.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 31-моддасига кўра, ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. “Бу шуни англатадики, ҳар ким ўз эътиқодига амал қилиш ёки қилмасликда мустақилдир. Ҳар бир шахс бошқаларнинг виждон ва эътиқод эркинлигига эга эканлигини тан олиши шарт. Фуқаролар ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда бошқа шахсларнинг, давлат ва жамиятнинг қонуний манфаатлари, ҳуқуқлари ва эркинликларига путур етказмасликлари зарур”, - дейилади вазирлик баёнотида.



Ахлоқий-диний нуқтаи назарларни ҳуқуқий муносабатлар предметиға айлантиришга уриниш, миллий қадриятларга зид, инсонларнинг шахсий ҳуқуқларини топтовчи ва чекловчи ахборот ташвиқотлари олиб бориш ҳолатлари аниқланган. Хусусан, диний мавзуда чиқишлар қиладиган ва шу соҳада фаолият юритадиган айрим шахслар томонидан аёлларнинг машина ҳайдаши ва бошқа ҳуқуқларига субъектив баҳо бериш, уларнинг машғулот турини эркин танлаш ҳуқуқини чеклаш, айрим турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқарувчи корхоналар фаолиятини тўхтатиш, айрим жаҳон дурдоналари саналадиган санъат асарларини сотиш (фойдаланиш)ни чеклаш, бошқа диний

қарашларга ишончсизлик уйғотиш, ҳеч қайси динга эътиқод қилмайдиганларга нисбатан нафрат уйғотиш, Ўзбекистондаги дунёвийлик принципига монанд қонунлар билан ўрнатилган қоидаларни шубҳа остига олиш ва бошқа шу кабиларни тарғиб қилиш ҳолатлари ҳам учрамоқда.

Журналистлар ва блогерлар шуни назарга олишлари керакки, айниқса, жамиятнинг муайян қатлами бошқаларнинг қарашлари, хатти-ҳаракатлари, турмуш-тарзига фақат битта ўлчам – ўзларининг ахлоқий-диний қарашлари мезони билан баҳо беришига тоқат қилиб бўлмайди. Бу ерда Конституция ва Халқаро ҳуқуққа суяниш тавсия этилади.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 12-моддасида ҳеч кимнинг шахсий ҳаётига ўзбошимчалик билан аралашиш мумкин эмаслиги аниқ белгилаб қўйилган. Мазкур норма Ўзбекистон миллий қонунчилигига тўлиқ имплементация қилинган. Жумладан, Ўзбекистон Конституциясининг 25-моддасида ҳар кимнинг эркинлик ва шахсий дахлсизлиги, 27-моддада эса шахсий ҳаётига аралашидан ҳимояланиш ҳуқуқи кафолатланган.

Албатта, аҳоли, айниқса ёшлар онгига Ўзбекистон жамиятининг бой тарихий-маънавий қадриятларини сингдириш мақсадга мувофиқ. Тарбия муҳимлигини таъкидлагани ҳолда, бу жараён инсон ҳуқуқлари бузилиши, айниқса, фуқароларнинг шахсий ҳаётига

аралашиш ҳисобига амалга оширилишига йўл қўйиб бўлмайди.

Фуқаролар қонунларга риоя қилар экан, ўз ҳаёт тарзини эркин ва аралашувларсиз танлаши мумкинлигини ва бу энг муҳим конституцион ҳуқуқлардан биридир.

Журналистлар ва блогерлар шуни билиши керакки, ҳар қандай ҳолатда ҳам бошқа динга эътиқод қилувчи ёки ҳеч қандай динга эътиқод қилмайдиган фуқароларнинг ҳуқуқларини инobatга олиш, уларнинг эътиқодини ҳурмат қилиш Конституциявий бурч ҳисобланади.

“Мамлакатимизда диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди. Қатъий ва ўзгармас ушбу конституциявий тамойилдан ҳеч қачон воз кечилмайди. Шахсларга диний қарашларни мажбурий сингдиришга қаратилган ҳар қандай хатти-ҳаракат, тарғибот-ташвиқот жавобгарликни келтириб чиқаради. Ўзбекистон халқи

бундан 30 йил олдин ўзининг тараққиёт йўлини танлаб олган – у дунёвийликка асосланган инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этишни кўзлайди. Ушбу ҳақиқатни шубҳа остига олишга, мутаассиб ғояларни тарғибот қилишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ”, – Ўзбекистон давлатининг расмий фикри шундай³⁸.

³⁸ <https://www.gazeta.uz/uz/2021/09/07/secular/>

Инсонлар хулқ-атвориға ва юриш-туришиға алоҳида шахсларнинг ахлоқий-диний қарашлари ёки ўлчовлари билан эмас, балки амалдаги қонунчилик талаблари нуқтаи назаридан баҳо берилиши лозим.

Оммавий ахборот воситалари – хоҳ давлатга тегишли бўлсин, хоҳ хусусий оммавий ахборот воситаси бўлсин – ўз ўқувчи ва томошабинларига холис ва аниқ ахборот ҳавола этиш, турли динлар ва эътиқодлар тизимини ёритиш, шунингдек салбий стереотипларни ва хурофотларни фож этиш орқали динлар ва эътиқодларнинг турли-туманлигининг ҳурмат этилишини мустаҳкамлаш учун саъй-ҳаракатда бўлишлари шарт.

Оммавий ахборот воситаларига дин ва эътиқодларга доир жамият учун долзарб бўлган мавзуларни холис ва аниқ ёритиш мақсадларида ихтиёрий таъмоил ва мезонларни (масалан, журналист ахлоқи кодексларини) ишлаб чиқиши лозим.

Ўзбекистонда журналистлар уюшмаси қабул қилган Касб ахлоқи кодекси мавжуд ва у диний масалаларни толерант тарзда ёритишни тарғиб қилади.

Журналистлар шуни таъминлашлари лозимки, тегишли материаллар ишончли манбаалардан олинган бўлиши ва турли нуқтаи назарларни ифода этиши зарур.

Оммавий ахборот воситалари диний жамоатлар ёки муайян эътиқодларга амал қиладиган жамоатлардаги ҳодисалар атрофидаги сенсация ва шов-шувлардан, олди-қочди гаплардан холи бўлишлари керак. Масалан қайсидир ибодат ёки йиғилишлар жойида ўтказилган текшириш, мониторинг ёки тинтув мазкур жамоатнинг ноқонуний фаолиятда иштирокидан дарак берадиган далил сифатида келтирилмаслиги керак.

Оммавий ахборот воситалари бундай масалаларни ўрганиш ва ахлоқан ёритиш, алоҳида шахслар ёки гуруҳларнинг қилмишларини бутун диний жамоатнинг фаолияти билан аралаштирмаслик учун барча саъй-ҳаракатларни қилишлари лозим. Давлат ва хусусий оммавий ахборот воситалари диндорларнинг ўз эътиқодига даъват қилиш бўйича фаолиятга доир холис ва аниқ ахборотни ҳавола этишлари тавсия қилинади.

Текширув учун саволлар:

1. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 18-моддасида нималар назарда тутилган?
2. ЮНЕСКО томонидан Бағрикенглик таъмоиллари декларацияси қачон эълон қилинган?
3. Виждон эркинлиги деганда нимани тушунаси?
4. Адлия вазирлиги диний мавзуларни ёритишда қандай фикрлар билдирган?
5. Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик учун қандай жавобгарлик мавжуд?

Шу билан ҳуқуқий маълумотларни етказувчи иккинчи қисм ўз ниҳоясига етди. Кейинги, 3-қисмда сиз диний бағрикенгликка бағишланган материалларни тайёрлашнинг нафақат назарий балки амалий жиҳатлари би-

лан яқиндан танишасиз. 3-қисм айнан толерантлик, эътиқод эркинлиги ва хилма-хиллигига оид масалаларни ёритиш амалиётига урғу бериб, сизга материал тайёрлашга мотивация уйғотишига ишонамиз.



Шундай қилиб, биз аллақачон йўлнинг ўртасида турибмиз: биз дин эркинлиги ва динларнинг хилма-хиллиги мавзуларининг назарий асослари билан танишдик, бу борадаги миллий ва халқаро қонунчилик билан танишдик ва контент яратишга киришишга

тайёرمىз. Ва шу сабабли ҳам муаллифлар тажрибасининг квинтессенсияси бўлган ва нозик мавзуларни ёритиш бўйича амалий тавсиялар билан тўлдирилган учинчи қисмни ўқишнинг айнан вақти.

Ушбу бобнинг саҳифаларида сиз қуйидагиларни билиб оласиз:

- зиддиятли вазиятларни таниб олиш воситалари;
- динларнинг хилма-хиллиги ва диний эркинлик мавзуларида материаллар тайёрлаш учун ахборот манбалари тизими;
- нозик мавзуларни таъкидлашда ҳикоя қилиш қандай рол ўйнаши мумкин ва нима учун бу жуда муҳим;
- сифатли контент яратиш учун назорат рўйхатидан фойдаланиш усули.

Бундан ташқари, айниқса, агар сиз зиддиятли мавзуларда ёзсангиз, муҳим амалий маслаҳатларни топасиз.

Нима демоқчимиз? Аввало, бу назариядан амалиётга босқичма-босқич ўтиш, яъни, агар биз дастлаб "низога сезгир мавзулар" нима ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида гапирган бўлсак, энди, минимал даражада - синаб кўриш, максимал даражада эса - профессионал амалиётингизга интеграциялашишга имконини беручи ёндашувлар ҳақида гаплашамиз.

Мисол учун, биринчи хатбошида сиз ҳар бир журналист диний эркинлик ва динларнинг хилма-хиллиги мавзусида ёзишни бошлашдан олдин жавоб бериши керак бўлган саволлар рўйхатини топасиз. Бу нафақат сифатли ва чуқур материал тайёрламоқчи эканлигингиз, балки турли дин, маданият ва анъаналарга мансуб одамлар ўртасидаги муносабатлар қандай ривожланиши кўп жиҳатдан журналист ва унинг мақолаларига боғлиқлиги учун ҳам муҳим.

Биз низога сезгир ёндашувлар ҳақида гапирадиган параграфда сиз ҳали ҳам муаммоларни ҳал қилиш йўлларини қидираётган одамлар ҳақида очиқ ва ҳурмат билан гапириш ва оммавий ахборот воситалари қандай қилиб ҳамкорликка оид ўз фикрини етказишни истаган ҳар бир киши учун, айниқса, фикрлари ҳали эшитилмаганлар учун, платформага айланиши ҳақида аниқ фикрларни олишингиз мумкин.

Муҳим мавзулардан бири – назорат варақлари билан ишлаш методикаси нафақат медиа-тренер ва журналистика кафедралари ўқитувчиларига, балки диний эркинлик, динлар хилма-хиллиги ва тинчлик ўрнатиш мавзуларида ёзувчи муҳаррир ва журналистларга ҳам ёрдам бериш мақсадида ишлаб чиқилган. Ушбу бобда биз амалиётчи журналистлар учун тўртта жуда фойдали чек-лист рўйхатини тавсия қиламиз. Биринчи чек-лист низоларни ёритишда журналистларга ёрдам беради. Иккинчиси, журналист ўз эътиқоди диний эркинлик, диний бағрикенглик ва динлар хилма-хиллиги мавзуларида

сифатли материал тайёрлашга тўсқинлик қиладими ёки йўқлигини текшириш учун жавоб бериши керак бўлган саволлардан иборат. Учинчи чек-лист ҳикояни режалаштиришда ёрдам бе-

радиган мунтазам чек-лист рўйхати шаклида. Тўртинчи назорат рўйхатининг баҳолаш мезонлари таҳрирлашда контент сифатини сақлаб қолишга ёрдам беради.

Ушбу маслаҳатларнинг барчаси қуйидагилар учун фойдали бўлиши мумкин:

- **журналистлар:** улар нафақат назарияни, балки аниқ мисолларни ҳам ўрганадилар;
- **давлат хизматчилари** - улар динга оид масалаларни муҳокама қилишда журналистлар билан қандай фойдали ва самарали мулоқот қилишни биладилар;
- **медиа-тренерлар** – ушбу бобда муҳокама қилинган мавзулар доирасида улар журналистларга зиддиятли мавзуни ёритишда ўз миссияси нимадан иборатлигини ва қандай қилиб профессионал тарзда ҳаракат қилишлари мумкинлигини тушунтиришлари мумкин;
- **диний масалалар бўйича экспертлар** - улар журналистлар билан ишлашда нималарга кўпроқ эътибор бериш кераклигини тушунадилар.



Оммавий ахборот воситаларида **дин эркинлиги ва динларнинг хилма-хиллигини ёритишда** зиддиятга сезгир ёндашув



1 Журналистнинг асосий вазифаси ахборотнинг тўғрилиги ва ишончлилигини таъминлашдан иборат



Конфликт - бу мулоқотга киришаётган шахсларнинг дунёқараши, қизиқишлари, мақсадлари ва манфаатларининг фарқи ва ғайриоддийлиги туфайли юзага келадиган ҳолат.

Чуқур таҳлилий материал яратиш учун журналист вазиятли репортаждан ташқарига чиқиши ва жараённи одамларга тўғри тушунтира олиши муҳим.



Усуллари

Журналистлар:



Томонлар ўртасидаги мулоқот учун каналларни очиш

Қарама-қарши томонларни муҳим маълумотлар билан таъминлаш

Одамларга зиддиятларни ҳал қилиш йўлларини топишга ёрдам бериш

Заиф томонларнинг мулоқоти учун шароит яратиш

Жамоатчилик эътиборини жалб қилиш



Журналист учун саволлар

1. Менинг усулим можаро сабабларини тушунишга ёрдам берадими?
2. Таҳлил қилишда томонларнинг манфаатлари ва ҳуқуқлари бир хиллигини кўраманми?
3. Материалим билан зиддиятни ҳал қила олдими?
4. "Нафрат тили"дан фойдаланишга йўл кўйдими?
5. Мен одамларга зиддиятларни ижобий ҳал этишда зўравонликнинг олдини олиш имкониятларини тушунтира оламанми?
6. Мен тинчликсевар одамларнинг дўст бўлиши учун шароит ярата оламанми?

§ 3.1. ДИНИЙ ЭРКИНЛИК ВА ДИНЛАРНИНГ ХИЛМА-ХИЛЛИГИ БИЛАН БОҒЛИҚ МАСАЛАЛАРНИ ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИДА ЁРИТИШГА НИЗОЛАРГА СЕЗГИР ЁНДАШУВ

Иштирокчилар мазкур бўлим билан танишганларидан кейин қуйидаги билим ва тажрибаларни ўзлаштирадilar:

- зиддиятларнинг турли сабабларини ва турли динларга мансуб одамлар ўртасида қандай низолар юзага келиши мумкинлигини аниқлаш;
- зиддиятга рақобатчилик ва ўзаро келишувли ёндашувларни фарқлаш, нима учун ўзаро келишувли ёндашув зиддиятли вазиятга киришган томонларга самарали фойда беришини чуқур англаб етиш;
- гуруҳлар низонинг конструктив ечимини топишлари учун нималар бўлиши кераклигини англаш;
- зиддиятли вазиятларни бартараф этиш ва масалани тинч-тотув ҳал этишда журналистлар қандай усулларни қўллашлари мумкинлигини тушуниш;
- эътиқод эркинлиги, диний бағрикенглик, турфа хиллик ва тараққиёт тушунчалари моҳиятининг кенг тарғиб этилишида журналистларнинг ўрни, аҳамиятини тушуниш;
- зиддиятли вазиятни ёритишда журналистларнинг ролини тушуниш.

§ 3.1.1. ЗИДДИЯТЛИ ВАЗИЯТЛАРНИНГ НАЗАРИЙ ТАЛҚИНИ

ОАВда зиддиятларнинг ёритилишига оид назарий тадқиқотлар зиддиятли журналистика йўналишини очиб берди. Журналистлар жамият турмушидаги, давлат сиёсатидаги, молиявий соҳадаги турли муаммоларни ёритар экан, ўз-ўзидан мавзу – зиддиятлар доирасига кириб боради. Чунки ҳар қандай муаммонинг моҳиятида зиддият ётади. Журналист зиддиятли вазиятни ёритишда унга қандай ёндашмоғи керак, нималарга эътибор бермоғи ва бу борада қандай журналистик қоидалар мавжудлигини таҳлил қилишдан аввал “зиддият ўзи нима?” деган саволга жавоб топсак. Зиддият (конфликт) – латинча “conflictus” сўзидан олинган бўлиб, “тўқнашув” маъносини билдиради.

Жанубий африкалик зиддиятшунос олим Марк Энстининг тадқиқотларига кўра, зиддият ўзаро муносабатларда мавжуд бўлиб, қачонки томонлар ўзларининг хоши-истакларини бир вақтнинг ўзида амалга ошириш имконсиз эканлигини тан олганида ва қадриятлари ёки манфаатлари айро эканлигини англаб етганида (ички зиддият) ҳар

иккала тараф ўз манфаатлари йўлида қарши томон фикрини ўзгартиришга, четлатишга ёки нейтраллаштиришга қаратилган ҳаракатлари (очиқ зиддият) да намоён бўлади.

Тадқиқотчининг мазкур назариясига асосланиб, шуни айтиш мумкинки, зиддият мулоқотга киришганларнинг дунёқарашлари, қизиқишлари, мақсадлари ва манфаатлари турфалиги, бирининг бошқасига зидлиги туфайли юзага келадиган ҳолат.

Психологияда эса зиддият – бу томонлар (одамлар ёки гуруҳлар) ўртасида келишувнинг йўқлиги деб баҳоланади.

Менежмент соҳаси мутахассислари баъзи зиддиятларнинг юзага келиши шубҳасиз эканлиги ва улар қайсидир жиҳати билан бизнес равнақига асос бўладиган ҳолат деб баҳоланади.

Илм соҳасида тадқиқотчилар ўртасидаги зиддиятлар (илмий муҳокамалар, илмий иш ҳимояси) жамият равнақи, тараққиёт йўлида хизмат қилади. Бу ўринда ягона бир қоида мавжуд – бу зиддиятни бошқара олиш кўникмасига



эга бўлиш. Ушбу қоида зиддиятли журналистикада ҳам ўз моҳиятини йўқотмайди.

Журналист ахборот тўплаш устида ишлар экан, биринчи даражали масала – олинган маълумотнинг аниқлигига ишонч ҳосил қилишдан иборат бўлади. Бу ўринда шуни ёдда тутиш зарурки, фактларнинг ҳаққонийлиги экспертларнинг асосли фикрлари, шарҳлари билан тасдиқланади, далиллар ва исботлар билан мустаҳкамланади. Айнан ушбу санаб ўтилган характеристикалар журналистларнинг ахборотини аҳамияти камроқ бўлган, ахборот сабаби сушт ёки умуман бўлмаган бошқа хабарлардан ажратиб туради. Бунинг учун журналистлар зиддиятни тўғри таҳлил қила олишлари, томонлар ва

турли одамларга ушбу зиддият қандай таъсир қилишини ўрганишлари мақсадга мувофиқ.

Одатда журналистларда содир бўлган зиддиятни қандай бўлса шундайлигича ёритадилар. ОАВда зиддиятли вазият қанчалик маҳорат билан ёритилган бўлмасин, у шунчаки хабарлигича қолаверади. Бу ўқувчи, томошабинни яъни ахборот истеъмолчисига зиддиятнинг асл сабабларини англаши учун етарли эмас. Чуқур таҳлилий материал учун журналист вазият репортажи доирасидан чиқиши ва одамларга жараёни тўғри талқин этиши муҳим. Шундагина журналистлар томонларга зиддиятнинг келиб чиқиш сабаблари ва асил моҳиятини яққол намоён этишлари мумкин³⁹.

§ 3.1.2. ЗИДДИЯТЛИ ВАЗИЯТЛАРГА ЁНДАШУВЛАР

Зиддиятни бошқариш ва уни тўхташда “рақобатчилик” ҳамда “ўзаро келишувли ёндашувлар” мавжуд. Иккала ёндашув бир-бирига мутлақо зид натижани кўрсатади. Рақобатчилик ёндашувида, тушунганингиздек, низода томонлар ўртасида бир-бирига нисбатан рақобатчилик кайфияти устунлик қилади. Ўзаро келишув ёндашувида томонлар низони бартараф этиш учун масалани ҳар томонлама кўриб, барча таклиф ва истакларнинг инобатга олиниши назарда тутилади.

Қуйида рақобатчилик ёндашувига қисқа характеристика бериб ўтамыз:

1. А томон енгиб, Б томон вазиятни ютқизади. Унинг арифметик кўриниши - $A > B = 0$. Ноль қийматли натижа. Томонларнинг бири аҳамиятсиз бўлса-да, қандайдир ютуққа эга бўлади. Аммо шундай ҳолатлар ҳам бўладики, $A - B = < 0$. Яъни ушбу ҳолатда ҳеч ким фойда кўрмайди, аксинча, иккала томон ютқизади;
2. Томонлар бири-бирига қарама-қарши иш олиб боради. Сафарбар

этилган мавжуд ресурслар танқислиги оқибатида ҳар иккала томон вазиятни бой беради;

3. Вазиятни узил-кесил ҳал этиш. Томонларнинг бири вазиятни ютиб чиқиши билан вазият барқарорлашмайди. Аксинча, ютқазган тараф ўз мақсадларига эришиш йўллари ни излашда давом этади ва қарама-қарши томонни бутунлай енгишга уринади;
4. Рақобатлашув жараёни томонлар ўртасидаги вазиятни фақат кескинлаштиради. Ўзаро келишмовчиликлар таҳлил қилинмайди, томонлар бир-бирининг манфаатларини тушунишга, ўртада ўзаро ишончга асосланган муносабатларни ўрнатишга ҳаракат қилмайди;
5. Ҳар бир уриниш натижасиз якун топади. Бу ҳолатда “жангда ғолиблар ва мағлублар бўлмайди” деган ақида ниҳоятда ўринли эканлигини тушуниш мумкин.

³⁹ Питер де Туа. Освещение конфликтно-чувствительных тем: инструмент для журналиста.

Иккинчи ёндашув, ўзаро келишувли ёндашув натижаларини кўриб чиқамиз:

1. Ўзаро манфаатли натижа. Бунда томонлар ўзаро келишувлар натижасида бир-бирининг манфаатларини ҳурмат қилиб, муаммоларни келишган ҳолда бирга иш олиб борадилар;
2. Ҳар иккала томон кучларини бир-бирига зарар етказишга сарфламай, аксинча, муаммони ўзаро ҳал этиш йўлларини қидиради;
3. Энг юқори даражадаги ўзаро мулоқот. Томонлар муаммони ҳал этиш учун ҳар томонлама очиқ ва ҳурматга сазовор ҳамкорлик алоқаларини ўрнатишлари зарур. Бу келажакда зиддиятларни самарали бошқаришга йўл очади;
4. Ўзаро ишонч ва муносабатларни яхшилаш. Бу ҳар томонлама манфаатли ҳаракат. Чунки томонлар ўртасида кейинчалик яна юзага келиши мумкин бўлган зиддиятларни ҳам ўзаро манфаатли ҳал этишда катта натижа беради.

Юқорида келтирилган ҳар иккала турдаги ёндашувдан маълумки, низони манфаатли бартараф этишда ўзаро келишувли ёндашув афзал саналади. Томонлар зиддиятли вазиятни ҳал этишда қандай қарорга келишлари керак?

Ўзаро ҳамкорликнинг айрим муҳим шартлари мавжуд:

- ўз қадриятлари, манфаатлари ва қизиқишлари ҳақида суҳбатлашиш керак. Шунингдек, улар шахсий ҳиссиётлари ва эмоцияларини самимий намоён этишлари зарур;
- зиддиятга киришган томонлар ўзларининг манфаатларини аниқлаштириб олиш билан биргаликда, қарама-қарши томон манфаатларини ҳам ўрганишни унутмасликлари лозим;
- тушунмовчиликларга аниқлик киритиш. Яъни, бу ҳар иккала томоннинг бир-бирига нисбатан маълум

бир қарашлари ва ғоялари мавжуд бўлиб, агар бу қараш ва ғоялар нотўғри бўлса, уни тўғирлаш имконини беради;

- мақбул ва муҳим қарор қабул қилиш учун зарур бўлган маълумотларга эга бўлиш. Томонлар ўзаро келишмовчиликларни ҳал этишда содир этилаётган ҳаракатлари асосида ҳуқуқий зарур маълумотлар танқислиги қарор қабул қилишда катта тўсиқ бўлиши тайин;
- оппонент томон билан тенг ҳуқуқли муносабатда бўлиш. Имкониятлар ўртасидаги тафовут сабабли кучсизроқ томон ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилишда қийналади. Агар томонлар ўртасида тенг ҳуқуқли муносабатлар ўрнатилмаса кучсизлар кучлилар томонидан четга сурилиши эҳтимоли кучли;
- зиддиятни ҳал этишнинг турли услублари ҳақида маълумотга эга бўлиш;
- зиддиятни ҳал этишда ижодий фикрлаш. Агар томонлар ихтиёрида масалани ҳал этишнинг бир нечта йўллари мавжуд бўлса, зўравонлик билан ҳал этиладиган йўлни эмас, ҳамма томонларга энг маъқул келадиган йўлни танлашга имкон яратади;
- бошқа шахслар томонидан суистеъмол этилиш ҳолатларидан ҳимояланиш. Томонлар ўзларини кимларнингдир томонидан тазйиққа учраётганларини ҳис этар эканлар, зиддиятли вазият муаммосининг ечими асло топилмайди.

Ўзаро ҳамкорликнинг муҳим шартларини бажаришда томонларнинг лидерлари ўзаро ҳамкорликка йўл очишлари лозим. Шунингдек, томонларнинг тарафкашлари ҳам ушбу ҳамкорлик шартларига риоя этишлари зиддиятли вазиятни ҳал этишда муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.



Зиддият сабабли ўрталарига совуқлик тушган одамлар бир-бирларига яна ишониши ва бир-бирларини тан олишлари учун маълум вақт керак бўлади. Зиддиятли вазиятни бартараф этиш учун қўлланилиши лозим бўлган барча шартлар ва услублар юзага келган муаммонинг фақат маълум бир қисмини ҳал этишда қўл келади.

Асосий натижага зиддият юзага келганда томонларнинг ўзаро мақбул муносабатлари ўрнатилганидагина эришиш мумкин. Одамлар ўртасидаги тушунмовчиликларнинг туб сабабларини ўрганиш, уларни англаб етишларига кўмаклашиш муаммо кўламини ойданлаштиради. Бунда журналистлар муҳим вазифани бажаради.

§ 3.1.3. ЗИДДИЯТЛИ ВАЗИЯТНИ ЁРИТИШДА ЖУРНАЛИСТИК ЁНДАШУВ

Зиддиятни чуқурроқ тушиниш учун албатта унинг келиб чиқиш сабабларини ўрганиш керак. Журналист зиддиятли вазиятнинг дастлабки сабабларини аниқлаб олиши муҳим жиҳат саналади. Чунки вазият чуқур ўрганилмасдан туриб, у ҳақда ахборот тарқатилса, вазият яна-да чигаллашиб, томонлар ўртасида шу пайтгача давом этиб келган келишмовчиликлар зўравонлик⁴⁰ таҳдидларига айланиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Бу каби ҳолат айниқса, диний бағрикенглик, диний хилма-хиллик ва эътиқод эркинлиги мавзуларига оид зиддиятли вазиятларда шахслар ёки гуруҳлар ўртасидаги келишмовчиликлар қамрови кенгайиб миллатчилик, маҳаллийчилик даражасига кўтарилиши мумкин.

Диний бағрикенглик тан олинмаган низолар ўзагида – бирон дин вакили (ёки вакилларининг) бошқа дин вакилларига нисбатан рақобатчилик, устунлик каби муносабатларида намоён бўлади. Шунингдек, диний хилма-хилликка тегишли низоларнинг кўриниши – бирон бир дин вакилининг (ёки вакилларининг) бошқа дин тамойиллари, урф-одатлари, ақидаларига нисбатан менсимаслик, камситиш каби муносабатларда кўзга ташланади. Эътиқод эркинлиги деганда ҳар бир инсоннинг ўзи истаган динга эътиқод этиши (ёки умуман эътиқод этмаслиги) назарда тутилган бўлиб, унга бошқаларнинг даҳл қилиши мумкин бўлмайди. Ушбу

мавзулар ҳар қандай халқ ва миллатда энг нозик масалалар сирасига киради. Зиддиятли вазиятлар журналистикаси билан бевосита амалиётда шуғулланган мутахассислар содир бўлган ҳар қандай зиддият ҳақидаги хабар жамиятга қандай таъсир ўтказиши, яъни вазиятни кескинлаштириши ёки тинчлик барқарорлигига хизмат қилишини жуда яхши англайдилар. Улар зиддиятли мавзулардаги хабарларнинг жамият ҳаётига ўз таъсирини албатта ўтказишини биладилар. Шу боисдан мазкур йўналишда ижод қилувчи журналистлар ОАВ орқали тарқалган хабар сабабли юзага келиши мумкин бўлган акс таъсирларнинг олдини олишга ҳаракат қиладилар.

Зиддиятли вазиятлар журналистикасида тарафкашлик қилинмайди, томонларга ўз қарорларини сингдиришга уринилмайди, шунингдек, зиддиятнинг салбий томонларини бекитишга ёки ўртадаги кескин вазиятни гўяки йўқдек таърифлашга йўл қўйилмайди. Аксинча, зиддиятли вазиятлар журналистикаси – воқеликнинг ҳаққоний, аниқ ва холис ёритилиши орқали томонлар ўртасидаги тушунмовчиликларни бартараф этишга, зўравонликнинг олдини олишга хизмат қилади. Зиддиятли вазиятни ёритишда бир ёклама ёндашув, ноаниқ ва исбот-далилсиз маълумотлар фақат сенсацияга хизмат қилувчи хабарларни яратади. Бу эса вазиятнинг янада кескинлашувига сабаб бўлади.

⁴⁰ Ўша адабиёт.

Зиддиятли вазиятни ёритишда журналистлар тинчликпарварлик муҳитини яратиш бўйича мутахассислар томонидан берилган маслаҳатларга амал қилишлари, томонларнинг манфаатларини, имкониятларини инобатга олишлари, вазиятга тўғри баҳо беришлари муҳим ҳисобланади.

Мазкур мавзуларга оид низолар бўйича экспертларнинг мутахассислиги/йўналиши тўғри танланиши журналист материалнинг самарасини оширади. Мисол учун, диний мавзуларга оид низоларни таҳлил этишда диншунос олимлар (динлар тарихи, диний-ҳуқуқий мавзулар мутахассислари), ижтимоий фанлар бўйича, сиёсий фанлар бўйича мутахассислар, тарихшунослар ва бошқа йўналиш мутахассислари масалага ойдинлик кiritишда муҳим роль ўйнайди.

Масалан материал тайёрлаш жараёнида журналист томонидан мурожаат қилинган эксперт низоли вазиятни ёритиб бериш билан бирга, унинг ҳал этилиши йўллари ҳам кўрсатиб бериши мумкин. Бу ОАВ орқали зиддиятли вазиятни бошқаришнинг самарали усуллари саналади. Фақат шундагина вазият барқарорлашиб, жамият ҳаётига хавф туғдириши мумкин бўлган низолар бартараф этилади.

Диний бағрикенглик, турфа фикрлилик ва эътиқод эркинлигига оид зиддиятли вазиятни барқарорлаштиришда журналистлар муҳим роль ўйнайди.

Қуйида улар қўллаши мумкин бўлган услубларнинг айримларига изоҳ бериб ўтамыз:

- журналистлар томонлар ўртасида мулоқот каналини очиб беришлари мумкин. Бунда журналист томонларга ўз муаммо ва хоҳиш-истаклари ҳақида гапириш, қарши томонга бу ҳақда маълум қилиш имкониятини яратади. Шу тариқа зиддиятга киришган одамлар бир-бирларига муҳим маълумотларни еткази-

лар. Аммо бу ОАВ томонлар учун “гапириб олиш”, қарама-қарши томонни ҳақорат қилиб олиш, қарши томонга таҳдид қилиш майдонига айланиши керак дегани эмас. Аксинча, зиддиятли вазият журналистикаси томонлар ўртасидаги ахборот хавсизлиги ва маълумот танқислиги масалаларини ҳал этишда ёрдам беради;

- журналистлар зиддиятга киришган томонларни яраштириш учун муҳим бўлган зарурий маълумот билан таъминлаши мумкин. Мисол учун диний қарашлар негизида келиб чиққан низоларни бартараф этишда журналист томонларнинг диний қадриятлари, урф-одатлари ва ҳ.к. маълумотларни ёритиш билан бирга давлат қонунчилиги ҳужжатларида белгиланган тартиб-қоидалар билан таништириши вазиятни барқарорлаштиришда муҳим роль ўйнайди. Бунинг учун журналист материални тайёрлаш жараёнига экспертларни, айти ма-сала юзасидан диншунос, ҳуқуқшунос каби мутахассисларни жалб этиши мақсадга мувофиқдир;
- журналистлар одамларга зиддият-ни ҳал этиш йўллари топишда ёрдам беришлари мумкин. Одатда бу зиддиятни бошқариш ва уни ҳал этиш услублари ҳақидаги ахборот кўринишида тақдим этилади. Бу кўп ҳолларда зиддиятнинг зўравонлик кўринишига ўтиб кетишдан огоҳлантиради;
- журналистлар кучсиз томонларга гапириш, муаммосини изоҳлаш имкониятини яратади. ОАВ майдонида бу каби гуруҳлар учун гапириш, жамиятга ўзларининг ҳавотирлари ҳақида хабар беришнинг энг маъқул йўлидир;
- журналистлар томонлар ўртасида нотўғри тасаввурлар сабабли келиб чиққан кескин вазиятни юмшати-



шлари мумкин. Мисол учун, бирор диний гуруҳ аъзоси бошқа диний гуруҳ томонидан таъқиб этилаётган бўлса, одамларда таъқиб этаётган гуруҳ бошқа гуруҳни пароканда қилмоқчи деган нотўғри тасаввурларни шакллантиради. Журналист вазиятни ўрганиб, мазкур гуруҳнинг аксарият аъзолари муаммони тинч йўл билан ҳал этиш тарафдори эканлигини аниқлаши ва ёритишга бу каби ёндашуви орқали кейинчалик содир бўлиши мумкин бўлган зўравонликнинг олдини олади;

- журналистлар тинчликпарвар, тинчликсевар, шунингдек, тинчлик тарафдори бўлганлар фикрига кенг омма эътиборини жалб эта оладилар. Одатда низо пайтида энг тажовузкор одамлар очиқ гапириб, томонларнинг заифроқ, лекин масалани тинч йўл билан ҳал этиш тарафдори бўлган аъзолари омма эътиборидан четда қолиши тайин. Журналистнинг холис ёндашуви туфайли уларни омма эшитади;
- журналистлар низонинг хатарли даражаси – эскалациянинг олдини олиши мумкин. Одамлар кўпинча ноаниқ маълумотларга ишонишни афзал биладилар. Уларнинг ишончи кейинчалик зўравонлик ҳаракатларига олиб келиши билан хавфли. Журналистлар асл ҳақиқатни ёритиб, ҳар-хил миш-мишларга чек қўяди.

Эътиқод эркинлиги, диний бағрикенглик, турфа фикрлилик мавзуларига оид низоларни ёритишда журналистлар бир қатор стратегик тактикаларни ўзлаштиришлари муҳимдир.

Вазиятни барқарорлаштиришда тинчликпарварлар ҳақидаги ҳикоялар, низогача дўстона муносабатда бўлган, лекин зиддият туфайли ҳар иккала томонда бўлиб қолганлардан олинган ижобий муҳит суҳбатлари, томонлар ўртасида бир-бирларига савол

бериш имкониятини яратиш ёки ҳар иккала томонга бир хил саволлар билан мурожаат этиш, қадриятлар ҳақида ҳикоя қилиш (кўп ҳолларда низоли томонларни бирлаштириб турадиган қадриятлар топилади) каби ёндашувлар вазиятни барқарорлаштиришга хизмат қилади.

Журналистлар эътиқод эркинлиги, диний бағрикенглик, турфа фикрлилик мавзуларига оид низоларни ёритишда шов-шувли хабарлар тарқатишдан, маслаҳатомуз маънодаги материал тайёрлашдан, динлар, диний қарашлар ҳақида тахминлар қилишдан огоҳ бўлишлари ва ҳақорат, тажовуз маъносини берувчи сўзларни ишлатмасликлари зарур.

Журналист низони ёритиш бўйича изланиш олиб борар экан ўзига қуйидаги саволларни бериши ва уларга жавоб топа олиши керак:

1. Низони ёритиш услубим зиддиятли вазият сабабларини тўғри англаб етишда аудиториямга ёрдам бера оладими?
2. Вазиятни ўрганиш ва таҳлил этишда томонларнинг манфаатлари ҳамда ҳуқуқлари тенг кўрилди-ми?
3. Мен низони бартараф этиш бўйича мутахассис эмасман, менинг асосий вазифам одамларни хабардор этиш. Лекин ўз материалим билан зиддиятли вазиятни барқарорлаштириш имкониятимдан тўлиқ фойдалана олдими?
4. Зиддиятли вазиятни ёритишда “нафрат тили”га йўл қўймадимми (баъзи сўз ва терминлар томонлар ёки томонларнинг аъзолари учун ҳақоратли туюлиши мумкин)?
5. Мен ўз материалларим билан одамларга зиддиятни ижобий ҳал этишда зўравонликка йўл қўймаслик мумкин эканлигини тушунтира оляпманми?

6. Тинчликсевар одамларга ўзларининг билим ва тажрибалари билан ўртоқлашиш имкониятини яратиб бера оляпманми?

Кейинги параграфда журналистнинг диний эркинлик, хилма-хиллик ва бағрикенглик мавзусида материал тайёрлашда ахборот манбалари билан ишлашига тўхталамиз. Ушбу мавзу бўйича манбалар ва “субъективлик” томон “объективлик” таъсирчан чизиғини кесиб ўтмаслик учун материал

устида ишлашда ўзингизнинг диний (ёки диний бўлмаган) эътиқодларингизни қандай енгиш ҳақида билиб оласиз. Шунингдек, сиз: эксперт хулосалари билан ишлаш, динлар ўртасидаги бағрикенглик муносабатлари мавзусидаги материалларда диний етакчилар эксперт бўла оладими ёки йўқми, амалдаги қонунлар доирасида қандай ижод қилиш ва экспертлар билан ишлашда маълумотлар базасини яратиш каби масалаларни ҳам ўрганасиз.

Ушбу параграф бўйича саволлар:

1. Конфликт атамасининг назарий талқинини аниқланг;
2. Конфликтга қарши ҳаракат ва томонларнинг ўзаро ярашувига ёндашувларни қандай ажратиш мумкин?
3. Оммавий ахборот воситалари орқали конфликтли вазиятни самарали бошқариш усулларида бири нима?
4. Диний эътиқод эркинлиги, диний бағрикенглик, фикрлар плюралиزمи каби мавзулардаги зиддиятларни ёритишда журналист нималарга эътибор бериши керак?



МАЪЛУМОТЛАР

МАНБАИ

Оддий одамларнинг овози

Манфаатдор томонлар



Кўриб чиқилаётган **мавзу** бўйича тингловчиларга янги, аммо ҳали бирон киши томонидан кўтарилмаган маълумотларни тақдим эта оладиган манбаларни топиш керак.



Оммавий ахборот воситалари, брифинглар, тақдимотлар, расмий статистика, ҳафталик ахборотномалар (пресс-релизлар), ахборотномалар, турли интервьюлар

МАЪЛУМОТЛАР БАЗАСИНИ ЯРАТИШДА МУТАХАССИСНИ ТАНЛАШДА ҚУЙИДАГИ МЕЗОНЛАРГА ТАЯНИНГ:



- ✓ Бу одам мавзудан яхши **ХАБАРДОР МУТАХАССИС**
- ✓ мавзунини **МУКАММАЛ** билади
- ✓ Ҳақикатга таҳлилимиз мавзуси бўйича **МАҚОЛАЛАРНИ** чоп этган
- ✓ Ҳақикатнинг сиёсий ва мафкуравий манфаатларини кўзлаб бу масала билан шуғулланмайди

Журналистика ҳолисликни талаб қиладиган касб



! Материалларни ишлаб чиқишга **тўлиқ масъулият** билан ёндашиш учун ҳис-туйғуларни четга суриб қўйишимиз керак ✓

Саволларнинг 3 гуруҳи

Гуруҳлардан бирортаси билан алоқам борми?

Бу алоқа мени турли иштирокчиларга **ҳамдард бўлишга** ундайдими? Мен барча томонлар билан **ҳалолман**, деб айта оламанми?

Менинг **шахсий эътиқодим** ҳикояга қандай ёндашишимга таъсир қиладими? Улар менинг саволларимга ва материални қандай тақдим этишимга таъсир қиладими? Барча турли нуқтаи назарлар **адолатли** кўриб чиқилишига ишончим комилми?

Мен бир гуруҳ ёки бир эътиқод жамланмасини бошқасидан афзал кўришимни англамай туриб, ўз материалимда ноҳолис бўлишим мумкинми?



§ 3.2. ДИНИЙ ЭРКИНЛИК, БАҒРИКЕНГЛИК ВА ХИЛМА-ХИЛЛИК БЎЙИЧА МАТЕРИАЛЛАР ТАЙЁРЛАШ УЧУН МАЪЛУМОТ МАНБАЛАРИ

Ушбу қисмнинг иккинчи бўлими сизга қуйидагиларга ёрдам беради:

- журналистлар ва блогерлар ўз ҳикояларида кенг манбалардан фойдаланган ҳолда жамиятда диний эркинлик, бағрикенглик ва турфа хилликни қандай тарғиб қилишлари мумкинлигини тушуниш;
- журналистларга диний эркинлик, бағрикенглик ва хилма-хиллик ҳақида маълумот берувчи расмий манбаларга ёндашувни ишлаб чиқиш;
- диний пешволар ва уламолардан ҳурмат билан самарали маълумот тўплаш;
- материалларни тайёрлашда оддий одамлар билан ишлашнинг аҳамиятини ҳисобга олиш ва диний эркинлик, бағрикенглик ва хилма-хиллик билан боғлиқ масалаларнинг аҳамияти ҳақида жамоатчилик хабардорлигини ошириш;
- диний эркинликнинг нозик жиҳатлари бўйича материал тайёрлашда қайси экспертлар билан ишлашни ҳал этиш;
- диний эркинлик, бағрикенглик ва хилма-хиллик ҳақида маълумот тўплаш учун самарали онлайн тадқиқот воситаларидан фойдаланиш;
- нозик аспектдаги диний мавзуларда одамлардан интервью олишни ўрганиш ва уларни ўз фикрлари ва тажрибалари билан бўлишишга ундаш;
- диний эркинлик, бағрикенглик ва хилма-хиллик ҳақидаги ахборот манбаларини аниқлаш бўйича қонунларга таяган ҳолда иш олиб бориш;
- диний мавзуларни ёритувчи журналистлар фойдаланиши мумкин бўлган экспертлар ва расмий манбалар базасини яратиш.

§ 3.2.1. ДИНИЙ ЭРКИНЛИК, БАҒРИКЕНГЛИК ВА ХИЛМА-ХИЛЛИК МАНБАЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Дин кўпчилик учун ниҳоятда муҳим бўлишига қарамай, оммавий ахборот воситаларида диний мавзудаги хабарлар ва турли эътиқодлар, урф-одатлар ва одатлар ҳақидаги материаллар камдан-кам берилади. Натижада эса шундай таассурот пайдо бўладики, журналистлар диний гуруҳлар ичида қандайдир келишмовчилик ёки зиддият юзага келгандагина бу мавзуларда ёза бошлашади. Яъни, ушбу мавзулар бўйича материалларнинг етишмаслиги одамларнинг кўпинча бошқалар ҳақида кўпроқ билиш имкониятидан маҳрум бўлишини англатади.

Шу билан бирга, журналистлар ўз ҳикояларини тақдим этишнинг турли

усулларини топсалар, дунёни ва идрокни бутунлай ўзгартиришлари мумкин. Бу ҳаракат журналистлардан ижодий фикрлашни талаб қилади. Шунинг учун одамлар учун кўплаб воқеалар ортида яширинган воқеаларни билиш жуда муҳимдир.

Журналистлар учун бундай материалларга киришнинг самарали усули, биринчи навбатда, биз доимий равишда кенг манбалар билан ишлаганимизда пайдо бўлади. Ушбу манбаларнинг баъзилари расмий бўлади, бошқалари эса маълум бир соҳада ишлайдиган жамоат ташкилотлари каби фуқаролик жамияти ташкилотлари бўлиши мумкин.



Бу манбалар билан доимий алоқада бўлсак, улардан воқеалар ҳақида сўрасак, албатта, улар бизга муҳим маълумотларни етказиб турадилар. Натижада, журналистлар ушбу олинган профессионал маълумотлар асосида қизиқарли ва сифатли материаллар тайёрлаш имкониятига эга бўладилар.

Кўпинча ўқувчилар ёки томошабинлар уларнинг ёнида қизиқарли одамлар яшаётганини ва қизиқарли воқеалар содир бўлаётганини билишмайди. Матбуотда, радио ёки телевидениеда бу воқеалар ва одамлар ҳақида материаллар топилса, уни катта қизиқиш билан ўқийдилар, атрофдаги воқеаларга нисбатан муносабатлари ва қарашлари ўзгаради.

Кўплаб одамлар билан доимий мулоқот қилиш орқали биз диний эркинлик ва бағрикенглик қадрини тушунишга ёрдам берадиган турли янги материалларни тайёрлашимиз мумкин. Бироқ, бу фақат доимий изланишлар орқали амалга оширилади. Айни жараёнда кузатиш ҳам жуда муҳим рол ўйнайди. Бу аслида ишимизнинг ҳақиқатан ҳам муҳим қисмидир: қизиқиш ва атрофимизда содир бўлаётган воқеалар ҳақи-

да кўпроқ билиш истаги нафақат бизга кўп маълумот беради, балки янги мавзулар ва белгиларнинг пайдо бўлишига олиб келади.

Бу борадаги энг муҳим жиҳат шундаки, журналист қайси манбадан маълумот олиш мумкинлигини аниқ билиши керак. Агар журналист буни тушунса, унга ўз вақтида ва ишончли маълумотни топиш ва аудиторияга етказиш анча осон бўлади.

Қайси ишончли манбалардан маълумот олиш мумкинлигини тушуниш учун аввало мавжуд давлат ва нодавлат тузилмалар, экспертлар ва етакчи таҳлилчилар ҳақида билишингиз керак. Бундан ташқари, манбаларга ижодий ёндашиш лозим. Бошқача қилиб айтганда, сиз кўриб чиқилаётган мавзу бўйича тингловчиларга янги, ҳали айтилмаган маълумотларни тақдим эта оладиган манбаларни топишингиз керак.

Бундан ташқари, бошқа очиқ ахборот манбалари ҳам мавжуд: оммавий ахборот воситалари, брифинглар, тақдиротлар, расмий статистик рақамлар, ахборотномалар (пресс-релизлар), турли интервьюлар ва бошқалар.

§ 3.2.2. ЭЪТИҚОДЛАРНИ БОШҚАРИШ

Шуни таъкидлаш керакки, ҳар бир инсоннинг динга нисбатан ўз позицияси бор. Диний эътиқод ҳар кимнинг шахсий иши ҳисобланади. Ҳар бир инсон у ёки бу диннинг тарафдоридир. Ишонмайдиганлар ҳам бор.

Журналистика холисликни талаб қилувчи касб. Бинобарин, диний эркинлик, бағрикенглик ва хилма-хилликни ёритувчи журналистлар ҳеч қачон маълум бир эътиқод ёки позицияни ҳимоя қилмаслиги керак. Аксинча, журналистнинг вазифаларидан бири эркинлик ва бағрикенгликни тарғиб қилишдир. Албатта, биз диний гуруҳлар, жумладан, ҳурматли шахслар манфа-

атларига хизмат қилишимиз мумкин, аммо бу жамиятга зарар келтирмайдиган барча инсонлар ҳуқуқларининг кадр-қимматини илгари сурган тақдирдагина мумкин саналади.

Шунинг учун биз журналист сифатида материалларимизни масъулият билан тайёрлашимиз ва уларни ҳалол ва тўғри қилиш учун ҳис-туйғуларни бир четга суриб қўйишимиз талаб этилади.

Хўш, буни қандай амалга ошириш мумкин?

Диний мавзунини шу қадар адолатли ва мустақил тарзда етказа оламизми ёки йўқлигини баҳолаш учун биз доимо ўз

эътиқодимиз тайёрлайдиган хабарларимизга қанчалик таъсир қилиши ҳақида ўйлашимиз керак.

Фикримизни бошқариш учун биз ўзимизга қуйидаги саволларни беришимиз лозим. Яъни биз ўз эътиқодимизнинг ёритишимизга таъсир қилиши мумкин бўлган воқеани кўриб чиқаётганда қуйидаги асосий учта саволга жавоб беришимиз ўринлидир:

1. Ушбу ҳикояга алоқадор гуруҳларнинг бирортаси билан менинг боғлиқлик жойим борми? Айни боғлиқлик менда бу вазиятда иштирок этган турли томонларга нисбатан кўпроқ ёки камроқ ҳамдардлик ҳиссини уйғотадими? Мен барча томонлар билан ҳалолман, деб айта оламанми?
2. Менинг шахсий эътиқодим ҳикояга, ўзим тайёрлаётган материалга ва унга нисбатан ёндашувимга таъсир қиладими? Улар менинг саволларимда ва материални қандай тақдим этишимда сезиладими? Материалда мен берадиган турли

нуқтаи назарларнинг барчаси адолатли кўриб чиқилишига қандай ишонч ҳосил қилишим мумкин?

3. Бир гуруҳ ёки бир эътиқод жамоасини бошқасидан афзал кўришимни ўзим англамай туриб, мавзуни ёритишда ноҳолис бўлишим мумкинми?

Агар биз ушбу саволларнинг бирортасига “ҳа” деб жавоб берсак, унда биз ҳикояни давом эттиришимиз ва қандай давом эттиришимиз кераклиги ҳақида жуда эҳтиёткорлик билан ўйлаб кўришимиз керак. Мабодо биз воқеа илдизига ҳаддан ташқари аралашиб қолган бўлсак, жавобгарликни бошқа журналистдан сўраб кўришимиз мумкин. Бунда, шунингдек, муҳаррирларимизни ўз ички ташвишларимиз ҳақида огоҳлантиришга ёрдам беради ва улардан бизнинг материалимизни диққат билан кўриб чиқишни ва шахсий/ички нотўғрилигимиз аниқми ёки йўқлигини баҳолашни сўраш мумкин бўлади.

§ 3.2.3. РАСМИЙ МАНБАЛАР БИЛАН МУНОСАБАТ

Расмий ахборот манбалари – бунга давлат буюртмалари асосида ишлайдиган манбалар киради. Улар бизга жамиятда содир бўлаётган расмий воқеалар ҳақида маълумот берадилар. Шунинг учун биз улар билан доимо алоқада бўлишимиз керак. Чунки улар бизга бир қарашда муҳим бўлмаган, балки жамият учун катта аҳамиятга эга бўлган маълумотларни тақдим этишлари мумкин.

Қолаверса, динга оид материалларни тайёрлашда фикр-мулоҳазалар ва таклифлар учун ушбу манбаларга мурожаат қилишимиз керак.

Фурсатдан фойдаланиб, амалдорлар, расмийлар билан танишиб, суҳбат давомида уларга қандай материаллар бизнинг аудиториямизни қизиқтира-

ётганини тушунтира олишимиз керак. Норасмий учрашувлар ҳам муҳим аҳамиятга эга, улар давомида расмийларнинг фаолият соҳасида қандай муҳим воқеалар содир бўлганлигини тушунишимиз мумкин. Бу муносабатлар мансабдор шахсларнинг ўзлари қизиққандек самимий бўлиши керак ва уларнинг фаолиятида янги маълумотлар пайдо бўлганда, улар биз билан боғланиб, бу ҳақда хабар беришади.

Ишонч бу муносабатлар самарадорлигининг муҳим омилдир. Агар биз улар билан очиқ ва самимий гаплашсак, материални адолатли ва холис тайёрласак ва тақдим қилсак, унинг тўғрилигига масъул бўлсак, расмийлар бизга ишонади ва янги маълумотларни тақдим этиб боради.



Ўзбекистонда журналистлар мурожаат қилишлари мумкин бўлган қуйидаги давлат ва диний муассасалар мавжуд:

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита;
- Ўзбекистон мусулмонлари идораси;
- Ўзбекистон Республикасида мавжуд динлар ва конфессиялар ҳақида маълумот олиш мумкин бўлган Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитасининг Динлараро муносабатлар бўйича кенгаши таркиби тасдиқланди.

Тожикистонда эса диний масалалар билан қуйидаги давлат органлари шуғулланади ва улардан тегишли маълумотларни олиш мумкин:

- Тожикистон Республикаси ҳукумати ҳузуридаги Дин, анъана, тантана ва маросимларни тартибга солувчи Қўмита;
- Тожикистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Исломшунослик маркази;
- Имоми Аъзам Абу Ҳаниф номидаги Тожикистон Ислом институти.
- Диний фаолиятни тартибга солувчи Тожикистон уламолари кенгаши.

§ 3.2.4. ДИНИЙ ЕТАКЧИЛАР АХБОРОТ МАНБАЛАРИ СИФАТИДА

Шуни тушуниш керакки, турли диний жамоалардаги диний раҳбарлар ҳар доим ҳам муайян масалаларга бир хил қарашга эга бўлмасликлари мумкин. Турли нуқтаи назарларни тушуниш/англаш учун турли одамлар билан гаплашишимизга тўғри келади. Улар билан суҳбатлашганда, дин арбоблари, диний раҳбарлар ёки уларнинг эътиқодлари ҳақида таҳмин қилишдан сақланиш керак. Бундан ташқари, агар бирор нарсага ишончимиз комил бўлмаса, савол беришдан кўрқмаслигимиз керак. Хато қилишдан кўра аниқ савол берган маъқул.

Диний номлар ва тушунчалардан фойдаланиш айниқса мураккаб. Шунинг учун, материал чоп этилгандан кейин тушунмовчилик ва тортишувлар бўлмаслиги учун улар ҳақида дин арбоблари/руҳонийлардан сўраш яхшидир.

Руҳонийлар ва дин пешволари билан мунтазам мулоқот қилиш ҳам муҳим амалиёт ҳисобланади.

Шунингдек, дин ишлари билан шуғулланувчи ташкилотлар мутасаддилари билан ҳам доимий алоқада ва мулоқотда бўлишимиз керак. Улар норасмий суҳбат давомида биз учун қизиқарли мавзуларни очиб беришлари мумкин.

Хусусан, улар бизга жамиятида содир бўлаётган воқеалар ҳақида гапириб беришлари ёки тингловчилар учун муҳим бўлиши мумкин бўлган муайян ижтимоий-сиёсий воқеалар ва шунга ўхшаш масалалар бўйича ҳам ўз фикр-мулоҳазалари ва тасавурлари билан ўртоқлашишлари мумкин.

Тўғри, диний етакчилар кўпинча жамиятда бўлаётган воқеаларни очиқ гапирмасликка ҳаракат қилишади. Бироқ уларнинг позицияси биз ва ўқувчилар учун муҳим. Буни пешволар норасмий суҳбатларда ифодалашлари мумкин. Уларнинг фикрлари бизнинг материалларимизда ҳеч қандай сенсация ва бузғунчиликсиз акс эттирилиши лозим. Шундагина дин етакчилари бизга ишониб, ўз фикрларини билдирадилар.

Бундан ташқари диний етакчиларнинг фикр-мулоҳазаларини ёритишда ҳам муайян талаблар мавжудлигини таъкидлаш лозим. Айрим гуруҳга алоқадор одамлар ўз сўзларига қатъи ишонганлиги сабабли, нотўғри ёки бузилган сўз номувофиклик ёки зиддиятга олиб келиши ҳам мумкин.

Шу боисдан журналистик материалларда диний арбобларнинг фикр-мулоҳаза-

ларидан фойдаланишда ниҳоятда эҳтиёткорлик ва узоқни кўра билиш зарур.

Ҳар бир ҳаво кемасида учувчи чек-лист (назорат, текшириш рўйхати) нима эканлигини жуда яхши билади. Умуман олганда, авиация асотида дунёга турли чек-листларни тақдим қилган саноат соҳаси ҳисобланади. Бир пайтлар авиаторлар учун самолётларни бошқариш жараёни шунчалик мураккаблашиб кетганки, парвозлар хавфсизлигини таъминлаш учун, ҳатто энг кичик жараёнларни ҳам кузатиб бориш учун қўшимча восита зарурлигини мутахассислар тушунишди. Ҳозиргача чек-листдан (назорат варақлари, жадвалларидан) фойдаланиш учувчилар учун муҳим саналади. Худди шу нарсадан жарроҳлар ҳам операцияларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш жараёнида ўнлаб муҳим омилларни ҳисобга олишда фаол фойдаланадилар.

Хўш, чек-лист ўзи нима?

Бу йўналишдаги маълумотларни аниқ бир мисол билан бошлай қолайлик. Ҳар бир инсон одатда вазифалар кўплигини яхши англайди ва фақат уларни аҳамиятига қараб саралаб чиқади. Ҳамма дуч келадиган бир муаммо бор – олдимизда турган вазифалар рўйхати ҳар доим чексиздир. Уларни тўғри ташкил қилиш ва қайси вазифа муҳимлигига аниқлик киритмагунча жуда кўп тартибсизликлар йиғилиб қолади. Бирор нарсани унутиш осон. Бироқ уни кейинчалик тузатиб кетиш – биринчи марта тўғри қарор қабул қилишдан кўра қийинроқдир.

- Бунинг ечими борми?
- Ҳа, бор!

Бу ҳолатлар рўйхати деб аталади. Ҳар қандай одам ва ходим ҳаётида такрорланиб турадиган ҳаракатлар бўлади. Улар шахсий вазифалар, иш лойиҳаларини ташкил этиш ва маълумотларни тизимлаштиришни талаб қиладиган бошқа қарорлар билан боғлиқ бўлиши мумкин. Назорат саволларини тузишдан асосий мақсад – муҳим нарсаларни эсдан чиқармасликдир.

Одамлар ҳаёти учун жавобгар бўлган чек-лист қандай нарса?

Чек-лист – вазифаларнинг батафсил таснифини тақдим этади ва мураккаб жараённи кичик босқичларга ажратади. У энг яхши натижаларга эришиш учун муайян жараённи қандай бажариш кераклигини тасвирлайдиган батафсил кўрсатмалар билан бажариладиган ишлар рўйхатини ўз ичига олади. Бу тўғри ҳаракатлар кетма-кетлигини таъминлайди ва муҳим қадамларни ўтказиб юборишдан сақлайди.

Чек-лист қуйидаги ишлар учун мўлжалланган:

- аниқ жараёнлар ва мақсадларнинг тартиби/тавсифи;
- мунтазам/зарур текширувларни ўтказиб бориш имконияти.

Ҳар қандай назорат рўйхати ушбу қоидаларга бўйсунди. Масалан, компанияни самарали тарғиб қилиш учун. Намуна ҳар доим маълум вақт ичида бажарилиши керак бўлган ҳаракатларни ўз ичига олади. Рўйхатдаги вазифалар баъзан такрорланиши мумкин, баъзан эса такрорланмаслиги ҳам мумкин.



§ 3.4.2. ЧЕК-ЛИСТ НИМА УЧУН КЕРАК?

Афсуски, инсон мияси/тафаккурининг имкониятлари чексиз/сарҳадсиз эмас. Одатда, қисқа муддатли хотира бир вақтнинг ўзида учдан тўрттагача эслатмаларни, ҳаракатлар кетма-кетлигини ёки муҳим нарсаларни ўз ичига олиши мумкин. Агар жараён мураккаб ва 10 дан ортиқ босқичдан иборат бўлса, унутилиш туфайли баъзи босқичларни ўтказиб юборишимиз аҳтимоли жуда катта.

Агар сиз мияни компьютер билан қиёсласангиз, муаммо – қаттиқ дискда бўш жой қолмаганлигида эмас, балки маълумотларни юклаш тартибида эканлигини англайсиз. Бизнинг хотирамизга ҳамма нарса ҳам бирдек ёзиб олинавермайди. Ҳар куни бизга турли ахборот/маълумотлар жуда тез келади ва тез кетади. Атрофимизда шунча кўп янги фактлар/рақамлар ва ҳодисалар борки, уларни имкон қадар эсдан чиқармаслик керак. Бироқ биз ҳамма нарсани ҳам бошда сақлай олмаймиз.

Иш ва шахсий масалаларни мувозанатлашда, агар сиз вазифаларни онгли равишда бошқармасангиз, муҳим фикрларни ўтказиб юборишингиз мумкин. Чек-лист – бу олдимизда турган муаммоларни ҳал қилишда ёрдам берадиган самарадорлик ва маҳсулдорлик воситаси ҳисобланади. Яхши тузилган

назорат рўйхати – нима қилишингиз кераклигини эслашга бўлган уриниш жараёнидаги руҳий зўриқишни кетказди. У шунингдек биз учун ажойиб мотиватор саналади. Ҳар сафар бирор нарса бажарилган деб белгилаб борилса, одам мақсадга эришилганини ҳис қилади. Мия эндорфинларни чиқаради ва бу жараённи янада самаралироқ қилади. Яхши-а?!

Чек-лист ҳам шахсий, ҳам профессионал даражада фойдали ҳисобланади. Сиз фақат уларнинг самарадорлигини қандай ошириб боришни билишингиз керак холос.

Чек-лист (саволлари) – ҳар қандай шаклда, масалан, оддий дафтарда, смартфонда ёки доскада тузилган нарсалар рўйхати кўринишида бўлади. Асосан иккита майдондан ташкил топадиган база сифатида шаклланади. Жараённи, яъни маълум бир ишни бажаришдан олдинги ҳолат ва кейин эса тасдиқлаш қутичаси (одатда + ёки белгиси) тайёрлаб қўйилади. Умуман вазифаларни бажариб бўлганда, варақадаги шартларни текшираётганингизда, чек (текширув) ўтказилганлигини, яъни ҳаракат тугаганлигини кўрсатувчи ўзингизга қулай ҳар қандай белги билан белгилашингиз мумкин.

§ 3.4.3. ЧЕК-ЛИСТНИНГ ВАЗИФАЛАР РЎЙХАТИДАН ФАРҚИ НИМАДА?

Чек-лист – бу шунчаки вазифалар рўйхати ёки қўлланмадан фарқли ўлароқ, одатда, маълум бир вазифани бажариш бўйича аниқ кўрсатмаларни ўз ичига олади. Буни амалга ошириш учун қадамларни навбати билан, бирма-бир ташлаш керак. Масалан: чек-лист асосида – агарда сиз торт пиширмоқчи бўлсангиз, ана шу тортингиз мукамал чиқиши учун олдиндан масаллиқларнинг бор-йўқлигини обдон “чек” қилишингиз, яъни текширишингиз керак. Агар сиз чек-листдаги бирон бир масаллиқни унутиб қўйган бўлсангиз ҳам тортни пишираверишингиз мумкин.

Бироқ, аслида қўлингиздаги ушбу рўйхат уни янада мазалироқ ва бекамукўст тайёрлашга ёрдам беради. Яъни, бу рўйхат – ишларингизни мукамал ва изчил бажаришга, вазифаларни сифатли ҳамда тезкорлик билан, янада самаралироқ бажаришга имкон берадиган назорат рўйхатидир. Бу ҳеч бир муҳим қадамни беихтиёр ўтказиб юборилмасликни таъминлайди. Натижада эса сизга юқори сифатга эришиш ва хатоларни камайтириш имконини беради.

Инсон ҳаёти ва фаолиятида муҳим бўлган ушбу чек-лист журналистикага ҳам керакми?

Ҳа, албатта керак! Журналистиканинг қайси йўналишида материал тайёрлашнингдан қатъи назар шу мавзуга оид чек-лист (назорат варақа)лар мавжуд. Бу чек-листлар тавсиявий аҳамиятга эга бўлиб, сиз ўзингиз ҳам уларга бир нечта янгича, инновацион мезонларни

қўшишингиз ёки мисли учрамаган янгидан-янги чек-листларни яратишингиз ҳам мумкин. Журналистика соҳасида чек-лист – яратилаётган контентнинг сифатли ва мукамал эканлигига аниқлик киритиб олишда фойдали восита бўлиши мумкин.

§ 3.4.4. ЧЕК-ЛИСТ МУХБИР УЧУН ФОЙДАЛИМИ?

Аввало чек-лист материал тайёрлаш жараёнида унинг сифатини таъминлаш нуқтаи назаридан фойдали бўлади. Масалан, ҳар қандай хабар матни ни ёзиш пайтида, журналист ўзи учун қуйидаги олтита муҳим саволга жавоб берса, мақсадга мувофиқ бўлади:

- Ҳикояда кимлар иштирок этаётганлиги аниқ айтилганми?
- Бу воқеа айнан қаерда содир бўлганлиги маълумми?
- Бирор нарса қачон содир бўлганлигини биламизми?
- Аслида нима бўлганидан хабаримиз борми?
- Нима учун бу воқеа юз берди?
- Бу ўзи қандай содир бўлди?

Журналистлар ўзлари учун бу саволлардан ташқари қўшимча чек-листларни ҳам тузишлари мумкин. Масалан: аввало ҳикояларингизнинг объектив ва мувозанатли бўлишини таъминлашнинг керак. Бунинг баробарида манбаларнинг хилма-хиллигидан фойдаланинг. Демократик жараёнларни мустақамлаш ва низоларни тўғри йўл билан ҳал қилишга ҳисса қўшинг. Диний эркинлик, бағрикенглик ҳамда ранг-барангликни ривожлантириш учун шароит яратадиган ҳикояларни тайёрлашда сизга ёрдам бериши мумкин бўлган назорат саволларини тайёрланг. Бу каби текшириш варақалари муҳим нарсаларни сизга эслаттиб туради, шунингдек, журналист сифатида ўзимиз учун юқори стандартларни ўрнатиш ва бу стандартларга жавоб беришимизни таъминлаш усулини беради. Чек-листни тузиш жараёни аслида – биз учун нима муҳим эканлиги ва айнан нима сабабдан жараённи чуқур

баҳолаш кераклигини ўз ичига олади. Агар биз бошқа журналистлар билан назорат варақалари устида ишласак, бу бизга маълум бир мавзу бўйича сифатли журналистика ҳақида гап кетганда – нимани назарда тутаётганимизни олдиндан келишиб олишга имкон беради.

Чек-лист айнан диний эркинлик, бағрикенглик ва хилма-хиллик мавзуларида бўлиши, бу мавзуда материал ёзишни режалаштирган журналист, блогер учун доимо фойдали инструмент бўлиши мумкин.

Биз ушбу қўлланмада тақдим қилаётган чек-листни диний эркинлик, бағрикенглик ва хилма-хиллик ҳақида қандай қилиб яхшироқ материал тайёрлаш мумкинлиги ҳақида бош қотирган, ишлаган бир гуруҳ журналистлар тайёрлаган.

Ҳурматли ҳамкасблар, нима бўлганда ҳам, сиз бундай чек-листни ўзингизга мослаб ишлатишни таклиф қиламиз. Шу билан биргаликда рўйхатдаги ҳар хил мезонни кўриб чиқиб ва уларни ўз шарт-шароитингизга мослаштиришни таклиф қиламиз. Ушбу саволларни диққат билан ўқиб, яқиндан танишинг. Қайси савол устидан сизда яна қандай савол пайдо бўлаяпти? Сизнингча мазкур рўйхатга яна қайси кўринишдаги қўшимча саволлар уланса, у янада мукамаллаши мумкинлиги ҳақида албатта ўйлаб кўринг. Диний бағрикенглик мавзуида ёзилган материалларни чек-лист билан текширинг. Контент устида ишлар экансиз, унга баҳо беришни унутманг. Чек-листдаги барча мезонларга “ҲА” деган жавоб олдингизми ёки қайсидир мезон умуман тушиб қолганми? Сизнингча қайсидир мезон-



нинг йўқлиги материал сифатига таъсир қиладими? Агарда таъсир қилса – у қай даражада бўлади? Албатта, хоҳишингизга қараб, мезонларга қўшимча киритишингиз керак. Асосий мақсад – агар сиз ушбу чек-листни сифат-

ли контент яратилишида муҳим омил деб ҳисобласангиз, ундан мунтазам равишда фойдаланишни унутманг. Баҳолаш мезонларини ўрганиш ва текширув варақаси билан танишиш учун “Иловалар” бўлимига қаранг.

§ 3.4.5. ЧЕК-ЛИСТЛАРНИ ЯРАТИШ

Сиз ўзингиз учун чек-листини ишлаб чиқмоқчи бўлсангиз умумий кўрсатмалар бериш мақсадга мувофиқдир.

Бунда қуйидаги фикрларни инобатга олиш мумкин:

- мақсадингиздан келиб чиқиб назорат саволларини яратинг. Яхши тузилган назорат саволлари энг муҳим маълумотни олишда ёрдам беради. Нега? Чунки ҳеч кимга фойдасиз маълумотлар керак эмас ва вақтнинг қадрига етадиган инсон ўз вақтини умумий нарсаларга сарфлашни хоҳламайди;
- назорат саволлари мантиқан бир-бирини тўлдириши керак. Мантиқан тузилган назорат саволларининг ўзи бир нечта мезонлардан ташкил ториши мумкин;
- ҳар бир мезон содда ва аниқ ифодаланган бўлиши керак. Масалан: “Хона қанчалик тоза?” 1 дан 5 гача баҳоланг деб эмас, балки янада аниқроқ “Пол ювилганми?” “Стул тозами?” деб сўраган маъқул. “Ҳа” ёки “Йўқ” жавобларига “қониқарли”, “аъло даражада” деган меъзонларни ҳам қўшиш мумкин;
- Ҳар бир савол ишнинг аниқ бир томони/жиҳатига қаратилиши керак;
- Биз саволлар бир-бирига қоришиб кетмаслиги учун уларнинг доирасини чеклашимиз зарур;
- Ҳар бир савол қисқа, лўнда ва мақсадли бўлиши керак.

Демак, юқоридаги параграфда чек-лист нима эканлиги, унинг журналистикадаги муҳимлик даражаси, назорат саволлари рўйхати қандай бўлиши, назорат варақаларини шакллантириш ва унда нималарга эътибор бериш кераклиги билан танишдингиз.

Ўйлаймизки, материалнинг устида ишни яқунлаб, унинг сифатини текширмоқчи бўлганингизда тажриба жараёнида мазкур назорат варақасига яна қайтасиз.

Ҳурматли ҳамкасблар, шундай қилиб, чек-лист параграфи журналистик ёндашувлар нуқтаи назаридан энг муҳим бўлган 3-қисмни яқунлайди.

Сизни қўлланманинг охириги бўлими билан танишишга таклиф қиламиз. У “Эътиқод эркинлиги ва диний хилма-хиллик мавзусини ўқитиш методикаси” деб номланган.

Ушбу мавзунинг журналистика фани ўқитувчилари, медиа-тренерлар ва мураббийлар учун қизиқарли ва фойдали бўлишига ишонамиз.

Мазкур бўлимга оид саволлар :

1. Чек-лист деганда нимани тушунаси?
2. Сиз чек-листдан материал тайёрлаш жараёнининг қайси босқичида фойдаланган бўлардингиз?
3. Чек-лист орқали ўзингиз ёзган материални текшириб кўрдингизми?
4. Сизда ўзингизнинг илк муаллифлик чек-листингизни ишлаб чиқиш истаги пайдо бўлди?
5. Чек-листнинг сифатли контентни текширишдаги ўрнини қандай баҳолайсиз?

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Питер де Туа. Медиа трэнерлар учун коучинг ва менторлик бўйича қўлланма.



Биз ушбу бўлим медиа-тренерлар ва журналистика кафедралари ўқитувчилари учун онлайн ва офлайн форматларда дарслар, семинарлар ва тренингларни режалаштириш, ишлаб чиқиш ва ўтказиш жараёнида ажралмас восита бўлишини истаймиз. Бу ерда биз тренингнинг фалсафаси, методологияси, умумий мақсадларини очиб берамиз, услубий ишланмаларни нашр этамиз, журналистлар учун диний эркинлик ва динларнинг хилма-хиллиги мавзуларида тренинг мавзуларини таклиф қиламиз.

Масалан, бундай тренингни лойиҳалашда сиз шунчаки тренер ўзига бериши керак бўлган қуйидаги саволларга асосланишингиз мумкин: иштирокчиларнинг вақти, уларнинг дастлабки билимлари, технологияга киришлари ва ушбу мавзу бўйича тажрибаси.

Алоҳида параграфда сиз ўқитиш сифатини йўқотмасдан офлайн режимдан онлайн режимга самарали ўтиш амалиёти ҳақида ўқийсиз - биз тажрибамиз билан ўртоқлашамиз. Ва бу ерда сиз масофавий ва аралаш таълимни қандай режалаштириш керак; иштирокчиларга билимларни онлайн тарзда қандай узатиш ва уларнинг тажриба алмашиши учун шароит яратиш; онлайн тренингни қандай қилиб интерактив ва қизиқарли қилиш керак; уй вазифаси онлайн керакми ва ҳоказо каби саволларга жавоб топасиз. Шунингдек, сиз гуруҳларда онлайн ишлаш, мавзунини идрок этиш самарадорлигини ошириш, амалий мисоллар, умумий аудитория ва кичик гуруҳларда интерфаол машқлардан фойдаланиш бўйича тавсияларни топасиз, қиздирувчи машқларнинг зарурияти ва муҳимлигини аниқлайсиз.

Ушбу боб, шунингдек, менторликни қандай ташкил этиш ва ўтказиш ҳамда унинг самарадорлигини ошириш каби тренингдан кейинги барча масалаларни мутлақо акс эттирганлиги билан ҳам муҳимдир. Ва назорат рўйхатлари билан ишлаш (уни учинчи бобда билиб олдингиз) медиа-тренерларга иштирокчиларни мустақил ишлашга тайёрлашга ёрдам беради ва мураббийлик жараёнида ўз-ўзини назорат қилишни ўз ичига олади.

Бу ерда сиз тренерлик чамадонингизни янги машқлар ва топшириқлар билан тўлдирасиз ва турли аудиториялар билан ишлаш, машқларни қандай ва қачон қўллаш, қиздириш, амалий машғулотлар ва ҳоказоларни ўргатасиз.

Ўқишни осон ва фойдали қилиш учун биз матнни параграфларга ажратдик ва шрифтда энг муҳим нуқталарни ажратиб кўрсатдик.

Журналистика факултети ёки медиа-тренерлар ушбу бобдан услубий қўлланма сифатида фойдаланишлари мумкин: биз мақсад қўйишдан тортиб, бажариш алгоритмигача бўлган бир қатор машқлар ёки ўқув форматларини батафсил баён қилдик (ва бунинг учун қўлланманинг охириги қисмига эътибор беринг - иловалар, барча тафсилотлар мавжуд). Шунинг учун уларни олиб, машғулотларда фойдаланинг.

Умид қиламизки, журналистлар, блогерлар ва бошқа диний эркинлик ҳамда динларнинг хилма-хиллиги, шунингдек, бошқа зиддиятли мавзулардаги контент ишлаб чиқарувчилар ҳам ушбу услубий бобни ўқишдан фойда олишади.



ДИН ЭРКИНЛИГИ ВА ДИНЛАРНИНГ ХИЛМА-ХИЛЛИГИ

мавзуларида журналистлар учун тренинг фалсафаси ва методологияси

Тренингдан мақсад журналистларни **ЖАМИЯТ
ТАРАҚҚИЁТИГА** ҳисса қўшишга ўргатишдир

ВАЗИФАЛАР

- 1 турли диний урф-одатлар ва амалиёт билан таништириш
- 2 эътиқодидан қатъи назар, турли дин вакилларининг қандай қилиб бирга яшаши мумкинлигини муҳокама қилиш.
- 3 турли масалаларга оид қонунлар билан таништириш
- 4 диний эркинлик, бағрикенглик ва хилма-хилликни қандай таъминлашни муҳокама қилиш
- 5 одамлар учун қизиқарли бўлган журналистик материаллар форматлари билан таништириш
- 6 мақола ёзишда диний туйғуларни ранжитмасликни ўргатиш



Иштирокчилар:

Ўқув жараёнида фаол иштирок этади

Ўзаро таълимга ҳисса қўшади



Муҳокама пайтида фикрларни муҳокама қилади ва қабул қилади




Натижага йўналтирилганлик



ИШТИРОКЧИЛАРГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН ТРЕНИНГ

БУ БИЛИМ ОЛИШ ЖАРАЁНИДИР



Тренер:

- 1 Иштирокчиларнинг эҳтиёжларини тан олади ва қабул қилади
- 2 Фаол қидирувга жалб этади
- 3 Томошабинлар томонидан контентни конструктив танқид қилишни рағбатлантиришга қодир
- 4 Турухдан норозилик кутади
- 5 Турухга ўз хулосаларини чиқариш имконини беради



§ 4.1. ДИН ЭРКИНЛИГИ ВА ДИНЛАРНИНГ ХИЛМА-ХИЛЛИГИ БЎЙИЧА ҲАМ УЎҚИТИШ ФАЛСАФАСИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ

Ушбу қисм якунида сиз:

- журналистларни диний эркинлик, бағрикенглик ва хилма-хиллик билан боғлиқ масалаларни ёритишга тайёрлашга мўлжалланган тренинг дастури ва методологиясини ишлаб чиқиш контекстида ўқитишнинг умумий фалсафасини тушуниб оласиз;
- иштирокчиларга йўналтирилган таълим ёндашувининг негизи бўлган асосий талабларни билиб оласиз ва ўқув дастурини ишлаб чиқишда ушбу талаблардан фойдалана оладиган бўласиз;
- катталар таълимида натижаларга асосланган таълим ёндашувини қўллаш муҳимлигини англайсиз;
- ушбу тренинглар давомида муҳокама қилиниши керак бўлган бошқа турли хил мазмун шакллари билан ҳам яқиндан танишасиз.

Кириш

Ушбу бўлимда Ўзбекистон ва Тожикистондаги медиа-тренерлар ҳамда журналистика бўйича ўқитувчилар томонидан журналистлар ва блогерларга диний эркинлик, бағрикенглик ва хилма-хиллик масалалари бўйича ижодий репортажлар тайёрлашда фойдаланиш мумкин бўлган тренинглар муҳокама қилинади. Ушбу бўлим шунингдек, тренерлар ушбу нозик мавзуда

дарс бериш учун фойдаланиши мумкин бўлган асосий мавзулар ва талабларни муҳокама қилади.

Умид қиламизки, шу ва шунга ўхшаш тренингларни ўтказётган бошқа мураббий ва медиатренерлар ҳам ўзларининг ўқув дастурларини ишлаб чиқишда мазкур тажрибалардан фойдаланишлари мумкин.

§ 4.1.1. ТРЕНИНГНИНГ УМУМИЙ МАҚСАДЛАРИ

Ушбу тренинг журналистларни диний эркинлик, бағрикенглик ва хилма-хиллик гуллаб-яшнаши мумкин бўлган жамият ривожига ҳисса қўшиш учун тайёрлашга қаратилган. Айтилган мақсадга эргашган ҳолда тренингларнинг асосий мақсади кўрсатилган мавзулар бўйича тренингларда иштирок этаётган журналист ва блогерларнинг шахсий тушунчаларини ошириш ва улар хизмат қилаётган жойлардаги вазиятлардан бевосита хабардорлигини оширишдан иборат.

Умуман олганда, иштирокчиларнинг билим ва тасаввурларини шундай шакллантирилиш керакки, натижада улар эркинлик, бағрикенглик ва диний

хилма-хилликни тарғиб қилишга тайёр бўлсинлар.

Бундан ташқари, тегишли тренинг дастурини ишлаб чиқиш ва тренингни ўтказиш шундай амалга ошириш керакки, журналистлар ва блогерлар одамларга эркинлик, бағрикенглик ва диний хилма-хилликнинг афзалликларини яхшироқ тушунишга ёрдам берадиган тарзда муаммоларни ҳал қилишлари мумкин бўлсин.

Ушбу мақсадларга эришиш учун ўз олдингизга қуйидаги вазифаларни қўйишингиз керак:

- иштирокчиларга мамлакат ва минтақадаги мавжуд диний урф-одат-



лар ва оқимлар ҳақида умумий маълумот бериш. Бу тингловчиларга жамиятда мавжуд бўлган турли диний эътиқодларни ҳурмат қилишга ёрдам бериш;

- қатнашчиларга турли дин вакиллари, уларнинг эътиқодлари ўзаро фарқидан қатъи назар, қандай қилиб бирга яшашлари мумкинлигини тушунтириш;
- иштирокчиларни мамлакатимизда ва бошқа давлатларда диний масалаларга оид амалдаги қонунлар билан таништириш, ОАВ учун контент тайёрлашда улардан фойдаланишни ўргатиш;
- қатнашчиларни эътиқод эркинлиги, бағрикенглик ва хилма-хилликни таъминлайдиган халқаро миқёсда тан олинган талаблар билан таништириш;
- иштирокчиларни журналистик материалларни тақдим этишнинг турли форматлари билан таништириш, улар ўз мазмунини одамлар учун қизиқарли тарзда тақдим этишла-

рини ёдда тутиш. Бу мавзуларни ёритаётган хорижлик журналистларнинг ижодий ишларидан, ўрни келганда, мисоллар келтириш;

- иштирокчиларга мақола ёзишда турли диний туйғуларни/инсон қадрини улуғлаш/хафа қилмаслик учун оқилona тилни танлашга ёрдам берадиган усулларни ўргатиш;
- диний мавзуларни ёритишда зиддиятли вазиятларни ёритишга оид умумий талаблардан фойдаланиш.

Диний мавзуларни ёритувчи журналистларни тайёрлашда юқоридаги мезонларни ҳисобга олиш керак. Аммо бу масалаларнинг барчасини тренинг жараёнида осонлик билан ҳал этиш мумкин, деб ишонч билан айтиш қийин.

Кейинги бўлимда биз тренерлар машғулотлар давомида дуч келишимиз мумкин бўлган айрим муаммоларни кўриб чиқамиз.

Шунингдек, иштирокчиларга йўналтирилган тренинглар – уларга ушбу муаммоларни ҳал қилишда қандай ёрдам бериши ҳақида батафсил гаплашамиз.

§ 4.1.2. ИШТИРОКЧИЛАРГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН ТРЕНИНГЛАР

Диний эътиқод эркинлиги, бағрикенглик ва хилма-хиллик, шунингдек, диннинг ўзи билан боғлиқ мавзуларда тренинглар ўтказишнинг ўзига хос хусусиятлари бор.

Шуни эсдан чиқармаслик керакки, тренингда диндор ҳам, мутлақ атеист ҳам қатнашиши мумкин. Айти сабабдан тренинг чоғида билдирилган фикр ва таклиф қилинган маълумотлардан хулосалар турлича бўлиши мумкин.

Агар ўқув дастури ёки тренинг ўтказиш шаклида айрим кичик хатоларга йўл қўйилган бўлса, бу каби ҳолат иштирокчида ўз қадриятлари бузилгандек

таассурот қолдириши мумкин.

Албатта, ушбу йўналишдаги тренинглар иштирокчилари асосан журналистлар бўлиб, халқаро миқёсда тан олинган стандартларга кўра, уларнинг фаолияти холислик ва ҳалоллик усулларига асосланиши керак. Шу нуқтаи назардан қараганда, журналистлар учун ҳар қандай мавзуда, жумладан, дин ва эътиқод мавзусида тренинг ўтказиш осон кўрингани билан бу анча мураккаб жараён.

Демак, тренинг дастурини ишлаб чиқиш ва тренингларни ўтказишда барча нюансларни ҳисобга олишингиз

керак. Тренер машғулотларни олиб борар экан, ўзига хос дўстона муносабатларни ўрнатиши керак. Натижада иштирокчиларда мавзуга нисбатан қизиқиш уйғонсин. Кўпроқ маълумотга эга бўлишни исташсин ва машғулот давомида жуда фаол бўлишсин.

Тренер қатнашчиларнинг эътиқодини ҳурмат қилиши, ҳеч кимнинг ғурурига тегмасликка ҳаракат қилиши ва диний эътиқод эркинлиги ва бағрикенглик талабларини инобатга олиши – бундай ишда унга қўл келади.

Бунинг учун у иштирокчиларга ўйлаш, ўз позицияларини қуриш, билдириш ва умумий хулосаларини чиқаришга ёрдам бериши лозим.

Демак, бундай мавзуларни ўргатишда “Иштирокчига йўналтирилган тренинг” усулидан фойдаланган маъқул.

Мазкур турдаги тренинглар тренинг иштирокчиларининг мустақиллигини ривожлантиришга қаратилган бўлади.

Йўналтирилган тренинг назарияси ва амалиёти конструктив тренинг назариясига асосланади, бунда иштирокчининг янги маълумотлар ва олдинги тажрибасига асосланган тренинг мазмунини тушунишдаги ҳал қилувчи роли таъкидланади.

Ушбу ўқитиш усулида иштирокчининг позицияси ва реакцияси муҳим аҳамиятга эга. Хусусан, дин ёки эътиқод каби нозик мавзуда тренинг ўтказишда шундай ташкил этилиши керакки, машғулот давомида иштирокчи ўзини эркин ҳис қилсин, доимо фаол бўлсин.

Натижада эса иштирокчида танқидий фикрлаш ва бағрикенглик ривожланади. Бундай ҳолат кўтарилган мавзуни тушунишни осонлаштиради.

Бундан ташқари, ҳар бир иштирокчининг қизиқиши, қобилияти ва ўрганиш йўллари аниқланади.

Иштирокчиларга йўналтирилган тренинг – бу ўқитиш ва ўрганишга ёндашув бўлиб:

- тренинг иштирокчисини фаол излашга жалб қилади;
- пассив ўрганиш эмас, балки илм олиш жараёни ҳисобланади.

Иштирокчиларга қаратилган тренингнинг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

- қатнашчилар “бўш идишлар” эмас;
- иштирокчилар тренинга бой тажриба ва билим билан келишади. Шу сабабли биз уларга муносиб ҳурмат ва сабр билан муносабатда бўлишимиз керак;
- ушбу ўқитиш усули иштирокчиларнинг ўқув материали ва мазмуни билан қандай муносабатда бўлишини белгилайди. Шунингдек, тренинг иштирокчилари айнан биз кутган инсонларми, деган саволга ҳам жавоб топамиз;
- қатнашчиларнинг тренинг мазмунига турлича ёндашишларини эсдан чиқармаймиз;
- тренингнинг баъзи қисмлари олдинги билимларга асосланади, иштирокчилар аллақачон билиши мумкин бўлган нарсаларни тасдиқлайди ва тақдим этади;
- тренингларнинг баъзи қисмлари иштирокчиларнинг олдинги тахминларини шубҳа остига қўяди ва шу билан уларни қайта тайёрлашга олиб келади;
- машғулотнинг баъзи қисмлари ҳатто иштирокчилар томонидан ҳам рад этилиши мумкин. Айниқса, бу қисмларнинг мазмуни уларнинг олдинги билимлари ва тахминларига тўлиқ мос келмаса.



Ушбу ўқув форматида ўқитиш – фаол жараёнدير:

- тренинг иштирокчилари тренерлар томонидан тақдим этилган контентнинг пассив олувчиси эмас, улар ўқув жараёнида бевосита иштирок этишлари керак;
- тренингда берилган маълумотлар уларнинг мавзу бўйича олдинги тушунчалари билан қанчалик боғлиқлиги ҳақида фикр юритишлари керак;
- қатнашчилар тренер ва бошқа иштирокчилар билан суҳбатлашиш орқали мавзунини ўрганадилар. Шу сабабдан, тренер учун гуруҳда ишлаш учун бир қатор имкониятларни тақдим этиш муҳимдир;
- иштирокчилар ўрганаётган нарсаларининг аҳамиятини ҳис қилишлари, реал муаммоларни муҳокама қилишда уларни қўллашлари керак.

Ушбу тренинглар иштирокчилари ҳақиқий одамлардир:

- бундай машғулотлар учун аслида ягона ёндашув йўқ. Баъзи иштирокчилар учун мос усуллар бошқалар учун мутлақо тескари натижаларга олиб келиши мумкин;
- аввало иштирокчилар ўқув жараёнига қизиқиш билдиришлари керак. Шунингдек, улар ўзлари ўрганилаётган материал бўйича қарор қабул қилиш жараёнининг муҳим қисми эканлигини ҳис қилишлари лозим;
- Тренерлар учун иштирокчиларга йўналтирилган тренинг нимани аңлатади?

Бизга керак:

- иштирокчиларнинг таълимга оид турли хил эҳтиёжларини тан олиш ва қабул қилиш;

- ортиқча ҳукмронликдан холи тузилмани ишлаб чиқиш;
- турли фикрларни тинглаш ва уларни қадрлай билиш;
- тингловчилар томонидан таркибни танқид қилишни рағбатлантира олиш;
- иштирокчилардан норозиликни кутиш;
- иштирокчиларга ўз хулосаларини чиқариш имкониятини бериш.

Иштирокчиларга йўналтирилган тренинг нимани ўз ичига олади?

1. Тренинг иштирокчиларининг тренинг жараёнидаги фаол иштироки. Мураббийлар иштирокчиларга қандай маълумот бермоқчи эканликларини олдиндан айтишмайди. Бунинг ўрнига, тингловчилар тақдим этилган янги маълумотлар уларнинг олдинги тажрибаларига қанчалик мос келиши ҳақида фикр юритишлари тавсия этилади;
2. Ҳамкорликда ўрганиш. Тренерлар иштирокчилар бир-бири билан мулоқот қилишлари, мазмун, ғояларни муҳокама қилишлари ва умумий позициялар бўйича келишиб олишлари мумкин бўлган муҳитни яратадилар. Материални ҳақиқий ўзлаштириш муҳокама пайтида содир бўлади;
3. Фарқларни тан олиш. Тренерлар, агар иштирокчилар тренинг мазмунига чуқур жалб қилинган бўлса, иштирокчиларнинг якуний позицияси ҳозирги позициясидан фарқ қилиши мумкинлигини тан олади;
4. Қатнашувчилар бир-бирларининг билим олишларига ҳисса қўшадилар. Иштирокчиларни ўзаро ўрганишга жалб қилиш учун тренинг жараёнини янада жонлантириш/яхшилаши/кучайтириши мумкин.

Иштирокчилар тренингдан қандай фойда олишлари мумкин?

- умумий жараёнда фаол иштирок этиш орқали;
- тренингларни мотивация ва жалб қилиш воситаси сифатида қабул қилиш;
- ўқув жараёнида ўзини барча билан ҳаммуаллифдек тутиш;
- тренингларнинг индивидуал тажрибага мослашганидан кўпроқ фойдаланиш.

Мураббийларни кўпроқ нима ташвишлантиради?

- пассив, мураббийга йўналтирилган ёндашувга ўрганиб қолган иштирокчилар ҳар доим ҳам янги ўқитиш усулига ижобий муносабатда бўлолмаслиги мумкин. Улар мураббийлар ўз вазифаларини бажармаяпти деб ўйлашлари мумкин;
- ўқув жараёни узоқ давом этиши мумкин. Амалий тажриба орттиришдан кўра, иштирокчига бирор нарсани оддийгина етказиш анча кам вақт талаб этади;
- бу ўқитиш усули иштирокчилардан жиддийроқ/каттароқ масъулият/эътибор талаб қилади;

- ушбу ўқув жараёни иштирокчилардан янгича инновацион фикрлашни талаб қилиши мумкин.

Иштирокчиларга йўналтирилган тренинг иштирокчилар учун нимани аниқлатади?

- иштирокчилар ўртасида ваколатларнинг бўлиб берилиши;
- танқидни кутиш ва уни борича қабул қилиш;
- мураббийлар кам гапиради ва иштирокчиларнинг ривожланишига кўпроқ ҳисса қўшади;
- маъруза тайёрлашдан кўра ҳақиқий ўқув муҳитини яратишга кўпроқ вақт сарфланади;
- назарияни эътибордан четда қолдирмаймиз, балки амалий машғулотларга устунлик берамиз;
- ўрганишнинг бундай усули кўпинча иштирокчиларга янги нарсаларни очиб беради;
- бу ўқитиш усули маъруза асосидаги ўқитишга нисбатан етарлича тизимли эмасдек кўринади;
- тренинглар долзарб мавзуларни кўриб чиқиши мумкин. Шунинг учун кучли етакчилик ва мураббийлик талаб этилади.

§ 4.1.3. НАТИЖАГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН ТРЕНИНГ

Ушбу мавзу бўйича тренинглар учун ўқув дастурларини ишлаб чиқишда тренерлар натижага йўналтирилган ўқитиш усулларида фойдаланишлари мумкин.

Бу усул нафақат иштирокчиларнинг янги билимларни эгаллашига ёрдам беради, балки келажақда ана шу билимлардан бевосита фойдаланишга ёрдам беради. Мазкур ўқитиш усули машғулотларга ёндашувга сезиларли таъсир кўр-

сатади. Агар тренинг давомида тренер фақат маъруза ва тақдимотларга устунлик берса, унда иштирокчилар ишининг амалий қисми кўзга кўринмас бўлади. Мабодо тренер ҳақиқий ишга кўпроқ эътибор берса ва иштирокчиларга олинган билимларни амалиётда қўллаш имкониятини яратса, буни жойида ўзгартириб олиш мумкин.

Ушбу мақсадларга эришиш учун тренер мавзуларни муваффақиятли танлашдан



ташқари, турли хил воситалардан фойдаланиши тавсия этилади.

Шу жумладан:

- мавзуни чуқурроқ тушунишга ёрдам берадиган қизиқарли машғулотлар;
- гуруҳ ва якка тартибда иш олиб бориш. Бунинг натижасида тренер иштирокчилар мавзуни қандай тушунганини англаб, мавжуд материалларни беришда ундан тўғри фойдаланиши мумкин;
- чек-лист/текшириш/назорат рўйхати. Улар қатнашчиларнинг ишини ва мавзуларни қай даражада ўзлаштирганликларини баҳолашга ёрдам беради. Чек-лист тренерга иштирокчилар қаерда хатога йўл қўйгани ва қайси мавзуларга кўпроқ эътибор қаратиш кераклигини тушунишга кўмаклашади;
- қадриятлар асосидаги конфликтлар каби дунёда мавжуд вазиятга ўхшаш мисоллардан фойдаланиш иштирокчиларга муаммонинг моҳиятини атрофлича тушунишга ва мустақил хулосалар чиқаришга ёрдам беради;
- ролли ўйинлар. Улар ёрдамида иштирокчилар профессионал вазиятларни машқ қиладилар, уларга бошқаларнинг муаммоларини қандай енгил кераклигини тушунишга имконият беради;
- маърифий матбуот анжумани. Бундай учрашувлар ёрдамида тренер иштирокчиларнинг ҳақиқий матбуот анжуманларида ўзини қанчалик эркин ва масъулиятли ҳис қилишларини, саволлари қанчалик аниқ ва йўналтирилганлигини ўзи белгилайди;
- уй вазифаси. Уй вазифасининг гуруҳ ёки индивидуал ишдан фарқи шундаки, тренинг иштирокчиси ўз ихтиёрида кўпроқ вақтга эга бўлиб,

мавзуни батафсилроқ, муҳими, мустақил таҳлил қила олади.

Умуман олганда, юқоридаги барча воситалар назарий мавзуларни амалиётда қўллашга ёрдам беради. Натижада эса иштирокчилар эътиқод эркинлиги ва хилма-хиллиги, бағрикенглик каби нозик масалаларни ОАВда самарали ёритиш ва ҳал этишга ҳисса қўшиш йўллари йўрганадилар ҳамда ушбу мавзулар бўйича профессионал материалларни ишлаб чиқишга ҳисса қўшадилар.

Иштирокчилар жараёнда бевосита қатнашиш орқали бу мавзуларни оддий одамларга содда, лўнда ва профессионал тарзда тушунтира олишлари муҳим саналади.

Шундай қилиб, натижаларга асосланган тренинг кўплаб ўзига хос хусусиятларга эга ҳисобланади.

Уларнинг айримлари ҳақида қуйидагиларни айтиш мумкин:

- анъанавий ўқитиш усулларида асосан тренерларнинг машғулотлар давомида нимани ўргатмоқчи эканлигига эътибор берилади. Натижага асосланган тренингларда эса – иштирокчилар нимага эришиши кераклигига эътибор қаратилади;
- иштирокчи учун у ўрганган нарсаларни амалда қандай қўллаши устувор бўлади.

Натижага асосланган тренингнинг яна бир муҳим хусусияти мураббийнинг ўқув режасини тузишга қандай ёндашиши билан боғлиқ. Аввало, биз ўқув жараёнида нимани ўргатмоқчи эканлигимизни аниқлашимиз керак. Баъзан бу жиддий ижтимоий ўзгаришлар билан тушунтирилса, бошқа ҳолларда эса одамларнинг касбий ривожланиши билан боғлиқ бўлиши мумкинли айтилади.

Бизнинг ҳолатларимизда иккаласи ҳам муҳим саналади.

Тренинглари лойиҳалаш ва ўтказишдаги асосий мақсадимиз – Ўзбекистон ва Тожикистонда диний эркинлик, бағрикенглик ва хилма-хилликни тарғиб қилишдир.

Ҳозирда биз танлаган тренинг йўналишидан кўзланган мақсад – журналист ва блогерларни мавзуларни профессионал тарзда ёритишга ўргатиш ва одамларга унинг амалий афзалликларини ҳис қилдиришдир.

Бу шуни англатадики, тренинглари ишлаб чиқиш жараёни биз уларнинг натижаларига эътибор қаратган пайдан бошланади.

Мазкур ўқитиш усулида тренерлар аниқ саволлар берадилар ва мумкин бўлган тахминий жавобларни олдиндан топадилар.

Саволлар қуйидагиларни ўз ичига олиши мумкин:

1. Тренингни умумий мақсадлари нималардан иборат?
2. Иштирокчилар ўз мақсадларига эришгандан сўнг қандай вазифаларни бажаришга қодир бўладилар?
3. Тренинг натижаларига эришиш учун иштирокчилар қандай билим ва кўникмаларга эга бўлишлари керак?
4. Олинган билимларни мустаҳкамлаш ва кўникмаларни ривожлантириш учун қандай ўқитиш усуллари самаралироқ бўлади?

Эслатма: Натижалар олингандан сўнг, фан бўйича билим ва ўқитиш усуллари ҳам назорат қилиниши керак. Бу иш шуни англатадики, ўқув дастурини ишлаб чиқишда ҳамма нарсани мақсадли равишда олдиндан пухта ўйлаб қўйиш керак.

Тренинг натижалари журналистлар тренинг давомида олган билим ва кўникмалари билан нима қилишлари кераклиги ва таълим жараёнишларнинг муносабатлари ҳамда тушунчалари кўрсатилган декларация шаклида қайд этилиши керак. Масалан: можароли вазиятлар ҳақида хабар тайёрлаш бўйича бирон бир мисол келтириш мумкин.

Тренинг тугагандан сўнг иштирокчилар қуйидаги билим ва кўникмаларга эга бўладилар:

- можарода иштирок этаётган турли манфаатдор томонларни аниқлаш ва мақолада барча томонларнинг фикрлари инобатга олинишини таъминлаш;
- конфликтнинг тингловчилар онига қанчалик чуқур сингиб кетганлигини тушунтириш учун можаронинг кучайиши назариясидан фойдаланиш;
- конфликтни кучайтириши мумкин бўлган душманлик тилини ишлатмасдан, можаро ҳақида мақола/контент тайёрлаш.

Тренинг усуллари қуйидагиларни ўз ичига олади:

- иштирокчиларни тренинг жараёнига бевосита жалб этиш. Натижага йўналтирилган тренинг иштирокчиларга тренинг давомида ҳаракатсиз/беэътибор қолишига йўл қўймайди;
- ўқув қўлланмалари имкон қадар амалий бўлиши керак. Агар тренинг иштирокчиси топшириқни қандай бажаришни билса, у ҳолда олинган билимларни амалга ошириш учун қулай шароит яратилиши керак;
- тренинглари имкон қадар иштирокчилар ўз амалиётларида дуч келиши мумкин бўлган вазият ва ҳолатларни такрорлаши даркор.



Дастурни ишлаб чиқишда сўраладиган саволлар:

- иштирокчилар нимани ўзлатиришлари кераклигини билишлари учун бизда етарлича вақт борми?
- қатнашчилар янги тренингни бошлаш учун зарур бўлган асосий билимларга эгами?
- иштирокчилар ўрганган кўникмаларини қўллаш учун зарур бўлган технологиялардан фойдаланишлари мумкинми? Уларни ўзлаштиришлари қандай кечади?

- биз тренер сифатида иштирокчиларнинг ўрганишини осонлаштириш учун мавзу бўйича етарли билимга эгамизми?
- иштирокчилар ўз билимларини ошириш учун олган тажрибаларидан етарлича хабардормизми?

Агар биз юқорида санаб ўтилган саволларнинг бирортасига ишонч билан жавоб бера олмасак, тренингнинг мақсадлари ва умумий натижаларини қайта кўриб чиқишимиз ва мақсад/умидларимизни ўзгартиришимиз керак.

§ 4.1.4. ТРЕНИНГ УЧУН МАВЗУЛАР

Оммавий ахборот воситаларида чоп этилган материалларни таҳлил этиш, шунингдек, турли мамлакатлардаги етакчи/муваффақиятли тренерлар томонидан ўтказилган тренингларни бевосита ўрганиш муҳим саналади.

Диний мавзулар бўйича ўқув дастурини ишлаб чиқишда қуйидаги асосий мавзуларни ҳисобга олиш фойдали бўлади.

Масалан:

- нима учун диний масалаларда айрим ҳолатларда низолар учрайди?
- дунё, минтақа ва мамлакатдаги диний қарама-қаршиликлар тарихини олинг. Жумладан, ушбу веб-сайт материалларига қараш мумкин: https://www.ng.ru/ng_religii/2001-12-26/7_conflicts.html;
- диний низоларни ёритиш учун журналистларни ижодий йўналишга жорий этиш жараёни;
- диний мавзудаги зиддиятли масалаларни ёритишнинг муҳим жиҳатлари;
- диний мавзуларни ёритишда журналистларнинг асосий хатолари;

- турли дин ва конфессия вакиллари билан суҳбатлар/интервьюлар хусусиятлари;
- динга оид материаллар бўйича экспертларни танлаш ва жалб этиш;
- диний масалалар бўйича маҳаллий ва миллий экспертлар рўйхатини тузиш;
- дин эркинлиги ва унинг хилма-хиллиги билан боғлиқ масалаларни ишлаб чиқиш ва тақдим этишнинг ҳуқуқий ва ахлоқий асослари;
- диний бағрикенглик ва эркинликнинг мазмун-моҳияти;
- дунёвий давлат стандартлари;
- одамларга ўз қадриятларини тушунишга қандай ёрдам бериш керак?
- дин, диний эркинлик ва хилма-хиллик билан боғлиқ масалалар бўйича ахборот манбалари;
- динга оид қизиқарли мавзуларни қандай топиш мумкин?
- журналист диндор бўла туриб, диний мавзунини қандай холис ёрита олади?

- диний мавзуларга тегиш хавфлими?
 - можарони ҳал қилишда журналист ва оммавий ахборот воситаларининг роли қандай? Уларни айрим ҳолатларда қандай қилиб зиддиятни авж олдирганликда айблаш мумкин?
- Ушбу тренинг ўтказилганидан сўнг, яъни иштирокчилар мавзуни қандай ёритиш ҳақида тушунчага эга бўлиб, фойдали/қизиқарли интерфаол ўйинларда қатнашиб, индивидуал ва гуруҳ ишларида, юқорида айтилган ўқув матбуот анжуманида иштирок этиб, уй вазифаларини бажаргандан кейин, ҳар бир иштирокчи қуйидаги билим ва кўникмаларни ўзлаштириб олади:
- низолар, шу жумладан, диний сабабларга кўра зиддиятларнинг қандай кучайиши;
 - юқори сифатли журналистика турли дин вакиллари ўртасидаги зиддиятларни ҳал қилиш учун қандай шароит яратиши мумкинлиги;
 - тарихий асосга эга бўлган диний бағрикенглик ҳақида, цивилизациялашган жамиятда қабул қилинган мулоқот воситалари билан танишиш;
 - тренинг жараёни ўтказилган индивидуал ва гуруҳли машғулотлар иштирокчилар учун дастлабки амалий касбий фаолият бўлишини;
 - интерфаол ёндашув эса иштирокчиларнинг тренингдан олдинги ва кейинги билим даражасини очиб бериши ва ҳк.



Офлайн
режимдан



ОНЛАЙН

режимга
ўтиш



ОНЛАЙН ТРЕНИНГНИ РЕЖАЛАШТИРИШ УЧУН:

- Тренинг ўтказиш учун ўқув платформасини танлаймиз;
- Ўқув элементлари кетма-кетлигини таъминлаймиз;
- Ўқув дастурини кўриб чиқамиз: у онлайн форматнинг имкониятларига қанчалик мос келади;
- Материал йиғамиз ва контент яратамиз;
- Таркибни визуаллаштириш: бу тренингни янада самарали қилишга ёрдам беради;
- Уй вазифасини режалаштираамиз;
- Иштирокчилар билан алоқаларни ўрнатамиз;
- Сўровнома ташкил қиламиз.

Синхрон тренинг: БАРЧА ТИНГЛОВЧИЛАР
ВА МУРАББИЙ БИР ВАҚТНИНГ ЎЗИДА
МАШҒУЛОТЛАРДА ҚАТНАШГАНДА, У ОНЛАЙН ВА
ОФЛАЙН РЕЖИМДА ЎТКАЗИЛИШИ МУМКИН.



Асинхрон таълим: ТАЛАБАЛАР
ДАСТУР КОНТЕНТИГА РУХСАТ ОЛАДИ ВА
ЎЗЛАРИ УЧУН ҚУЛАЙ ВАҚТДА ЎҚИШАДИ



**Аралаштирилган
таълим:** МОСЛАШТИРИЛГАН
ТАЪЛИМ ЕЧИМИНИ ЯРАТИШ УЧУН
СИНХРОН ВА АСИНХРОН ТАЪЛИМ
МОДЕЛЛАРИ ЭЛЕМЕНТЛАРИДАН
Фойдаланади



Виртуал доскалар

Google Jamboard – ёзиш, стикерлар ва расмлар қўшиш мумкин, тўлдирилган доскани .png ёки .pdf форматда юклаб олиш мумкин

Padlet – функционал хизматдир. Тренинг иштирокчилари билан танишиш, реклама жойлаштириш ва топшириқларни бажариш учун қулай

Miro – бу кўп функцияли панелдан ташкил топган илғор фойдаланувчилар учун доска



СИНОВ

Kahoot! **Google FORMS**

QUIZZZ

LearningApps.org

§ 4.2. МАСОФАВИЙ (ОНЛАЙН) ТРЕНИНГНИНГ САМАРАЛИ АМАЛИЁТЛАРИ ВА СТРАТЕГИЯЛАРИ

Ушбу бўлимнинг охирида сиз қуйидаги билим ва кўникмаларга эга бўласиз:

- онлайн форматда фойдали/самарали машғулотларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш босқичлари билан танишиш;
- гуруҳ билан алоқани/ишончни усталик билан ўрнатиш ва аудиторияни бошқара билиш;
- мураббийлик малакасини шакллантириш: шахсий иш услубини ривожлантириш;
- ҳар қандай даражадаги гуруҳга раҳбарлик қила олиш: ўқув ва амалий; гуруҳ динамикасининг барча босқичларида гуруҳни бошқариш, тренинг иштирокчиларининг касбий ривожланишига ҳисса қўшадиган гуруҳ жараёнларини ўтказиш;
- мураккаб бўлган индивидуал ва гуруҳ жараёнларини бемалол ўтказиш;
- ўқувчиларда манба/ресурс сифатлари ва ҳолатларини аниқлаш ҳамда ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш, шунингдек, фикр-мулоҳазаларни очиқ/эркин бериш, шу жумладан “ёқимсиз” – тузатувчилар ҳақида маълумотга эга бўлиш ва улар билан тил топшиш;
- онлайн тренинг контекстида бошқа ҳамкасбларнинг тажрибаси ва маҳорат сирлари билан бевосита танишиш.

§ 4.2.1. ОФФЛАЙНДАН ОНЛАЙНГА: ЎТИШ ЖАРАЁНИНИ ҚАНДАЙ ШАКЛДА ЯНАДА ЮМШОҚРОҚ ВА САМАРАЛИРОҚ ҚИЛИШ МУМКИН?

Онлайн тренинга шубҳа билан қараяпсизми ва компьютер монитори олдида ҳаяжонланасизми/қўрқасизми, бу сизники эмас ва машғулотингиз синфдаги аудитория каби жонли бўлмайди, деб ўйлайсизми?

Ишонинг, онлайн ўрганиш ҳам қизиқарли, фойдали ва самарали бўлиши мумкин. Ва бунда бизга Интернет таклиф қиладиган турли хил воситалар ҳамда адабиётлар ёрдам беради. Шунинг учун, биз мазкур параграфда сиз билан онлайн тренинглари ўтказиш бўйича амалий тажрибамиз билан бўлишишга қарор қилдик.

2020 йилгача, яъни COVID-19 пандемиясидан олдин оффлайн ёки онлайн тренингнинг афзалликлари ва камчиликлари, ижобий ва салбий томонлари ҳақида жуда кўп баҳс ва мунозаралар бўлган. Бироқ коронавирус пандемияси сабабли карантин мавсумининг бошланиши бизга бошқа танлов қолдирмади.

Оффлайн режимдан онлайн режимга ўтиш заруратга айланди ва тренерлар онлайн тренинглари қандай қилиб интерактив, қизиқарли ва самарали қилиш кераклиги ҳақидаги саволга дуч келишди. Энди онлайн формат бизнесинг ҳаётимизга қатъий киритилган ва бундан кейин бу тенденция фақат ўсиб боради ва илдиз ота боришини яхши тушуниб олдик.

Кимдир Интернетдаги тренинглари самарасизлиги учун танқид қилади, ундан қочишга ҳаракат қилади, аммо бу мазкур форматга ўтиш/ишлаш заруратини камайтирмайди. Демак, шундай экан, ҳозирги шароитда ишлашни, янги технологиялардан фойдаланишни ўргансак фойдадан холи бўлмайди.

Шуни таъкидлаш керакки, ўқитиш асослари аслида технология билан ўзгармайди. Биз ҳали ҳам умумий мақсадларимизни ва курсларни ишлаб чиқишда эришишимиз керак бўлган натижаларни олдиндан аниқлашимиз керак. Ва,



албатта, биз ўқувчиларимизнинг ўз тренингини ташкил этишда фаол иштирокини таъминлаш йўлларини ҳам излашимиз керак. Талабалар ўқитиш форматидан қатъи назар, улар ўқитувчилар/мураббийлар билан биргаликда ўқув жараёнини яратишда иштирок этишларини тушунишлари керак.

Биз бу йўлдан дастлабки даврда қандай борганимизни гапириб бермоқчимиз. Ва шуни аниқ биламизки, юзма-юз машғулотларнинг аксарият таъсири онлайн тарзда ҳам айнан такрорланиши мумкин. Бунинг учун бизга яхши Интернет, озгина тасаввур/фантазия ва, албатта, рақамли воситалар ёрдам беради.

Мазкур бўлимда айнан шу йўналишда ўзимиз тўплаган янги тажрибалар асосидаги айрим тавсияларни сизга берамиз.

Бир форматдан бошқасига ўтишимиз керак бўлганда, албатта, кўплаб саволлар туғилади: қаердан бошлаш керак? дастур мен каби оффлайн режимдан онлайн режимга ўтказилганда зарар кўрмаслигига қандай ишонч ҳосил қилиш керак? яъни тренер, онлайн кўникмаларини ривожлантириш, онлайн воситалардан қандай самарали фойдаланиши керак? уларни қандай бирлаштириш лозим? қандай қилиб фақат “гапирувчи бош” бўлиб қолмаслигимиз керак? онлайн тренингни қандай қилиб интерактив қилса бўлади? ва ҳ.к.

Аввало, сиз ўзингизни ва иштирокчиларингизни масофавий ўқитиш аслида юзма-юз форматда ўқиш каби жиддий эканлигига мослаштиришингиз керак.

Тажрибамиз шуни кўрсатадики, машғулотларни яхши ва самарали ўтказиш учун сиз энг кичик ташкилий нуқталардан тортиб, олдинги ва кейинги тестлар, иштирокчиларнинг асосий онлайн кўникмаларини ва уларнинг билим ва тажриба даражасини аниқлаш учун сўровларгача барча жиҳатларни ҳисобга олишингиз керак.

Бунинг учун дастурингиз майдонини танланг ва сиз берадиган барча кўрсатмаларни ишлаб чиқинг. Ҳатто оддий тушунтиришлар/сўровлар/топшириқлар ҳам ўта муҳим саналади.

Масалан: “жавоб бермаётганингизда микрофонни ўчиринг” ва “саволга жавоб беришингиз керак бўлганда ёки хоҳласангиз, уни ёқинг”, “бирор нарса айтиш керак бўлса веб-камерани ёқинг ва кейин ўчиринг”, “бирор нарса ҳақида қўшимча қилишни истасангиз қўлингизни кўтаринг, кейин гапиринг/сўранг/изоҳланг ёки қўшинг”, “кичик гуруҳга бўлиниб ишлаш пайтида гуруҳингизга ўтинг”, “интерфаол панел – Jamboard доскасига ғояларингизни ёзинг” ва ҳ.к.

Булар бир қарашда мураккаб туюлиши мумкин. Аммо аслида ундай эмас: ҳатто онлайн тренингда жонли машғулотлардан кўра бошқариш осонроқ бўлган лаҳзалар мавжуд. Масалан, тўлиқ кунлик машғулот пайтида одамларни гуруҳларга бўлиш қийин бўлиши мумкин, лекин биз онлайн бўлганимизда у жуда оддий ва самарали амалга оширилади. Чунки бунда одамлар жисмоний жиҳатдан ҳаракат қилишлари, яъни ўринларидан туриб, бошқа жойга ўтишлари шарт эмас. Виртуал хонани алмаштирсалар – кифоя.

§ 4.2.2. МАСОФАВИЙ ЎҚИТИШ ЖАРАЁНИ – СИНХРОН, АСИНХРОН ЁКИ АРАЛАШ ТРЕНИНГ ПАКЕТИНИНГ БИР ҚИСМИ СИФАТИДА АМАЛГА ОШИРИЛИШИ МУМКИН

Синхрон масофавий таълим

Синхрон таълим – бу барча ўқувчилар бир вақтнинг ўзида иштирок этадиган

таълим тури – у аслида ҳам онлайн, оффлайн режимига тўғри келади. Бу аслида тренер/ўқитувчи ёки мураббий-

нинг реал вақтда режимидаги машғулотларидан иборат бўлади.

Кўпинча, бу форматдан тренинглар чоғида, масалан: виртуал онлайн-синфларда, вебинарларлар, видео конференцияларда, веб-трансляциялар, конференция қўнғироқлари, иловалар алмашиш ва ҳатто суҳбат пайтида ҳам қўлланилади.

Бундай синхрон технологиялар дунёнинг исталган нуқтасидан келган талабаларга осонликча, жонли мулоқотга киришиш ва онлайн таълим дастурларида қатнашиш имконини беради.

Асинхрон масофавий таълим

Асинхрон масофавий таълим – бу ўқувчилар исталган вақтда дастур мазмунига киришлари ва ўзларига мақбул пайтда машғулотларда иштирок этишлари мумкин бўлган таълим тури ҳисобланади.

Ушбу усул ёрдамида ўқувчилар таълимга кириш ва яқунлаш учун бир жойда – офлайн ёки онлайн бўлишлари/тўпланишлари шарт эмас.

Асинхрон таълим/тренингни таъминлашнинг асосий воситаси – бу электрон таълимдир: бундай ўрганиш одатда онлайн курслар, кўпинча олдиндан ёзиб олинган, микротаълим, онлайн ресурслар: адабиётлар, тақдимотлар, видео дарслар ва онлайн викториналар орқали амалга оширилади.

Аралаш таълим

Аралаш таълим мослаштирилган ечим яратиш учун – ҳам синхрон, ҳам асинхрон моделлар элементларидан фойдаланади.

Аралаш модел жуда мослашувчан бўлиб, у аввало асинхрон вариант керак бўлганда юзага келади. Бироқ сизда ҳар доим “тирик/жонли” тренерга эҳтиёж бор. Чунки гуруҳ билан, масалан, мессенжер чатида бевосита савол/жавоб/алоқа қилиш зарурати бўлади.

Масофавий таълим жуда самарали ҳисобланади ва у сиз танлаган форматда ўқувчиларингизни яхши натижаларга эришиш учун йўналтиришда/созлашда ёрдам бериши мумкин⁴⁵.

Энди онлайн тренингнинг асосий босқичларини кўриб чиқамиз:

§ 4.2.3. РЕЖАЛАШТИРИШ, ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ, ИШТИРОКЧИЛАРНИНГ ЭҲТИЁЖИ, МАЛАКАСИ, БИЛИМИ ВА КЎНИКМАЛАРИНИ БАҲОЛАШ

Дастлабки режалаштириш қанчалик пухта бўлса, ўқув жараёни ҳам шунчалик самарали бўлади. Агар жараёни олдиндан белгилаш/тасвирлаш учун вақт ажрата олсак, ўқувчиларнинг мақсад/умидларини осон бошқара оламиз. Муаммоларни улар пайдо бўлишидан олдиноқ ҳал қилиб қўйишимиз мумкин. Муваффақиятли режалаштириш учун бир нечта фикрни инобатга олиш керак:

- Тренинг учун платформани танлаш (масалан: Zoom, Jitsi meet, Google meet, iSpring Learn...) – бу жуда

муҳим масала. Чунки платформа сизнинг ишингизни қандай ташкил қилишингизга бевосита боғлиқ;

- Машғулотлар жадвалини кетма-кетлаштириш – изчил ва аниқ жадвални таъминлаш орқали иштирокчиларга ўз жадвалларини яратиш имконияти берилади. “Ўқиш вақтини” тузатиш яхшироқ, яъни, жадвал бўйича қарор қабул қилишга ишонч ҳосил қилинг. Қулайлик учун сиз сўров ўтказишингиз ёки овоз бериш имкониятини ишга солишингиз мумкин. Бу, ай-

⁴⁵ (<https://www.ispringsolutions.com/blog/remote-learning> Хелен Колман, Удаленное обучение: проверенные стратегии для реализации сейчас)



ниқса, масофавий тренинг учун жуда муҳим. Чунки режалаштириш – мос уй муҳити ва Интернетга ула-нишни ҳам ўз ичига олади;

- Ўқув дастурининг онлайн формат-га мос келишини кўриб чиқамиз – одатда биз тўлиқ вақт формати учун мўлжалланган дастурни, баъзан эса ҳатто ярмига қисқартирамиз, яъни, агар юзма-юз ўқув дастури 6 соатга мўлжалланган бўлса, он-лайн тренинг учун биз уни 3 соат-гача қисқартиришимиз мумкин. Бу онлайн форматда курс иштирокчи-ларининг услубий тавсиялари ва психологик гидрокини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади ва ҳар бир машғулотдан сўнг, тахминан 90 дақиқадан сўнг, албатта, танаффус берилади. Иштирокчилар суҳбат-лашишлари, ҳожатхонадан фой-даланишлари, кофе ичишлари ва фикр алмашишлари учун виртуал танаффуслар берилади;
- Контент яратамиз ва матери-ал тўплаймиз – бўлажак тренинг учун тақдимотлар, сценарийлар, машқлар ва ўйинларни олдиндан тайёрлаш керак. Тренинг жараё-нида диққатни мажбурий ушлаб туриш нима учун муҳим? Чунки он-лайн тренинг давомида бир неча дақиқа сукут сақлаш ёки пауза му-ваффақиятсизликни англатади. Ҳатто бу сизнинг иштирокчиларин-гиз шунчаки тарқалиб кетишига ҳам олиб келади. Қизиқарли тақдимот тренингнинг жуда муҳим элемен-тидир. Чунки онлайн форматдаги иштирокчилар нафақат тинглаш-лари, балки мавзулар, тезислар, топ-шириқлар ва кўрсатмаларни ҳам кўришлари керак. Визуализация – ҳар доим машғулотингизни янада самаралироқ қилишга ёрдам бера-ди;
- Уй вазифасини режалаштирамиз – объектив сабабларга кўра, он-

лайн вақт қисқарганлиги сабабли, дастур ҳажми ва биз ёрита олма-ган мавзулар қисқаради. Биз уни уй вазифаси шаклида берамиз ёки уни асинхрон ўрганиш вариантига ўтказамиз;

- Иштирокчилар билан алоқа ўрна-тамиз – албатта, ҳеч ким электрон почта орқали хат ёзишнинг классик усулини ҳозирча бекор қилмаган. Аммо мессенжерлар ва ижтимоий тармоқлар орқали алоқанинг замо-навий версиялари анча қулайроқ ва тезроқ ҳисобланади. Биз эълон-лар, савол-жавоблар ва иштирок-чилар билан яқинроқ алоқада бў-лиш учун мессенжерлар гуруҳини ташкил қиламиз. Бу эса бир пайт-да, биргалиқда ишлаш имконини беради;
- Сўровнома ташкил қиламиз – иштирокчилар, уларнинг рақамли кўникмалари ва тренинг мавзусини тушуниш даражаси ҳақида кўпроқ маълумот олиш учун иштирокчи-лар ўртасида (тренинг бошланиши-дан сал олдин ёки анча олдинроқ) “Google сўрови” ўтказишингиз мум-кин;
- Ҳаммуаллиф топамиз – агар бошқа тренер билан тандемда машғулот ўтказиш мумкин бўлса, бу сизнинг ишингизни анча осонлаштиради, қизиқарли ҳамда самаралироқ қи-лади. Сиз ўзаро ролларни олдин-дан белгилашингиз мумкин. Ма-салан, бири техник ёрдам беради, яъни экранни алмаштириб туради, чатда жавоб беради, иштирокчи-ларни гуруҳларга ёки жуфтларга бўлади ва ҳоказо. Иккинчиси эса тақдимотлар қилади, доскада ёза-ди, муҳокамаларга киришади. Кей-инги сессиянгизда ўзаро келишган ҳолда сиз ролларни иштирокчи-ларга ва ўзингизга маъқул варинт-да яна алмаштиришингиз мумкин.

§ 4.2.4. ТАНИШУВ, ТРЕНИНГНИНГ “ОЛТИН ҚОИДАЛАРИ”НИ ИШЛАБ ЧИҚИШ

Биз таклиф қилувчи атмосферани яратамиз – агар тренингнинг бошида-ноқ иштирокчилар билан “очиқчасига” гаплаша олсак, бундай дўстона вазият бемалол интерактивликка эришишга ёрдам беради. Бунинг учун қатнашчилар ўз фикрларини осонгина ифода эта оладиган бирон бир оддий машқни танлашлари керак. Мисол учун, тренер иштирокчилардан қўлларидаги ўз смартфонлари галереясини кўришни ва энг сўнгги тушган фотосуратларини баҳам кўришни сўрайди. - Бу қандай сурат? Қачон ва қаерда яратилган? Бу сурат мен ҳақимда нимани айта олади? Агар гуруҳда бир нечта иштирокчилар бўлса, улар ҳамма нарсани навбатма-навбат айтиб беришади. Лекин агар аудитория каттароқ бўлса, унда сиз иштирокчиларни гуруҳларга бўлишингиз мумкин – улар ана шу кичик гуруҳлар доирасида ўз расмлари тарихини айтиб беришлари мумкин.

Онлайн тренинг қоидаларини ишлаб чиқиш қанчалик зарур?

Биз ҳозирги даврда асосан виртуал ўқиш/ўргатиш ва онлайн-тренинглар билан шуғулланишга ўтган бўлсак-да, ҳеч ким синф қоидалари ва ўқувчилар одоб-ахлоқ қоидаларига риоя қилишини бекор қилмаган. Қоидалар қанчалик муҳимлигини барчамиз яхши тушунамиз. Тренингнинг натижаси айнан шу қоидаларга боғлиқ. Ишнинг самарадорлиги қоидаларни тушунишга уланиб кетади. Баъзида мураббийлар ушбу қоидаларни ўрнатиш муҳимлигига камроқ эътибор қаратадилар.

Ҳар қандай спорт ўйини, хоҳ у волейбол, хоҳ футбол ёки хоккей бўлсин, ўз қоидаларига эгадир. Ўйин муваффақиятли бўлиши учун ҳар доим қоидаларга риоя қилиш керак. Қоидаларни билсак, нима қилишимиз кераклигини ва нима керак эмаслигини яхшироқ тушунамиз. Қоидалар ишни тезроқ,

унумлироқ ва самаралироқ қилади. Иштирокчилар билан тренинг қоидаларини биргаликда ишлаб чиқиш ёки оддийгина тайёр қоидалар тўпламини таклиф қилиш ва уларни тасдиқлатиб олиш учун овозга қўйиш мумкин.

Масалан, биз қоидаларни тренинга иштирокчиларга тасдиқ жамланмаларини тарқатган ҳолда қилиб киритдик:

- Мен Zoom онлайн платформаси билан танишман ва асбоблар панелидан қандай фойдаланишни биламан;
- Атрофимдаги ҳар бир инсон – менинг фарзандларим, бошқа оила аъзоларим, ҳатто менинг мушугим ҳам – онлайн тренинга қатнашиш учун менга тинч ва осойишта муҳит кераклигини яхши билишади;
- Мен видеони очишга / веб-камерани ёқишга тайёрман: менда мос келадиган кийим ва иш жойим бор;
- Мени ҳеч нарса безовта қилмайди: муаммоларимни ҳал қилдим ёки телефонимни овозсиз режимга қўйдим. Агар жавоб беришим ёки кўнғироқ қилишим керак бўлса, ZOOM овозли микрофонини ўчириб гапираман;
- Машғулот бошланишига 15 дақиқа қолганда техникамни тайёрлайман;
- Мен машғулотларда фаол қатнашман, бир вақтнинг ўзида бошқа ишларни қилмайман.

Ҳар бир иштирокчи таклиф қилинган анкета-баёнотларга битта сўз билан “ҳа” ёки “йўқ” деб жавоб берди холос. Қанчалик кўп “ҳа” деб жавоб берса, иштирокчи тренинга шунчалик тайёр бўлади. Агар иштирокчи барча саволларга “ҳа” деб жавоб берса, у олтин медалга эга бўлади. Бу машғулот пайтида қоидаларга риоя қилиш учун яхши мотивациядир. Бундан ташқари,



иштирокчилардан Jamboardга “Мен олтин медал соҳибиман” деб ёзишни,

ўз исмларини киритишни ва расмини юклашни ҳам сўрадик.

§ 4.2.5. ТРЕНИНГ ЖАРАЁНИ. ҚАНДАЙ ҚИЛИБ ОНЛАЙН ТРЕНИНГНИ ИНТЕРФАОЛ ВА ҚИЗИҚАРЛИ ШАКЛДА ЎТКАЗИШ МУМКИН?

Баъзида онлайн тренинглари ҳатто янада кўпроқ имкониятлар борлиги туфайли ўзларининг қулайлиги/афзалликларига эга бўлади. Яъни, тренингни интерактив ва қизиқарли қилишни осонлаштирадиган кўплаб иловалар, веб-сайтлар, дастурлар мавжудлигини ва улардан самарали фойдаланишни яхши биламиз.

Хўш, қандай қилиб онлайн тренинглари тингловчиларингиз билан шахсан/бевосита учрашиш каби қизиқарли, самарали, фойдали ва қулай қилиш мумкин?

Кўпчилик буларни онлайн тренингдаги асосий қийинчилик деб ўйлайди. Чунки тренер учун иштирокчилар билан ўзаро ишчан алоқа ўрнатиш мураккабдек туюлади. Дастлаб қатнашчиларнинг реакцияларини ўқиш/илғаш қийинроққа ўхшайди. Яъни иштирокчилар ҳақиқатан ҳам сизни тинглаётганига ва бу жараёнга бутунлай шўнғиб кетишганига ишонч ҳосил қилиш ҳар доим ҳам осон кечади, деб бўлмайди. Бироқ, онлайн тренинглари жонли ва ўзаро фаол қилишнинг кўплаб усуллари аллақачон ишлаб чиқилган. Келинг, онлайн тренингни юзма-юз машғулотларга яқинлаштиришга ёрдам берадиган айрим сайтлар ва дастурларни кўриб чиқамиз.

Виртуал доскалар

Одатда биз оффлайн машғулотларни доскасиз тасаввур қила олмаймиз. Онлайн шароитда ҳам виртуал доскалар билан самарали ишлашни бошлаганимизда, биз дарҳол машғулотлар қанчалик қизиқарли ва самарали бўлишини ҳис қила бошлаймиз ва тушунагимиз. Виртуал доскалар электрон доскаларга қараганда анча яхши/қулай

(айниқса, ҳозирги вақтда ҳам айрим ўқув хоналари электрон доскалар билан жиҳозланмаган ва улардан фойдаланишнинг ҳар доим ҳам имкони бўлмаслигини ҳисобга олсак). Шунинг учун виртуал доскалар бизга кўпроқ имкониятлар беради ва биз улардан индивидуал, жуфтлик, гуруҳли иш турларида, уй вазифаларини бажаришда бемалол фойдаланишимиз мумкин. Бошқача қилиб айтганда, фақат сизнинг тасаввурингиз ва ижодингиз виртуал доска/тахталарнинг имкониятларини кенгайтиришга йўл очади.

Google Jamboard – бу гап/матн ёзишингиз, стикерлар ёпиштиришингиз ва расмларни қўшишингиз мумкин бўлган энг оддий доска/тахталардан бири бўлиб, ишни тугатганингиздан сўнг, тугалланган тахтани png ёки pdf форматда юклаб олишингиз ҳам мумкин.

Padlet – қулай функционал хизматдир. Муайян тартибни танлашга имкон беради ва киритилган маълумотларни мустақил равишда тўплайди. Талабалар/тингловчилар билан учрашиш, эълонларни жойлаштириш ва топшириқларни бажариш учун мўлжалланган. Пулли версияни харид қилиш орқали имкониятларингизни янада кенгайтиришингиз мумкин. Юзма-юз ўқитишда бўлгани каби, онлайн учрашувлар ҳам танишувдан бошланади. Падлет хизматида аъзолар ўз исмларини, профессионал ва шахсий ютуқларини киритишлари, фотосуратларни юклашлари мумкин. Айни пайтда хизмат мустақил равишда тўлдирилган анкеталарни ҳам ягона қулай саҳифага тўплай олади.

Miro – етакчи/илғор фойдаланувчилар учун қулай/самарали бўлиб, у кўп

функцияли панелли полотнога ўхшайди. Қўшимча функциялар пулли версияда тақдим этилади.

Тест синови

Kahoot – индивидуал ва жамоавий тестларни яратиш/ишлатиш учун энг оммабоп хизмат ҳисобланади. Kahootга асосланган билимларни умумлаштириш учун ёрқин, ранг-баранг ва динамик тестлар – кўпинча интерактив танаффуслар учун ҳам онлайн, ҳам юзма-юз машғулотларда қўлланилиши мумкин.

Quizizz – олдингисига ўхшаш восита бўлиб, фақат битта фарқи бор: агар сиз рўйхатдан ўтиш пайтида ўқитувчи эканлигини кўрсатсангиз, кенгайтирилган функцияларга кириш ҳуқуқига эга бўласиз.

Learningapps – бу сизнинг билимларингизни синаб кўриш учун интерактив машқлар яратиш имконини берувчи мутлақо бепул онлайн хизмат ҳисобланади. “Леарнинггаппс”да сиз сақлашингиз мумкин бўлган турли текшириш тестлари мавжуд. Шунингдек, сайт маълумотлар базасидаги тайёр тестлардан ҳам фойдаланишингиз мумкин.

Google Forms – турли шаклдаги анкеталар ёки викториналарни ўз ичига олган веб-саҳифадир. Шакллар билан ишлаш учун Google аккаунтга эга бўлиш kifоя.

Google Forms ёрдамида сиз тадбир учун онлайн рўйхатдан ўтишингиз, онлайн тадқиқот, фикр-мулоҳаза, овоз бериш ва ҳоказоларни ўтказишингиз мумкин. Google Forms жуда қулай, фойдаланиш учун оддийдир. У билан ишлаш MS Word билан ишлашдан қийин эмас. Интерфейси фойдаланувчилар учун анча содда ишланган. Шаклни юклаб олиш, уни тинловчиларингиз/мижозларингизга юбориш ва

тўлдирилган шаклни улардан қайтадан почта орқали олиб ўтиришингизнинг ҳожати йўқ. Шакл булутда (cloud) сақланади. Агар сиз турли хил қурилмалардан ишлаётган бўлсангиз ёки қаттиқ дискингиз шикастланган бўлса, ҳавола мавжуд бўлса, шаклга кириш мумкин имконияти ҳар доим сақланиб қолади.

Интерактив фаолият

Quizlet – атамаларни ёдда тутиш учун карталар яратиш имкониятини беради. Мисолларни кўриш ёки ўзингизнинг бирор нарсангизни яратиш учун сиз рўйхатдан ўтишингиз керак, холос. Тайёр карталарни сайтга киритишингиз ҳам мумкин.

Mentimeter – ўрганиш осон бўлган овоз бериш воситаси ҳисобланади. Аудиториянинг тезкор фикр-мулоҳазаларни алоҳида тақдим этади. Ундан аудитория сўрови учун фойдаланиш қулай. У мобил қурилмаларда ҳам, электрон муҳитда ҳам бор.

h5p – хизмат интерактив видеолар, drag'n'drop форматидаги вазифалар ва бошқа ноодатий нарсаларни яратишга имкониятини беради. Натижада эса уларни сайтдаги материалларга ҳам киритиш мумкин.

Юқоридаги сайтлар, дастурлар ва иловалардан ташқари, ҳозирги пайтда тармоқда онлайн тренингиз/тадбирингизни диверсификация қилишга ёрдам берадиган бошқа юзлаб воситалар ҳам мавжуд.

Уларнинг барчаси бир-биридан ўзаро фарқ қилади: пуллик ва бепул, оддий ва мураккаб. Бошланғич тренерлар ва тажрибали ўқитувчилар учун – универсал ягона тўпламнинг ўзи йўқ. Сиз барчасини бевосита синаб кўришингиз ва ўзингизга мос келадиганини танлашингиз мумкин⁴⁶.

⁴⁶ (<https://newreporter.org/2020/06/03/desyat-instrumentov-dlya-sozdaniya-multimedijnogo-onlajn-treninga/> Америка Қўшма Штатлари Халқаро Тараққиёт Агентлиги томонидан қўллаб-қувватланадиган (USAID) MediaCAMP Марказий Осиё дастури лойиҳаси.



§ 4.2.6. ОНЛАЙН ТРЕНИНГЛАРНИ ЎТКАЗИШ МЕТОДЛАРИ ВА УСУЛЛАРИ

Агар сиз интерактив машқлар ва энержайзерларни қандай ўтказишга қизиқаётган бўлсангиз, тренинг машғулотлари, ролли ўйинлар, брейн-штурминглар, мунозара-мулоҳазалар, ортиқча вақт йўқотмасдан барча иштирокчиларни тренингларга жалб қилиш, бунда иштирокчилар нафақат энергия олишади, балки материални яхши ўрганишади/ўзлаштиришади ва ундан амалиётда фойдаланишади.

Шундагина биз ўз тажрибамиздан келиб чиққан ҳолда бир нечта янги тавсияларни беришимиз мумкин бўлади.

Тақдимот – маъруза

Бу – онлайн-ўқув материални тақдимот шаклида, яъни визуал кўринишда бериш, уни диаграммалар, жадваллар, фотосуратлар ва видеоклиплар, шунингдек, бошқа иллюстрациялар билан тўлдириш ҳамда керакли сайтлар, иловалар ёки дастурларга ҳаволалар бериш учун ажойиб имкониятдир. Инфо-маърузалар 10 дақиқадан ошмаслиги керак, чунки онлайн тингловчиларнинг концентрацияси/диққати офлайнга қараганда анча паст бўлади. Ахборот-муаммоли маъруза – асосан муаммоли масалалар, вазифалар, вазиятлардан фойдаланган ҳолда материални тақдим этишни ўз ичига олади. Билиш жараёни илмий изланишлар, диалоглар, таҳлиллар, турли нуқтаи назарларни ўзаро қиёслаш орқали юзага келади.

Брифин / матбуот анжумани

Битта масала/мавзу бўйича симуляция қилинган матбуот анжумани меҳмонларни онлайн тарзда таклиф қилиш орқали осонгина ташкил этилиши мумкин. Асосий фарқ: тақдимот қисми қисқартирилади, шунингдек, журналистларнинг саволларига жавоблар қисми ҳам тезликда ўтиб кетади.

Тьюторил

Бу усул мустақил равишда олинган билим ва кўникмаларни мустаҳкамлаш, керакли тузатишларни киритиш, гуруҳ фаолиятида янги кўникмаларни ривожлантириш ва бошқа иштирокчилар билан тажриба алмашиш учун қулай жараён ҳисобланади. Ўқув машғулотлари – фаол ўқитиш усуллари (гуруҳ муҳокамалари, ишбилармон ўйинлар, вазиятни таҳлил этиш/ҳал қилиш, тренинглар ва ақлий ҳужумлар) ёрдамида олиб борилади.

Мунозара, брейн-штурминг ёки гуруҳ муҳокамаси

Тарбиявий мунозара – бу гуруҳ ичида фикр, тажриба, мулоҳазалар, фикр алмашиш билан кечадиган муайян муаммони (вазиятни) мақсадли муҳокама қилишдан иборатдир.

Гуруҳ муҳокамасини ўтказиш учун амалий машғулотда қатнашган барча тингловчилар/талабалар кичик гуруҳларга бўлинади. Улар дарс мавзусига киритилган айрим масалаларни муҳокама қиладилар. Муҳокама икки шаклда ташкил этилиши мумкин: барча кичик гуруҳлар бир хил саволни таҳлил қиладди ёки катта мавзу алоҳида кичик топшириқларга бўлинади. Мунозаранинг анъанавий натижалари қуйидагилардан иборат: қизиқарли фикрлар рўйхатини тузиш, кичик гуруҳларнинг бир ёки икки аъзоси томонидан тақдимот қилиш, кўрсатмалар ёки тавсиялар тузиш, ҳаракатлар режасини ишлаб чиқиш ва ҳк.

Мунозара

Бу икки томон ўртасида долзарб мавзулар бўйича тузилган, қолаверса, махсус ташкил этилган оммавий фикр алмашишдир. У аслида оммавий муҳокаманинг бир тури бўлиб, бунда мунозара иштирокчилари бир-бирла-

рини эмас, балки учинчи томонни ўзларининг ҳақлигига ишонтирадилар. Яъни, иштирокчилар уч гуруҳга бўлинади: 1-гуруҳ – бир нуқтаи назар, 2-гуруҳ – қарама-қарши нуқтаи назар, 3-гуруҳ – ҳали аниқ эмас.

Учинчи гуруҳ аъзолари яккама-якка ёки барчаси биргаликда баҳс натижасига кўра 1- ёки 2- гуруҳга ўтишлари мумкин. Шунинг учун мунозара иштирокчилари томонидан қўлланиладиган оғзаки ва новербал воситалар маълум бир натижага эришиш – тингловчиларда ўз позицияси ҳақида ижобий таассурот яратиш мақсадини кўзлайди.

Имитацион ўйинлар

Улар “микродунёлар” (microworlds) номи билан ҳам танилган бўлиб, бирон бир стресс ҳолати, ноаниқлик шароитида динамик/драматик ўзгарувчан муҳитда тизимли фикрлаш, қарор қабул қилиш кўникмаларини ривожлантирувчи ўзига хос “симулятор” ҳисобланади. “Микродунёлар” бир неча ойлар, йиллар ёки ўн йилликлар давом этадиган вазиятларни бир неча дақиқа ёки соат ичида тақлид/таҳлил қилиш имконини беради. Бу эса қарор қабул қилишнинг узоқ муддатли натижаларини, юзага келиши мумкин бўлган ножўя таъсирларини олдиндан баҳолаш имконини беради. Симуляция ўйинлари ўзига хос “ўқув лабораторияси” бўлиб, унда ҳақиқий бир вазият қайта ўйналади/симуляция қилинади. Ушбу ўйинлар тизим динамикаси учун мураккаб симуляция моделларига асосланган, масалан: X/У.

Интервью

“Интервью” атамаси инглизча интервью – суҳбатдан олинган. Суҳбат ўз мазмунига кўра, қуйидаги гуруҳларга бўлинади:

- ҳужжатли интервьюлар;
- фикрли интервьюлар;
- интервью: “матбуот анжумани”.

Суҳбат мавзусининг ўзи – ҳам маърузачи, ҳам берилган мавзу бўйича маълумот тайёрлаган талабалар/тингловчилар бўлиши мумкин.

Кейс усули (аниқ вазиятларни таҳлил қилиш)

Кейс методи (инглизча case – вазият) – аниқ бир вазиятни таҳлил қилишнинг такомиллаштирилган усули бўлиб, реал муаммоларни ечиш орқали ўрганишга асосланган фаол муаммоли-вазиятли таҳлил методидир. Кейс методи – ҳодисалар, реал вазиятлар натижасида юзага келган ёки у ёки бу вақтда муайян шароитларда юзага келиши мумкин бўлган вазиятни (муаммони) ўрганиш, таҳлил қилиш ва тегишли қарор қабул қилишдан иборат бўлади. Шундай қилиб, улар реал фактик материалга асосланган турли ҳаётий вазиятлар ёки ўйлаб чиқилган ҳолатларни ҳам ўз ичига олиши мумкин. Талабалар вазиятни таҳлил қилишлари, муаммоларнинг асл моҳиятини тушунишлари, мумкин бўлган ечимларни таклиф қилишлари ва энг яхшисини танлашлари керак.

Энержайзерлар/қиздирувчи машқлар

Номидан кўриниб турибдики, энержайзер/қиздирувчи машқлар биринчи навбатда гуруҳ фаолиятининг руҳи/динамикасини назорат қилиш учун хизмат қилади. Энержайзерлар – тренингни янада жонлантирувчи, тренинг билан бевосита боғлиқ функцияга эга бўлиши ёки бўлмаслиги мумкин бўлган қисқа машқлар мажмуидир.

Улар одатда гуруҳда умумий бошланғич ёки якуний ҳиссий нуқтани топишга, маълум энергия даражасини ўрнатишга, гуруҳ учун кайфиятни яратишга ёки қатнашчиларнинг диққат-эътиборини синхронлаштиришга хизмат қилади.

Бундай машқлар одатда машғулоти блокининг бошида амалга оширилади.



Лекин машғулот давомида бошқа исталган вақтда ҳам улардан самарали фойдаланиш мумкин. Энержайзерлар

аслида чуқур таълимий мазмунга эга бўлмаса-да, улар ўқув мавзусига тўғри шаклда мослаштирилиши мумкин.

§ 4.2.7. УЙГА ВАЗИФА БЕРИШ ВА НАТИЖАЛАРНИ БАҲОЛАШ ҲАМДА ИШТИРОКЧИЛАР БИЛАН ЎЗАРО МУНОСАБАТЛАР

Онлайн тренинг иштирокчилари ва тренер ўртасидаги алоқалар жуда муҳим аҳамият касб этади. Тренер ҳар доим – берилаётган топшириқларнинг аниқлиги, ўқув материалларидан тўлиқ фойдаланишнинг таъминланганлиги ва ҳоказолардан пухта хабардор бўлиши керак. Онлайн ўқитиш вақти оффлайнга қараганда анча қисқа бўлганлиги сабабли, дастур материалнинг бир қисми мустақил таълим ёки уй вазифаларига бағишланади.

Иштирокчилар материални мустақил тарзда ўрганишда тиришқоқ бўлишлари керак. Назорат эса уларнинг биз берган топшириқларнинг бажарилишини баҳолаш орқали амалга оширилади.

Одатда биз дискдаги материалларни (Google Диск, Яндекс Диск, Облако Mail.ru ва бошқалар) ва Google синфида уларга ҳаволани жойлаштириб беришимиз керак.

Иштирокчилар билан боғланиш учун Google синфини очинг. У ерда уй вазифаси, баҳоларингиз ва тренинг иштирокчилари томонидан бажарилган топшириқлар бўйича фикр-мулоҳазаларингизни тақдим этасиз. Шунингдек, ёзишмалар, фотосуратлар, видеолар ва ҳужжатларни ўзаро алмашишингиз, шунингдек, айрим хабарларни ўзгартиришингиз ҳам мумкин бўлади.

Лекин тезкор маслаҳатни ташкил қилиш учун WhatsApp, Telegram, Viber каби мессенжерларда ташкил этиладиган виртуал гуруҳлардан фойдаланган маъқул ёки иштирокчиларнинг ихтиёрига кўра бошқа вариантларни танлашингиз мумкин.

Уй вазифасини таҳлил қилишни таъминлаш жуда муҳим (индивидуал хатолар талабага шахсан хабар қилиниши керак, ютуқлар ва қизиқарли ечимлар ҳаммага етказилиши керак; шунингдек, иштирокчиларнинг муваффақиятлари ва муваффақиятсизликлари ҳақида умумий маълумот бериш, топшириқлар, қийин нуқталарни аниқлаштириш ва бошқалар тавсия этилади). Буни матн шаклида ёки телефонда ёзиб олиш ва иштирокчилар билан бевосита мулоқот қилиш жойига жойлаштириш мумкин бўлган қисқа видео кўриб чиқиш ёрдамида амалга ошириш ҳам мумкин.

Уйга вазифа беришда кўрсатмалар аниқ, қисқа ва лўнда бўлиши керак. Биз матнда энг муҳимларини қолдирамиз. Агар мавзу катта бўлса, қўшимча материал мавжудлиги ҳақида эслатма берамиз.

Шуни ёдда тутишимиз керакки, масофавий тренинг билан иштирокчилар ўзларига берилган топшириқларни мустақил равишда бажаришлари керак бўлган вақтни аниқ белгилаб олишлари лозим. Улар дарс учун ажратилган вақт ичида баъзи вазифаларни бажаришлари ҳам мумкин (буни, айниқса, тренинг онлайн платформаларидан фойдаланганда қилиш осон бўлади). Бошқа қолган қисмларини, масалан, семестр охиригача бажариш мумкин. Кейинги машғулот учун бажарилган топшириқнинг бир қисми бизга талабанинг муваффақиятини дарҳол кўришга ва керак бўлганда унинг ишини тузатишга имкон беради;

Онлайн/масофавий тренинглар жараёнида иштирокчилар уларни биз қандай қилиб ва нима учун баҳолашимизни тушунишлари ҳар қачонгидан ҳам муҳимроқдир. Уй вазифасини белгилаганимизда бу ҳақда албатта уларни олдиндан огоҳлантиришимиз керак.

Баҳолаш учун биз онлайн платформаларнинг мавжуд имкониятларидан фойдаланишимиз мумкин. Одатда олдиндан келишилган баҳолаш мезонлари асосида баҳо беришимиз ўринли бўлади.

Очиқ топшириқлар ва кўриб чиқиш учун сизга юборилган материаллар янги дарс бошланишидан камида 3 соат олдин баҳолаши керак. Акс ҳолда талабалар иштиёқини ва масофавий дарснинг жиддийлигини ҳис қилишни йўқотадилар⁴⁷.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, онлайн тренинглар асосан оффлайн тренинглар билан бир хил мазмунда бўлади. Фақат улар масофадан туриб, Интернет орқали амалга оширилади. “Жонли” тренингларда бўлгани каби, иштирокчилар реал вақт режимида маърузаларни тинглайдилар, онлайн семинарларда синфдошлари ва ўқитувчилари билан мулоқот қиладилар ва ўрганган янги материалларини мустақамлаш учун амалий топшириқларни бажарадилар.

Кейинги параграфда биз машғулотларимизни янада қизиқарли, интерактив ва самаралироқ қиладиган турли ўйинлар, машқлар ҳақида батафсил гаплашамиз.

Параграф бўйича саволлар:

1. Оффлайн/юзма-юз шаклдаги тренингни қандай қилиб онлайн режимга айлантириш мумкин? Бу жараёндаги асосий босқичлар ва зарур техник воситаларни санаб беринг, уларнинг моҳиятини тушунтиринг?
2. Юзма-юз ҳамда онлайн тренинглар ўртасидаги ўхшашлик ва фарқларни санаб ўтинг;
3. Юзма-юз ўқитишда ишлатиладиган қандай усуллар онлайн режимга ўтказилиши мумкин?


⁴⁷ <https://kipk.ru/organization-of-distance-learning-teaching-materials> Ўқитувчи масофавий таълимга қандай ўтиши мумкин?





КИЧИК ГУРУХ ИШИ

- 1 Талаба ўртасида ҳамкорлик малакасини шакллантиради
- 2 Муаммо устида ишлашнинг турли усулларини ўргатади
- 3 Тингловчилар иштирокини таъминлайди
- 4 Мураббийнинг вақтини тежайди
- 5 Тингловчилар ўртасида ҳамкорлик алоқаларини шакллантиради



ТРЕНИНГ УСУЛЛАРИ



КЕЙСЛАР БИЛАН ИШЛАШ

- ✓ Тингловчини муаммоларга ечим топишга ундайди
- ✓ Назарий билимларни амалиётда қўллаш имконини беради

Кейс турлари

- Иқтисодий
- Сиёсий
- Тиббий
- Ижтимоий ўйналтирилган



Кейслар муаммони акс эттиради

ЭКСПЕРТ СЕССИЯСИ



Тингловчига қуйидагилар керак

- Мавзу бўйича нуфузли экспертдан билим олиш
- Мавзуни муҳокама қилиш
- Саволларга жавоб олиш
- Билимларни қўллаш усулларини тушуниш

ЭКСПЕРТ ўз соҳасининг етук мутахассисидир

Эътиборни тушунтириш қаратини



ДИНИЙ
БАҒРИКЕНГЛИК

ДИНИЙ
ХИЛМА-ХИЛИК

ДИН
ЭРКИНЛИГИ

ҚИЗДИРУВЧИ МАШҚЛАР



- ✓ Тренинг кунини бошлашга ёрдам беради
- ✓ Бир қисмдан иккинчисига кўприк ясайди
- ✓ Тингловчилар рефлексияси жараёнини бошлайди
- ✓ Ижобий ҳис-туйғуларга сабаб бўлади



§ 4.3. ТРЕНИНГ УСУЛЛАРИ: ЖАМОА БЎЛИБ ИШЛАШ, ИНТЕРАКТИВЛИК, КЕЙСЛАР ВА Ҳ.К.

Кириш

Мазкур қўлланма – журналист ва блогерлар учун диний бағрикенглик, хилма-хиллик, диний эркинлик мавзуларини медиада ёритиш бўйича тренинглар мавзуси асосида тренерлар учун назарий ҳамда услубий кўрсатмалардан ташкил топган. Тингловчилар томонидан мавзунинг самарали ўзлаштирилиши дастур мукамаллигидан ташқари кўп жиҳатдан тренерларнинг маҳоратига ҳам боғлиқ масала ҳисобланади.

Маълум бир натижага эришишга қаратилган ўқув жараёнининг уч тури мавжуд бўлиб, у инглиз тилидаги қисқартмада MUD – МУД деб аталади.

MUD/МУД тамойили:

- М (memorize) – эслаб қолиш: тингловчиларга эслаб қолиш ускуналари, яъни қисқартмалар ва моделларни тақдим этиш;
- У (understand) – тушуниш/англаш: янги тушунчалар/кашфиётлар орқали олиб бориладиган тренинг. Тингловчилар мавзунинг мустақил ўзлаштирилишига ёрдам бериш учун машқлардан фойдаланиш;
- Д (do) – амалиёт: тингловчиларга олинган билимларни амалиётда қўллаш имкониятини яратиш⁴⁸.

Ўйлаймизки, мазкур бўлимда ўқитувчилар, тренерлар иш учун керакли бўладиган муҳим усул ва методларни топадилар.

§ 4.3.1. КИЧИК ГУРУҲЛАРДА ИШЛАШ

Тренинг машғулотида (умуман олганда, дарсларда ҳам) гуруҳлар билан ишлаш мавзунинг тингловчилар томонидан ўзлаштирилишида яхши самара беради. Биринчидан, бу усул тингловчиларда (ўқувчи ва талабаларда) яқдил бўлиб ишлаш кўникмасини шакллантиради. Иккинчидан, берилган вазифа юзасидан ишлашда гуруҳларнинг турлича ёндашуви орқали мавжуд муаммо ечимининг турли услублари ўрганилади. Учинчидан, иштирокчилар фаоллиги таъминланади (яъни гуруҳларда ҳар бир тингловчининг фикри ўрганилади). Тўртинчидан, тренерлар ва тингловчилар учун қимматли бўлган вақтни тежайди. Бешинчидан, тингловчилар ўртасида ўзаро ҳамкорлик муносабатлари шаклланади. Умуман гуруҳларда ишлаш услуби тренингни ҳар қандай фор-

матида (онлайн ёки оффлайн) самарали восита сифатида тажрибали тренер-ўқитувчилар томонидан тавсия этилади.

Онлайн тренингларда гуруҳларда ишлаш учун ZOOM платформасида махсус дастур мавжуд бўлиб, унда ўқув синфини гуруҳларга бўлиш имконияти бор. Бунинг учун ускуналар панелида “хоналар очиш” тугмачасини босиш kifоя. Хоналар сони ва ишлаш вақти олдиндан белгилаб қўйилади. Мавзулар моҳиятини ўзлаштиришда гуруҳлар билан ишлаш яхши самара беради. Диний бағрикенглик, эътиқод эркинлиги ва диний хилма-хиллик мавзусига оид дарсларимизда 12 нафар тингловчидан иборат синфни бир неча марта 2-, 3-, ва 4- гуруҳларга бўлиб ишлаш йўлга қўйилди.

⁴⁸ Халқаро тоифадаги медиа тренер Питер де Туанинг ўқув материалларидан олинди.



Кичик гуруҳларда онлайн ишлаш жараёни самарали кечиши учун ҳар бир гуруҳ ўзининг модераторини сайлаши керак. Модератор гуруҳ аъзоларининг мавзу юзасидан билдирган фикрлари, таклифлари ва мулоҳазаларини умумлаштириб, тақдимот учун тайёрлайди. Бунда модератор Интернет дастурларидан Jamboard, Padlet board доскаси каби ускуналардан фойдаланиши мумкин (булар олдиндан яратилган ва иш учун очиқ бўлиши керак). Ушбу ускуналарга ҳавола орқали кириш ва тақдимот билан танишилади.

Бу усулнинг афзаллик жиҳати шундаки, ҳар бир иштирокчининг фикр-мулоҳазаси эътибордан четда қолмайди. Шунингдек, иштирокчилар бараварига мавзу юзасидан ишлашга жалб этилади. Шунингдек, барча ёзишмалар, қайдлар ва изоҳлар автоматик тарзда сақланиб, исталган пайтда ҳавола орқали кириш ва улар билан танишиш имконияти мавжуд бўлади.

Ондайн тренинглардан фарқли равишда оффлайн тренингларда ҳар

бир тренернинг бу борада ўз услуби мавжуд бўлиб, мисол учун (агар тўртта гуруҳга бўлиш керак бўлса) тўрт хил рангдаги конфетларни битта халтачага солиб (бунда конфетлар сони иштирокчилар сонига тенг бўлиши керак), кейин иштирокчилар халта ичига қарамасдан туриб конфетларни бирини олишларини илтимос қилиш керак бўлади. Ёки яна “карталаш” услубидан (хорижлик медиа тренер Питер де Туанинг услуби) фойдаланиш мумкин. Бунда карталар тўрт хил чийлашда иштирокчиларга тарқатилади ва карта белгилари ёки мазмунига қараб иштирокчилар гуруҳларга бўлинади.

Оффлайн тренингларда эса модераторлар флипчарт-қоғозларда ишлаш имкониятига эга бўладилар. Шунингдек, берилган вазифа юзасидан олиб борилган ишлар қайдномаси гуруҳлар томонидан тренерларга ва бошқа гуруҳ тингловчиларига тақдимот тарзида изоҳлаб берилади. Сўнгра қисқа савол-жавоблар, муҳокамалар учун вақт ажратилади (жараённинг бу қисми онлайн тренингларда ҳам бўлиши шарт).

§ 4.3.2. ЖАМОАВИЙ ИШНИ ҚЎЛЛАГАН ХОЛДА МАШҚЛАРДАН УНУМЛИ ФОЙДАЛАНИШ

Журналист ва блогерлар учун диний бағрикенглик, хилма-хиллик, диний эркинлик мавзуларини ёритиш бўйича тренингларда зиддиятлар моҳиятини тўлиқ тушуниш, англаб етиш учун зиддиятли вазиятни яратиш, унга шўнғиш, томонларга ажралиш муҳитини шакллантириш, олинган натижаларни синаш учун махсус X/Y машқи қўл келади. Ушбу машқда тингловчилар зиддиятли вазиятни бошқариш, уни бар-тараф этиш ёки ҳал қилиш йўлларини ахтариш кўникмаларини реал вазият шароитида ҳис этадилар. Мазкур ўқув қўлланмамизнинг 3.1. бўлимида айнан

зиддиятли вазиятлар ҳақида суҳбатлашган эдик. X/Y машқи ушбу назарий қарашларни амалий тарзда таҳлил этиш имкониятини беради.

Бу машқни низога сезгир журналистика бўйича сессиялардан олдин (ёки кейин) бажариш тавсия этилади. Чунки машқ “низоларни бошлаш”, “конфликтнинг кучайиши”, “икки киши ўртасидаги зиддият”, “гуруҳлар ўртасидаги зиддият”, “шахс ва гуруҳ ўртасидаги зиддият”, “конфликтни бошқариш” каби ва бошқа мавзулар билан бевосита боғлиқ (машқ тавсифи билан иловада танишишингиз мумкин).



“Кема ҳалокати” машқи тренинг иштирокчиларини маънавий қадриятлар мавзусини муҳокама қилишга жалб этади. Ушбу дарсни ўтказиш учун сиз вазиятни тушунтирувчи расмни олдиндан тайёрлаш (ёки чизиш), бўлиниш учун жадвални алоҳида флипчартга тайёрлаш ва моделлаштирилаётган низонинг қуйидаги иштирокчилари рўйхатини шакллантириш лозим: 1) кекса одам; 2) денгизчи; 3) қиз; 4) қизнинг куёви; 5) куёвнинг дўсти.

Муҳокама давомида қаҳрамонларнинг хулқ-атворини энг ахлоқсиз баҳолаш учун алоҳида виртуал синфларда гуруҳлар жамбоард доскада (флипчартда – офлайн тренингда) ўзларининг баҳолаш варақаларини тузадилар. Шундан сўнг гуруҳлар умумий ауди-

торияга қайтадилар. Ҳар бир гуруҳ ўзларининг баҳолаш файлларини намойиш қилиб, нима учун ва қандай қилиб бу фикрга келганлари ҳақида гапириб берадилар. Ўйин машқи охирида мураббий ҳар бир иштирокчининг фикр-мулоҳазаларини билиш учун тингловчиларга мавзу бўйича савол беради. Ушбу машқ жамиятдаги мавжуд қадриятлар, гендер ва руҳий муаммолар мавзуларига бағишлангандир (машқ тавсифи билан иловада танишишингиз мумкин).

Мазкур ўйин-машқлардан оффлайнда ҳам, онлайн форматда ҳам фойдаланиш мумкин. Бу машғулотлар мавзунини тўлиқ ўзлаштиришда яхши самара беради.

§ 4.3.3. ЯНА БОШҚА ТУРДАГИ ИНТЕРАКТИВ ТРЕНИНГ МАШҚЛАРИ: ТАЁРГАРЛИК КЎРИШ/РАЗМИНКАЛАР

Онлайн тренингда тренернинг асосий ташвишларидан бири шундаки, иштирокчилар биз кутгандан кўра пассивроқ бўлиши мумкин. Ва бу ерда бизга разминка ёки офлайн “музқаймоқлар”

билан таққосланадиган турли хил тадбирлар ёрдам беради.

Яхши қиздирувчи машқлар сингари онлайн интерактивлар нафақат иштирок-

чиларни хурсанд қилиш ёки ҳаяжонлантириш вазифаларини бажаради, балки улар мазмунли ҳамда тизимли юк босади. Хусусан мақбул машғулот кунини бошлашга ёрдам беради. Биринчи қисмдан иккинчисига кўприк ясайди ва ҳатто иштирокчиларга рефлексияни бошлашга кўмаклашади.

Интерфаол машқлар асосан оддий, баъзан эса мураккаб бўлиши мумкин. Оддий интерактив разминкалар – содда, онлайн вазифалар шаклида бўлиши мумкин. Биз иштирокчилардан “таҳрирлаш” режимида экранда айрим расм, байроқ, рақамни белгилашларини сўраймиз. Кейинчалик эса улар ўз танловларини тушунтириб беришлари керак бўлади.

Масалан: “ўз кайфиятингиз белгисини танланг” (табассум шаклида), “севимли ичимлигингизни белгиланг” (чай, қаҳва, шарбат, сув), “ўз ҳаётингизни ва яшаш жойингизни қандай тасаввур қиласиз?” (яшаш жойининг фотосуратлари кўринишида), “селфи” (таниқли рассомлар асарларидан намуналар шаклида) ва ҳоказо. Агар экранда белгилашнинг имкони бўлмаса, иштирокчилар ўз танлови ҳақида чатда ёзишлари мумкин.



Мавжуд тажрибамиз шуни кўрсатдики, онлайн тренинг иштирокчилари метафора билан ишлашга асосланган интерактив вазифаларни жуда яхши қабул қилишади. Мисол учун биз кунни турли хил транспорт воситаларининг расмларини (велосипед каби оддийларидан тортиб, то ғаройибларигача, масалан, учар гиламларгача) намойиш қилишдан бошлашимиз мумкин.

Айни чоғди ҳар бир иштирокчини машғулот мақсадини эслаб қолишга таклиф қиламиз. Унинг транспорт йўлини ўзича тасаввур қилиши, қайси транспорт турини танлаши, ундан гўёки фойдаланишини сўраймиз. Ва берилган жавобларнинг чуқурлигини кўшимча савол билан тўлдиришни унутмаймиз: нима учун?

Ёки турли хил табиат ҳодисалари – қор, момақалдиқ, камалак ва ҳоказоларни акс эттирувчи расмларни кўрсатишимиз ва иштирокчилардан журналистик материал яратишдаги ижодий жараён қандай бўлишини сўрашимиз мумкин. Бу жараёнда иштирокчилардан уларнинг ўз танловларини тушунтириб беришларини сўрашни унутмаймиз.

Бундай топшириқлар иштирокчиларнинг шахсий, бетакрор йўлни, ўзига хос жараёни, ўхшаши йўқ танловларини чуқур баҳолаш имкониятини беради. Булар қатнашчиларга йўналтирилган таълим ёндашувидан фойдаланганда ҳал қиладиган асосий вазифаларга жуда ўхшашдир (биз бу ҳақда ушбу қисмнинг 1-бандида, юқорида алоҳида ёзган эдик).

Шунингдек, рефлексия машқлари математик топшириқ кўринишида ҳам бўлиши мумкин:



...ва диққат-эътиборни жамлаш машқлари кўринишида ҳам келади (қаторлардан А ҳарфини топинг; тошлар ичидаги битта “нотўғри”сини айтинг):




Интернетда бундай топшириқлар жуда кўп ва сиз иш учун керак бўлган бутун жамланмани олдиндан осонликча тўплаб қўйишингиз мумкин.

Тренинг куни, модуль ёки бутун тренингни “Менинг тараққиётим дарахти” (Дерево моего прогресса) машғулотлари билан якунлашингиз яхши самара беради. Мазкур рефлексия машқида иштирокчиларга қуйидаги суратни намойиш этиб, тренинг мавзуси юзасидан орттирилган билим ва тажрибангиз қайси одамча тимсолида намоён бўляпти, деган саволни ўртага ташлай-

сиз. Иштирокчилар чатга ўзларининг тимсолини кўраётган одамча сонини ёзадилар. Тренер ҳар бир иштирокчидан бирма-бир нима учун айнан шу одамча тимсолида ўзини тасаввур этаётгани ҳақидаги фикри билан қизиқади. Мазкур рефлексия машқи онлайнда ҳам, оффлайн форматдаги тренинг жараёнида ҳам яхши самара беради.





КЕЙСЛАР БИЛАН ИШЛАШ

Тренинг жараёнида кейслардан фойдаланиш тингловчини муаммо ечимини топишга ундайди. Мазкур технология самарали усуллардан бири ҳисобланади. Ўқув машқларида кейслардан фойдаланиш назарий билимларни амалиётда қўллаш имкониятини беради. Кейслар турли йўналишларда бўлиши мумкин: иқтисодий, сиёсий, тиббиётга доир, ижтимоий мавзуларга йўналтирилган ва ҳ.к.

Одатда кейслар бирор муаммони ўзида акс этади. Журналист ва блогерлар учун диний бағрикенглик, хилма-хиллик, диний эркинлик мавзуларини ёритиш бўйича тренинг давомида сторителлинг, стереотиплар, қадриятлар каби машғулотларда кейслардан кенг фойдаланилди. Мисол учун, сторителлинг мавзусига оид машғулотда тингловчиларга уй вазифаси сифатида ҳаётини воқеа асосидаги кейсдан фой-

даланилди. Тингловчиларга мазкур кейс мавзусидан келиб чиқиб ўз “сторителлинг”ларини яратиш вазифаси берилди.

Шунингдек, ўқув машғулотида журналист ва блогерлар учун маҳаллий ва хориж медиасида эълон қилинган материаллар асосидаги кейслар тингловчиларга тақдим этилди. Кейсларда диний бағрикенглик, эътиқод эркинлиги ва турфа фикрлилик мавзулари ёритилган бўлиб, уларнинг ОАВ ҳамда журналистик талабларга қанчалик жавоб бериши ёки бермаслиги махсус таҳлиллар ёрдамида аниқлаштирилади.

Кейслар таҳлили чек-листлар ёрдамида олиб борилиши мумкин. Бу билан чек-листларда ишлаш ҳақидаги бўлимимизда танишдингиз. Амалиётдан мисолни кейсни таҳлил қилиш усули (Case study) олинган назарий

билимларни амалий масалаларни ҳал қилишда қўллаш қобилиятини ривожлантиради. Таҳлил давомида талабалар контекстни ўрганадилар ва муаммони ҳал қилиш учун биргаликда ишлайдилар.

Кейс услубининг яна бир аҳамиятли жиҳати шундаки, унда муаммонинг аниқ ва тўғри ечими бўлмайди. Лекин тингловчилар машғулот давомида муаммога бир нечта ечимларни тавсия этадилар. Мавзунинг ўзлаштиришда турли кейслардан фойдаланиш тингловчининг фикрлаш қобилиятини чархлайди, муаммоларга турлича ёндашувларни ўргатади. Атрофдагиларнинг фикр-мулоҳазаларини сабр билан тинглаш ва амалда қўллаш имкониятини беради.

Тренинг жараёнларига чек-листлар билан ишлаш услубларини киритиш тингловчиларга мавзунинг амалий жиҳатдан самарали ўзлаштиришга, таҳлил қилиш кўникмаларини шакллантиришларида самарали ёрдам беради. Шунингдек, амалиётда журналистлар ўзларининг ёки бошқа муаллифларнинг материаллари самарадорлигини белгилашларида чек-листлар билан ишлаш, ОАВ материалининг фойдали жиҳатлари, жамият фаровонлиги йўлида қай даражада хизмат қилишини аниқлашда яхши дастурамал ролини ўтайди. Чек-лист аниқ таҳлилий далилларни юзага чиқаришда ёрдам берувчи қўлланма сифатида бўлажак журналистлар ва шунингдек, тажрибали журналистларга сифатли контент яратиш йўллари очиқ беради.

Эксперт сессияси

Тренинг жараёнида эксперт сессияси нима учун керак? Эксперт сессияси тингловчига ҳурматга лойиқ экспертдан мавзуга оид янги билимларни олиш ва ўтиллаётган мавзунинг таҳлил қилиш, мутахассис билан бирга муҳо-

кама қилиш, қизиқтирган саволларга жавоб олиш учун керак.

Шунингдек, эксперт тажрибали амалиётчи сифатида тингловчиларнинг мавзу юзасидан олган назарий билимларини амалиётда қандай қўллашларини тушунишга кўмак беради. Тан олиш керак, тренерлар ҳамisha ҳамма соҳада зўр мутахассис бўлмайдилар. Тренинг учун танланган мавзу моҳиятини очиқ, у билан тингловчиларни яқиндан таништириш учун эксперт сессияси муҳим роль ўйнайди. Бундан ташқари, тренер бир неча кунлаб давом этган машғулотлар давомида кундан кунга тингловчилар учун зерикарли бўлиб бориши, чарчаши табиий ҳолдир.

Эксперт эса машғулотга “янги нафас” олиб киради, янги объект сифатида тингловчиларда қизиқиш уйғотади.

Шунинг учун ҳам эксперт, аввало, мавзуга оид соҳанинг етук мутахассиси бўлиши лозим. Мисол учун, диний бағрикенглик, диний хилма-хиллик ва эътиқод эркинлиги мавзусида тайёрланаётган материал учун мутахассис фикри муҳим саналади. Шу билан бирга унутмаслигимиз керакки, мавзунинг ўзига хос аспекти/ўйналишларини эътибор олган ҳолда эксперт танлаш ўринли бўлади. Масалан, мавзунинг ўйналишига қараб диншунос, исломшунос, арабшунос, тарихшунос ва ҳ.к. каби тор/чуқур мутахассислар эксперт сифатида мавзу юзасидан одамларга ўзининг мутахассислигидан келиб чиққан ҳолда батафсил тушунтириш бера оладилар. Яъни эксперт – бу одамларга нима учун ва нега воқелик содир бўлганлигини батафсил тушунтириб бера оладиган шахсдир.

Тренинг ёки дарсингизга мавзу юзасидан мутахассис бўлган шахсни эксперт сифатида таклиф қилиш тингловчилар томонидан мавзунинг ўзлаштирилиш самрасини бир неча бор оширади.



Чунки эксперт мавзу борасида яхши тажрибага эга бўганлиги сабабли тингловчиларнинг саволларига батафсил жавоб беради, амалий маслаҳатлар бера олади. Ўқув қўлланманинг экспертлар билан ишлаш тўғрисидаги бўлимимизда эксперт-база юритиш, мавзуга оид мутахассислик эксперти-ни аниқлаш ҳақида фикр юритганмиз. Тренинг ёки дарсга эксперт таклиф қилишда ҳам айнан шу маслаҳатларимиз асқотади. Яъни, эксперт аввало мавзуга доир ҳам назарий билимга, ҳам амалий тажрибага эга бўлиши лозим.

Ҳар бир соҳада ўзига хос экспертлар бор:

- масъулиятсиз (кўп ҳолларда машғулотга тайёргарликсиз келадилар);
- сергап (машғулотда мавзу доирасидан чиқиб кетади, берилган вақтдан унумли фойдаланмайди, тингловчиларни зериктиради);
- ман-ман ёки ҳисси (бу каби экспертлар аудитория кайфиятини ҳис эта олмайди, фидбек – савол-жавоб каби қайта алоқа услубларини қўллай олмайди);
- вақти тифиз мутахассислар (одатда, энг яхши мутахассисларнинг вақти жуда тифиз бўлади, шу сабабли уларни тренинг машғулотларига жалб этиш бироз мушкул кечади);
- Ҳақиқий профессионаллар (бундай мутахассислар томошабинларнинг кайфиятини қандай ҳис қилишни, фикр-мулоҳазаларни қандай олишни билишади, қийин ёки ноқулай саволларга эътибор бермасдан берилган саволларга тўғри ва аниқ жавоб беришади).

Экспертдан унумли фойдаланиш учун тренер нима чораларни кўриши зарур?

- Экспертни таклиф этганда унга қандай талаблар қўйилишини аниқ

ифодалаб бериши зарур, яхшиси – техник топшириқ сифатида (бу каби техник топшириқ тавсифи билан иловада танишингиз мумкин);

- Экспертга машғулот мақсадини тунтириб бериши керак;
- Экспертни машғулот методикаси билан таништириши лозим;
- Машғулотга эксперт қандай материаллар билан келишини, уларни тингловчиларга қандай тақдим этишини суриштириб билиб олиши керак;
- Экспертга вақт меъёрини олдиндан маълум қилиш керак;
- Эксперт сессияси учун зарур бўладиган техник ва технологик қурилмалар билан таъминланиши керак;
- Экспертга етарли шароит яратиш ва хизмат учун ўз вақтида тўловларни олаётганидан хабардор бўлиб туриши лозим.

Шунингдек, эксперт сессиясининг давомийлигини белгилашда тренерлар савол-жавоблар вақтини инобатга олишлари мавзуни кенгроқ ёритишда яхши самара беради.

Тренинг (дарс) давомида, машғулот оффлайн ёки онлайн бўлишидан қатъи назар, тренер томонидан эксперт суҳбатига аралашиш, унинг гапини бўлиш, эксперт фикрларига қўшимчалар киритиш мақсадга мувофиқ эмас. Аммо тренинггача эксперт билан мавзуларни муҳокама қилиб олиш, аудиторияда эксперт мавзунинг қайси жиҳатларига алоҳида урғу беришини айтиб ўтиш жоиз.

Агар экспертнинг мулоҳазалари дарс мавзуси сифатига қўйилган талабга зид ёки мавзудан узоқ бўлса, бу камчиликни кейинги сессияларда тингловчиларнинг фикр-мулоҳазаларига

асосланиб тўғирлаш ўринли бўлади. Бундай ҳолат юз бермаслиги учун эксперт билан тренинг (дарс) олдидан суҳбатлашиб, мавзу билан уни яқиндан таништириш, тренинг мақсадини тушунтириш лозим бўлади. Чунки тренер аудиторияда кечаётган ҳар қандай вазиятга масъул шахсдир.

Тренингда эксперт диний бағрикенглик, турфа фикрлилик ва эътиқод эркинлиги мавзуларини ҳуқуқий, назарий жиҳатларини ёритиб беришда, тингловчиларга мавзуни чуқурроқ ўзлаштиришларида кўмақдош бўлиши, тренинг вақтидан унумли фойдаланишида тренернинг кўрсатмалари, тушунтиришлари, изоҳлари муҳим роль ўйнайди.

Бўлим бўйича саволлар:

1. Машғулотлар жараёнида гуруҳ бўлиб ишлаш нима учун муҳим саналади?
2. Мавзуга оид машқлардан қачон ва қандай фойдаланиш мумкин?
3. Интерактивлик ва қиздириш: нима учун бу усулларни ўқитиш жараёнида қўллаш керак?
4. Ҳодиса нима?
5. Таклиф этилган мутахассис, у билан қандай ишлаш керак?

Кейинги бўлимда сиз тренернинг иштирокчилар билан индивидуал ишлаши, курс тугагандан сўнг: менторлик ҳақида, менторлик жараёнини қандай олиб бориш ва тренингдан сўнг чек-листдан

фойдаланган ҳолда иштирокчилар билан самарали фикр алмашишни қандай ташкил қилиш ҳақида билиб оласиз.





МЕНТОРЛИК

Тажрибали мутахассислар томонидан ўтказилади, улар малакали маслаҳат ва қўллаб-қувватлаш ёрдамида кам тажрибали ҳамкасбларига ўз карьераларини ривожлантиришга ёрдам беради.

Ишлаб чиқариш ва МЕНТОРЛИК

ПРЕДПРОДАКШН, ҲОЯЛАР ВА МАТЕРИАЛЛАР МАВЗУЛАРИНИ ИЗЛАШ, ИШЛАБ ЧИҚИШ, МЕНТОРЛИК ЁРДАМИ



КОУЧИНГ ВАЗИФАЛАРИ

ҳамкасбларга ўз мақсадларига эришишда ёрдам бериш учун махсус ишлаб чиқилган.

Бизнинг вазифамиз иштирокчиларга батафсил режани ишлаб чиқишда ёрдам беришдир

Саволлар: !?

- Лойиҳангизнинг моҳиятини ифода этинг
- Лойиҳани амалга оширишдан мақсадингиз нима?
- Нима учун бу лойиҳа муҳим?
- Қандай натижаларга эришмоқчисиз?
- Лойиҳангизни амалга ошириш учун нима қилиш керак?
- Ҳаракатлар кетма-кетлиги қандай бўлиши керак?
- Сизга қандай ресурслар керак бўлади?
- Лойиҳани амалга оширишда қандай муаммоларга дуч келишингиз мумкин?
- Уларни қандай ҳал қиласиз?
- Лойиҳангизни амалга ошириш учун қимни жалб қилишингиз мумкин?
- Мақсадингизга эришганингизни қандай биласиз?



АГАР ИШТИРОКЧИЛАРГА ПУХТА ЎЙЛАНГАН РЕЖАНИ ИШЛАБ ЧИҚИШДА ЁРДАМ БЕРА ОЛСАК, БИЗ УЛАРГА ЛОЙИХАНИНГ МУВАФФАҚИЯТИНИ ТАЪМИНЛАШГА ЁРДАМ БЕРАМИЗ



Менторликнинг якуний босқичи иштирокчи ҳикоя яратиш жараёнини тугатиб, ўз ишини қандай бажарганлиги ҳақида фикр юритишга тайёр бўлганда содир бўлади.

Қайта алоқа

ТАМОЙИЛАРАНИ



У шундай бўлиши керак

Иштирокчиларга ўз ишларининг даражасини яхшироқ тушуниш имкониятини бериш

Замонавий ва тадбирдан кўп ўтмай содир бўлади

АНИҚ, БАТАФСИЛ ВА ИШОНЧЛИ

Конструктив, иштирокчилар фикр-мулоҳазаларни кузатишлари зарур

ҒАМХЎРЛИК НУҚТАИ НАЗАРИДАН

ТУШУНАРАНИ. ИШТИРОКЧИЛАР ТУШУНМАЙДИГАН ЖАРГОНДАН ФОЙДАЛАНИШ УЛАР УЧУН ҚИЙИНЧИЛИК ТУЎДИРИШИ МУМКИН

§ 4.4. ПРОДАКШН ВА МЕНТОРИНГ (ЁЗИШДАН ОЛДИНГИ ИШЛАР, ҒОЯЛАР, МАТЕРИАЛ УЧУН МАВЗУ ИЗЛАШ, МАТЕРИАЛНИ ТАЙЁРЛАШ ЖАРАЁНИ, МЕНТОРЛИК, МУРАББИЙЛИК)

Ушбу бўлимда сиз қуйидагиларни билиб оласиз:

- касбий ривожланишга ёндашув сифатида мураббийликнинг асосий тамойилларини тушуниш;
- курсни тугатган иштирокчиларга доимий маслаҳат бериш учун тайёр бўлиш;
- менторлик жараёни билан бевосита танишиш;
- иштирокчиларга самарали фикр билдира олиш.

Кириш

Тренерлар/мураббийлар дуч келадиган энг катта умидсизликлардан бири шундаки, биз курсларимизда қатнашган иштирокчилар ўз билимларини кейинчалик амалиётда қандай қўллаш олаётганликларини ҳар доим ҳам кўра олмаймиз.

Агар биз дастурдан кейинги мураббийлик жараёнини яратиш орқали таълим тажрибасини кенгайтира олсак, бу муаммони ҳал қилишимиз мумкин. Мазкур жараён давомида иштирокчилар ўз медиа ташкилотларига қайтадилар ва диний эркинлик, бағрикенглик ҳамда хилма-хиллик ҳақидаги ҳикояларни ёритадилар, шу билан бирга курс мураб-

бийларидан доимий ёрдам оладилар. Бу босқичда мураббийларнинг ўрни ҳақиқий воқеалар ҳақида, янгиликлар, хабарлар ва блоглар тайёрлашда иштирокчиларни қўллаб-қувватлашга ўтади. Бу кичкина бир таълимий синфни катта бир амалий майдонгача кенгайтиришнинг муҳим усули ҳисобланади.

Биз менторлик ҳақида гапирганда аслида нимани назарда тутаётганимизни ўрганамиз. Ушбу жараёнларни курсларимизга қўшишнинг афзалликларини муҳокама қиламиз, менторлик/мураббийлик жараёнини кўриб чиқамиз, ҳалол ва конструктив фикр билдиришнинг муҳимлигини муҳокама қиламиз.

§ 4.4.2. МЕНТОРЛИК НИМА?

Менторлик тушунчасида аслида ҳеч қандай янгилик йўқ. Бу қадим замонлардан бери мавжуд бўлган амалиётдир: Аристотел Александр Македонскийнинг ўқитувчиси, Сократ эса Афлотуннинг устози эди. “Менторлик” сўзининг ўзи/этимологияси Одиссей Троя урушига кетган, ўғлини эски дўсти Ментор ўқитувчисига қолдирган, Одиссей ҳақидаги қадимий эртақдан келиб чиққан. У кейинчалик, бизнинг давримизга келиб, мураббийлик менежменти адабиётларида истеъдодни ўстиришнинг самарали усули сифатида эътироф этилган. Бу борада кўплаб китоблар ёзилиб, одамларга ўз потенциалини ишга солишга ёрдам бериши исботланган.

Бундай қўллаб-қувватлаш жараёни икки хил бўлади. Улар ўзаро бир-бирига боғлиқ бўлган қуйидаги фаолиятларни ўз ичига олиши мумкин: коучинг ва мураббийлик (менторлик).

- Менторинг одатда тажрибасиз тенгдошларига малакали маслаҳат ва қўллаб-қувватлаш орқали ўз профессионал мавқе/мартабаларини ривожлантиришда ёрдам берадиган тажрибали мутахассислар томонидан амалга оширилади. Улар ўз тажрибаларига таяниб, янги етишиб чиқаётган мутахассисларга ҳам ахлоқий, ҳам касбий йўл-йўриқ кўрсатадиган намуна ролини ўйнайдилар;



- Коучинг вазифалари кўпроқ шахсга ва унинг касбига йўналтирилган бўлади. Бу роллар, айниқса, мақсад ва вазифаларнинг бажарилишини таъминлашда ёрдам беришга қаратилади. Мураббийлик жараёни одамларга ўз олдига улкан мақсадларни қўйишга ёрдам беради ва уларга қийин вазифаларни режалаштириш ва бажариш имкониятини беради.

Ушбу қўлланма орқали назарда тутилган бизнинг асосий вазифамиз – юқорида қайд этилган функцияларнинг иккинчисига бағишланган бўлиб, биз айнан ўқитиш курсидан кейинги даврда мураббийнинг иштирокчиларга қандай ёрдам бериши мумкинлигини ўрганамиз. Чунки уларнинг аксарияти дарс машғулотларини ўзлари учун қийин бўлган ҳисобот топшириқларини бажаришдан бошлашади ва якунлашади.

Шу нуқтаи назардан, бизнинг профессионал муҳитда мураббийлик вазифамиз билан спортчиларни мусобақаларга тайёрлайдиган мураббийларнинг

вазифалари/роллари ўртасида жуда кўп ўхшашликлар борлигини кўриш мумкин. Спорт мураббийи спортчи билан мусобақага тайёргарлик кўришда, мусобақа ёки мусобақада ўз стратегиясини режалаштириш жараёнида бевосита ишлайди. Лекин ҳақиқий мусобақа, ўйин ҳақида гап кетганда, мураббий фақатгина четдан кузатиб тура олади. Кўпгина спорт кодекслари ҳатто мураббийларга бу пайтда маслаҳат беришни тақиқлаб қўяди. Ўйин тугагач эса мураббий ва спортчи яна нима устида ишлаш кераклиги ва қандай хатолар бўлганини аниқлаб, биргаликда ишлашни давом эттиришлари мумкин.

Мураббийлик жараёни, одатда, мураббий ва ёрдам берилаётган шахс ўртасидаги яқка тартибдаги устоз-шогирд муносабатларини ўз ичига олади, деб ўйлашади. Бироқ мураббийлар ўтказилган янги тажрибалар асосида кичик гуруҳларда ишлашнинг ҳам ўзига хос афзалликлари борлигини аниқладилар. Шу сабабдан биз иккала имкониятни ҳам яқиндан кўриб чиқамиз.

§ 4.4.3. “ОДАТДАГИ СИНФ ХОНАСИНИ АМАЛИЁТ МАЙДОНЧАСИГАЧА КЕНГАЙТИРИШ”

Курс тугагандан сўнг, иштирокчилар билан ишлашни давом эттириш учун биз мураббий сифатида кўп қулайликларга эга бўламиз. Масалан: “юзма-юз” мулоқот жараёнида яқкама-яқка алоқалар орқали иштирокчиларни бошқача, янги, такомиллашган даражада билиш учун вақт етарли бўлади. Курс давомида биз барча иштирокчиларнинг эҳтиёжларига эътибор қаратишимиз керак. Лекин мураббийлик босқичида биз индивидуал ва кичик гуруҳ иштирокчилари билан ҳам баробар ишлашимиз мумкин. Бундай услуб бизга ҳар бир иштирокчининг ҳолати ва иш жойида дуч келадиган қийинчиликларни чуқурроқ тушунишга имкон беради.

Биз яқкама-яқка ёки кичик гуруҳларда учрашаётганимиз, иштирокчилар бош-

қалар ҳақида нима деб ўйлашлари мумкинлиги ҳақида қайғурмасдан, эркин гапиришга тайёр бўлишларини олдиндан билдиришимиз мумкин. Бундай очиқ муносабатлар учун ҳар доим эшикни очиш керак, токи иштирокчилар ўзларининг ҳақиқий ташвишлари ва қийинчиликлар ҳақидаги ҳикояларни очиш қўрқувлари ҳақида бемалол гапириб беришсин.

Эҳтимол, асосий афзаллик шундаки, биз иштирокчиларни ҳақиқий воқеалар устида қандай ишлаётганини кўришимиз ва улар ўтилган дарсларни қай даражада тушунгани ёки тушунмаганини баҳолашимиз мумкин. Бунда биз иштирокчиларнинг хатоларини бевосита кузата оламиз ва уларни тuzатишга ёрдам берамиз.

§ 4.4.4. МУРАББИЙЛИК ЖАРАЁНИ

Курсдан кейинги ишлаб чиқариш жараёнлари орқали иштирокчиларимизни қўллаб-қувватлаш ҳақида гап кетганда, бизнинг асосий вазифамиз – медиа-тренерлар, мураббийлар иштирокчиларимизнинг ўз олдидарига улкан мақсадларни қўйишга имкон бериш, сўнгра уларга ана шу мақсадларга эришишда ёрдам бериш тушунилади. Бу иштирокчини мураббийлик (менторлик) жараёнида қўллаб-қувватлаш ишини изоҳлайди ва қуйидагиларни ўз ичига олади: асосий мақсадларни белгилаш, режалаштириш, амалга ошириш ҳамда уларни баён этиш.

Мураббийлик жараёнининг асосий қисми – ўтилган курсдан кейин рўй берса-да, курс давом этаётган вақтда ҳам жараённинг афзалликлари намён бўлиши мумкин. Бу мураббийлик жараёнини олдиндан аниқ тушунтириш ва иштирокчиларда нималар бўлиши кераклигини равон/батафсил англаш имкониятини беради. Мазкур жараён яна шуни билдирадики, биз ҳар бир иштирокчини мураббийлик пайтида ўзлари хоҳлаган воқеа тўғрисида қарор қабул қилишга ундаганимизда, иштирокчилар бир-бирларига мақсадни белгилаш жараёнида ёрдам беришлари мумкин. Бу иштирокчини қизиқтирадиган ва ёки унга айрим қийинчиликларни туғдирадиган нарса бўлиши керак.

Айнан шу қарорларни қабул қилишда уларга ёрдам беришда биз иштирокчилардан нимани ёритишга қизиқишларини ва нима учун улар бу ҳикояга қизиқишларини сўраймиз. Шунингдек, биз уларга маълум бир воқеани ёритишни танлаш ҳақиқатми ёки йўқлигини баҳолашда ёрдам берамиз. Шу вақтда бошқа иштирокчилар билан кичик гуруҳларда ишлаш ва уларни бир-бири билан фикр алмашишга ундаш фойдали бўлиши мумкин. Иштирокчилар ҳамкасбларининг фикр-мулоҳазаларидан баҳраманд бўлишади ва ўз фикрларини

ни бошқаларга тушунтириш жараёни уларнинг тафаккурини аниқлаштиришга/кескинлаштиришга ёрдам беради.

Бу учрашувда ҳар бир иштирокчи ўз лойиҳасини тақдим этади. У лойиҳа мавзуси, қанча материал ишлаб чиқаришни режалаштираётгани, лойиҳани амалга ошириш муддати, моддий формат ва жанр ҳақида батафсил гапириб беради. Мураббийлар ва бошқа иштирокчилар ушбу тақдимотни тинглайдилар ва имкониятдан фойдаланиб, лойиҳанинг зайиф томонларини топишга ва уларни бартараф этишга йўналтирадиган муҳим саволларни беришади. Айни жараён иштирокчиларни кейинги босқичга, режалаштиришга тайёрлайди.

Қатнашувчилар нима устида ишлашни хоҳлашлари тўғрисида аниқ қарор қабул қилганларидан сўнг, бизнинг вазифамиз – уларга ҳикояни иложи борича самарали ва ижодий тарзда ёритиб бера оладиган батафсил режани ишлаб чиқишда ёрдам беришдан иборат бўлади.

Режалаштириш жараёнида биз иштирокчилардан қуйидаги саволларга батафсил жавоб олишни истаймиз.

- Амалга оширмоқчи бўлган лойиҳангизни 1-2 гап билан ифодаланг;
- Лойиҳадан мақсадингиз? Бу лойиҳа нима учун муҳим? Қандай натижалар кутмоқдасиз?
- Лойиҳа амалга ошиши учун нима қилишингиз керак? Ҳаракатлар кетма-кетлиги қанақа бўлади?
- Сизга зарур бўлган ресурсларни тасаввур эта оласизми?
- Лойиҳани амалга оширишда қандай муаммоларга дуч келишингиз мумкин? Уларни қандай ечасиз?
- Лойиҳангиз амалга ошиши учун кимларни жалб қилишингиз мумкин?
- Ўз мақсадингизга етганингизни қандай тушунасиз?



Буларнинг барчаси – жараённинг муҳим босқичлари ҳисобланади. Агар биз иштирокчиларга пухта ўйланган режани ишлаб чиқишда ёрдам бера олсак, лойиҳанинг муваффақиятли бўлишини таъминлаш учун узоқ йўлни босиб ўтган бўламиз. Мураббий сифатида асосий вазифа – иштирокчиларга бу жараёнда ёрдам берадиган саволларни бериш, холос, аслида улар учун режани ишлаб чиқилмайди.

Иштирокчилар батафсил режани ишлаб чиққандан сўнг, биз лойиҳани амалга ошириш босқичига ўтамиз. Бу вақтда қатнашчилар маълумот тўплашни, интервью ва суҳбатлар ўтказишни ҳамда ўз ҳикояларини ёзишни/ишлаб чиқаришни бошлайдилар. Кўпинча улар мустақил равишда ишлайдилар, лекин биз керак бўлганда маслаҳат бериб боришимиз керак. Барча ҳаракатлар ҳақиқий материал тайёрлаш машқлари бўлиши мумкин. Лекин менторнинг асосий мақсади - иштирокчиларга иложи борича кейинчалик қимматга тушадиган хатолардан қочишга ёрдам бериш.

Менторлик нафақат ижодий, балки ҳар бир иштирокчига индивидуал ёндашувни ҳам назарда тутишини ёддан чиқармаслик керак. Қўллаб-қувватлаш даражаси, табиийки, бир кишидан бошқасига ўтганимизда ўзаро фарқ қилади. Баъзиларга деярли ҳеч қандай ёрдам керак бўлмайди. Бошқалар эса, яъни ўз маҳорати ёки ишончига эга бўлмаганлар – устозлар билан доимий алоқада бўлишдан фойда кўришлари мумкин. Қандай бўлмасин, иштирокчилар ўз касбий ривожланиши/тараққиёти тўғрисида бемалол фикр билдириши ва ҳар қандай масалада ёрдам сўраши учун устозлар билан учрашадиган вақт ҳақида олдиндан келишиб олишлари муҳим.

Бундай устоз-шогирд учрашувлари жуда расмий бўлиши шарт эмас. Уларни мураббийлар ва иштирокчилар бир-бирларини яхшироқ билиб олишлари учун – ўзаро ишончни мустаҳкамлаш, бир-бири билан самимий ва очиқ гаплашиш учун аниқ вақт жойни келиш-

ган ҳолда ишлашлари керак. Учрашув, агар керак бўлса, онлайн тарзда ўтказилиши ҳам мумкин. Лекин улар идеал тарзда – иштирокчининг иш жойидан узоқроқ бўлган манзилда ўтказилиши тавсия этилади. Бу мунозараларнинг очиқ ва эркин бўлишини таъминлашга ёрдам беради. Чунки иштирокчилар, агар улар ҳамкасблари ёки иш берувчилари эшитиб қолишдан хавотирда бўлсалар, бу ҳақда гапиришни истамасликлари мумкин.

Мураббийликнинг якуний босқичи – иштирокчи ҳикояни ёзиш/яратиш жараёнини тугатганида, у амалиётни қандай бажаргани ҳақида ўйлашга тайёр бўлганида келади. Бу, табиийки, жараённинг муҳим қисми ҳисобланади. Чунки бу вақтда иштирокчилар ўрганганлари ҳақида ўйлашлари ва келажақда бу тренинглар/дарслардан қандай фойдаланишлари тўғрисида аниқ қарор қабул қилиб бўлган бўлишлари керак. Мураббийлик жараёнида ҳамма нарса бўлгани каби, бизнинг вазифамиз ҳам аслида иштирокчиларга нимани ўрганишлари кераклигини айтиб бериш эмас. Бунинг ўрнига, биз уларга ўзлари учун ўтилган дарслар мазмун-моҳиятини аниқлашда ёрдам беришимиз керак. Бироқ, шуни яхши англашимиз керакки, иштирокчилар ўз тайёрлаган материаллари/маҳсулотлари ҳақида нима дейишимизни эшитишни хоҳлайдилар ва биз, албатта, улар ишлашлари мумкин бўлган конструктив мулоҳазаларни беришимиз керак. Бу мавзунини кейинги бўлимда янада батафсилроқ муҳокама этамиз.

Мураббийлик иши давомида биз иккита асосий вазифани олдимизга қўямиз. Биринчиси, иштирокчиларга сифатли журналистик материални ёки ажойиб блог-постни яратишга кўмаклашиш. Иккинчиси, иштирокчиларга ўз салоҳиятини синаб кўриш ва дунёқарашини кенгайтиришга ёрдам беришдан иборат. Бизнинг асосий вазифамиз – иштирокчиларга ўз профессионал дунёсини ўзгартира оладиган кучли ҳикоялар/материаллар ёзиш қобилиятига эга эканликларини исботлашга кўмаклашишдир.

§ 4.4.5. ИШТИРОКЧИЛАР БИЛАН САМАРАЛИ ҚАЙТА АЛОҚА

Тренер мақсади - иштирокчиларни ўз ишларида дуч келадиган муаммоларга ечим топишга ва сифатли материал ҳақида мустақил фикрларини шакллантиришга ундашдан иборат. Бироқ ҳар бир иштирокчи ўзи учун муҳим деб ҳисоблайдиган нарсалар тўғрисида ўз хулосаларини чиқаришга ҳам кўмаклашишимиз зарур. Баъзида иштирокчилар ўзларининг блог-постлари ёки материаллари сифатли эканлигини аниқлаш учун керакли тажрибага эга бўлмайдилар. Бошқа пайтларда биз ана шу материалларни янада такомиллаштиришга эҳтиёж борлигини сезамиз. Айтилишича сабабдан тажрибали мураббийнинг тушунтиришларисиз иштирокчилар хато қилишда яна давом этишларини ёки юқори касбий салоҳиятга эриша олмаслиги эҳтимоллини кўрамиз. Демак, шу сабабдан ҳам қайта алоқа учун зарурат бор.

Ҳар қандай қайта алоқа жараёнининг мақсади – иштирокчининг касбий жиҳатдан ўсишига ёрдам бериш ва уни яхшироқ ишлашга ундаш бўлса-да, бу аслида қийин ёки мураккаб жараён эмас.

Қайта алоқа самарадорлигини таъминлашга ёрдам берадиган айрим тамойиллар:

- Фикр-мулоҳазалар иштирокчиларга ўз ишининг энг юқори даражаси ва ўзи истаган стандартларга қандай жавоб беришини тушуниш учун, аввало, зарур техник асбоб-ускуналар билан жиҳозланган иш шароити тўғрисида тушунча бериш имкониятини бериши керак;
- Қайта алоқа ўз вақтида олиб борилиши зарур. Яъни у тренингдан кўп ўтмай амалга оширилиши керак. Шунда мураббийнинг сўзлари иштирокчилар онгида шаклланган янги билим ва кўникмалар билан боғланиб кетади;
- Бу жараён аниқ ва батафсил бўлиши керак. Агар бу ишнинг сабабини

аниқ айта олмасак, мавжуд нарсанинг янада яхшиланишини ваъда бермаслик тавсия этилади;

- Қайта алоқалар ҳақиқий бўлиши керак. Биз иштирокчиларни рағбатлантирмоқчимиз. Лекин кимгадир “нотўғри иш” ёки “қониқарли иш” қилдингиз деб айтиш, уларга хатоларни тузатиш, ўсиш имкониятини бермайди;
- Бу конструктив бўлиши керак. Иштирокчилар ўз фикр-мулоҳазалари ва мақсадларига амал қилишлари зарур. Уларга мураббий томонидан берилаётган ҳар бир маслаҳатнинг ўсишга қандай ёрдам беришини тушунишлари/кўришлари керак;
- Ҳар доим бу жараён адолатли бўлиши зарур. Биз иштирокчилар ўз ишларида дуч келадиган қийинчиликларни тан олишимиз ва уларни енгишга ёрдам беришимиз лозим;
- Бу ҳар доим ғамхўрлик позициясидан бўлиши керак. Агар бизнинг мақсадимиз бошқаларга ўсишга ва муваффақият қозонишга ёрдам бериш бўлмаса, биз ҳеч кимга устозлик қилиш иши билан шуғулланмаслигимиз керак;
- Жараён шаффоф ва аниқ бўлиши керак. Иштирокчилар тушунмайдиган жаргондан фойдаланиш – одамларнинг қийналишига ва биз айтаётган нарсага жавоб бера олмаслигига олиб келиши мумкин.

Юқоридагилардан ташқари яна шуни ҳам алоҳида таъкидлаш керакки, қайта алоқа жараёни самимий суҳбат оҳангида бўлиши зарур. Биз шунчаки иштирокчиларга ўз фикрларимизни айтмаймиз ва улардан буни айнан қабул қилишларини кутмаймиз. Аксинча, биз мулоқотга киришмоқчимиз, яъни улар нимага эришмоқчи эканликларини билиб оламиз ва уларга ўз мақсадлари-



га эришишда ёрдам берамиз. Биз ҳам хато қилишимиз мумкинлигини тан олиб, доимо камтарин бўлишимиз зарур. Баъзида биз иштирокчилар нима қилмоқчи эканини нотўғри талқин қилсалар, биз буни англаган ҳолда, уларни тўғри йўлга солишга уринамиз.

§ 4.4.6. ЧЕК-ЛИСТЛАР БИЛАН ИШЛАШ

Қўлланманинг учинчи қисмида биз сизга чек-листлар ҳақида батафсил маълумот берган эдик. Шу билан бирга нима учун улар муҳим бўлиши мумкинлигини муҳокама қилдик. Бу қисмда эса биз мураббийлар иштирокчиларни реал/ҳақиқий топшириқларни қабул қилишдан олдин нима муҳимлигини тушунишларини таъминлаш учун чек-листлар/назорат варақларидан қандай фойдаланиш мумкинлигини муҳокама қиламиз.

Ушбу қўлланмада биз иштирокчиларга асосан иккита турдаги чек-лист билан ишлашни тавсия этамиз.

Биринчиси – учинчи қисмда муҳокама қилинган эди. Унда журналистлар зиддиятли вазиятларда диний эркинлик, бағрикенглик ва хилма-хилликка оид ҳикоялар ҳақида материал тайёрлаш билан шуғулланганлар. Иккинчисидан, иштирокчилар ҳикояларни режалаштиришда фойдаланишлари мумкин бўлган оддий лист/рўйхатдир (пастга қаранг).

Бу восита мураббийлар учун фойдали бўлиши мумкин. Чунки у иштирокчиларни ўз ҳикояларини янада такомиллаштириш/ривожлантириш учун олдиндан чуқур ўйлашга ундайди. Шунингдек, журналистлар ва блогерлар ҳар куни янги воқеалар ҳақида ёзишни бошлаганларида ишлатиши мумкин бўлган воситалар ҳам муҳим саналади.

Ментор/мураббий сифатида биз иштирокчиларнинг ўз ҳикоялари устида ишлаётганда ўзларига берилиши керак бўлган бир қатор муҳим саволлар билан таништириб, матннинг

Кейинги бўлимда биз иштирокчиларга ўз фикрларини билдира оладиган мустақил/автоном профессионал бўлишга ёрдам бериш усули сифатида чек-листларни қандай ишлатишни ўрганамиз.

ривожланишига ва ўсишига ёрдам бера оламиз. Уларни чек-листлар/назорат варақалари ва баҳолаш мезонлари билан таништириб бўлгачгина, иштирокчиларни мураббийлар кўрсатмаларисиз мустақил ишлашга тайёрлашимиз мумкин бўлади.

Бундай воситалар, шунингдек, мураббийлик жараёнида бизга фойдали маълумот манбаларини тақдим этиши мумкин. Иштирокчи ўзи тайёрланган матнни кўрсатишидан олдин, биз ундан чек-листдаги саволларга қай даражада жавоб берганлигини яна бир марта кўриб чиқишини сўрашимиз мумкин. Шундай қилиб, биз уларга мустақиллик бўлишни таклиф қиламиз, ўз потенциалларини ўзлари англаши учун имконият яратамиз.

Албатта, биз уларнинг ҳар бири чек-листда кўрсатган тамойилларни ўзлари тушуниб олганига амин бўлишимиз керак. дамлар чек-листларни баъзан нотўғри талқин қилишлари ёки ўқитувчиларнинг айтган фикрларини ҳар хил тушунишлари одатий ҳол ҳисобланади. Шу сабабдан берилаётган кўрсатмалар аниқ бўлиши жуда муҳимдир. Чунки назорат рўйхати ёки шаблон иштирокчиларнинг ўз мақсадларига муваффақиятли етиб боришлари учун кузатилиши керак бўлган йўл харитасини кўрсатиши керак.

Натижада эса моделлар/андозалар ва чек-листлар иштирокчиларни ўз ишлари ҳақида саволлар беришни бошлашлари мумкин бўлади. Бу эса уларга ўзларини ўзлари бошқаришга, мураббийлик қилишларига ёрдам беради.

Журналист ва блогерлар учун чек-листлар

Саволлар	Журналист, блогер томонидан тўлдирилади
“Низо”, “эътиқод эркинлиги ва диний хилма-хиллик” мавзуларига боғлиқ лойиҳангизни 1-2 гап билан ифодаланг.	
Бу материалнинг муҳимлиги нимада? Унинг таъсири, долзарблиги ва аудиторияси ҳақида батафсил маълумот беринг.	
Аудиториянгиз учун бу материал нимага қизиқарли бўлиши мумкин?	
Қайси саволларга лойиҳангиз орқали жавоб бера-сиз?	
Материалингизнинг манбалари кимлар бўлади? Нимага айнан ушбу манбалар? Ким билан 1-бўлиб суҳбат уюштирилиши керак? Гендерлик баланси сақланганми?	
Қандай ҳис-туйғу улашмоқчисиз? Қандай овозлардан фойдаланасиз? Кўзланган натижага эришиш учун қандай атамалар ва сўзлардан фойдаланасиз?	

Саволлар

1. Менторлик деганда айнан нимани тушундингиз? Нима деб ўйлайсиз: сиздан яхши ментор чиқадими?
2. Мураббийлик жараёнида қандай қийинчиликлар бўлиши мумкин?
3. Самарали қайта алоқага киришишнинг қайси тамойилларини биласиз?
4. Чек-лист тренинг иштирокчисининг ўз устида мустақил ишлашига қандай таъсир этади?

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Peter Du Toit – Coaching and mentoring



1-илова. | X / Y МАШҚИ

Керакли материаллар: флип-чарт, иккита – жами 4та рангли маркерлар тўплами (жамоалар ва мураббий учун), шунингдек, мавжуд натижаларни ёзиб бориш учун варақлар.

Мураббий иштирокчиларни 4 та жамоага бўлишга таклиф қилади. Жамоалар бир-биридан етарлича узоқда бўлиши учун улар хонанинг 4 та алоҳида бурчагида ўтиришади.

Тренер иштирокчиларга балл картасини тарқатади ва машқни тушунтиради.

- Ҳаммаси бўлиб 1 дақиқадан 10 та раунд бўлади (бу вақт ичида жамоалар қарор қабул қилишлари керак);
- Жамоаларга бир-бири билан гаплашиш, шу жумладан мессенжерлар ва бошқа алоқа воситаларидан фойдаланиш қатъиян ман этилади (ва мураббий ҳар доим суҳбатни кузатиб боради ва тўхтатади);
- Ҳар бир жамоа маълум рангдаги (қора, қизил, яшил ёки кўк) маркерни олади ва қарорларини фақат ўз маркери билан ёзади;

- Ҳар бир турда ҳар бир жамоа иккита стратегиядан бирини танлайди:

"X" стратегияси - "ижодий" (стратегиянинг асосий нархи - 100 балл)

"Y" стратегияси - "агрессив" (стратегиянинг асосий нархи - 300 балл)

- Барча қарорлар жамоавий муҳокама натижасида консенсус (ҳар бир жамоанинг барча аъзоларининг умумий келишуви) йўли билан қабул қилинади; овоз беришга рухсат берилмайди;
- Ҳар бир турда жамоалар эришган натижалар улар томонидан 4 марта букланган ("X" ёки "Y" ҳарфи билан – ичкарида) варақларга ёзилади ва мураббийга берилади;
- Мураббий барча натижаларни умумий жадвалга флипчартга ёзиб қўяди (ҳар бир жамоанинг натижаси жамоа олган маркер рангида);
- Жамоалар томонидан қабул қилинган қарорлар асосида 5 та овоз бериш варианты мумкин ва шунга мос равишда қуйидаги натижалар олинади:

I вариант:

Барча гуруҳлар "X" га овоз беради – барча жамоа 100 балл ютади.

II вариант:

3 та гуруҳ "X" стратегиясини танлайди – 100 баллдан ютади.

1 та гуруҳ "Y" стратегиясини танлайди – 300 балл ютқазади.

III вариант:

2 та гуруҳ "X" стратегиясини танлайди – 200 балл ютади.

2 та гуруҳ "Y" стратегиясини танлайди – 200 балл ютқазади.

IV вариант

1 та гуруҳ "X" стратегиясини танлайди – 300 балл ютади.

3 та гуруҳ "Y" стратегиясини танлайди – 100 -балл ютқазади.

V вариант:

Барча гуруҳлар "Y" стратегиясини танлайди – Барча гуруҳларга 300 баллдан ютуқ берилади.



Бошқа қоидаларга ўрин йўқ (яъни тренер бошқа масалаларда ҳеч қандай қоида йўқлигини маълум қилади).

Тренер ўйин қоидаларини тушунтириб бўлгач шундай дейди: “Бу ўйинда мен ҳамма ютишини истайман!” (Ҳамма иложи борича кўпроқ балл йиғишини, ҳаммангиз ютишингизни истайман!)

Ҳаммаси бўлиб 10 та раунд ўйналади. Ҳар бир раунд 1 дақиқадан ошмаслиги керак, яъни гуруҳларга муҳокама учун бир дақиқа вақт берилади.

Кейин тренер ўйин қоидалари ҳаммага тушунарли бўлиши учун бир демо-раунд ўйнаб олишни таклиф қилади (тренер флипчартда демо-раунд натижаларини ёзиши учун битта қўшимча чизиқ бўлишини олдиндан таъминлаб қўйиши керак).

Иштирокчилар ўйинни бошлайди: тренер вақтни белгилаб олиши керак. Бу вақт давомида иштирокчилар Х ёки Y белгиларидан бирини танлаб, қарорни қоғозга ёзиб, уни тўрт буклаб тренерга узатадилар (гуруҳ ёзган белги то бошқа гуруҳларнинг қарори чиқмагунча эълон қилинмайди, шунинг учун у сир тутулиши керак). Тренер ҳар бир гуруҳдан битта қарор варақасини олади, яъни гуруҳ аъзолари ўз варақаларида қандай қарорни қайд этганликларига қарамай, умумий муҳокамада қабул қилинган қарор тренерга берилади.

Барча гуруҳлар ўзлари танлаган белги ёзилган қоғозни тренерга узатгач, тренер бу белгиларни флипчартга (ҳар бир гуруҳнинг ўз чизиғига, ўзининг рангли маркери билан) ёзиб чиқади. Кейин баҳолаш мезони бўйича (у юқорида келтирилган) гуруҳларга балл ёзади.

Тренер иштирокчилардан, ҳаммаси тушунарлими?, деб сўрайди.

Агар иштирокчиларда қўшимча саволлар бўлмаса, тренер демо-раунд ўйини натижаларини ўчириб ташлаб, асосий ўйинни бошлайди.

Асосий ўйин давомида тренер муҳокама вақтини назорат қилиши, гуруҳлар ёзиб узатган қоғозлар буклоғини очиш пайтида вақтни озгина чўзиши, иштирокчиларнинг “сабрини синаши”, флипчартга белгиларни ёзиб бўлгач, гуруҳлар балини ҳисоблаб чиқиши ва ёзиб қўйиши керак бўлади.

5 раунддан кейин (одатда бу раундгача гуруҳлар йиққан балларда катта тафовут бўлади) тренер иштирокчиларга юзланиб: “Диққат! Ўйин шартларига ўзгартириш киритамиз! Гуруҳлар қарор қабул қилишидан олдин муҳокама ташкиллаштирамиз,” дейди. Бунинг учун ҳар бир гуруҳдан битта “элчи” сайлаб олинади. “Элчилар” аудиториядан ташқарига чиқиб (онлайн тренингда алоҳида ZOOM хонага кириб) ўзаро келишув ишларини олиб борадилар. Ўйиннинг мақсади (ҳамма ютиши керак!)дан келиб чиқиб, “элчилар” аввал ўзаро қарор қабул қиладилар.

“Элчилар” гуруҳларга қайтганида тренер яна бир эълон беради: Диққат! 5-раунд натижалари 3 га кўпайтирилди!!!

МУҲИМ ЖИҲАТ: “элчилар” ўз гуруҳларига қайтгач муҳокама натижаларини иштирокчиларга маълум қилади. Шундан кейин гуруҳ ўз қарорини қабул қилиши керак. Гуруҳ белгини қоғозга ёзиб, қоғозни тўрт буклаб тренерга узатади. Тренер барча гуруҳларнинг қоғозини олгач, уларни бирма-бир очиб, флипчартга натижаларни ёзиб қўяди.

Ўйинда аввалгидек 3 та сосий қоида амал қилади! 6- ва 7- раундлар ҳам шу тариқа ўтади.

8-раунд: тренер гуруҳлардан яна “элчилар”ни муҳокамага таклиф этади (бу сафар ҳам авалги раундда сайланган “элчилар” бўлиши мумкин). Улар аудиториядан чиқиб, кейинги стратегияни келишиб олишлари мумкин. “Элчилар” эшик ортидан қайтгач тренер иштирокчиларга бу сафар баллар 5 га кўпайтирилишини маълум қилади.

9-раунд: одатий ўтади.



10-раунд, охиргиси. “Элчилар”нинг эшик орти муҳокамаси бўлиб ўтгач, гуруҳлар қарори ва ютуқ (ёки ютқизилган) баллар 10 га кўпайтирилади.

Ўйин финали: тренер йиғилган (ёки ютқазилган) балларни ҳисоблаб, эълон қилади.

Муҳокама:

- Айти пайтда нималарни ҳис қиласиз? (Иложи борица иштирокчиларнинг ҳар бири ўз ҳиссиётларини изоҳлаб берсин);
- Ўйиндан кейинги тасуротларингизни қандай?
- Ўйин давомида нималар содир бўлди?, фикрингизни айтинг (иштирокчилар ўйин моҳиятини қандай тушунганликлари ҳақида гапирсин);
- Ўйиннинг асосий мақсадига эришишда нима халақит берди деб ўйлайсиз?
- Сизларга нима ёрдам бериши мумкин эди?

- Орангизда “сотқинлар” бўлдими?
- Ҳаётингизда шунга ўхшаш вазиятлар бўлганми?

Тренернинг изоҳлари:

- Мазкур ўйин-машқ сизларга конфликт (зиддият) нималигини ва у қандай юзага келишини тушунтириб беради. Нима деб ўйлайсиз – нега гуруҳлар орасида ва ҳатто гуруҳлар ичида келишмовчиликлар содир бўлди?
- Нима учун орангизда “сотқинлар” пайдо бўлди?
- Ўзингиз учун қандай хулосаларга келдингиз – келинг шу ҳақда суҳбатлашайлик.

Муҳокама саволлари вазиятга қараб қўйилаверади. Муҳокама якунида иштирокчиларни ҳақиқий ҳаётий вазиятларга ва айниқса, уларнинг касбий фаолиятига олиб бориш муҳим, шунда бу шунчаки ўйин эмаслиги аён бўлади.

Тренер томонидан олиб бориладиган қайднома қуйидагича бўлиши лозим:

Раунд	Гуруҳлар			
	Қизил	Яшил	Сариқ	Кўк
1.				
2.				
3.				
4.				
5.				
6.				
7.				
8.				
9.				
10.				
11.				
12.				



2-илова. | “КЕМА ҲАЛОКАТИ” МАШҚИ

Тренер ҳикоя айтиб беради ва параллел равишда флипчартга расм чизади: “Бўрон. Кема чўкиб кетди. Икки қайиқда фақат бешта инсон тирик қолган.

Бирида – денгизчи, чол ва қиз. Бошқа томондан – қизнинг яхши кўрган йигити ва унинг дўсти. Қайиқларни иккита кимсасиз оролларга олиб чиқди, улар орасида бўрон тўхтамайдиган бир бўғоз бор, шунингдек, бу бўғоз акулалар билан лиқ тўла. Қайиқ жиддий шикастланган. Қиз куёв билан учрашишга интилади ва денгизчидан қайиқни имкон қадар тезроқ таъмирлашни сўрайди. Агар қиз уники бўлишга рози бўлса, денгизчи ёрдам беришини айтади. У ғазаб билан денгизчини рад этади, чол аралашиб, денгизчини шарманда қилиши ва унинг қайлиғини унинг олдига олиб боришга мажбур қилишини сўраб чолдан маслаҳат ва ёрдам сўрайди. Аммо чол аралашини ва вазиятни тартибга солишни қатъиян рад этади, у кекса, заиф эканлигини ва бунда қатнашини истамаслигини айтади.

Қиз куёв олдига қандай бориш ҳақида ўйлашда давом этмоқда, чунки қиз уни жуда яхши кўради ва натижада денгизчига ўзини бахшида этади. У қайиқни тузатади ва эрталаб у билан тунаб, қизни бошқа оролга олиб боради.

Севишганлар ўзларини бир-бирларининг қучоғига ташлашади. Қиз куёвга уларнинг учрашуви унга қанчалик қимматга тушганини тан олади. Аммо куёв жаҳл билан уни итариб юборади. Қиз қумга йиқилади, умидсизликка тушади. Аммо кейин куёвнинг дўсти унинг олдига келиб, унга ёрдам беришини айтади. Уни қучоқлайди. Қумдан кўтариб, ҳаммасини ҳал қиламан, дейди. Қиз ва дўст бирга кетишади.”

*** Даставвал, иштирокчилар индивидуал ишлаши керак: ҳар ким фикр юритади ва шахсий фикрга кўра иштирокчилардан ким энг ахлоқсиз, ким эса унчалик эмас эканлигини белгилайди. Иштирокчиларнинг ҳар бири ўз дафтарларида 1 дан 5 гача бўлган шкала тузади, бунда 1 балл – ахлоқ нуқтаи

назаридан энг паст иш қилган қаҳрамон ва 5 балл – вазиятнинг барча қаҳрамонларининг энг ахлоқий характери. Кейин мураббий иштирокчиларни гуруҳларга ажратади, уларга топшириқ беради:

Ҳар бир иштирокчи биринчи навбатда устуворлик бўйича шахсий қарорини тақдим этиши керак, сўнгра ушбу воқеани гуруҳда муҳокама қилиши ва қаҳрамонларнинг хатти-ҳаракатларини ахлоқий нуқтаи назардан ҳамда уларнинг хатти-ҳаракатлари нуқтаи назардан баҳолаш учун бир овоздан қарорга келиши керак. Бунда беш балли шкаладан фойдаланилади. Эсда тутинг: 1 балл – ахлоқ нуқтаи назаридан энг паст иш қилган қаҳрамон ва 5 балл – қаҳрамонлар ичида энг ахлоқлиси.

Қарор овоз бериш орқали қабул қилиниши мумкин эмас. Гуруҳда муҳокама қилиш, баҳслашиш ва умумий келишув асосида қарор қабул қилиш керак. Кейин гуруҳлар тақдимот қиладилар ва нима учун бундай қарор қабул қилганликларини тушунтириб берадилар. Мураббий қарорларни флип-чартга ёзади. Бунда 1 дан 5 гача бўлган жадвал тузиш ва қаҳрамонларни расмлар орқали ифода этиш ҳам мумкин.

Мунозара:

- Ушбу машқдан кейин ўзингизни қандай ҳис қиляпсиз?
- Нима учун бундай қарорга келдингиз?
- Нима учун одамлар турли хил қарорлар қабул қилишади? Улар нимага таянади?
- Конфликт ичидаги иштирокчиларнинг бир-бирига ўхшамайдиган қадриятлари қандай намоён бўлади?
- Конфликт иштирокчиларининг қадриятлари қандай бузилиши мумкин ва аксинча, қадриятларни ҳурмат қилиш ва сақлаш орқали зиддиятни қандай ҳал этиш мумкин? Мисоллар келтиринг?
- Матбуот хизматлари зиддиятли мавзуларни ёритишда қадриятлар билан ишлашдан қандай фойдаланишлари мумкин?



Дин эркинлиги ва конфессиялараро муносабатлар соҳасидаги қонунчилик бўйича медиа эксперт учун

Техник топшириқ

Эксперт “Диний соҳани тартибга солувчи қонунлар ва ОАВда дин масалаларининг ёритилиши” мавзусида онлайн тренинг ўтказмоқда (120 дақиқа).

Тренинг давомида эксперт қуйидаги саволларни очиб беради:

1. Мамлакатимизда диний соҳани тартибга солувчи қонунлар ва меъёрий ҳужжатлар тафсилоти;
2. Марказий Осиё давлатлари ўртасидаги дин соҳасидаги ҳуқуқий базани солиштириш;
3. Оммавий ахборот воситаларида конфликтли масалаларни қонунлар ва ахлоқий масалаларни бузмасдан қандай ёритиш мумкин?
4. Иштирокчилар учун тарқатма материаллар тайёрлаш.

Динлараро муносабатлар бўйича эксперт учун техник топшириқ

Эксперт ўз мамлакати ҳудудларидан келган иштирокчилар учун онлайн сессия ўтказди.

“Динлараро ҳамкорлик ва бирдамлик” мавзусидаги тренинг давомида эксперт қуйидаги саволларни очиб беради:

1. Мамлакатдаги диний эркинлик, бағрикенглик ва хилма-хиллик ҳақида қисқача маълумот (тарихий шароитда ва бугунги кунда);
2. Жаҳон амалиётида ва мамлакатда толерантлик ва диний бағрикенглик тушунчалари бўйича шарҳлар;
3. Конфессияларнинг ўзаро таъсири ва ҳамкорлигига оид мисоллар;
4. Айрим мамлакатларда динлар ўртасидаги зиддиятни келтириб чиқарадиган омилларни аниқлаш ва ёритиб бериш;
5. Жаҳон амалиёти мисолида турли мамлакатларда диний бағрикенгликни шакллантирувчи омилларни аниқлаш;
6. Мамлакатингизда динлараро ва диний эркинлик масалалари ҳақида хабар беришни қандай яхшилаш мумкин ва ҳ.к.

4-илова. | ЧЕК-ЛИСТ

“Журналистик материалда низо тарихи ва унинг сабабларини ёритиш”

Топшириқ; Журналистик мақолани ўқинг, сўнг берилган сўровнома асосида таҳлил мезонлари бўйича “Ҳа”, “Йўқ”, “Етарли эмас” изоҳларидан бирини белгиланг.

Ҳавола: <https://t.me/joinchat/AAAAAE6kMk7VmpcqzxoC3w>

МЕЗОНЛАР	ҲА	Етарли эмас	ЙЎҚ
Материал асоси: зиддиятли вазият воқелиги етарлича очиб берилган.			
Матриалда воқеликнинг ўтмиши, унинг ҳозирги ҳолат билан боғлиқлиги батафсил/тушунарли баён этилган.			
Зиддиятга сабаб бўлган сиёсий/ижтимоий/маиший ҳолатлар аниқ ифодаланган.			
Материалда ҳар иккала томоннинг манфаатлари инобатга олинган.			
Материалда ҳар иккала томоннинг бир-бирига бўлган позицияси, шаклланиши мумкин бўлган ўзаро ҳамкорлик муносабатлари тажрибаси кўрсатиб ўтилган.			
Материалда иштирокчиларнинг ўз сўзлари билан зиддиятга сабаб бўлган воқеалар ва ҳаракатлар очиб берилган.			
Материалда конфликтнинг бир ёки бир нечта сабаблари кўрсатиб ўтилган: (ушбу хулосани киритишдан олдин 1-кун тарқатма материални диққат билан ўқиб чиқинг – “Зиддиятли вазиятларни ёритиш: журналистик ускуналар” ўқув қўлланмасидан парча)			
Чекланган ресурслар			
Инсон эҳтиёжлари			
Тизимли номутаносиблик			
Ахборот ва коммуникация			
Шахсий муносабатлар			
Номувофиқ мақсадлар			



5-илова. | ДУНЁВИЙ/ДУНЁВИЙ БЎЛМАГАН НАШРНИНГ АСОСИЙ ХАБАРИ БЎЙИЧА БАҲОЛАШ ЧЕК-ЛИСТИ

Контентнинг дунёвийлик белгилари:

- Материал асосида диний, маънавий ва муқаддас омилларга урғу берилмаган;
- Мазкур материал қаҳрамоннинг дунёвий масалаларини (соҳавий, маиший, маданий ва бошқа) ёритган

Мақола (ҳавола)	Мақола мавзусининг асосий моҳияти нимада? Аудитория нимани эслаб қолади? Юқоридаги саволларга қисқа жавоб беринг	Дунёвий	Диний

6-илова. | “ИСТАЙМАНКИ, МЕНИНГ АУДИТОРИЯМ”

Истайманки, менинг аудиториям

Тушунишни:

Эслаб қолишни:

Бажаришни:



“ЭЪТИҚОД ЭРКИНЛИГИ ВА ДИНИЙ ХИЛМА-ХИЛЛИК” МАВЗУСИДАГИ КОНТЕНТНИ БАҲОЛАШ МЕЗОНЛАРИ

№	МЕЗОНЛАР
1.	Эътиқод эркинлиги мавзусига тааллуқлилиқ даражаси - эътиқод эркинлиги мавзусига доир барча талабларга жавоб беради: батафсил изоҳлар, барча жиҳатлар, жумладан минтақавий/халқаро, ўзига хослиги/характеристики, тафсилотлар ўз аксини топган.
2.	Контент асосининг дунёвийлик хусусияти - Асосий жиҳатлар – материал диний, маънавий ёки муқаддас иқтибослардан холи. Материал дунёвий хусусиятларга ёндашган (қаҳрамонларнинг маиший, маданий, соҳавий ва б. фаолиятларига урғу берилган): <ul style="list-style-type: none"> • зўравонликдан холи; • турли эътиқод ва қарашларга бағрикенг; • турфа маданиятларга нисбатан ижобий муносабатда; • қонун устуворлиги мавжуд; • умуминсоний қадриятлар (оила, меҳр-муҳаббат, ўзликни англаш ва ҳ.к.)га таянган; • ва б.қ.
3.	Материал дин ташвиқотидан холи - Материал холис ёзилган: <ul style="list-style-type: none"> • Бирон-бир диний фаолият, дин, диний таълимот, диний қарашлардан холи; • Муқаддас диний талқинларга оид иқтибослардан холи; • Диний мавзуга оид (масалан, диний таълимотларга ишора қилувчи) маълумотлардан холи
4.	Материал холис бўлиб, унда ҳеч бир дин камситилмаган - Материалда: <ul style="list-style-type: none"> • бирор диний қарашларнинг бошқа диний қарашларга нисбатан устунлигига йўл қўйилиши; • ҳеч бир динга мансуб бўлмаганлар олдида бирор диний қарашларни афзал қўриш; • диний қарашларни камситувчи; • ҳолатлар бўлмаслиги керак.
5.	Нуқтаи назарлар мувозанати - Хабарда/янгиликда томонларнинг барча ҳуқуқлари инобатга олинган.
6.	Қабул қилиниши - Барча илмий, расмий, техник, мутахассисликка оид терминлар, атамалар оддий ва содда тилда мисоллар билан очиб берилган.
7.	Асосга зиддиятли вазият/воқеанинг сингдирилганлиги - Материал яхши изоҳларга асосланган. Зиддиятли вазият/воқеликнинг таърифи сабабларда кўрсатилган. Муаммонинг сиёсий, ижтимоий, маиший келиб чиқиш сабаблари етарлича очиб берилган.
8.	Манбалардан фойдаланиш - Материалда тарих/вазият/можарода иштирок этаётган томонларнинг расмий позициялари ва оддий фуқароларнинг қарашлари акс эттирилган кенг қўламли пухта танланган манбаларга асосланади. Манбаларнинг хусусиятлари аниқ белгиланган ва улар нима учун жалб қилинганлиги, маълумот олиш учун ишлатилганлиги аниқ. Материалда нима учун аноним манбаларнинг номлари ишлатилмагани тушунарли. Журналист қизиқарли ва долзарб маълумотларни тақдим этадиган атипик манбаларни топган.

9.	<p>“Бўлган воқеалар”га асосланиш</p> <p>- Материал “ҳаётий ҳикояга” асосланган, муаммони тушунтиради, ғояни тасвирлайди ёки ўқувчини ўзига жалб қилиш (қаҳрамон, “оддий одамлар”, ҳикоя ...) ва ҳамжамиятда диний эркинлик ва хилма-хиллик тарғиботга эътиборни жалб қилиш учун кучли инсоний ҳикояни яратади.</p>
10.	<p>Зиддиятли вазиятлар тилидан унумли фойдаланиш</p> <p>- Материалда нейтрал оҳанг сақланади. Амалдаги тил тарихий сенсациясини яратмайди. Томонлар ва уларнинг ҳаракатлари адолатли ва холис тасвирланган.</p>
11.	<p>Материал/репортажнинг фойдалилик ва таъсирчанлик хусусияти</p> <p>- репортаж/материал турли шахсларнинг (ҳокимият ва экспертлар, нуфузли раҳбарлар, оддий одамлар/уларнинг тажрибаси) фикр-мулоҳазаларига асосланади, улар мамлакатимизда дин эркинлиги ва динлар хилма-хиллиги ғояларини илгари суриш йўллари бўйича қатор таклифларни илгари суради. У оддий одамларга ушбу мавзу билан боғлиқ муаммоларга самарали муносабатда бўлиш ва уларни ҳал қилиш имконини берадиган аниқ таклифларни ишлаб чиқади.</p>
12.	<p>Бир ёқлама ёндашувдан йироқлик.</p> <p>- Материал муқобил вариантларни таклиф қила оладиган одамларнинг фикрларини ўз ичига олган ҳолда вазиятни / низоларни бошқариш ва ҳал қилишнинг конструктив усулларини кўриб чиқишга ундайди. Материал, шунингдек, тингловчиларга диний эркинлик ва жамоаларда динларнинг хилма-хиллигини тарғиб қилиш билан боғлиқ вазиятлар/низоларни ҳал қилишда биргалиқдаги ёндашувлар ҳақида маълумот беради.</p>
13.	<p>Хотин-қизларнинг жалб этилганлик даражаси</p> <p>- Материалда тарихда / вазиятда / низода иштирок этган аёлларнинг ҳам фуқаро, ҳам эксперт сифатидаги овозлари мавжуд. Эркаklar ва аёлларга таъсир қиладиган муаммолар тенг даражада ифодаланади. Аёллар тинчлик ўрнатиш ва можароларни бошқаришда, шунингдек, жамиятларда диний эркинлик ва диний хилма-хилликни рағбатлантиришда муҳим роль ўйнаши мумкинлигини таъкидлайди.</p>



8-Илова.

“ЭЪТИҚОД ЭРКИНЛИГИ ВА ДИНИЙ ХИЛМА-ХИЛЛИК” МАВЗУСИГА БАҒИШЛАНГАН “МАЗМУННИ БАҲОЛАШ КЎРСАТКИЧЛАРИ” АСОСИДАГИ НАЗОРАТ ВАРАҚАСИ

МЕЗОНЛАР	ҲА	ЙЎҚ
Эътиқод эркинлиги мавзусига мослиги.		
Контент асосининг дунёвийликка алоқадорлиги.		
Материал холис бўлиб, бирон бир дин ташвиқотини олиб бормаган.		
Материал холис бўлиб, бирон бир динни камситмаган.		
Нуқтаи назарлар мувозанати.		
Идрок қилиш/тушуниш қулайлиги.		
Асосга зиддиятли вазият/воқеликнинг сингдирилганлиги.		
Манбалардан фойдаланиш.		
“Бўлган воқеалар”га асосланиш.		
Зиддиятли вазиятлар тилидан унумли фойдаланиш.		
Материал/репортажнинг фойдалилик ва таъсирчанлик хусусияти.		
Бир ёқлама ёндашувдан йироқлик.		
Аёлларнинг жалб этилганлик даражаси.		

